

ЖОН БИВЕР

«USA TODAY» фикри бўйича энг қўп сотилган китоблар муаллифи



**ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН
ИМКОНЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ**

Қадрли дўстим,

Бизнинг ҳар биримиз Худонинг ижодимиз ва Исо Масиҳ ёрдамида хайрли ишлар қилиш учун яратилганмиз. Сиз Худонинг фарзанди бўлиш учун иноятнинг текин тўхфаси орқали юқоридан туғилгансиз ва махсус мақсад учун ўша иноят билан куч олгансиз. Сизнинг ичингизда бу мақсадни бажаришга Худо томонидан берилган ажойиб имконият – инъомлар ва қобилиятлар борлигини англайсизми?

Сиз олган ўша инъомлар, истеъдод ва қобилиятлар сиз учун берилмаган. Улар сиз орқали бошқаларга етказилиши керак. Худо бошқаларга беришни истайдиган жиҳатлар сизда бор. Бизнинг ҳар биримиз ўзимизнинг инъомларимиз ҳақида билишимиз, улардан тўғри фойдаланишимиз ва уларни бошқаларнинг фойдаси учун ва Худо Шоҳлигини ёйиш учун мақсадга мувофиқ тарзда ишлатишимиз лозим.


Ўз инъомлари ҳақида биладиган ва улар орқали ҳаракат қиладиган инсон бахтли ва марҳаматлангандир. Бошқа кишининг инъомлари орқали иш қилишга уринаётган киши бахтсиз ва ғамгиндир. Содиқлик билан, Худонинг марҳамати орқали ва Унинг Муқаддас Руҳи остида, кураш билан эмас, балки осойишталикда ўз инъомларимизни кўпайтиришга интилишимиз керак.

Сиз Унинг марҳамати ва Муқаддас Руҳи билан мукофотлангансиз ва мустаҳкамлангансиз. Дадил бўлинг ва Худо учун буюк ишларни амалга оширишда олға интилинг!

Сиз билан,



Жон Бивер
JohnBevere@gmail.com



MessengerX



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org



ЖОН БИВЕР

«USA TODAY» фикри бўйича энг кўп сотилган китоблар муаллифи



**ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН
ИМКОНИАТИНГИЗНИ ОШИРИНГ**

X: Multiply Your God-Given Potential, Uzbek, by John Bevere

© 2021 Messenger International

MessengerInternational.org

Originally published in English as X: Multiply Your God-Given Potential

Additional resources in Uzbek are available for free download and video streaming at

MessengerX.com and on the **MessengerX** App

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is

NOT FOR SALE

«X:Худо томонидан берилган имкониятингизни оширинг»,

Жон Бивер, ўзбек тилида

Copyright © 2021 Messenger International

MessengerInternational.org

Дастлаб «X: Multiply Your God-Given Potential» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.

Жон ва Лиза Биверлар томонидан қўшимча манбаларни, ўзбек тилида, **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловаси орқали бепул кўчириб олиш мумкин.

Муаллифнинг электрон манзили: JohnBevere@ymail.com

Бу китоб – «Мессенжер Интернэшнл» нинг ҳадяси ва СОТУВГА ҚЎЙИЛМАГАН.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг товар белгисидир.

Google Play ва Google Play логотипи Google LLC нинг товар белгиси ҳисобланади.

Ўғилларимизнинг гўзал рафиқаларига бағишланади...

Лиза ва мен сизларни чин қалбдан яхши кўрамыз. Сизларнинг ҳар бирингиз қуйида келтирилган хислатларга ва ҳатто бундан ортиғига ҳам эгасизлар. Лекин биз кўрсатиб ўтган хислатлар ҳаётингизда кўпроқ намоён бўлиб туради:

Жулиана

25-октябрь 2009-йилдан бошлаб,
Эдисоннинг турмуш ўртоғи.
Сен гўзал ва доносан.
Сен доим менинг биринчи қизим бўлиб қоласан.

Жессика

24-сентябрь 2018-йилдан бошлаб,
Остиннинг турмуш ўртоғи.
Сен меҳрибон ва мафтункорсан.
Сен қаерда бўлсанг, ўша жойдаги муҳит қувончга тўлади.

Крисчен

18-ноябрь 2018-йилдан бошлаб, Арденнинг турмуш ўртоғи.
Сен латофатлисан ва меҳрибон қалб соҳибсан.
Сенинг ўғлимизга бўлган севгинг ажойибдир.

Алек Бивернинг бўлажак рафиқаси.

Сени сабрсизлик билан кутаяпман.
Сени аллақачон яхши кўраман.

Сизларнинг ҳар бирингиз Лиза ва менга катта шодлик келтирасиз.

Оиламизнинг кўпайишига сабабчи бўлганингиз учун миннатдормиз.

Сиз абадий бизнинг қизларимиз бўлиб қоласизлар.

МУНДАРИЖА

БУ КИТОБ ТЎҒРИСИДА	IX
1. УМУМИЙ МАНЗАРА	1
2. БЕРИЛГАН ҚОБИЛИЯТЛАР	19
3. ЎЗИНГИЗНИ ХОЛИСОНА БАҲОЛАНГ	39
4. ИДОРА ҚИЛУВЧИЛАР	53
5. САДОҚАТЛИ	75
6. МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА КЎПАЙИШ	97
7. БУЮК КЎПАЙИШ	117
8. СТРАТЕГИК ҒОЯЛАР	135
9. САРМОЯ	155
10. РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ	177
11. МЕНГА ТАҚЛИД ҚИЛИНГЛАР	197
12. КЎПАЙИШ УЧУН ТЎСИҚЛАР I	219
13. КЎПАЙИШ УЧУН ТЎСИҚЛАР II	235
14. ЎЗ ИНЪОМЛАРИНГИЗНИ ОЧИНГ ВА РИВОЖЛАНТИРИНГ	251
15. МОЙЛАНГАН	273
ИЛОВА	285
МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ	288

БУ КИТОБ ТЎҒРИСИДА


Бу китобнинг саҳифаларида Муқаддас Китобдаги доноликни ва стратегияни топасиз. Улар мақсадингизни билиб олишга, интилишингизни кучайтиришга ва имкониятингизни ишга солишга ёрдам беради. Ҳар бир бобда ўрганганингизни ҳаётда тадбиқ қилишга ёрдам берадиган ўй-фикр учун саволлар мавжуд.

Агар сиз қандай ўсиш тўғрисида кўпроқ билишни истасангиз, мен қўшимча материаллар яратганман. Улар видео дарслар, илова қилинган йўл-йўриқ ва бошқа онлайн манбалардан иборатдир. Бу материалларни индивидуал тарзда ёки кичик гуруҳ билан бирга ишлатиш мумкин. Сиз бу манбаларни шогирдликка мўлжалланган бутун кутубхона манбалари билан бир қаторда **MessengerX.com** саҳифасида олишингиз мумкин. Миллионлаб одамлар аллақачон бизнинг манбалардан фойдаланадилар. Бизнинг мақсадимиз уларни яшаш жойига, тилига ва молиявий шароитига қарамасдан, бу манбаларни олиш имконини яратиб беришдир (бу ҳақида китобнинг ўзида кўпроқ сўз юритилади). Бизнинг саҳифамизга кириш ва бутун дунё элчилар уюшмасига қўшилиш учун бир дақиқа вақт ажратинг.

Агар сизда саволлар туғилса, мен билан ва «Мессенжер Интернэшнл» хизматидаги гуруҳим билан боғланинг.

Сизга омад тилайман!

Жон



*«Эгамиздан қўрқиш доноликнинг бошидир,
Муқаддас Худони билиш идрокдир. Чунки
донолик туфайли умрингга умр қўшилади. Доно
бўлсанг ўзингга фойда, мазах қилсанг ўзинг жабр
тортасан».*

– Ҳикматлар 9:10-12

УМУМИЙ МАНЗАРА

Бу воқеа 2012-йил содир бўлган эди. Мен дам олиш кунлари Лос Анжелес туманидаги жамоатда ваъз қилишим керак эди. Одатда хизматларга шанба кунни кечки пайтга яқин самолёт билан учиб бораман, шанба кунни кечқурунга қўйилган хизматни ва якшанба кунни эрталабки хизматни ўтказаман. Сўнг якшанба кунни кундузи уйга қайтиб кетаман. Бу сафар менинг хизматим тартибида ўзгаришлар бўлиши кутилаётганди.

Хизматимиздаги ҳамкорлардан бири Стен менинг Лос Анжелес туманида бўлишимдан хабар топиб, менга қўнғироқ қилди. У мени машҳур «Ривьера» деб аталадиган шаҳар четидаги клубда гольф ўйнаш учун таклиф қилди. Мен кўп ўйлаб ўтирмадим, чунки узоқ вақтдан буён бу клуб майдонида ўйнашни орзу қилиб юрардим. Мен кўтаринки руҳда жавоб бердим:

– Албатта, бажонидил розиман!

Гап шундаки, ўттиз беш йилдан ортиқ вақт ичидаги хизмат сафарларим ва Худо Каломини ваъз қилишим давомида баъзан, орада ўзимнинг гольф ўйинига бўлган севгимни қистириб ўтаман. Бу қизиқишимнинг натижасида дунёнинг энг яхши гольф клубларида ўйнаб кўриш учун бир нечта кутилмаган, бироқ қувонтирадиган таклифларни олдим. Албатта, бу сафар ҳам шундай таклифлардан бири бўлган эди.

Бу таклиф *ўзига хос* эди. «Ривьера» – бу кириш қийин бўлган

2 X: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ

нуфузли хусусий клубдир. Ҳар йили бу клубнинг майдонида гольф профессионал ўйинчилари уюшмасининг (ГПЎУ) давраси ўтказилади. Бу давра ўйини «Женесис инвйтэйшнл» деб номланади (илгари «Лос Анжелеснинг очиқ чемпионати» деб аталган). Бу клубда бир нечта АҚШ очиқ чемпионатлари, ГПЎУнинг мусобақалари, ҳаваскорлар орасидаги АҚШ чемпионатлари ва бошқа машҳур мусобақалар ўтказилиб келинган.

Стен шанба кунни тонг пайтида мени ўйинга олиб кетиш учун келди. Бу кун мен учун қувончли бўлишининг яна бир сабаби, яқин дўстларимдан бири Арон Бэддели бор йўғи бир йил олдин Лос Анжелеснинг очиқ чемпионати ғолиби бўлган эди. 2011-йилда дўстимга ғалаба келтирган унинг баъзи машҳур зарбаларини хаёлимда қайта тиклаб, бўладиган ўйин олдидан завқланардим!

Мен учта зарба бўйича ютқазиб (асабларим енгилиб), майдондаги дастлабки тўртта тешикчаларни ортда қолдирдим, бироқ кейин иккита зарба бўйича илгари чиқиб ўйин раундини тугатдим. Стен билан ажойиб вақт ўтказдик.

Лос Анжелес марказидаги меҳмонхонамга қайтишимизда Стен самимий савол берди:

– Жон, сенга бирмунча вақтдан буён ўйлаб келаётган саволимни берсам майлими?

– Албатта!

У ўз саволини вазминлик ва самимийлик билан берди:

– Жон, охирги йигирма йил давомида мен чарчамасдан ва ғайрат қилиб ишладим. Шу корхонамни қуришга кўп вақтимни бағишладим. Ҳозир маблағим тахминан тўққиз миллион долларни ташкил қилади. Ҳозирги мижозларим билан ишим силиққина боряпти. Узоқ йиллар давомидаги қунт билан қилинган иш натижасида турмуш ўртоғим ва фарзандларим бутун умрга молиявий жиҳатдан таъминланганлар.

Шундан сўнг у саволини айтди:

– Мен эллик ёшга кириб қўйдим ва энди илгариги суръатда ишлашимга зарурат қолдимикан? Кейинги ўн йил ичида корхоналаримнинг маблағини 35 миллионга қадар оширишга ҳаракат қилишим шартми?

Муқаддас Руҳ қандай жавоб бериш учун дарҳол донолик берди:

– Сенга бир мисол келтиришимга ижозат бер, – дедим мен. – Тасаввур қилишинг учун сенга шу гапни айтишим мумкин: «Стен, мен ўзоқ йиллар давомида қунт билан ишлаб, 80 тадан ортиқ тилда кўп миллионли тиражда чоп этилган 17 та китоб ёздим. Охириги 25 йил ичида 16 миллион километрлик йўлни ҳавода парвоз билан ўтказдим, минтақалардаги соат пояслари ўзгаришидан қийналдим, турли маданиятлар билан мулоқот қилдим, ғалати таомлар едим ва митти меҳмонхоналарда яшадим. Буларнинг ҳаммасини бутун дунё бўйлаб Хушхабарни етказиш учун қилдим. Хизматимдаги ишим силлиққина боряпти ва менинг молиявий аҳволим барқарордир. Лиза ва фарзандларим таъминланган. Энди илгариги суръатда ишлашим учун зарурат бормикан?

Жавобим кўнгилдагидек бўлди. У енгил илжайиш билан жавоб берди:

– Исо билан учрашганигда сенинг ўрнингда бўлишни истамаган бўлардим.

Мен дарҳол шундай дедим:

– Стен, ахир сен ҳам ўз корхоналаринг масаласида менга худди шу гапни айтдинг-ку.

Уни юзидаги илжайиш дарҳол йўқолди. У ўз нигоҳини катта йўлдан олиб, таажжуб билан менга қаратди. У эшитганларига ишонмасдан мендан сўради:

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Стен, Худо Ўз фарзандларидан ҳар бирига инъом берган. Бу инъомлар Унинг Шоҳлигини қуриш учун илоҳий тарзда берилган. Бироқ инъомлар бизнинг тасарруфимиздадир ва шунинг учун

4 X: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ

уларни исталган вақтда қуйидаги учта усуллардан бири ёрдамида ишлатишимиз мумкин:

Осмон Шоҳлигини қуриш учун бу инъомлардан фойдаланишимиз мумкин;

Ўз ҳаётимизни қуриш учун бу инъомларни ишлатишимиз мумкин;

Биз шунчаки бу инъомларни эътиборсиз қолдиришимиз мумкин.

Стен мени диққат билан қулоқ соларди ва мен давом этдим:

– Менинг аниқ инъомларим – ёзувчилик ва таълим беришдан иборатдир. Сенинг инъомларинг эса тадбиркорлик ва хайр-эҳсонга тегишлидир. Сен менинг мисолим устидан кулдинг, холос! Бироқ сен ҳам худди шу нарса ҳақида гапирдинг. Сенинг инъомларинг ҳам худди меники каби Шоҳликнинг қурилиши учун муҳимдир. Аслини олганда улар муҳимроқ ҳам бўлиши мумкин, бироқ сен умумий манзарани кўрмаяпсан.

Биз бу мавзуда гапиришни давом эттирдик. Сўхбат давомида Стеннинг фикри ва муносабатининг тез ўзгаришини кузатиш қувонарли эди.

Олти ойдан сўнг Стендан ҳол-аҳвол сўраш учун унга қўнғироқ қилдим. Бизнинг ўртамизда унутиб бўлмайдиган сўхбат бўлиб ўтди.

– Салом, Стен, аҳволинг қандай?

– Тўғриси билишни истайсанми? – бу мен учун кутилмаган жавоб бўлди.

– Ҳа, албатта!

– Олти ой олдин айтган гапларинг менга яхши маънода тинчлик бермади.

– Хўп, сен нима қилишни бошладинг?

У кулиб дарҳол жавоб берди:

– Шоҳликнинг қурилиши учун корхоналаримнинг маблағини 35 миллион долларга қадар ошириш учун жон-жаҳдим билан ишляпман.

– Жуда соз!

Стен Худо Шоҳлигини кенгайтиришда ўзининг кузатувчи эмаслиги ҳақидаги ҳақиқатни билиб олди. У кўпчилик буни билмаганлиги учун имкониятни қўлдан бой бераётганини кўрди. У ўзининг қобилиятлари фақат вақтинчалик ҳаёт учун эмас, балки абадийлик учун ҳам қадрли эканини тушунди. Ҳозир у ўзи ва оиласидан ҳам муҳимроқ бўлган мақсад учун инъом олганини тўлиқ англаб етган. Мен унинг ростгўйлиги, самимийлиги ва камтарлиги учун миннатдорман. Бу хислатлар унинг ҳаётини ўзгартирган ҳақиқатни қабул қилишига имкон берди. Унинг гувоҳлиги орқали нафақат унинг ҳаёти, балки яна бошқа кўпчиликнинг ҳаёти ўзгарди.

Фикрнинг ойдинлашуви эвазига, ҳозир Стен ўсиш сари интилмоқда ва унинг мисоли китобни ёритиб беришга хизмат қилади. Афсуски, сафарларим ва имонлилар билан мулоқотларим давомида кўпчилик Стен илгари фикрлагандек ўйлашини аниқладим. Аслида, менимча, кўпчилик шундай деб ўйлайди. Кўпчилик Стен каби дадиллик билан эътироф қилмайдилар, бироқ суҳбатлар давомида бу фикрлаш тарзи юзага қалқиб чиқади.

Агар сиз ўзингизнинг даъват қилинганингиз ҳақида иккиланаётган бўлсангиз, у ҳолда бу китоб сизнинг қўлингизга тушганлигидан жуда хурсандман. Мен сизнинг ҳам фикрлашингизнинг ўзгаришига самимий умид қиламан.

Худди Стенга ўхшаб, ўзингиз билан ростгўй бўлинг. Бу эса сизнинг умумий манзарани кўришингизга ёрдам беради. Бу камтар ҳолатда сиз ўзингизнинг ноёб инъомларингизни кашф қиласиз ва уларни Осмон Шоҳлиги қурилиши учун ўстиришингиз мумкинлигига қатъий ишонасиз. Сиз ҳам ўз чўпонингиз ва мен каби даъват қилингансиз. Сизнинг ҳам бурчингиз буюк Билли Грэмнинг ёки ҳар қандай бошқа машҳур хизматкорнинг бурчи каби ҳақиқийдир.

Ўз бурчингизнинг таъсирини кенгайтириш мақсадида инъомларингизни қандай аниқлаш, ривожлантириш ва энг муҳими, ўстириш ҳақида гаплашимиз. Бу китобда Худонинг Каломи ва ҳикоялар, имонингизни мустаҳкамлайди ва самарадорлигингизни

сезиларли даражада оширади. Мен буни бировлардан эшитиб гапирмаяпман. Мен ушбу китобни ёзганимда ва таҳрир қилганимда бу ўзгаришлар менда содир бўлди.

МАҚСАД БИЛАН – АЛОҲИДА МАҚСАД УЧУН ТУҒИЛГАН

Келинг, Муқаддас Китобдаги машҳур оятни ўрганиш билан бошлайлик:

«Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютуғингиз эмас. Яна ҳеч ким: “Мен савоб ишларим туфайли қутулганман”, деб мақтанмасин» (Эфесликлар 2:8-9).

Бу иккита оятда Худонинг инояти ҳақида сўз юритилмоқда. Биз иноят орқали нажот топганимиз мутлақо аниқ ва бу Худонинг туҳфасидир. 21-аср жамоати бу ҳақиқатни жуда яхши етказди. Биз бенуқсон даражада ғайрат билан ишлаш, пок ҳаёт кечириш, қурбонлик қилиш орқали Яратувчимиз – Қудратли Худо билан абадийликни бирга ўтказиш имтиёзига лойиқ бўлишга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Ушбу машҳур инжил ояти бу муҳим ҳақиқатни очиб берувчи Муқаддас Китобнинг асосий жойларидан бири ҳисобланади. Бироқ бундан кейин ёзилган оятни эътиборсиз қолдирдик:

«Ахир, биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масих орқали яратди, бу ишларни биз учун азалданоқ тайёрлаб қўйган эди» (Эфесликлар 2:10).

Тўққизинчи оятдан сўнг келган биринчи сўз «ахир» эканига эътибор беринг. Бу сўз иккита фикрни бирлаштирадиган боғловчи ҳисобланади. Бошқа сўзлар билан айтганда, бу фикрнинг биринчи қисми яқунланган эмас. «Ахир» сўзи «чунки, шу сабабга кўра» маъноларини англатади. Айнан шунинг учун саккизинчи ва тўққизинчи оятлардан парча келтирганда, ўнинчи

оятни эътиборсиз қолдириш керак эмас. Акс ҳолда бу парчанинг маъносини тўлиқ тушуниб етмаймиз.

Ўнинчи оят биз алоҳида мақсад – хайрли ишлар қилиш учун Унинг ижоди сифатида яратилганимизни таъкидлайди. Аслини олганда бу учта оятларда Павлус қуйидагини назарда тутган:

«Биз иноят билан қутқарилганмиз ва ушбу иноят биринчидан, *бизнинг кимлигимизни* – Худонинг фарзанди бўлишимизни белгилайди ҳамда нимадир қилишимиз учун бизни мустаҳкамлайди».

Биз ҳеч қачон бир ҳақиқатни эътиборсиз қолдириш ҳисобига бошқа ҳақиқатга ҳаддан ташқари аҳамият қаратмаслигимиз керак. Бироқ қуйидаги фикрни таъкидлашимга ижозат беринг. Бизнинг Масихдаги ўзига хослигимиз ишларимиздан анча муҳимроқдир, чунки қилган барча ишларимиз ўзимизнинг ким эканимиздан келиб чиқиши лозим.

Ишларга тегишли бўлган ҳақиқатдан четга чиқиш осон. Бу Шоҳликни қуриш учун меҳнат қилишимиз лозимлиги билан боғлиқ ҳар қандай босимдан бизни халос қилади. Одамлар шундай йўл тутганини кўриш ачинарли, чунки айнан бизнинг ишларимиз бизга куч бағишлайди. Исо шундай дейди: «Менинг овқатим – Мени Юборганни иродасини адо этиш, Унинг ишини тугатишдир» (Юҳанно 4:34). У яна дейди: «Осмондаги Отам Мени дунёга юборгани сингари, Мен ҳам сизларни дунёга юборяпман» (Юҳанно 20:21). Бу иккита фикрни бирлаштирганимизда бизнинг овқатимиз – бу бизни юборган Исонинг иродасини адо этиш ва тугатиш эканини аниқ кўраемиз. Овқат – бизга куч беради. Агар биз овқат емасак, заифлашамиз ва кам фойда келтираемиз.

Келинг, буни биз руҳий ҳаётга тадбиқ этаемиз. Агар бизни юборган Исонинг иродасини адо этмасак, биз заифлашамиз. Заифлашгандан сўнг, васвасалар қаршисида ҳимоясиз бўлиб қоламиз.

Исо билан қирқ йилдан ортиқ бирга юриш давомида одамларнинг имондан узоқлашиши сабабларидан бири

«ишлар»нинг етишмаслиги эканини пайқадим. Улар ўзларининг бурчига нисбатан ялқов ва бепарво кишиларга айланадилар ва ҳатто, қандай ичкиликбозликка ва ахлоқсизликка ботганларини сезмай қоладилар ёки улар ўзларини қайтадан дунёвий ҳаёт тарзига тортадиган ишларга бериладилар. Улар ўзларининг руҳий кучини йўқотадилар. Моҳият қуйидагича:

Бизнинг қилган ишларимиз бизга куч беради.

Демак, ўша учта оятлардаги ҳақиқатни такрорлашимга ижозат беринг. Сиз Худонинг фарзанди бўлиш учун текин иноят тўхфаси орқали юқоридан туғилгансиз ва шунингдек, ҳаракат қилишингиз учун ўша иноят билан таъминлангансиз. Худонинг Каломи ҳар бир хайрли ишимизни, Худо илгаридан режалаштириб қўйганини айтади. Довуд шундай деб ёзган:

«Кўзларинг кўрган эди ҳомила эканимни. Менга ажратилган кунлар келмасдан, ҳаммаси китобингга ёзилган эди» (Забур 138:16).

Сиз қилишингиз керак бўлган ишларни ҳали туғилишингиздан аввал Худо аллақачон режалаштириб қўйган. У ҳатто уларни Ўз китобига ёзиб қўйган! Бу китобнинг қанчалик катта эканини фақат тасаввур қилиш мумкин, чунки унда ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси ёзилган. Унинг биз учун режалаштирган вазифалари Унинг Шоҳлигини қуриш билан боғлиқдир. Унинг энг буюк истаги - Унинг Шоҳлигини биз қуришимиздир, аммо бизнинг бу ишни амалга оширишимизга кафолат йўқ. Эфесликлар мактуби 2-боб 10-оятдаги “қилмоқ” сўзига эътибор беринг. Бу оят бизнинг бу ишларни албатта, қилишимизни назарда тутмайди. Айнан шу ерда бизнинг эркин иродамиз аралашади. Худо биз қилишимиз зарур бўлган ишларни олдиндан тайёрлаб қўйган, бироқ биз Унинг режаси бўйича ҳаракат қилишни ўзимиз қарор қиламиз.

Биз имонлилар ҳукм қилиниш учун Исонинг олдида турганимизда (бу ҳукмда ўзимизнинг масиҳий хизматимиз учун мукофотланамиз ёки бепарволигимиз учун талофот кўрамыз), У китобни очади ва дейди: «Мен ва Отам сен учун кўзлаб қўйган

дастлабки режамизни, сен кечирган ҳаётинг билан солиштириб кўрайлик». Ҳукм ҳақида гапирилганда Муқаддас Китобнинг иккита турли оятида «китобларнинг очилгани» ёзилади (Дониёр 7:10 ва Ваҳий 20:12-оятларига қаранг). Худо ҳаётимиз ҳақидаги бу китобларни, биз туғилишимиздан аввал ёзганига ишонаман. Бизнинг шахсий бурчимизга келсак, биз қилган ишларимиз учун эмас, балки даъват қилинган ишимиз учун ҳукм қилинамиз. Бу ҳушимизни жойига соладиган фикрдир.

Буни ўқиб, сиз бироз ваҳимага тушингиз мумкин. Илтимос, ваҳимага тушманг! Сиз эътиборга олишингиз керак бўлган учта далил бор. Биринчиси, Худо Ўзи даъват қилганидек, сиз ўзингиз қила олишингиз мумкин бўлганидан ҳам кўпроғини қилишингизни истайди. Шунинг учун Худонинг, Ўз режаларини сиздан яшириш нияти йўқ. У сиз ўз бурчингиз ҳақида анча кўпроғини билишингизни истайди! Иккинчидан, бурчингизнинг мукамаллиги томон ўсиш жараёни, кишининг йўлни босиб ўтишига ўхшайди. Бу бир соат ичида содир бўлмайди. Шунинг учун сабрсизликка берилиш истагини енгинг. Учинчидан, ушбу китобда ҳам Муқаддас Китобдан, ҳам шахсий тажрибадан олинган мисолларни топасиз ва бу мисоллар бурчингизни аниқлашга, ривожлантиришга ёрдам беради.

Мазкур мисол буни тушунтиришга ёрдам беради. Тасаввур қилинг, мен шаҳар марказига яқин жойда яшаш учун мўлжалланган, кўнгили очадиган ва савдо мажмуаси бўлган бинолар қуришни истаётган шаҳар қурувчисиман. Шаҳар қурувчиси бўлиш билан бирга мен бош меъморман ва малакали қурувчилар ва меъморлар билан бирга асосий режа лойиҳасини тузаяпман. Мен бу қурилиш мажмуасида ўйин ва спорт майдончалари, аттракционлар, фавворалар, дам олиш жойлари ва пиёдалар йўли қурмоқчиман. Бундан ташқари мен мажмуамизни ўзига хос қилиш учун кўп қаватли турар жой биноларининг биринчи қаватида шахобчалар жойлаштиришни ҳамда ресторанлар, кинотеатрлар ва бошқа ижодий иншоотлар қуришни режалаштираман.

Лойиҳа тузишни ниҳоясига етказиб, менинг асосий режамнинг турли қисмларини бажариши керак бўлган пудратчиларни танлайман. Мен уларни ёллайман ва уларга топширилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилайман. Шунда менинг лойиҳам ишга тушиш учун тайёр бўлади.

Агар ҳамма пудратчилар менинг кўрсатмаларимга риоя қилсалар, бу катта лойиҳанинг қурилиши енгил ва силлиқ ўтади. Бироқ агар баъзи пудратчилар учун бу лойиҳа биринчи галдаги вазифа бўлмаса, нима бўлади? Агар улар топшириқни олсалар, лекин қурилиш учун ажратилган вақтни бошқа ишлар учун сарфласалар, нима бўлади? Агар улар балиқ овлаш, гольф ўйнаш ёки спорт тадбирларига боришга кўп вақт ажратиб, ишни қаровсиз қолдирсалар, бунинг оқибати қандай тугайди? Агар бошқа пудратчилар дангасалик қилсалар ва ўз ишларига жиддий ёндашмасаларчи? Агар мен бу пудратчиларга тўлиқ боғлиқ бўлсам, у ҳолда лойиҳа ҳеч қачон ўз муддатида бажарилмайди. Тўғрироғи, улар лойиҳани ҳеч қачон тугатмайдилар.

Пудратчилар ўз вақтлари ва истеъдодларидан қандай фойдаланишни ўзлари биладилар. Бироқ шаҳар қурувчиси сифатида мен жиддий кечикишларга ёки бу лойиҳа ҳеч қачон яқунланмаслиги эҳтимоли бўлишига йўл қўймайман. Бунинг ўрнига мен ишни бажариш учун бошқа пудратчиларни таклиф қилишга мажбур бўламан.

Натижада, нима содир бўлади? Биринчи пудратчилар бу ажойиб мажмуанинг қурилишида қатнашгани учун ҳурматга сазовор бўлмайдилар. Улар ўз фарзандларига, невараларига ва дўстларига шаҳарнинг бундай чиройли қисмида ўзларининг ишларини кўрсата олмайдилар. Уларнинг фарзандлари бошқаларга, ўзларининг ота-оналари қилган ишларини гапириб бера олмайдилар. Пудратчилар олган топшириқлари учун тўлов сифатидаги мукофотдан ҳам бебаҳра қоладилар.

Сиз бу қоидани бутун Муқаддас Китоб давомида кўришингиз мумкин. Худода Ўз Шоҳлигини қуриш учун асосий режа бор. Бироқ тарих давомида Худо Ўз истагини бажармаган одамлар

билан иш юритишига тўғри келган. Шунинг учун У кўпинча Ўзининг дастлабки режасига ўзгартиришлар киритишига тўғри келган. Мен шунчаки инсоний тушунчалардан фойдаланаяпман, чунки Худо охири ва бошини билади. У вақтнинг тасарруфида эмас. Шунинг учун режанинг “ўзгариши” Унинг учун қутилмаган ҳодиса ҳисобланмайди. У олдиндан Ўз ишчилари нима қилишини билган ва У бу ишчиларни алмаштиришга аллақачон тайёр бўлган.

Қуйидаги бир нечта ҳикоялар Муқаддас Китобдаги кўплаб мисоллардан баъзиларидир. Сиз бунини Иброҳимнинг отаси Тераҳ мисолида кўришингиз мумкин (кенжа ўғлим Арэн яқинда менга бу ҳақиқатни эслатди). Кўпчилигимиз Иброҳимни Худо Канъонга боришга даъват қилишидан илгари у Халдейдаги Ур шаҳрида туғилганини ва вояга етганини биламиз. Бу воқеада яна бир ҳақиқат бор. Агар сиз Иброҳимнинг отаси Тераҳ ҳақида диққат билан ўқиб чиқсангиз, Худо дастлаб Тераҳни даъват қилиш учун танлаганини аниқлайсиз. Келинг, бу ҳақида ўқийлик:

«Тераҳ ўғли Ибромни, Ҳараннинг ўғли – набираси Лутни, Ибромнинг хотини – келини Сорайни эргаштириб, Халдийдаги Ур шаҳридан чиқиб, Канъон юртига қараб йўл олди. Улар Харан шаҳрига келишгач, ўша ерда ўрнашдилар. Тераҳ 205 ёшида Харанда оламдан ўтди» (Ибтидо 11:31-32).

Бу воқеада биз иккита нарсани инобатга олишимиз керак. Биринчидан, кимга бирор сабабсиз ўз оиласи билан Ур шаҳарини тарк этиш ва Канъон ери каби кўримсиз жойга етиб бориш учун минглаб километр юриш зарур бўлади? Туяларда сафар қилиш секин ва машаққат билан амалга ошади. Аёллар ва болалар билан бу сафарга энг камида бир неча ойлар талаб қилинади. Ўша пайтда Тераҳда интернетга кириб, расмларни кўриш ҳамда яшаш ва ишлаш учун Канъоннинг ажойиб жой экани ҳақидаги мақолаларни ўқиш имкони бўлмаган. У бу ҳақида ижтимоий тармоқлардан ҳам эшитмаган. У тўсатдан узоқ масофага кўчиб ўтиши учун бирор-бир сабаб бўлиши керак эди.

Иккинчидан, агар у Канъонга қараб йўл олган бўлса, нима

учун Харанда қолиб ўрнашди? Нима учун у манзилга етиб олиб ўз сафарини тугатмади? Эҳтимол, у сафарни тўхтатиш учун васвасага учрагандир? Эҳтимол, унинг ўзида сафарни давом эттиришга тўсқинлик бўлиб хизмат қилган истаклар туғилгани, унинг оила аъзоларидан бирортаси бу сафардан чарчагани ёки бошқа чалғитадиган вазиятлар пайдо бўлгани сабабли Канъонга етиб бормагандир? Эҳтимол, у Харанда кўпроқ имкониятларни кўргандир ва Худодан олган бор-йўғи битта сўз учун таваккал қилишни истамагандир?

Буларнинг барчасини инобатга олиб, Тераҳ “кўплаб халқларнинг отаси” бўлиши учун Худо танлаган биринчи киши бўлган деган хулосага келишимиз мумкинми? Айнан у бугунги кунда Иброҳимга берилган “имон отаси” деган номни олиши керак эмасмиди? (Римликлар 4:16-17-оятларига қаранг)?

Тераҳ охиригача бормасликка қарор қилган ва Харанда ўрнашиб қолган. Агар у ўз йўлидан четга оғмаганида, биз ҳозир унинг саргузаштлари ва Худо билан тузган аҳди ҳақида ўқиб ўтирган бўлар эдик деб ишонаман. Исроил уни ўз отаси деб атаган бўлар эди, Исо “Иброҳим зурриётидан” эмас, балки “Тераҳ зурриётидан” деб аталган бўлар эди деб ишонаман (Галатияликлар 3:16).

Худонинг асосий режасидаги ўзгартиришга оид бошқа бир мисол – бу ҳакам ва олий руҳоний Элий воқеасидир. У ва унинг авлодлари халқ учун Худо олдида туришлари керак эди. Бироқ Элий олдига пайғамбар юборилди ва шу гап айтилди:

«Шунинг учун Мен, Исроил халқининг Худоси – Эгангиз, айтаманки, авлодинг ва отангнинг авлоди Менга абадий хизмат қиладилар, деб айтган бўлсам ҳам энди бундай бўлмайди! Мени иззат қилганни Мен ҳам иззат қиламан, Мени хор қилган эса шарманда бўлар. Шундай кунлар яқинлашмоқда: Мен сенинг ва отангнинг хонадонини йўқотаман. Натижада, хонадонингдаги ҳамма кимса ажалидан беш кун бурун ўлади» (1-Шоҳлар 2:30-31).

Элийнинг итоатсизлиги унга ва унинг авлодига таъсир қилди. Агар Элий Худога иззат қилганида, унинг оиласи руҳонийлик хизматини сақлаб қолган бўлар эди.

Яна бир мисол сифатида Сулаймондан бошлаб Довудгача бўлган Исроилнинг ҳамма шоҳларини мисол келтириш мумкин. Худо унга шундай деди: «Модомики, сен билан қилган аҳдимни ва сенга амр қилган фармонларимни била туриб бажармаган экансан, Мен энди шоҳликни сендан тортиб оламан ва тобе одамларингдан бирига бераман» (3-Шоҳлар 11:11). Агар Сулаймон содиқ қолганида, шоҳлик унинг ўғли Ерибомдан ҳеч қачон тортиб олинмаган бўларди. Шоҳликнинг катта қисми Ерибомга топширилган, лекин кейинчалик у ҳам садоқатсизлик кўрсатган. Худо унга шундай дейди:

«...сени халқинг орасидан юксалтириб, халқим Исроил устидан ҳукмдор қилдим. Шоҳликни Довуд хонадонидан тортиб олиб, сенга бердим. Бироқ сен қулим Довудга ўхшаган бўлмадинг. У Менинг амрларимга риоя қилиб, бутун қалби билан Менга эргашар, олдимда тўғри ишларнигина қиларди. Сен ўзингдан олдин ўтганларнинг ҳаммасидан ҳам кўп ёмон ишлар қилдинг. Ўзинг учун бошқа худоларнинг тасвирларини ясаб, Мени ғазаблантирдинг. Мендан юз ўгирдинг. Ана шу қилмишларинг эвазига хонадонингга балою офат келтираман....» (3-Шоҳлар 14:7-10).

Ерибом сулоласи ўз мавқеи ва инъомларини суистеъмол қилмаганида эди, у мустаҳкам турган бўлар эди. Бироқ бу сулола ўз мавқеи ва инъомларини Худо Шоҳлиги равнақи учун ишлатиш ўрнига улардан шахсий манфаати учун фойдаланди. Исроил шоҳи Башо ва шоҳлик ишониб топширилган бошқа шоҳлар ҳам шунга ўхшаган танбеҳни оладилар.

Гап шундаки, Худонинг даъватига садоқатсизлигимиз нафақат бизга, балки бизнинг авлодларимизга ҳам таъсир қилади. Бу Тераҳ билан содир бўлмасада, бошқа кўпчилик билан содир бўлди.

Биз пайғамбарлар орасида ҳам шунга ўхшаш вазиятни

кўрамиз. Элишай Илёс пайғамбарга хизмат қилган ва у Илёснинг пайғамбарлик руҳидан икки ҳисса мерос олган эди. Бироқ йиллар ўтиб, Элишайнинг хизматкори – пайғамбарнинг инъомини олиши керак бўлган Гаҳаз муҳим нарсани кўздан қочирди ва ўз бурчини йўқотди. У тери касаллигига дучор бўлди ва ўзи даъват қилинган хизматни тарк этди (4-Шоҳлар 5:20-27). Янги хизматкор (унинг исми кўрсатилмаган) Гаҳазнинг ўрнини эгаллаб, Элишайнинг ёрдамчисига айланган.

Янги Аҳдда бу Яҳудо Ишқариёт билан қандай содир бўлганини кўрамиз. У ўзининг бурчи ва инъомларини суистеъмол қилгани сабабли, уни алмаштириш керак бўлади. Бутрус болохонада ўз шогирдларига деди: «Забур китобида шундай деб ёзилган: «...Унинг ўрнини бошқаси олсин.» Шунга кўра биз Яҳудонинг ўрнига бошқа бир одамни танлашимиз керак» (Ҳаворийлар 1:20-22).

Бу қанчалик қайғули ва ачинарли! Ўз даъватидан ва инъомларидан муносиб тарзда фойдаланмаган кўп одамлар, қандай афсусланиши ҳақидаги фикр бизни ҳушёр қилиши мумкин.

Сўхбатимизнинг ижобий томонига қайтар эканмиз, сиз азиз китобхон, мақсад билан – махсус мақсад учун туғилгансиз деб таъкидлайман. Сизнинг ҳаётингиз абадий бўлган Шоҳликнинг қурилишида жуда қадрлидир. Бу оддий одамларнинг иродаси эмас, балки Худонинг иродаси ҳисобланади.

ЎЗ САМАРАДОРЛИГИНГИЗНИ СИЗ БЕЛГИЛАЙСИЗ

Бу сизни жуда ҳайрон қолдириши мумкин. Чунки сизнинг қай даражада самарадор бўлишингиз Худога эмас, балки ўзингизга боғлиқ. Агар сиз ҳаётингиздаги ҳамма ютуқлар Худо қудратининг натижаси деб ҳисобласангиз, у ҳолда сиз бу фикрни Худога ҳурматсизлик деб ўйлашингиз мумкин. Бироқ мен сизни ишонтириб айтаманки, бу фикр Худога нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланмайди ва Унинг қудратини ҳеч қандай тарзда пасайтирмайди. Бу ҳақиқат Худонинг бизга ишониши ва Ўзи бизга берган эркин иродани Ўз ўғиллари ва қизлари намоён қилишини исташи ҳақида гувоҳлик беради.

Келинг, бу бобни очиб берадиган Муқаддас Китобдаги оятни яна ўқийлик:

«Эгамиздан қўрқиш доноликнинг бошидир, Муқаддас Худони билиш идрокдир. Чунки донолик туфайли умрингга умр қўшилади. Доно бўлсанг ўзингга фойда, мазах қилсанг ўзинг жабр тортасан» (Ҳикматлар 9:10-12).

Бу ҳақиқат кишини чиндан ҳам руҳлантиради ва таъсир қилади! «Умрингга умр қўшади» ибораси нимани англатади? Бу иборанинг маъноси фақат умрга умр қўшишни англатмайди. Бу оятдаги иборада яна бир муҳим маъно шундан иборатки, унда ҳар куни сизнинг самарадорлигингизнинг ошиб бориши ҳақида гапирилади. Бошқа сўзлар билан айтганда, Худонинг донолигига эга бўлмаган кишидан кўра, сиз ҳар бир кундан кўпроқ самара оласиз.

Ҳикматлар китобидаги манашу оятни эшитган бўлсангиз керак: «Агар болта ўтмас бўлса-ю, уни ўткирламасанг, уни ишлатиш учун кўпроқ куч керак бўлади. Мана, доноликдан қандай фойда бор экан» (Воиз 10:10). Бу ерда донолик ҳақида сўз юритилмоқда. Сиз ўтмаслашган болта билан (доноликсиз) ҳақиқий самарали ва сермахсул бўла олмайсиз. Шунингдек, сиз ўткир болта билан (донолик билан яшаб) анча кўп дарахтларни кесиб қулатишингиз мумкин. Сиз ўша кучни сарфлаб кўпроқ натижани қўлга киритасиз.

Худонинг донолиги ўта муҳимдир. Бу китобнинг давомида имонли сифатида кўп ўн йилликлар давомида самарасиз бўлган, пировардида ўзининг суст ҳолатидан чарчаган бир дўстим ҳақидаги воқеани гапириб бераман. У дастлаб олти ой давомида Муқаддас Китобнинг мутооласига берилган. Шундан сўнг у кўпроқ самарадорлик учун донолик олган. Сиз унинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоядан ҳайрон қоласиз.

Худонинг Каломи нафақат менинг дўстимга, балки ҳаммамизга гапиради: «Доноликнинг боши шудир, доно бўл, бор-йўғингни бериб бўлса ҳам, идрок ол» (Ҳикматлар 4:7). Менга бу оят ёқади. Сиз бу ҳақиқатга ишонишингиз билан, доноликни қўлга киритиш

учун вақтингиз ва кучингизни бағишлайсиз. Бироқ Ҳикматлар 9:11-12 оятлардаги буюк ҳақиқат қуйидагидан иборат: сиз доноликка эга бўлишингиз биланоқ ўзингиз ундан фойда кўрасиз!

Бу китобда мен Худонинг донолиги билан бўлишаман. Бу доноликни қўлга киритиш учун менга йиллар давомида изланишлар, ибодатлар ва тинглашлар билан биргаликда, ҳам ижобий ва ҳам салбий тажриба зарур бўлди. Лекин сиз бу китоб орқали нафақат мен, балки мен сўхбатлашиш имконига эга бўлган бошқа кишилар ҳам донолик билан йўл тутганини ва жуда кўп ҳосил келтирганини билиб оласиз. Сиз мен учун кўп йиллар сарф бўлган натижага қисқа вақтда эришасиз ва мен бўлишаётган донолик билан сиз анча узоқроққа борасиз деб умид қиламан. Бу Шоҳлигимиз юмушидир. Бизнинг ҳаммамиз бирмиз ва агар сиз ғалаба қилсангиз, мен ҳам ғалаба қилган бўламан. Агар сиз мақсадимиз сари менга қараганда илгарироқ кетсангиз, бу ҳам менга фойдали бўлади, чунки биз бирмиз. Бизнинг ҳаммамиз умумий мақсад ва ягона Шоҳимиз шўҳрати учун меҳнат қиламиз.


СИР

Келинг, навбатдаги бобга савол билан ўтайлик. Сиз кўпчиликка маълум бўлмаган, бироқ у тўфайли сизнинг имкониятларингиз ошадиган ва илгариги натижалардан ошиб кетишингиз мумкин бўлган сир ҳақида билишни истаган бўлар эдингизми?

Ўйлайманки, ҳа деган жавобни оламан! Ахир, бундай сир ҳақиқатдан ҳам мавжуд. Биз бу яширин ҳақиқатни юзага чиқармоқчимиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Эфесликларга 2-боб 10-оятига кўра сиз қилишингиз керак бўлган ишларни Худо сиз туғилишингиздан аввал режалаштириб қўйган. Сиз бирор марта бу режалар ҳақида билишни истагансизми? Уларни аниқлаш учун сизга нима халақит берган?
2. Сиз мақсад билан – махсус мақсад учун яратилгансиз. Стен воқеаси нуқтаи назаридан ўз инъомларингиз ва қобилиятларингизга қандай қарайсиз? Сиз уларни Худо Шоҳлиги қурилиши учун муҳим деб ҳисоблайсизми? Ёки сиз ҳам Стен каби умумий манзарани кўрмаяпсизми?
3. Худонинг иродасини бажариш бизни мустаҳкамлайди. Сиз ҳозир қилаётган ишлар сизни мустаҳкамлаяптими? Сиз ҳозир шуғулланаётган ишингиз ўзингизга ёқадими? Агар ишингиз сизга ёқмаётган бўлса, у ҳолда нима учун қаноатланиш ҳиссига эга эмассиз?



*Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил инъомларга
эгамиз. Шунинг учун, кимда пайғамбарчилик
инъоми бўлса – имоннинг миқдорига яраша
пайғамбарчилик қилсин.*

– Римликлар 12:6

БЕРИЛГАН ҚОБИЛИЯТЛАР

Менинг Жим исмли дўстим бор. У 18 йил давомида юқори синф ўқувчилари орасидаги баскетбол гуруҳининг мураббийси бўлган. Шу вақт давомида унинг гуруҳи бирор марта ҳам штат чемпионати ғолиблигини қўлга кирита олмаган. Ҳар йили улар ёки маҳаллий финал ўйинларда, ёки штат чемпионатига етиб олишган тақдирда ҳам, ўйиннинг дастлабки босқичида бой бериб келишган.

Жим менга ўз воқеасини сўзлаб берди:

– Менинг ҳафсалам пир бўлди ва мен ҳаммасини ташлаб кетишга тайёр эдим, лекин тахминан ўша пайт Худо инояти кучи ҳақида эшитиб қолдим.

Жим қатъий қарор қилган эди. У энди илгаригидек ўн саккиз йил давомида гуруҳга ўз кучи билан мураббийлик қилмоқчи эмас эди. У Худонинг иноятига тўлиқ таянишга қарор қилди. У Худодан нима қилиш ҳақида сўради ва Худо унга жавоб берди: «Ҳамма машғулотларни қайтадан тузиб чиқ. Майдонда тўқсон дақиқа ўтказиш ўрнига дастлабки қирқ беш дақиқани кийиниш хонасида ўтказинг ва Инжилни ўқинг, фикр алмашинг ва ибодат қилинг. Қолган қирқ беш дақиқани эса майдонда машқ қилишга сарфланг».

Жим деди:

– Жон, бу таклиф менга самарасиздек туюлди. Биз ўйин кўникмалари ва стратегиялари устида ишлашимиз лозим эди.

Менга машғулотлар учун ажратилган тўқсон дақиқанинг ҳар бир сонияси муҳим эди. Бироқ мен бу маслаҳатни Худодан эшитганимни билар эдим.

У давом этди:

– Мен қизларга бу янги стратегия ҳақида гапириб бердим. Улар бу қарорни бироз диний чора ва оддий ғоя деб ўйладилар. Бу қарорни биринчи марта эшитганларнинг ҳатто, ҳафсалалари пир бўлди, лекин мен нима учун шу қарорга келганимни гапириб берганимда, улар рози бўлишди.

У юзидаги табассум билан шундай деди:

– Шу йил биз баскетбол бўйича штатнинг чемпионатида биринчи марта ғалабани қўлга киритдик. Худди бу ғалабамиз камлик қилганидек, кейинги йил яна ғолиб бўлдик.

У штатнинг иккинчи чемпионати ҳақида сўзлаб беришда давом этди:

– Бу тасаввур қилиб бўлмайдиган воқеа эди, чунки биз финал ўйинида бирорта ҳам икки очко ҳисобини берадиган тўп отишларни бажара олмадик. Биз шунча хато отишлардан сўнг умуман ютмаслигимиз керак эди! Бироқ ўйин статистикасига қараганимизда бу ўйиндаги уч очко ҳисобини берадиган тўп отишлар бўйича рекорд ўрнатганимизни кўрдик. Уч очколик ҳисобларимиз, икки очко бўйича бажарилмаган тўп отишларимизнинг ўрнини тўлдирган эди ва бу бизга ғалаба учун зарур бўлган натижани берди.

ҚУДРАТ

Жим ҳаворий Павлус аниқлаган ўша илоҳий доноликни ишлатди. Маълумотларга кўра, 21-асрдаги тўқсон фоиз жамоатлар бу доноликни қўлдан чиқарадилар. Жим Муқаддас Китобдаги иноят – бу нафақат нажот учун Худонинг туҳфаси эканини, балки бизнинг ҳаётимиз учун Унинг қудрати ҳам эканини билди. Павлуснинг сўзларини ўқиб чиқинг, бироқ бу Худонинг оғзидан чиққан оят парчаси эканини инобатга олинг:

«Менинг июнятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади» (2-Коринфликлар 12:9).

Бу оятда саволлар ёки ноаниқликлар йўқ. Худо тўғридан-тўғри Ўз июнятини Ўз қудрати деб атаган. «*Заифлик*» сўзи бу оятда қобилиятсизлик маъносини англатади. Худо Павлусга ва бизга шундай деб эълон қилмоқда: «Менинг қудратим (июнят) сизнинг табиий қобилиятларингиздан юқори бўлган вазиятларда энг яхши тарзда ишлайди».

Жим ўн саккиз йил давомида ғайрат қилиб ишлаган, ўзининг мактаб ўқувчилари гуруҳини бор кучи билан штатнинг чемпионатига олиб чиқишга ҳаракат қилган. Лекин унинг бу уринишлари қандай самара берди? Кўп йиллик омадсизликлардан бошқа ҳеч қандай натижа бермади. Бироқ Жим бошдан кечирган кўплаб муваффақиятсизликлар ва умидсизликлар ўрнини, Жим пировардида топган донолик билан тўлдирилган: *Худонинг июняти бизнинг табиий қобилиятларимиз доирасидан чиқиш учун куч беради*.

Павлус бошқа мактубида анча жасуруна фикр айтади: «Мен ҳаворийларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ меҳнат қилдим». Наҳотки у ҳақиқатдан ҳам шундай деб ёзган бўлса? Павлус аслида Бутрус, Ёқуб, Юҳанно, Барнабо, Аполлос ва кўплаб бошқа хизматкорлар орасидан кимни назарда тутгани ҳақида ўйлаб кўринг. Бу биров манманликдек эшитилади, бироқ сиз бу фикрни охиригача ўқисангиз, гап нимада эканини тушуниб оласиз.

«Менга берган Унинг июняти эса беҳуда бўлмади, чунки мен уларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ меҳнат қилдим. Бироқ меҳнат қилган мен эмас, балки мен билан бўлган Худонинг июнятидир» (1-Коринфликлар 15:10).

Павлус ўзининг қобилиятлари билан эмас, балки Худонинг қудрати билан мақтанмоқда. Демак, у юқоридаги оятда ўзини мақтаб гапирмаган. У ўзининг Худо олдидаги вазифасини бажариш учун июнятга таянган. Кўп йиллик умидсизликдан

сўнг ва кейинчалик келган фикрнинг ойдинлашуви натижасида, Жим мураббий сифатида ўз қобилиятларидан ҳам ортиқроғига қодир бўлиш учун Худонинг қудратига (иноятига) таянди. У бу доноликни ўз ҳаётининг барча соҳаларида ишлатишни бошлади. Энди унинг болтаси чархланган!

Буни эътиборга олиб, ўзимизнинг шахсий даъватимизга қайтайлик. Худонинг Каломи яна шундай деб эълон қилади: «Зеро биз Худо азалданоқ тайёрлаган яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масихда яратилган Унинг ижодимиз» (Эфесликлар 2:10). Худонинг Ўзи туғилишингиздан аввал сизнинг даъватингизни тайёрлаб қўйган. Бу ўзига хос даъват бўлиб, у бирорта ҳам иш ёки машғулот сизга бера олмайдиган ҳақиқий қаноатланишни беради. Бу сизнинг мақсадингиздир ва у ўзининг кўлами билан диққатга сазовордир. Аслида олганда ўз даъватингиз ҳақида билишингиз керак бўлган муҳим ҳақиқат мавжуд:

*Худо сиз учун тайёрлаган даъват, сизнинг табиий
қобилиятларингиздан юқорироқдир.*

Бу фикрни имкон қадар аниқроқ етказишимга ижозат беринг. Биз ўз кучимиз билан Худодан олган даъватимизни бажара олмаймиз. Мен буни қандай биламан? Чунки Худо Ўз шухратини бировга бермаслигини қатъий айтган (Ишаё 48:11). Агар бизлардан бирор киши Худодан олган даъватини ўз кучи билан бажара олганда эди, Худо Ўзининг шухратини биз билан бўлишига тўғри келган бўларди. Худо эса ҳеч қачон бундай қилмайди! Худо сизнинг даъватингизни ўз қобилиятларингиздан юқорироқ қилиб қўйган, даъватингизни бажариш, махсус равишда Унинг иноятига боғлиқ!

МАХСУС ҚОБИЛИЯТЛАР

Сўнг биз савол беришимиз керак: иноятнинг ўзига хос инъомлари борми? Бошқа сўзлар билан айтганда, иноят ўзимизнинг табиий қобилиятларимиз доирасидан чиқиш учун куч бергани каби бизнинг махсус вазифамизни бажаришда аслаҳа

ҳисобланган Худонинг ноёб инъомлари мавжудми?

Бир нечта мисоллар билан жавоб беришимга ижозат беринг. Рожер Федерернинг теннис ўйнайдиган ракеткаси ва коптокчаси бўлмаганида эди, у ҳеч қачон машҳур теннисчилардан бири бўлмасди. Шаҳарингизда ёғочга ишлов берадиган кишининг асбоблари бўлмаганида эди, у ҳеч қачон яхши дурадгор бўла олмасди. Агар Микеланжелонинг йўниш асбоби, мўйқалами ва бўёқлари бўлмаганида эди, сиз у ҳақида ҳеч қачон билмаган бўлардингиз. Бизга Худодан берилган истеъдод ҳақида ҳам шундай деб айтиш мумкинми?

Иккита қисқа ҳикоя бу саволга жавоб беришимиз учун ёрдам беради. Мен хизмат қилишда дастлабки қадамларни қўяётган пайтимда улуғлаш ва сажда қилишнинг ўзига хос етакчиси билан танишдим. У 1900-йилларнинг ўрталаридаги, машҳур хушхабарчининг улуғлаш хизмати етакчиси бўлган. Бу хушхабар хизматини олиб борган киши эса 1970-йилда оламдан ўтган ва у кейин ўз хизматини бошлаган.

1980-йилларда у кўпинча жамоатимиз меҳмони бўлиб турарди ва у улуғлаш хизматини олиб борганда, мен уни ҳаяжон билан кўрардим ва тинглардим. У жуда ҳам кучли истеъдод эгаси эди! Мен тинглаган мусиқачиларнинг фақат озгинаси у каби ортиқча уринишсиз пианинода ўйнай олардилар. У бир неча дақиқа ичида уч ярим минг кишидан иборат зални оёққа турғаза оларди ва одамлар қўшиқ айтишни ҳамда куйлашни бошлардилар. У Худони улуғлаганда бутун муҳит ўзгарарди ва ибодатхона Худонинг ҳузурига тўларди.

У бизнинг хизматга келган охириги бир неча марта мен унга ҳамроҳ бўлиш шарафига муяссар бўлдим. У билан бирга бўлган вақтда унга Худо томонидан берилган қобилиятлар ҳақида билишни истаганлигим учун унга саволлар бердим. Мен унинг онаси тақводор аёл бўлганини ва ҳар куни соатлаб ибодат қилганини билиб олдим. У шундай деб гапириб берди:

– Жоң, онам менга ҳомиладор бўлиб юрган пайтда, бир куни бизнинг уйимиз олдида нотаниш киши келган (унинг онаси бу одам

инсон қиёфасидаги фаришта бўлганига ишонади). Илгари онам ҳеч қачон кўрмаган бу киши унга шундай деган: «Сенинг ўғлинг кўпчиликни Худонинг ҳузурига бошлайди ва болалик пайтидан бошлабқ пианинони маҳорат билан чаладиган бўлади».

Унинг ҳикоясининг давоми мени жуда ҳайрон қолдирди ва хотирамда сақланиб қолди. У кичик бола бўлган пайтда бир куни ота-онасининг пианиносига ўтирган ва бирорта дарс ёки машғулотларсиз пианинода яхши чала бошлаган. Бу пианинода чалинадиган оддий мусиқа эмас, балки фақат фортепиано факультетининг тажрибали талабалари чала оладиган мураккаб асар бўлган. Ва албатта, у куйни бирор нота дафтарисиз чала олган экан.

Ўша кундан бошлаб у бирор марта қўлига нота олмасдан маҳорат билан чала бошлаган. У ҳамма куйларни тинглаш орқали чалган. У ҳар қандай мусиқани фақат бир марта эшитгандан сўнг бир неча дақиқа ўтгач чалиб бера олган.

Унинг хизмати ёшлигиданоқ бошланган. У ўз шаҳаридаги жамоатнинг асосий хизматларида қатнашган. Охирида унинг истеъдоди бу машҳур хушxabарчининг хизмати эшикларига йўл очган.

Унда инъом, яъни Худодан берилган қобилият борлиги аниқ эди.

Яна бир машҳур истеъдодли шахс, Акиане Крамарик тўрт ёшидан бошлаб бирорта расм дарсларисиз ўзига хос тарзда расм чиза бошлаган. У олти ёшида маҳорати янадашиб мураккаб фигураларни ҳамда ўзининг ноёб ваҳийларини чиза бошлаган. У саккиз ёшида машҳур бўлган «Дунё Шаҳзодаси» деб аталган портретни чизиб тугатган. Бу портрет менинг дарсхонамдаги столим устида осилиб турибди.

Унинг инъоми, яъни Худодан берилган қобилияти борлиги аниқ.

Нима учун фақат баъзилар инъомлар оладилар? Ва бу ҳақиқатдан ҳам шундайми?

Биз яна бир савол беришимиз керак: инъомларни баъзилар,

кўпчилик ёки Худонинг ҳамма фарзандлари оладиларми? Келинг, бу бобни бошлаб берувчи оятни яна бир марта ўқийлик:

«Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил инъомларга эгамиз. Шунинг учун, кимда пайғамбарчилик инъоми бўлса – имоннинг миқдорига яраша пайғамбарчилик қилсин» (Римликлар 12:6).

Бу оятда иккита жуда муҳим сўзларни кўрамиз. Биринчиси, биз аллақачон юқорида гапириб ўтган «*иноят*» сўзидир. У юнонча «*харис*» сўзидан олиб таржима қилинган. Бу оятдаги иккинчи сўз «*инъомлар*»дир. Бу сўз юнонча «*харизма*» сўзидан олинган. Биз айнан шу сўзни ўрганамиз.

Юнон тили луғатлари ва матнларида Янги Аҳддаги «харизма» сўзининг ишлатилишини йиллар давомида ўрганиш натижасида, мен бу сўзнинг таърифини туздим:

Харизма – иноятнинг ўзига хос инъоми бўлиб, у инсонни ўзига хос қобилиятлар билан таъминлайди.

Бу ерда гап Худо инсонга ишониб топширган қобилият ҳақида бормоқда. Бу қобилият оддий табиий қобилиятдан доим устун туради. Баъзи инъомлар аниқ ғайритабиийдир. Бошқа инъомлар табиий инсоний имкониятлар каби туюлади, бироқ аслида улар одатдан ташқари бўлган қобилиятлардир. Баъзи инъомлар туғилган пайтда берилади, бошқалари эса ўзига хос вақтда, Худонинг Каломи орқали берилади.

ЁЗУВЧИЛИК ХАРИЗМАСИ

Бизнинг харизмага доир тадқиқотимизни ҳаётимдаги мисоллар орқали бошлашимга ижозат беринг (мен «Абадият томонидан бошқарилаётганлар» деб аталадиган ўзимнинг илгариги китобларимдан бирида бу воқеаларни қисқача эслатиб ўтганман).

Китоблар ёзиш ҳаётимдаги харизмалардан бири ҳисобланади. Агар сиз бизнинг хизматимизни кўп йиллар давомида кузатмаган

бўлсангиз, демак, инглиз тили, ижодий ёзиш ва чет тиллари фанлари мен ёмон ўзлаштирган мактаб дарслари бўлгани ҳақида эшитмагансиз. Баъзан инглиз тили ўқитувчилари мени синфдан қолдириб, яна бир йил менга тоқат қилмаслик учун навбатдаги синфга ўтказиб қўйишган деб ўйлайман!

Синфимизда бор-йўғи бир ёки икки саҳифали ёзма иш берилганда, тез бажариладиган топшириқ учун мен соатлаб вақт сарфлардим. Мен иккита гап ёзганимдан сўнг ёзганларимга бир неча дақиқа қарардим ва бу иш жуда нўноқ ва маъносиздек туюлгани учун ўзимда кучайиб бораётган норозиликни сезардим. Охирида қоғозни ёжимлаб ташлардим ва ҳаммасини қайтадан бошлардим. Мен кўп қоғоз, вақт ва ақлий куч сарфлаб, буни қайта ва қайта бажарардим. Бир соат ичида ҳатто икки параграф ҳам ёза олмаган пайтларимни эслайман.

Агар сиз ўзим қўйган шахсий баҳолашга шубҳаланаётган бўлсангиз, стандартлаштирилган тест бўйича олган баҳомни эслатиб ўтишим мумкин. Сизга маълумки стандартлаштирилган тест АҚШнинг кўплаб олий ўқув юртларига кириш учун мажбурий имтиҳон ҳисобланади. Ўша пайтда мен имтиҳон топширганимда, математика ва оғзаки инглиз тили асосий фанлар эди. Оғзаки инглиз тили аслида ўқиш ва ёзиш бўйича кўникмалар текшириладиган инглиз тили имтиҳони эди. Энг юқори баҳо учун 800 очко бериларди. Мен оғзаки инглиз тили имтиҳони учун 370 очко (ҳа, сиз тўғри ўқидингиз) олган эдим. Фоизга ҳисоблаганда, бу ғоят паст бўлган 42 фоиздан иборат натижа, билимларни баҳолаш тизимига кўра қониқарсиз ҳисобланади. Охириги ўттиз йил давомида ўзимнинг барча сафарларимда оғзаки инглиз тили тести бўйича баҳоси меникидан паст бўлган фақат бир кишини учратдим.

Келинг, менинг ўттиз ёшдан ошган вақтимга қайтайлик. 1991-йилнинг ёзи тонггида хилват ва овлоқ жойда ибодат қилаётганимда Худо менга гапирди: «Ўғлим, сен китоб ёзишингни истайман».

Мен ичимда кулдим: «Худоим, ер юзида Сенинг ўғил ва қизларинг шунчалик кўпки, Сен аллақачон, бизни адаштира

бошляпсан. Сен менинг ёзишимни аниқ истамаган бўлардинг. Бу ҳақда юқори синфдаги англиз тили ўқитувчиларимдан сўраб кўр».

Жавобни эшитмадим. Фақат сукунат эди.

Мен Унинг сукунат сақлашини розилик аломати деб қабул қилдим. Ўзимни бу вазифадан озод бўлдим деб ишонтирдим, чунки Унинг эътирозини эшитмадим. Бироқ қалбимда бундай эмаслигини сезардим.

Ўн ойдан сўнг орадаги икки ҳафта фарқ билан иккита турли штатдан иккита аёл олдимга келиб кетишди. Улар менга бир гапни айтишди: «Жон Бивер, агар сен Худо сенга берган ваъзни ёзмасанг, У бу вазифани бошқа кишига беради. Лекин келгусида сен Унинг ҳукми олдида жавоб берадиган кун келади».

Техас штатидан келган иккинчи аёл ҳам, Флоридадан келган биринчи аёлнинг гапини айтганидан сўнг, менга муқаддас қўрқув тушиб келди ва мен ҳаракат қилишни бошладим. Бу 1992-йил эди. Ўша пайтда ҳали «iPad»-лар йўқ бўлиб, фақат ручка ва қоғоз бор эди. Мен ён дафтаримнинг варағини олиб юқори қисмида йўғон ҳарфлар билан: «ШАРТНОМА» деб ёздим. Сўнг давомида яна ёздим:

«Ота, мен ёза олмайман. Шундай экан, Сенга итоат қилиш учун менга иноят керак! Агар мен ёза бошласам, у ҳолда ҳар бир сўзим Сенинг Руҳинг билан руҳланган ва Сенинг мойинг билан тўлган бўлишини Сендан сўрайман. Мен бу ёзилган ваъзлар эркаклар, аёллар, болалар, жамоатлар, шаҳарлар ва мамлакатларнинг ҳаётини ўзгартиришини Сендан илтимос қиламан. Мен олдиндан Сенга бутун шараф, мақтов ва миннатдорчиликни беришни ваъда қиламан. Мен бу шартномани (аҳдни) Исонинг қудратли номи остида Сен билан тузаман.

Сенинг ўғлинг ва хизматкоринг, Жон Бивер».

Қарийб ўттиз йил ўтгандан сўнг бизнинг вақтга қайтамыз. Мен аллақачон 20 дан ортиқ китоб ёздим. Бу китоблар ўн миллионлаб нусхаларда чоп этилди. Уларнинг кўпчилиги ҳам Қўшма Штатларда, ҳам унинг ташқарисида энг кўп сотиладиган

умумий ва масиҳий адабиёти рўйхатига кирди. Бу китоблар бутун дунё бўйлаб 100 дан ортиқ тилларга таржима қилинди ва баъзи мамлакатларда улар ҳам дунёвий ва ҳам масиҳий тоифаларида энг кўп чоп этиладиган китоблар ҳисобланади.

Қарийб ҳар бир китобда, мен ёзган мактубнинг 20 дан 30 фоизига қадар бўлган фикрларни эшитганим, ўқиганим ва ўйлаб топганим йўқ. Мен ёзув машинкасининг клавиатурасида ёза бошлаган пайтимда бу мактубларни олганман. Мен уйимдаги дарсхонамда ёки меҳмонхонада ўтирганимда ўз ёзганларимдан илҳомланиб кетган ҳолатларни эслайман. Бир неча марта ҳатто стулдан сакраб туриб, «Бу чиндан ҳам ажойиб!» деб бақириб юборганман.

Сиз қуйидагича сўрашингиз мумкин: «Сиз қандай қилиб бундай дейишингиз мумкин? Бу мағрурлик-ку!»

Бунга қуйидагича жавоб бераман. Мен бу мактуб қаердан тушганини биламан ва у менга тегишли эмас. Мен бу китобларни биринчи бўлиб ўзим ўқиб чиққаним сабабли, менинг исмим шу китобларга ёзилганига тўлиқ ишончим комил! Бу сўзлар Муқаддас Рўҳдан келганини биламан. Ҳаворий Павлус ҳам «Мен бошқа ҳаворийларга қараганда кўпроқ меҳнат қилдим» деб айтганда бироз мағрурдек кўринган. Бу сўзларни мусобақа қилувчи, худбин ва ўзига бино қўйган киши ёзаётгандек туюлган бўлиши мумкин. Бироқ биз Муқаддас Каломдан биламизки, Павлус ўзининг қобилятлари ҳақида эмас, балки Худонинг иноят инъоми билан мақтанган.

Ўша ёзнинг тонгидаги ибодатимда, Худо менга гапирган пайтда ҳаётимга ёзувчилик харизмаси кириб келганига шахсан ишонаман. Аммо Худога итоат қилишга қарор қилмагунимга қадар, бу амалий фойда берадиган инъомга айланмади. Баъзилар бу фикр билан баҳслашишлари мумкин ва гапимнинг бошидаёқ бу мавзу мунозарага айланиш учун арзийдиган даражада муҳим эмаслигини айтишимга ижозат беринг. Мен ўз фикримда ноҳақ бўлишим мумкинлигини тушунаман. Шунинг учун бу масалада эътирозларимни кўрсатишга ижозат беринг.

Баъзилар бу инъом мен 1979-йил осмондан туғилган

пайтимда берилган деб эътироз билдиришлари мумкин. Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, мен бундай деб ўйламайман. Чунки мен 1979-йилдан бошлаб, то ўз шартномамни ёзган 1992-йилга қадар бирор нарса ёзишга уриниб кўрмаганман. Мен шу бобнинг бошида гапириб берган пианино устаси каби бу инъом билан туғилмаганимга ишончим комил. Бироқ унинг воқеаси баъзи инъомлар инсонга онасининг ҳомиладорлигидаёқ берилишини кўрсатади. Масалан, Худо Каломидан Яҳё Чўмдирувчи онасининг қорнида бўлганида Муқаддас Рух билан (инъомлар берувчи билан) тўлганини биламиз, чунки у ҳомиладор Элисабетнинг қорнида бўла туриб, ҳомиладор Марям қорнидаги тирик Масихни таниган (Луқо 1:41-оятга қаранг). Ўттиз йилдан сўнг Яҳёдаги ўша инъом Исо чўмдириш учун келганида Уни таниди (Юҳанно 1:29-оятга қаранг).

Бироқ кейинроқ бериладиган инъомлар ҳам бор. Кишнинг ўғли Шоул бутун умри давомида пайғамбарлик қилмаган. Шомуил уни Исроилнинг биринчи шоҳи сифатида бошига зайтун мойини қўймагунга қадар бу содир бўлмаган. Шомуил ўзларининг учрашувидан сўнг Шоул мусиқа асбобларида ўйнаётган ва пайғамбарлик қилаётган бир гуруҳ одамларни кўришини айтади. Мен Шомуилнинг айтган сўзларидан парча келтираман: «Раббийнинг Рухи сени қамраб олади, Улар билан бирга сен ҳам пайғамбарчилик қиласан ва бутунлай бошқа одамга айланасан» (Шомуилнинг биринчи китоби 10:6-оят).

Инжилдаги бу иккита гувоҳликдан баъзи инъомлар онанинг қорнидаёқ берилишини, бошқалари эса кейинчалик берилишини аниқ кўрамай.

ВАЪЗХОНЛИК ХАРИЗМАСИ

Ҳаётимдаги яна бир *харизма* – бу жамоа олдида нутқ қилишдир. Бу инъом ҳақидаги менинг воқеам мавзумизни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Турмуш ўртоғим Лиза менинг беўхшов ваъзимни биринчи марта эшитган кунни ҳеч қачон унутмайман. Юмшоқ қилиб

айтганда, бу жуда катта муваффақиятсизлик эди ва мен муболаға қилмаяпман. У ваъзимнинг дастлабки беш дақиқасида қаттиқ ухлаб қолди ва қолган вақт давомида бир уйғониб, яна бир уйқуга кетиб ўтирди. Бу чиндан ҳам даҳшат эди. Унинг ёнида ўтирган энг яқин дугонаси Эми шунчалик қаттиқ ухлаб қолган эдики, у тушлар оламида бўлар экан, катта очилган оғзидан сўлаги қандай оқаётганини кўриб турардим. Тўғриси айтганда, мен ожиз нотик эдим.

Ўша пайтда чўпонининг ва унинг хотинининг маҳаллий жамоатида хизмат қилардим (бизнинг жамоат Қўшма Штатларда нуфузли эди ва 400 та ходимга эга эди). Менинг ишим чўпон оиласи этиёжлари ҳақида жон кўйдириш ва жамоатимизга келадиган ҳамма хизматкорларни қабул қилишдан иборат эди. Худо Шоҳлигида менга Калом билан хизмат қилиш эмас, балки саҳна ортидаги хизматни олиб бориш топширилгани тушунарли эди (мен бу ҳақида кейинги боблардан бирида гапириб бераман).

Шунга қарамасдан, мен ўз хизматимни бошлашга ҳаракат қилардим, чунки Худо Ўз Каломини дунёдаги барча халқларга етказишимни кўрсатган эди. Менинг хатоим қуйидагича эди: мен буни ўз кучим билан қилардим. Мен яна шундай вазиятда эдимки, мен биринчи навбатда бошқа кишининг хизматида эдим ва «бировнинг нарсасида содиқ» бўлишим керак эди (Луқо 16:12-оятга қаранг). Мен ўзимнинг бор вақтим ва кучимни ёзилган воизликларни тайёрлашга, ўрашга ва сотишга сарфлардим (агар ўзимнинг хизматимни яхшироқ бажаришга ва хотиним учун яхши эр бўлишга ҳаракат қилганимда афзалроқ бўларди, бироқ баъзан биз хатолар қилиш орқали ўрганишга мажбурмиз).

Бир сўз билан айтганда, мен «Исмоилнинг хизматини» яратган эдим. Нима учун мен буни шундай деб атадим? Муқаддас Китобда мен қилган ишга ўхшаш воқеа бор. Худо Ибром (Иброҳим) 75 ёшда бўлганда унинг ўғли туғилишини ва шу ўғли орқали у кўп халқларнинг отаси бўлишини ваъда қилди. Бу ваъдадан сўнг ўн йил ўтди, бироқ унинг фарзанди туғилмади. У эса аллақачон 85 ёшга кириб қўйган эди. Шу боис Иброҳим ва

Сорай Худонинг ваъдасини бажаришда Унга ёрдам бериш учун режа туздилар. Шунинг учун мен бундай хизмат қилиш усулини Исмоил хизмати деб атаيمان.

Ишониш қийин, бироқ баъзи одамлар менинг воизликларим учун тўлов қилардилар. Мен уларни ўзини-ўзи эълон қилган «Биверлар хизмати» учун сотардим. Бизнинг шиоримиз «Унинг ажиб нури билан бутун дунёга етиб бориш» эди. Мен бу мисраларни ёзаётганимда, ўзимнинг аҳмоқлигим ва ёўрлигим устидан куламан. Бизнинг Исмоил хизматимиз ваъзларининг биринчи серияси тўртта аудио кассетадан иборат эди ва у хотиним ва унинг дугонасини аллалаб ухлатиб қўйган ваъзни ҳам ўз ичига оларди! Бу ваъзлар сериясини эшитиб, яна қанча одамлар оғзидаги сўлаги билан ухлаб қолди экан? Мен бу ҳақида ўйлаганимда сесканиб кетаман!

Ишонасизми ёки йўқми, вазият тобора ёмонлашиб борарди. Ўша пайтда аллақачон оламдан ўтган буюк хушxabарчи Ти Эл Осборн менинг қахрамоним эди. У ва унинг хотини ўзларининг ҳаёти давомида эллик миллиондан ортиқ одамни нажотга олиб келган хизматга раҳбарлик қилишарди. Мен у каби ваъз қилишни истардим. Мен унинг ваъзларини соатлаб тинглардим, унинг гапириш усулини ва оҳангини, таълимотини, машҳур ибораларини ва ҳатто ҳазилини ёдлардим. Мен энди нафақат зерикарли ваъзхон, балки бошқа инсоннинг ёмон нусхаси ҳам эдим.

Ти Эл ажойиб нотик эди. У бизнинг жамоатимизда ваъз қилганида ҳамма унинг ҳар бир сўзини диққат билан тингларди. Бир куни у ўз хизматининг Африкада олиб борган хушxabар йиғилишларидан бири давомида Худонинг буюк ҳаракати ҳақида гапириб берди. У ўз ҳикояси давомида ўша ерда содир бўлган ажойиб мўъжизалардан шу қадар илҳомланиб кетдики, у ғоят зақланиб шундай хитоб қилди: «Wow!» У гапиришдан тўхтади ва биз ҳаммамиз унга қараб қотиб қолдик. У эса қўли билан ишора қилиб шундай деди, холос:

– Қизиқ сўз. Уни тескари ўқиса ҳам худди шундай эшитилади.

Ҳамма кулди. Бундай ҳазилни фақат у қила олиши мумкин эди.

Мен нодон ва содда бўлганим учун унинг бу ҳазилини тақлид қилиб ўрганиб олдим ва доим «вау» дейдиган бўлдим. Мен Ти Эл ўша алоҳида ҳолатда ҳазил қилгандек, ҳазил қилиб юрардим. Лекин битта муаммо бор эди, холос. Ҳеч ким бу ҳазилимга бирор марта ҳам кулмасди, бироқ албатта, мен бунни тушунмасдим.

Кўп марталаб муваффақиятсиз уринишлардан сўнг мен пировардида таслим бўлдим. Мен шундай қилганимда, ажойиб ўзгариш содир бўлди. Мен яна бошида қилган хизматимни хурсандчилик билан бажаришни бошладим. Энди мен бўш вақтимни оилам ва дўстларимга бағишлардим. Мен бу курашдан воз кечганимда, ҳаёт яна тўлақонли ва баракали бўлди. Мен ҳақиқий қаноатланишга эга бўлишим билан менинг барча уринишларим беҳуда эканини тушундим ва мен «Биверлар хизмати»га осонлик билан барҳам бердим. Мен Худо Ўз ваъдасини бажарадиган кун келишини, бироқ бу менинг ташаббусим билан содир бўлмаслигини билардим.

Мен тинчликни ва хотиржамликни қўлга киритишим биланоқ, нима содир бўлганини топинг! Бир неча ойдан сўнг Худонинг бошқаруви келди. Мендан Қўшма Штатларда тез ўсиб бораётган жамоатлардан бирида ёшларнинг чўпони бўлишимни сўрашди.

Мен бу биринчи якшанбани ҳеч қачон унутмайман. Жамоатимиз чўпони бутун дунёга машҳур хизматкор эди. Ўша пайтда ҳар якшанба кунни одамлар ҳар бир хизматда тўлиб кетадиган залда, ўзларига жой топиши учун бир соатдан ортиқ жазирама қуёш тагида турардилар. Бизнинг хизматларимизга турли штатлар ва мамлакатлардан меҳмонлар келарди.

Ўша кунни хизмат бутунлай авжига чиққан эди. Ибодат қилиш хизмати ажойиб ўтаётган эди. Бизнинг чўпонимиз минбарга кўтарилди ва бирдан жамоатга янги ёшлар чўпони – мен ҳақимда хабар қилди. Шундан сўнг у мени ҳайрон қолдириб минбарга чиқишимни ва якшанба кун учун йиғилганларга бир неча дақиқа гапиришимни сўради.

Мен бундай таклиф бўлишини кутмагандим ва шу пайтда хотиним ваҳимага тушди. Агар менда ўйлаб кўриш учун етарли

вақт бўлганда эди, у ҳолда мен ҳам ваҳимага тушишим мумкин эди. Бу жуда ҳаяжонли вазият эди! Мени 2800 та одам қаршисида гапиришимни сўрашган эди. Хотиним Лиза бунинг оқибатларидан қўрқарди, чунки менинг илгариги тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, у нима содир бўлишини биларди. Биз келаётган фалокатнинг олдини қандай олсак бўларди? Аниғи, жамоатдаги кўпчилик одамлар мени охириги марта эшитаётгандилар, чунки бу чиқишимдан сўнг, мени бошқа асосий хизматга чақирмасликлари кундай равшан эди. Мен минбарга яқинлашар эканман, менинг хотинимда ҳамма бу ваҳималар кучайиб борарди. Кейинчалик у менинг Ти Эл Осборнга тақлид қилмаслигим, айниқса «вау» сўзини тескари айтишга доир беўхшов ҳазилни айтмаслигим ҳақида қаттиқ ибодат қилганини айтиб берди.

Мен минбарга келишим билан катта чўпонимиз менга микрофонни берди. 60 сониядан сўнг бутун жамоат ўрnidан туриб кетди. Одамлар хурсанд эди, олқишларди ва мен айтаётган гапларга жавобан ҳаяжон билан бақирардилар. Мен тахминан тўрт ёки беш дақиқалар ваъз қилдим ва шу вақт ичида ҳамма 2800 киши тик турарди. Шундан сўнг мен микрофонни чўпонимга бердим ва ўз жойимга қайтдим. Кейинги беш дақиқа мен адреналиндан ёки Худонинг ҳузуридан, эҳтимол, бу иккала сабабдан ҳам титрардим.

Менинг хотиним ҳозиргина нима бўлганига ишонмасдан ҳайратда қолиб ўтирарди. У хизматдан сўнг менга шундай деди:

– Жон, «*Эримнинг танасига ким кириб олди?*» деб ўйладим.

Жамоатдаги хизматимда биринчи вазифамни олган пайтда Техасда яшар эдик, бироқ бу жамоат Флоридада эди. Лиза бу воқеа ҳақида сўраган кишиларга шундай дерди: «Биз Флорида чегарасини кесиб ўтишимиз билан Жон бошқа одамга айланди». Худонинг инъоми Шоул ҳаётига келганида, Шоул ҳақида ҳам шу сўзлар ёзилган. (Биринчи Шомуил китоби 10:6-оят).

Ўша пайтдан бошлаб мен ваъз қиламан, таълим бераман ва одамлар олдида нутқ сўзлайман. Кўп ҳолларда буни осонлик билан бажараман (мен ўзим учун қийин бўлган вазиятлар ҳақида

кейинги боблардан бирида гапириб бераман). Мен бунинг учун энди куч сарфламайман. Мен хизматимни енгиллик билан бажараман ва «Исмоил хизмати» пайтидаги каби курашишим шарт эмас. Ҳаётимнинг Исмоил ва Исҳоқ пайтларидаги натижаларининг фарқи бир-биридан кеча ва кундуз каби улкандир.

Келинг, Флоридадаги шу биринчи якшанбадан сўнг ўтган саккиз ёки ўн йилга қараймиз. Бу пайтга келиб «Мессенжер Интернэшнл» аллақачон амалга ошган хизмат ҳисобланади. Биз баҳор фаслида гаражимизни йиғиштираётган эдик. Қутиларни олаётган пайтда аудиокассеталарга ёзиб олинган ваъзларим фонограммаларини топиб олдик. Улар орасида Лиза ва унинг дугонасини ухлатиб қўйган ваъз ёзилган кассета ҳам бор эди. Мен ҳеч иккиланмасдан уларни ахлат қутисига ташлаш учун қўлимга олдим. Тўсатдан Муқаддас Рухнинг шундай деганини эшитдим: «Ўғлим, бу асл нусхадаги ваъзни ташлама».

Мен дарҳол эътироз билдирдим: «Нима учун ташламаслигим керак? У жуда ёмон. Бу ваъзни ҳеч ким қайта эшитмаслиги керак. У йўқ қилиниши керак».

Мен яна шундай деб эшитдим: «Бундай қилма».

Мен Худодан эшитганимни тўлиқ англаган бўлсамда, яна эътироз билдирдим: «Нима учун?»

«Чунки бу сен учун ҳимоядир», Худо менинг қалбимга жуда аниқ гапирди.

«Ҳимоя?»

Ва бирдан менга донолик келди: «Ўғлим, Менсиз сен қандай ёмон нотиқ эканингни доим ёдда тутишингни истайман».

Йилдан-йилга мен бу «ҳимоя омили»ни тўлиқроқ англаб бораяпман. Охириги ўттиз йил давомида бу инъом қудратли тарзда ишлади ва кўп ҳосил келтирди. Сон-саноксиз ҳолатларда жамоатлардаги муҳитнинг кескин ўзгаришини, олинган ваҳийга жавобан кучли мадҳларни, сон-саноксиз қутқарилган ҳаётларни ва кўплаб мўъжизаларнинг намоён бўлишини гувоҳи бўлдим. Бундай мўл-кўл ҳосилда бунга менинг қандайдир алоқам борлиги

хақида ўйлаш осон бўларди, бироқ мен ҳаворий Павлус билан бирга очиқ айтишим мумкин: «...Бироқ меҳнат қилган мен эмас, балки мен билан бўлган Худонинг иноятидир» (1-Коринфликлар 15:10). Шу йиллар ичида Худонинг харизмасисиз қандай ёмон ваъз қилганимни унутганим йўқ.

СИЗГА ИНЪОМ БЕРИЛГАНМИ?

Биз Худонинг хизмат қилиш ва бошқаларга насиҳат қилиш учун менга берган инъомларидан фақат иккитасини кўриб чиқдик. Сиз менинг ҳаётимда бўлиб ўтган кураш билан танишмисиз? Эҳтимол, сиз ўз ҳаётингизда харизмани топиш учун бу қадар чуқур мулоҳаза юритмагандирсиз. Ёки бу ҳикояларни ўқиб, сиз: «Менинг ҳеч қандай инъомларим йўқ», деб ўйлаб янада кўпроқ умидсизликка тушган бўлишингиз мумкин. Сизни ишонтириб айтаманки, сизнинг инъомларингиз бор ва булар кейинги иккита бобда маълум бўлади.

Мен шу саволга жавоб беришга ваъда берган эдим: «Инъомларни баъзилар, кўпчилик ёки Худонинг ҳамма фарзандлари оладиларми?» Фақат битта – албатта, ҳамма олади, деган жавоб бор! Тез орада буни Худонинг Каломи орқали исботлаб бераман. Биз нафақат бу масалани батафсил кўриб чиқамиз, балки бу китобни тугатишдан аввал ўз харизмангизни қандай аниқлаш, ривожлантириш ва ишлатиш ҳамда шу орқали Худо Шоҳлигини қуришда самарадорликни ошириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўласиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Муқаддас Китоб таърифлаётган иноят – бу нафақат Худо берган нажот инъомидир, бироқ бизнинг ҳаётимиз учун Унинг кучидир. Сиз Худонинг иноятига илгари қандай қарар эдингиз? Сиз бу бобни ўқиганингиздан сўнг иноят ҳақидаги тушунчангиз қандай ўзгарди?
2. Худо сиз учун тайёрлаган даъват, сизнинг табиий қобилиятларингиздан юқорироқдир. Нима учун Худо буни шундай қилди? Сиз сероб бўлган Худонинг мустаҳкамловчи иноятини қандай олишингиз мумкин?
3. Инъомларни баъзилар, кўпчилик ёки Худонинг ҳамма фарзандлари оладиларми? Сиз қандай инъомлар ёки қобилиятлар олгансиз? Сизнингча, бу инъомлар қай тарзда бошқаларга наф келтириши мумкин?



Ўзингизни баҳолашда холис бўлинг.

— Римликларга 12:3

ЎЗИНГИЗНИ ХОЛИСОНА БАҲОЛАНГ

Сизга ҳаётимдаги ўзим таъсир ўтказа оладиган соҳаларини, қай тарзда топишга ва унда юришга интилганим ҳақида гапириб бердим. Энди сизга қандай қобилиятларим йўқлиги ҳақида қисқача гапириб бермоқчиман.

Мен эга бўлмаган қобилиятлар жуда кўплиги сабабли, уларнинг тўлиқ рўйхатини тузишнинг имкони йўқ. Бу рўйхатдаги биринчи нарса – куйлаш ва мусиқа асбобларида чалишдир. Мен ҳар сафар уйда куйлаганимда, менинг рафиқам ва фарзандларим мулоим, лекин қатъийлик билан ичимда куйлашимни илтимос қиладилар.

Катта синфларда ўқиб юрган пайтларим югуриш дарсларидан кейин, мен кийим алмаштирадиган хонанинг ювиниш хонасида бор-йўғи бир марта куйлашга уринганман. Ўша пайти мен қатъий қаршилиқ олганман: жим бўлишим учун йигитларнинг бир нечаси биргаликда бақирганлар, бир йигит эса шампуннинг идишини мен томонга улоқтирган.

Менинг ота-онам Биверлар оиласининг ҳамма фарзандларини фортепиано дарсларига юборганлар. Менинг ўқитувчим бизнинг шаҳримизда жуда таниқли, мутахассис пианиночи эди. Фортепианода чалишни ўргатиш унинг касби эди ва у бу соҳада жуда муваффақиятли эди. Лекин тўрт йиллик оғир

машғулотлардан кейин у киши ота-онамнинг олдига келиб, мен бошқа шуғулланмаслигим учун улардан рўхсат беришини илтимос қилди. Мана ҳаммаси қанчалик ёмон эди.

Бир мунча вақт ўтиб мен муаммо пианинода, деб ўйладим ва бир неча йилдан сўнг мен бошқа асбобни чалишга ҳаракат қилдим. Биз ажойиб гитара сотиб олдик ва жуда таниқли ўқитувчини топдик. У сабрли эди ва мен билан пухта ишларди. Мен бор кучимни берар, қунт билан машқ қилар эдим, лекин ҳеч урдасидан чиқа олмасдим. Мен шунчаки мусиқавий қобилиятларим йўқлигини тан олишдан олдин, бир ярим йил таълим олдим.

Ҳаммаси нима билан тугади? Ушбу йиллар мобайнида барибир ҳеч нарса содир бўлмади деб айта оламан. Шундай қилиб менинг ҳаётимда мусиқавий қобилиятлар ҳеч қачон пайдо бўлмади.

ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ

Мен қобилиятим бўлмаган соҳаларни яна давом эттиришим мумкин, лекин сиз мен нимани назарда тутаётганимни тушундингиз. Қоидага кўра бизнинг ҳаммамиз нимани урдалай олмаётганимизни билишимизни айта оламиз. Баъзида мен қобилиятларимиз бўлмаган соҳаларни кўрсатганимиздек, инъомларимизни ҳам худди шундай енгил аниқлашимизни истардим.

Шундай қилиб, келинг Повул нимани ўргатганини кўриб чиқамиз:

“Менга берилган иноят бўйича сизларнинг ҳар бирингизга шуни айтаяпман: ўзингиз ҳақингизда керагидан ортиқ ўйламанглр. Аммо Худо ҳар бирингизга берган имоннинг миқдорига яраша камтарлик билан ўйланглр. Чунки биз танада кўп аъзоларга эга бўлсак ҳам, бироқ ҳамма аъзоларимизнинг вазифаси бир хил бўлмаганидай, худди шундай, биз ҳам кўпчилик бўлиб, Масихда бир танамиз, лекин алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биримиз учун аъзодирмиз.

Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил инъомларга эгамиз. Шунинг учун, кимда пайғамбарчилик бўлса – имоннинг миқдориغا яраша пайғамбарчилик қилсин” (Рим. 12:3-6).

Павлус ёзмоқчи бўлганларини огоҳлантириш деб номлаб бошляпти. Унинг огоҳлантиришини ажратиб кўрсатишга ва таъкидлашимга ижозат беринг: «Сиз аслида борингиздан яхшироқман, деб ўйламанг. Ўзингизни баҳолашда холис бўлинг». Бу оят бизга ўзимизни ҳалол баҳолашни буюряпти. Нимага биноан? Худо бизга ҳозирги вақтда берган инъомларга биноан.

Мен нима учун «ҳозирги вақтда» иборасидан фойдаландим? Мен аввалроқ фойдаланган Муқаддас Китобдаги мисол ҳақида ўйлаб кўринг. Шоулнинг Шомуилни учратишидан олдин: «Мен башорат қила олмайман», деб ўзини холис баҳолади. Бу баҳолаш ўша вақтда тўғри ва аниқ эди. Лекин у Шомуилни учратгани ва Худонинг инъоми унинг ҳаётига келганидан кейин, унинг холис баҳоси: «Мен башорат қила оламан»га ўзгарди.

Мен Исмоил номли хизматимни туғишга ҳаракат қилганимда, бу оятни қанчалик диққатлироқ ўқишни хоҳлаган бўлардим! Агар мен холис бўлганимда, ўша пайтда халқ олдида сўзлаш инъоми менда йўқлигини англаган бўлардим, лекин шу билан бир қаторда мен чўпонимга хизмат қилиш учун қобилиятли эдим. Бунинг ўрнига мен содир бўлиши керак бўлган, аниқ айтилган, ибодатда намоён қилинган ва етакчиларнинг башорати орқали олдиндан айтилган нарсани ўз кучим билан туғишга ҳаракат қилардим. Бу вақт ҳали келмагани аён эди. Шундай экан, ўзимни холис баҳолаб ва тайёр эмаслигимни тушуниб, Худонинг Сўзидаги ушбу амрга итоат қилганимда, мен кўп вақтимни, пулларимни ва кучимни тежаган бўлар эдим. Шунингдек, мен ўша пайтда қобилиятли бўлган соҳада самаралироқ бўлган бўлар эдим.

Павлуснинг турли хил инъомлар ҳақидаги сўзлари ўта аниқ айтилган: «Чунки биз танада кўп аъзоларга эга бўлсак ҳам, бироқ ҳамма аъзоларимизнинг вазифаси бир хил эмас» (Римликларга 12:4). Шахсий танангизга қараганингизда, бу оддий, лекин жуда

яққол кўринади. Бу ҳақида ўйлаб кўринг: бизнинг бурнимиз қила олмайдиган ишни, бармоқларимиз қила олади. Бизнинг қулоқларимиз қила олмайдиган ишни, бурнимиз қила олади. Бизнинг ошқозонимиз қила олмайдиган ишни, қулоқларимиз қила олади. Бизнинг жигаримиз қила олмайдиган ишни, ошқозонимиз қила олади ва ҳоказо. Бу қуйидагиларни англатади:

Ўзининг инъомлари ҳақида биладиган ва улар билан ҳаракат қиладиган одам бахтли ва марҳаатлидир.

Бошқа кишининг инъомлари билан ҳаракат қилишга уринаётган одам бахтсиз ва ғамгиндир.

Агар бир куни эрталаб ўйғонганингизда, сизнинг катта бармоғингиз: «Етар, бас! Оғиз, сен кўп йиллардан буён гапиряпсан. Бугун мен гапираман», деб айтса, сизга ғалати туюлмасмиди. Бу беъманилик; катта бармоқ оғиздек товушларни чиқара олмайди. Лекин катта бармоқнинг оғизда бўлмаган ноёб қобилиятлари бор. Сизнинг оғзингиз: «Бугун мен компьютерда ишлашни хоҳлайман!», дейишини тасаввур қилинг. Яна бир карра, бу бемаънилиқдир.

Навбатдаги муҳим савол: биз нима учун «минбар инъомларига» шунчалик кўп эътибор берамиз? Биз воизлик қилаётган хизматкорлар ва улуғлов гуруҳининг етакчиларига, нима учун энг муҳим инъом соҳиблари сифатида қараймиз? Павлус бу ҳақида Коринф жамоатига ёзган хатида шундай дейди: «Тананинг ўта заиф ва энг муҳим эмасдек туюлган баъзи қисмлари, аслида ўта муҳим ҳисобланади» (1-Коринфликларга 12:22).

Ҳаётий мисол келтиришимга ижозат беринг. Сиз оёқлар эътиборни тортишини пайқаганмисиз? Одамлар: «Унинг оёқлари чиройли» ёки «Унинг оёқларини мушаклари шунчалик бақувватки!», дейдилар.

Мен ўсмир бўлган пайтларда, эскича фикр юритадиган, тарбияли ва сокин отам бир куни унинг феъл-атворига мутлақо хос бўлмаган бир иш қилганини эслайман. У киши деярли ҳеч қачон бошқаларнинг эътиборини талаб қилмаган. Лекин бир куни у киши тўсатдан шундай деди:

- Ўғлим, сенинг оёқларинг жуда кучли.

Ҳеч нарса демай, мен жилмайдим ва нимани назарда тутаетганини ўйлаб, у кишига ҳайрон бўлиб қарадим. У киши давом эттириб:

- Нима учунлигини билишни хоҳлайсанми? Чунки менинг ҳам оёқларим жуда кучли. Сен ўз оёқларингни мендан мерос қилиб олгансан, - деди.

Мен у кишининг сўзларидан қаҳ-қаҳ кулайми ёки унга миннатдорчилик билдирайми, билмасдим, чунки у кишининг ғайриоддий хулқи мени бутунлай ғафлатда қолдирди. Мен шунчаки кулиб қўйдим ва:

- Ота менга кучли оёқларни берганингиз учун раҳмат, дедим.

Бу тўғри – оёқлар эътиборни тортади. Лекин сиз одамлар оёқсиз ҳам яшай олишлари мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Мен машинада ҳалокатга учраганидан кейин оёғидан ажралган, лекин одатий ҳаёт кечираётган бир кишини танийман.

Лекин жигар – бутунлай бошқа масала. Ҳеч ким жигарсиз яшай олмайди. У ўта муҳим, оёқдан кўра анча муҳимроқ. Лекин сиз кимдир: «Сенинг ажойиб жигаринг бор. У қойилмақом!», деганини бирор марта эшитганмисиз? Ҳеч қачон!

Шундай қилиб, Повулнинг сўзларини яна бир марта тингланг: «Тананинг ўта заиф ва энг муҳим эмасдек туюлган баъзи қисмлари, аслида ўта муҳим ҳисобланади».

Ва мен яна сўрайман: биз нима учун «минбар инъомларига» шунчалик кўп эътибор берамиз? Бу «кўринадиган» қисмлар ва улар бўлиши зарур, лекин Худонинг Сўзига биноан, улар энг муҳими эмас.

Дўстим Стенда (биринчи бобдаги киши) иш соҳасида одамларга эришиш, шунингдек, пул ишлаб топиш ҳамда қурбонлик қилиш инъоми бор. Жамоатимизда илдиз отган маданиятнинг яширин қоидалари туфайли, унинг инъоми ҳар қандай «минбар инъомларидан» кўра қадрсизроқдек туюлади. Жамоатнинг

тасавури қандай бўлган? «Минбар ортида турган одамлар, танланган ҳисобланади; айнан уларда ҳақиқий даъват бор».

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Агар кимдир ҳақида: «у ёки бунинг даъвати бор», десалар, ҳамма бирданига бу чўпон, улўғлов гуруҳининг етакчиси, ёшлар хизматининг чўпони, масиҳий ёзувчи, миссионер ва ҳоказо инъоми деб ўйлашни бошлайдилар. Бундай иборани эшитиб, жуда кам одамлар: «У тиббиёт соҳасига даъват қилинган ва у саратон касаллигини даволашнинг янги услубларини очяпти» ёки «У ҳокимиятда ишляпти ва Худо Шоҳлигининг ривожланишини ҳимоя қиладиган қонунларни қабул қиляпти» ёки «У таълим соҳасида меҳнат қиляпти ва болаларнинг онгига билим ҳамда Худонинг донолигини экаяпти» ёки «У иш соҳасига ушбу соҳада умидсиз бўлган одамларни қутқариш ва Худо Шоҳлигининг қурилишини маблағ билан таъминлаш учун даъват қилинган», деб ўйлайдилар.

Бу тафаккурнинг оқибатлари очиқ-ойдин: Стен мен каби «даъват қилинганини» тушунмай, узоқ йиллар мобайнида жамоатда бўлган. Гарчи унинг Худо томонидан берилган қобилиятлари самарали бўлса ҳам, лекин «жамоатдаги» инъомлар бошқаларидан муҳимроқ деган яширин тафаккур туфайли, ўзининг инъомлари муҳим эмасдек туюларди. Бу тафаккур ўзгариши керак! Ҳаммамиз Худо Шоҳлигидаги даъватимизни бажариш учун зарур бўлган ноёб инъомларимизда ҳаракат қилишга даъват этилганмиз.

Келинг, Павлус Коринф жамоатига бу ҳақида ёзган парчаларнинг ҳаммасини ўқиймиз.

Лекин Худо аъзоларнинг ҳар бирини танада Ўзи хоҳлаганидек жойлаштиради.

Агарда ҳаммаси битта аъзо бўлганида эди, тана қаерда бўлар эди? Аммо энди аъзолар кўп, тана эса биттадир. Кўз қўлга: “Сен менга керак эмассан”, ёки бош оёқларга: “Сизлар менга керак эмассизлар”, – деб айта олмайди. Аксинча, тананинг энг заиф бўлиб кўринадиган аъзолари жуда кераклидир. Танамизнинг иззатсиз туюлган аъзоларини кўп иззат билан буркаймиз. Хунук аъзоларимизга эса янада кўпроқ кўрк берамиз. Лекин кўркам

аъзоларимизнинг бунга муҳтожлиги йўқ. Аммо камчиликка эга бўлган аъзоларга кўпроқ иззат бериб, Худо бутун танани мувофиқлаштирди, токи танада бўлиниш бўлмасин, аксинча, ҳамма аъзолар бир-бирига бир хил ғамхўрлик қилсинлар (1-Коринфликларга 12:18-25).

Эҳтимол биз Павлуснинг сўзларини жамоат билан чеклаганимиз тўфайли «жамоат инъомларини» бошқаларидан кўра кўпроқ эъзозлармиз. Маълумки, бундай доирада воизлик қилиш ва таълим бериш инъомларига талаб кўпроқ, лекин Худо Шоҳлигининг иши ҳамма жойда амалга ошади ва бу кескин ўзгариш содир бўлиши керак бўлган яна битта тафаккурдир. «Жамоат» сўзи юнон тилида - «экклесиас», «даъват қилинганлар» деган маънони билдиради. Юнон тили луғатидаги аниқлов бунга қўшимча сифатида дейди: «даъват қилинган одамлар ёки озод давлатнинг жамият ишлари бўйича чақирилган ё бўлмаса йиғилган одамлар; хабарчи томонидан озод фуқароларнинг биргаликда чақирилган таналар».

Наҳотки биз фақат бинода бўлганимизда жамоат ҳисоблансак? Наҳотки биз фақат ибодат, сажда, воизлик ёки хизмат учун йиғилганимизда, жамоат ҳисоблансак? Мана шундай фикрлаш сабабли, одамлар ушбу муҳитда бўлганларида ўзларини ўзига хос тарзда тутадилар ва жамиятга қайтганларида бошқа хулқ-атворга қайтадилар. Биз – жамоатмиз ва биз қаерда бўлмайлик, ҳафтасига 7 кун, бир йилда 365 кун Худонинг Шоҳлигини қуриш учун тайёрмиз!

Мен яқинда бир мультимиллиардер киши билан учрашдим. Унинг ўзи «Илоҳий саёҳат» деб номлаган тадбирни ўтказаяётган эди. У ўзининг гуруҳи билан, баъзи хизматкорлар билан учрашиш учун жамоат ва анжуманларда бўлиш мақсадида турли шаҳарларга учиб борарди. У беш қиррали хизмат уни чархлаб, хизмат учун янаям кўпроқ тайёрлашини хоҳларди. Менинг яқин дўстларимдан бири бизнинг у билан учрашишимизни аввалдан режалаштирди. Биз Далласдаги бир анжуман доирасида учрашдик, мен у ерда воизлик қилган эдим. Бизнинг уч соатлик тушлигимиз жуда ажойиб ўтди ва мен бу учрашувдан ундан кўра

кўпроқ нарса олдим, деган ҳиссиёт билан кетдим.

У ўз фаолиятининг илк даврларида иш соҳасида зўрға, сирпаниб турганини, лекин унинг кўзлари очилган кун келганини гапириб берди. Фикрининг ойдинлашиши, у ўзидан Худонинг Шоҳлиги нима учун фақат жамоатларда ва анжуманларда намоён бўлиши керак, деб сўраганидан бошланган. У нима учун ҳамма жойда намоён бўлмаслиги керак? У иш соҳасига даъват этилганини билган, лекин у нима учун бу соҳада худди имонсизлардек иш тутади? Унинг бу дунёдан фарқи йўқ эди.

У иш соҳасида «Худо билан юришга» ва минбар ортида хизмат қилаётган воизхондек Муқаддас Рухнинг овозини тинглашга қарор қилган. Умуман олганда, у ўз даъвати масаласига дуч келган ва Худо томонидан бошқа чўпонлардек даъват этилгани ҳақидаги муайян бир фикрга келган. Кейин у Худо томонидан берилган инъомларни аниқлаб, улардан аниқ бир мақсадда фойдаланишга қарор қилган. У Худонинг овозини У билан ўтказган сокин дамда, шунингдек, ишга боғлиқ учрашувларда эшитган. Албатта, Худо унга ишларида билим сўзи ва доноликни берган.

Натижаси очиқ-ойдин; унда бошқа қийинчиликлар йўқ! У Худонинг кўпинча аҳамиятсиздек туюлган бир нечта ўзига хос сўзлари билан бўлишди. Лекин у ҳатто илоҳий амрлар, иш соҳасида қабул қилинган доноликка қарши бўлган пайтда ҳам ва уларга риоя қилиш ноқулай бўлган пайтда ҳам итоатли бўлишга қатъий қарор қилган. У мижозларидан ҳам, шахсий гуруҳидан ҳам шубҳалар, нафрат, безовталиқ ва ҳатто қаршиликларга дуч келгани ҳақида гапириб берди. Лекин у Худодан олган сўзларга қатъий амин бўлганининг ҳосили, миллиардлаб долларлар бўлиб келди. У гапириб берган мўъжизалардан мен ҳайратда эдим.

ХАЛҚЛАРГА ЎРГАТИШ

Агар биз бугунги жамоатнинг инъомлар ҳақидаги тасаввурини ўзгартирсак, нима содир бўлади? Агар биз мурожаатимизни тинглаётган барчага, ҳар бир инсон Худо Шоҳлигини қуришга даъват этилганини, қобилиятли ҳамда қадрли эканини

тушунтирсак, нима содир бўлади? Жавоби оддий: ҳамма Билли Грэм, Орал Робертс, Тереза Она ва ҳаворий Павлус каби аниқ мақсад ва интилиш билан меҳнат қилади. Мен учрашув пайтида ўша мультимиллиарддернинг аниқ мақсадли эканини ва интилиши борлигини кўрдим. У ўзининг хизмати ва унинг Худо томонидан берилган инъомлари ушбу хизматни бажариш учун қанчалик муҳим эканини биларди.

Халқларга ўргатиш учун бизнинг тафаккуримиз айнан шундай бўлиши керак. Келинг, бу фикрни батафсилроқ кўриб чиқамиз. Исо: «Жамоатга келаётганларга ўргатинг», демаяпти; У бизга «халқларга ўргатишни» амр қилган (Матто 28-боб 19-оятга қаранг). «Халқлар» сўзи юнон тилида - «этнос» дейилади, бу сўз «қариндошлик узвлари, маданият ва умумий ўрф-одатлар билан бирлашган бир гуруҳ шахс»ни билдиради. Бу таъриф мавжуд миллатлар, қабилалар, шунингдек, ҳудудий ва этник гуруҳларга тегишли. Бундан ташқари у умумий касбли одамларни, жумладан, велосипедчилар, актёрлар, шифокорлар, тадбиркорлар, учувчилар, ҳуқуқшунослар, уй бекаси бўлган оналар, ҳокимият ишчилари, спортчилар ва ҳоказоларни ҳам назарда тутди. Биз ушбу соҳаларда ишлаётган эркакларга ҳам, аёлларга ҳам ўргатишимиз ва уларни шогирдларга айлантиришимиз керак.

Лекин келинг, бир қадам олдинга юрайлик. Исо «Халқлардаги одамларга ўргатинглар», демаяпти; У «Халқларга ўргатинглар», деяпти. Фарқини тушунишимиз зарур; биз Худонинг Сўзига биноан турли соҳаларда иш тутиш тарзини ўзгартиришимиз керак. Албатта, биринчи навбатда, ушбу соҳаларда ишлаётган одамларга эришсак, бу нарса рўй беради. Лекин биз чуқурроқ даражада ҳаракат қилишимиз керак. Биз фақатгина одамларни эмас, балки уларнинг Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух йўлида иш тутиш тарзини ҳам чўмдиришимиз (ботиришимиз) керак. Масалан, ўша миллиардер билан бўлгани каби, иш соҳасидаги одамларга, уларнинг фикрлари ўзгаришига қўмаклашиш мумкин. Бу бор-йўғи сузиб юривчи музтоғнинг учидир.

Заккай ҳақида ўйлаб кўринг. У солиқ йиғувчиларнинг бошлиғи ва шубҳасиз, бутун вилоятдаги ўз ишининг усталаридан бири эди. Умуман олганда, у ўша жойдаги махфий ташкилотнинг бошлиғи эди. Ҳойнаҳой, одамлар ундан нафратланганлар, чунки у аксарият солиқ йиғувчилар қилган ишларни қилган – ўзининг мансабидан шахсий манфаати учун фойдаланган. У албатта, фуқароларни талаган, кўрқитиб пулини олган, алдаган, таҳдид қилган ва уларга босим ўтказган. У салбий маънода таниқли, обрўли шахс бўлган ва ҳойнаҳой, унга тобе бўлганларнинг ҳаммаси ундан ўрناق олганлар.

Мен борган баъзи давлатларда бунга дуч келганман. Давлат бошлиғи порахўр бўлади ва ўзининг амалдорларидан унга яширинча пул беришларини талаб қилади. Худди шу нарса энг кичик мансабдаги кишиларгача тарқалган бўлади. Натижада, ҳатто аэропортдаги муҳожирлик хизматининг ишчисига ҳам, давлатни тарк этишга рухсатнома учун пора бериш керак эди.

Заккайга қайтайлик. Қизиғи шундаки, Исо уни исми билан атади ва унга фақатгина қуйидагиларни айтди: «Заккай! Тезроқ пастга тушгин, зеро бугун Мен сенинг уйингда бўлишим керак».

Заккай Раббийнинг олдида ҳозир бўлиб: «Исо эса у жойга келганида, юқорига қаради ва Заккайни кўриб, унга деди: “Заккай! Тезроқ пастга туш, чунки Мен бугун сенинг уйингда бўлишим керак”. У шошилиб пастга тушди ва Исони хурсандчилик билан меҳмон қилди. Буни кўрганларнинг ҳаммаси нолий бошлаб: “У гуноҳкор одамнинг уйида меҳмон бўлди”, – дедилар. Заккай эса ўрnidан туриб Раббийга: “Ҳазратим, мол-мулкимнинг ярмини қашшоқларга бўлиб бераман. Агар бировнинг ҳақини еб кетган бўлсам, тўрт баробар кўпроқ қилиб қайтариб бераман”, — деди» (Луқо 19-боб 5-8-оятлар).

Ўша жойдаги солиқ йиғиш соҳасида нима содир бўлди? Уларнинг етакчисини иш тутиш тарзи жоҳил дунёвий услублардан, Худо Шоҳлигининг ўрнатилган тартибига ўтди! Энди бизнес ва бошқарувнинг ушбу соҳаси ерда ҳам, самода ҳаракатланаётганига анча яқинроқ тарзда бажарилар эди.

Жамиятда ўзгариш рўй берди. Бу ўзгариш жамоатдаги хизмат жараёнида ёки Исо Заккайни Ўзининг издоши бўлишга кўндириб, воизлик қилаётганида рўй бергани йўқ. У шаҳар марказида рўй берди. Заккай Исо билан учрашди ва унинг иш тутиш тарзи қутилмаганда ўзгарди. Бу ҳар сафар одамлар бизни халқ орасида (биз даъват этилган таъсир кўрсатиш соҳаларда) учратганида рўй бериши керак, чунки худди ўша Исо бизнинг ичимизда яшаяпти.

Мен ҳозир Миллий футбол лигасининг собиқ ўйинчисига мураббийлик қиялман, унинг ижтимоий тармоқларда тана машқлари билан шуғулланадиган кўплаб обуначилари бор. У тана машқлари билан шуғулланадиган ўша обуначиларини, улар Исонинг ҳокимиятини аллақачон қабул қилган ёки қилмаганидан қатъий назар, само Шоҳлигининг маданияти ушбу халққа («этносга») киришини кўрсатиб, йўл-йўриқ берапти. У Худо Шоҳлигининг йўллари ва услубларини кўрсатиб, ўша одамлар билан сўхбатлашапти.

Бизнинг инъомларимиз фақатгина муқаддасларнинг бинода йиғилиши учун тайинланмаган, гарчи бу тўғри ва муҳим, шу билан бир қаторда, мен йиғинларимизнинг аҳамиятини ҳеч ҳам камситмоқчи эмасман. Менинг мақсадим – Худо инъомларининг ҳаракати ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиришдир. Агар биз жамоатдан ташқарида даъват этилган бўлсак, бу эса бизнинг кўпчилигимизга тегишли, унда биз таъсир ўтказидиган соҳада – «этносимиз» орасида инъомларимиз орқали илоҳий тарзда иш тутишга даъват этилганмиз.

Агар сиз дунёвий бўлганларни муқаддас бўлганлардан ажратишга кўниккан бўлсангиз, бу фикр ўзгариши керак. Сиз қаергадир, қаерлиги муҳим эмас – сиз жарроҳ ёки ҳамшира бўлиб ишлайдиган касалхонага, сиз ўқитувчи бўлиб ишлайдиган синфга, ҳайдовчи сифатида заводга ва ҳоказога кирганингизда, сиз ушбу муҳитга муқаддас бўлган нарсаларни киритиш ҳамда у ердаги одамларга Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан насиҳат қилиш учун қобилиятлисиз. Бошқа сўзлар билан айтганда, сизда худди Заккай ва бошқаларнинг ҳаётидаги Исо амалга оширган


50 Х: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНИАТИНГИЗНИ ОШИРИНГ

ишлар каби ерга самони олиб келиш учун Худодан мадад ҳамда ҳокимият бор. Сиз Худо Шоҳлигини ўз таъсир соҳангизда кенгайтириб, унда иш тутиш тарзини кўпайтириш учун даъват этилгансиз.

Ахир бу сизнинг ишингиз ёки таълим олишингизни кўпроқ саргўзаштга айлантирмайдими?

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Худонинг Сўзи, ўзимизни самимий баҳолашимиз учун огоҳлантиряпти. Бу баҳолаш ҳозирги вақтда қилиниши керак. Мен вақтидан олдин хизмат бошлашга уринганим ҳақидаги воқеани гапириб бердим. Сиз ўша хатони қандай қилиб такрорламаслигиниз мумкин? Ҳозирги вақтда, сизда қандай инъомлар бор?
2. Ўзининг инъомлари ҳақида биладиган ва улар билан ҳаракат қиладиган одам бахтли ва марҳаматлидир. Бошқа кишининг инъомлари билан ҳаракат қилишга уринаётган одам бахтсиз ва ғамгиндир. Сиз бирор марта даъватингизга мос келмайдиган инъомни танлаш васвасасини ҳис қилганмисиз? Агар ҳа бўлса, унда нима учун?
3. Бизнинг инъомларимиз муқаддаслар фақатгина бинода йиғилишлари учун эмас, балки бизнинг таъсир ўтказадиган ўзига хос соҳаларимиз учун тайинланган. Сиз ўзингизнинг кундалик ҳаётингизни Худо Шоҳлигини қуриш учун муҳим деб ҳисоблайсизми? Сиз ўзингизнинг мутахассисликка оид инъомларингиздан Худонинг Шоҳлигини ривожлантириш учун қай тазда фойдалана оласиз?



*Ҳар бир киши бизни Масиҳнинг
хизматкорлари ва Худонинг сирларини идора
қилувчилари деб ҳисобласин.*

—1-Коринфликларга 4:1

ИДОРА ҚИЛУВЧИЛАР

Биз «иноят» ва «инъом» сўзларини ўрганиб чиқдик; энди «идора қилиш» ҳақида гаплашамиз. Бу сўз ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиб, биз ҳаётимиздаги даъватни олиш учун Муқаддас Китобдан ушбу учта сўзни бирлаштиришимиз мумкин.

«Мерриам-Вебстер» луғати «идора қилиш» сўзига «ғамхўрлик қилиш учун, кимгадир ишониб топширилган бирор нарсани диққат ва масъулият билан идора қилиш» деб таъриф берган. Муқаддас Китобдаги муҳим сўзларнинг юнонча таърифини ўрганиб чиқсак, ақл билан иш тутган бўламиз, чунки кўпинча таржима қилинган сўзлар уларнинг аниқ маъносини етказиб бера олмайди. Лекин «идора қилиш» сўзида ундай эмас; юнон тили ва таржимадаги таърифлар жуда ўхшашдир. «Идора қилиш» сўзи юнонча «ойкономос» сўзидан таржима қилинган, у «бирор нарса учун ҳокимияти ва масъулияти бўлган киши; бошқараётган киши; масъулиятли киши; иш бошқарувчи, мудир» деган маънони билдиради.

Мана шу иккита таърифдан келиб чиққан ҳолда, идора қилишнинг учта ҳар хил томонлари мавжуд. Идора қилувчи:

- Бошқа кишига тегишли бўлган нарсани назорат қилади;
- Унга ишониб топширилган нарсдан фойдаланиш ҳокимиятига эга;
- Масъулияти бор: у хўжайинига ҳисобот беради.

Худо ҳамма нарсани яратган ва ҳамма нарса Унга тегишлидир! Забур китоби 23-боб 1-оятда шундай ёзилган: «Ер ва уни тўлдириб турганларнинг барчаси Раббийникидир». Биз бу ер соҳасида ҳамма нарсанинг идора қилувчиси эканимизни англатади. Биз бутун ерни – қуруқликни, сувни, ҳавони, бойикларни, ҳайвонларни, балиқларни ва қушларни идора қилишимиз керак. Биз одамларнинг руҳий, ҳиссий, ақлий ва жисмоний соҳадаги фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш учун масъулиятлимиз. Мен давом эттиришим мумкин, лекин умуман олганда, биз ердаги ҳамма – кўринадиган ва кўринмайдиган нарсалар учун масъулиятлимиз.

Лекин келинг, Повулнинг таърифида «идора қилиш» сўзи айнан қайси маънода фойдаланилганини кўриб чиқамиз. У «Худонинг сирларини идора қилувчилари» тўғрисида ёзаяпти. Муқаддас Китобнинг «Янги тирик таржимасида» бизга «Худонинг сирларини тушунтириш топшириғи берилгани» ёзилган. Повулнинг ҳаётидаги инъомлардан (*харизмалардан*) бири ваҳий эди; у сирларни – ҳали очилмаган яширин ҳақиқатларни изоҳлаган. Шунинг учун, у бу ерда айтаётган идора қилиш сўзи пул, вақт ва бойликларни бошқариш эмас (гарчи буларнинг ҳаммаси муҳим бўлса ҳам), балки унинг инъомини (*харизмасини*) идора қилиш ҳақида кетаяпти. Бу бизга ҳам тегишлими ёки йўқми?

Петъор шундай деб ёзган: «Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглр» (1-Петъор 4:10). Бу оятда биз юқорида белгилаган учта сўзнинг ҳаммаси бор (инъом – «харизма», идора қилувчилар – «ойкономос» ва иноят – «харис»). Петъор худди Павлусдек, бизга ишониб топширилган инъомни идора қилишимиз кераклигини хабар қилаяпти. Бу оятда кўп нарса очиб берилган; шунинг учун, биз уни диққат билан ўрганишимиз керак.

Петъор «ҳар бир киши» инъом олган, деб ёзганига эътибор беринг. Бошиданоқ у: «ҳар бир хизматкор», «ҳар бир чўпон» ёки «улуғлов гуруҳининг ҳар бир етакчиси», деб ёзмаганини

таъкидлаш лозим. Агар сиз юқоридан туғилган бўлсангиз, сизга берилган ёки ишониб топширилган инъом ёки инъомлар бор. Бу биз икки боб аввал берган саволга Муқаддас Китобдан берилган жавобдир. Сизда инъом ёки инъомлар бор ва такроран айтиш мумкин-ки, инъом – бу, иноятнинг сизга алоҳида қобилиятларни ато этган истеъдодидир.

Сизнинг инъомларингиз муҳимлигини кўрсатиш учун, келинг, намуна сифатида Павлуснинг муносабатини кўриб чиқамиз. У ўзининг идора қилишига жиддий қараган. Кейинроқ, у Коринфликларга йўллаган мактубида шундай деб ёзган:

«Агарда мен Хушxabарни воизлик қилсам ҳам, бу билан мақтанишимга асос йўқ, чунки бу менинг зиммамга юкланган мажбуриятдир. Аммо Хушxabарни воизлик қилмасам, менинг ҳолимга вой! Чунки агар мен буни ихтиёрий равишда қилсам, шунда мукофотга эга бўламан. Лекин буни ўз иродамга қарши қилаётган бўлсам, унда менга топширилганини бажараётган бўламан, холос» (1-Коринфликларга 9-боб 16-17-оятлар).

«Ҳолимга вой» сўзлари бирдан менинг диққатимни тортди. Бу жиддий сўзлар, бизнинг кўпчилигимиз ўйлаганимиздан ҳам жиддийроқдир. «Ҳолига вой» сўзи юнонча «оуай» сўзидан таржима қилинган ва «кулфат, даҳшат» деган маънони англатади. Яна битта луғат бу сўзни «ғам ёки нафратдан ҳайқириш» сифатида тасвирлаган. Янги Аҳдда бу сўзнинг ҳар сафар тилга олиниши, ҳукм кунида кутилаётган ўта оғир ва кўрқинчли судни назарда тутди. Павлуснинг «ҳолимга вой» сўзларидан фойдаланиши ўзига лаънатни чақиришига ўхшайди. Бу ибора шу заҳоти бизнинг эътиборимизни тортиши керак. Худо томонидан берилган инъомларни менсимаслик – жиддий масала ҳисобланади.

Павлус Худо унга ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ниманидир ишониб топширганини билган. Кўзни очадиган бир ҳақиқат мавжуд: агар у бундан тегишли тарзда фойдаланмаганида эди, бошқалар Худо уларга бермоқчи бўлган нарсадан фойда

кўрмаган бўлардилар ва ҳатто, зарар кўрган бўлардилар. Павлус бу инъом унинг ўзи учун эмас, балки у орқали бошқалар учун берилганини билган. Бошқа сўзлар билан айтганда, у Худо бошқаларга бермоқчи бўлган нарсани ўзида олиб юрган ва айнан шунинг учун, агар у ўзининг идора қилишини менсимайдиган бўлса, шундай жиддийлик билан ўзига «кулфатни» эълон қилган.

Келинг, буни ўзимизга тегишли деб биламиз. Биз иккита қизиқ фактни ажратиб кўрсатишимиз лозим. Биринчиси, Павлуснинг инъоми «кўринарли» бўлган. Худо кўринмайдиган инъомлар кўринадиганларидан кўра кўпроқ иззатда бўлишини тайинлаганини эсланг. Агар Павлус ўзининг кўринадиган инъомига шунчалик жиддий муносабатда бўлган бўлса, биз ҳам Худо ичимизга жойлаган инъомни беқадр қилмаслигимиз керак, айниқса, агар у кўринмайдиган бўлса.

Иккинчи хулоса янаям кўпроқ муҳим. Ҳаётингиздаги Худонинг инъомлари сизнинг ўзингиз учун эмас, балки бошқа одамлар сиз орқали улардан фойда олишлари учун берилган. Ёзувчилик инъоми менга ўзим учун эмас, балки сиз учун берилган. Воизлик қилиш инъоми менга ўзим учун эмас, балки мен воизлик қилаётган одамлар учун берилган. Етакчилик инъоми менга ўзим учун эмас, балки мен раҳбарлик қилаётган одамлар учун берилган ва ҳоказо.

ИНЪОМИМИЗДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШНИ БИЗ ҚАРОР ҚИЛАМИЗ

Биз инъомимиздан самарали фойдаланишимиз ёки уни суистеъмол қилишимиз мумкин – буни биз танлаймиз. Инъом, ҳатто ундан илк илоҳий мақсадига биноан фойдаланилмаётган бўлса ҳам - Шоҳликни қуриш учун ишлайди. Адольф Гитлер қобилиятли етакчи бўлган ва ўз давлатини миллионлаб немислар, яҳудийлар, руслар, французлар, британияликлар ва ҳоказоларга бахт-саодат келтирадиган йўлдан етаклаши мумкин эди. У ўз инъомидан Худонинг шўхрати учун фойдаландими ёки ўзи ва хайрихоҳ бўлган одамлари учун фойдаландими? У ўз

инъомидан, натижада, кўплаб яҳудийлар ва бошқа халқларнинг талон-тарож қилинган, азоб чеккан ва бирорта жиддий сабабсиз қатл қилинган одамларга ҳалокат келтириш учун фойдаландими? Ушбу саволларга жавоблар муҳокама қилинишга муҳтож эмас – улар ҳаддан ортиқ равшан.

Адольф Гитлер идора қилишининг оқибатлари очиқ-ойдин, лекин идора қилишининг натижалари унчалик яққол бўлмаган иккита жуда таниқли одамни тилга олишимга ижозат беринг. Биринчи шахс – Уитни Хьюстон, у бутун ҳаётим мобайнида эшитган энг зўр овоз соҳибаларидан бири бўлган хонанда эди. Унинг ҳаётига Раббийнинг келгани очиқ-ойдин эди. Уитни кўйлаган пайтда, уни тинглаган ҳамма, унинг овозидан чуқур таассурот остида бўларди. Унинг овози илоҳий, фаришталарнинг овозидек ва жозибали эди.

Иккинчи намуна – Фредди Меркьюри, «Куин» рок-гурӯҳининг бош яккахон хонандаси. У ўзининг созандалик ва кўйлаш инъомлари билан бутун бир бошли спорт майдонларига таъсир ўтказа оларди. Унинг қобилиятлари ўта ноодатий ва баъзиларнинг фикрига кўра, ҳатто илоҳий эди. У деярли ҳар қандай вазиятда жуда кўп томошабинларни осонлик билан бошқара оларди. Унинг вафотидан кейин йиллар ўтиб, кўп одамлар, ҳали ҳам унинг қўшиқларини кўйлаяптилар.

Уитни ва Фредди ўз инъомларидан муваффақиятли фойдаландилар, деб айтиш мумкинми? Шубҳасиз, кўплар ҳа, дейдилар. Лекин келинг, бунга Исонинг айтган сўзлари нурида қарайлик:

«Доноликнинг ҳақлиги унинг натижалари билан тасдиқланади» (Матто 11:19, NLT).

ва яна,

«Доноликнинг ҳақлиги унга риоя қиладиганларнинг ҳаётлари билан тасдиқланади» (Луқо 7:35, NLT).

Келинг, бу иккита ажойиб хонандаларнинг идора қилишини

хам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли натижаларини ўрганиб чиқамиз. Уитни ўз инъомидан одамларни Худонинг ҳузурига етаклаш учун фойдаландими? Унинг куйлашини эшитиб, тингловчилар эзгу ишларни қилишга интилдиларми? Унинг қўшиқлари никоҳ аҳдини мустаҳкамладими ёки ҳақиқий бўлмаган ҳаёлий орзуларни яратиб, норозиликка ундадими? Фредди ўз инъомидан тингловчиларини ҳақликка етаклаш учун фойдаландими? У одамларга ўз Яратувчисига иззат кўрсатишни насиҳат қилдими? Уитни ва Фредди бу ердан қандай кетдилар? Уларнинг мероси доимийми ёки ўткинчими? У абадий турадими ёки бу дунё билан бирга ҳалок бўладими?

Исо бизни инсон ҳаётининг натижасига қарашга ундаяпти. Мен сизга Уитни ва Фредди идора қилишининг натижаларини ўзингиз аниқлашингизга ижозат бераман. Лекин якуний кўриб чиқиш Яратувчимизнинг ҳузурида бўлади. Ҳар бир киши судда ҳисобот беради.

Агар сиз Уитни ёки Фреддининг ишқибози бўлсангиз, сизга бу муҳокама ёқмаслиги мумкинлигини тушунаман. Лекин келинг, уларнинг идора қилиши судда қандай баҳоланишини яққол кўрсатадиган саволни берайлик. Келинг, улар қолдирган мероснинг таъсирини ўн миллион йиллик истиқболдан кўриб чиқамиз. Уитни ва Фредди ўзларининг Худо томонидан берилган инъомларини идора қилганларига қандай баҳо берадилар. Абадийлик истиқболидан фикрлаш сизнинг илк нуқтаи назарингизни ўзгартира олади.

Ҳаёт кўп жиҳатдан келажакда қандай ривожланишига боғлиқ. Агар биз унга 80 йиллик призма орқали қарасак, ҳаммасини бир томондан кўрамиз. Агарда унга абадийлик призмаси орқали қарасак, ҳаммаси бутунлай бошқача кўринади.

Тасаввур қилинг, сизни кечки овқатга ошхонага таклиф қилдилар. Сиз маълум миқдордаги пулни тўлаб, хоҳлаган нарсангизни ейишингиз мумкин. Столларнинг бирининг устида фақат мазали ширинликлар бор. Агар сиз бу столга бир кунлик истиқболдан қарасангиз, қандай иш тутасиз? Ҳойнаҳой, сиз бу

ширинликларнинг ҳаммасини еб қўясиз. Лекин, агар сиз бу столга бир йиллик истиқболдан қарасангиз, нима бўлади? Албатта, сиз битта ширинликни ейсиз ёки бирортасини ҳам емайсиз. Нима учун? Сиз эртаси куни эрталаб ошқозонингиз бузилиб ўйғонишни, кейинги ҳафтанинг охиригача тўрт килограммга семиришни ва узоқ муддатли соғлиғингизни хавф остига қўйишни истамайсиз!

Биз Уитни ва Фреддининг ҳосилига абадийлик ҳолатидан қарасак, уларнинг идора қилиши донолик ёки нодонлик бўлгани ойдинлашади.

Биз учун Адольф Гитлер ёки ҳатто, Фредди Меркьюри ва Уитни Хьюстон ҳақида гапириш мутлақо хавфсиздир. Лекин кўзни очадиган ҳақиқат қуйидаги сўзларда: сиз ва мен ҳам Судьянинг қаршисида ҳозир бўладиган вақт келади. Бизнинг инъомларимиз 70-80 йиллик истиқболдан эмас, балки абадийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бизнинг ишларимиз, бизга Унинг Шоҳлигини қуришни амр этаётган Худонинг абадий Сўзлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Бизнинг меросимиз абадий турадиган бўладими ёки бу дунё билан бирга ўтиб кетадими?

ИБОДАТЛАРГА ДИҚҚАТ БИЛАН ҚАРАШ

Келинг, биз биринчи бобда айтганларимизни такрорлайлик. Сиз ҳар қандай вақтда қуйидаги учта услублардан бирини қўллаб, ўзингизнинг инъомларингизни идора қилишингиз мумкин:

- Сиз Шоҳликни қуриш учун бу инъомлардан фойдаланишингиз мумкин;
- Сиз ўз ҳаётингизни қуриш учун бу инъомлардан фойдаланишингиз мумкин;
- Сиз бу инъомларни шунчаки менсимаслигингиз мумкин.

Иккинчи бўлим ҳақида батафсилроқ гаплашиб олиш зарур, чунки у янглиштириши мумкин. Кўплар бошқаларни қуряпман, бунини Худонинг Шоҳлиги учун қияпман, деб ўйлайдилар, бироқ улар шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутадилар.

Мен билмасдан шундай ҳолатга тушиб қолган эдим. Бир

неча йиллар аввал, мен эндигина хизмат қилишни бошлаган пайтларда, жамоатнинг ҳамма ишчилари ва қатновчиларига, шунингдек, мен таниган ҳаммага яхши ва ёқимли сўзларни айтардим. Мен ҳатто, бу тўғри бўлмаса ҳам, ҳаммага қувончи ва ёқимли сўзларни айтардим. Одамлар мени меҳрибон ва севадиган киши деб ўйлаётгани ҳақидаги миш-мишлар менгача етиб келарди. Шубҳасиз, бу мақтовлар менинг хулқ-атворимни рағбатлантирарди.

Бир куни ибодат қилаётганимда Худо менга: «Одамлар сени севадиган, ғамхўр ва меҳрибон киши дейдилар, шундай эмасми?», деди.

Одатда мен Унинг сўзларини тасдиқ сифатида қабул қилардим, лекин Муқаддас Руҳ буни қандай айтгани, У бошқа нарсани назарда тутаетганини кўрсатарди. Шунинг учун, мен эҳтиёткорлик билан: «Ҳа, бу тўғри», деб жавоб бердим.

У шунда жавобан: «Сен одамларга фақат ёқимли сўзларни нима учун айтишингни биласанми?», деди.

Мен янада эҳтиёткорлик билан: «Нима учун?», деб жавоб бердим.

У: «Чунки улар сендан юз ўгиришидан қўрқасан. Шундай қилиб, севгинг кимга қаратилган, ўзинггами ёки уларгами?» деди.

Менинг мақсадларим тўлиқ фош этилганини тушуниб, мен Унинг фикри билан рози бўлдим.

Шундан кейин У: «Агар сен одамларни ҳақиқатан ҳам севганингда эди, ҳатто юз ўгирилган бўлиш хавфи билан ҳам уларга тўғриси айтган бўлардинг», деди.

Бу тузатиш менинг одамларга бўлган муносабатимга қаратилган эди. Лекин, мавзуимизга қайтиб: биз худди шу тарзда Худодан олган инъомни суистеъмол қила оламизми, деб сўрашим лозим. Бошқа сўзлар билан айтганда, одамларга, биз ўз манфаатимизни кўзлаб инъомдан фойдаланаётган бир пайтда, ундан Шоҳликни қуриш учун фойдаланаётгандек туюлиши мумкинми? Жавоб, албатта ижобий ва мен яна ўз ҳаётимдан мисол кетираман, кейин уни Худонинг Сўзидаги намуналар билан асослайман.

Мен одатда анжуманлар ёки жамоатдаги хизматларда нима ҳақида воизлик қилишим борасида Раббийдан аниқ сўз олмайман, лекин Рухдан бошқарув олиш учун ҳар доим юрагимга қулоқ тутаман. Бироқ, воизликкача Раббийдан аниқ сўз олган бир воқеа бўлган эди.

Мен АҚШнинг Ўрта Ғарбида бир анжуманда воизлик қилишим керак эди. Хизмат қилишим керак бўлган ўша кун меҳмонхонанинг хонасида ўйғониб, Муқаддас Рухдан: «Мен бугун кечқурун анжуманда *“Шайтоннинг хўраги”* мавзусида воизлик қилишингни истайман», деган сўзни аниқ эшитдим (бу, хафагарчиликларни қандай енгиш ҳамда бизга оғриқ етказган одамларни юракдан кечириш ҳақида мен томонимдан 1994-йил ёзилган китоб ҳисобланади).

Мен Унинг буйруғи билан кун бўйи курашдим. *“Шайтоннинг хўраги”* китоби бир неча йилдан буён сотувда эди ва энг кўп сотиладиган китобга айланганди. Бу китобдаги мактубни мен бутун мамлакат бўйлаб узоқ вақтдан буён воизлик қилаётган эдим ва кўп одамлар уни аллақачон эшитган эдилар. Бундан ташқари, ўша пайтда мен янги китоб устида ишлаётганим туфайли, Рухнинг бу буйруғига итоат қилиш қийинроқ бўлди. Агар бирор нарса ҳақида бир неча ой ёзсангиз, бу ҳақиқат сизнинг юрагингизда яққолроқ ва янгироқ бўлади. Аслида мен эски мавзунини воизлик қилишни истамаган эдим. Лекин мен Муқаддас Рухдан тўғридан-тўғри буйруқ олдим.

Хизматга келганимдан кейин, анжуманнинг хизматкорлари менга, одамлар мени тинглаш учун узоқ йўл босиб ўтганларини айтдилар. Улар албатта, қайта-қайта такрорланаётган мавзунини тинглашларини ва улар аллақачон *“Шайтоннинг хўраги”* китобини ўқиганлари умуман эҳтимолдан ҳоли эмаслигини ўйлаб, чўчиб тушдим.

Залга кириб, мен муҳитнинг шай турганини ҳис қилдим. Одамларнинг олдиндан лаззатланаётгани ойдин эди. Эрталаб олган буйруққа итоат қилиш мен учун янада қийинроқ бўлди. Қандайдир маънода, мен одамларнинг ҳафсаласини пир қилмоқчи эмасдим. Мен босимга берилиб, ўзимнинг «янги» мавзуимни воизлик қилишга қарор қилдим ва натижадан жуда

қойил қолдим. Воизлик қизғин бўлди ва одамлар завқ-шавқ билан жавоб қайтардилар. Баъзилар менинг асосий фикрларим билан рози бўлиб, ҳатто ўринларидан турдилар. Мен «жазосиз қолган» ёки эрталаб Худони эшитмагандек туюларди. Нима бўлганда ҳам, мен бахтли эдим. Воизликдан кейин, хизматкорлар хонасида ҳамма руҳланган эди ва менга ажойиб мавзу учун миннатдорчилик билдирдилар.

Одатда мен воизлик қилган шаҳардан қониқиш ва қувонч хисси билан кетаман; ўзимни гуё Худо менинг юрагимда жилмаяётгандек ҳис қиламан. Эртаси куни эрталаб ҳаммаси бутунлай бошқача эди. Мен юрагимда оғирлик билан, кучсиз ҳолда ўйғондим ва тушкунлик билан курашдим. Мен бунинг сабабини шу заҳоти тушундим – мен Худога итоат қилмадим. Ўша куни эрталаб биринчи ўринда тиз чўкиб, тавба қилдим ва кечирим сўрадим. Исонинг қони мени поклашини сўрадим.

Бироқ, енгиллик келмади. Мен бу оғирлик ва қайғуни кун бўйи – меҳмонхонада қолган вақтим мобайнида, аэопортга кетаётганимда, аэропортда кечиккан рейсни кутаётганимда ва АҚШнинг ғарбий дарё бўйигача учиш мобайнида олиб юрдим. Қайғу, оғирлик ва тушкунликка чидаб бўлмасди. Ниҳоят, биз Сан-Диего шаҳрининг устида айланаётганимизда, буларнинг ҳаммаси мени тарк этди.

Мен: «Ота, мен бугун эрталаб тавба қилиб, кечирим сўрадим. Нима учун Сен менда қувонч, тинчлик ва қониқишни фақат ҳозир тикладинг?», деб сўрадим.

Мен Раббийнинг: «Бу қанчалик жиддий эканини тушунишинг учун Мен сенга итоатсизлигингни юкини кутаришинга йўл қўйдим. Ушбу хизматда Мен сенга ишониб топширган *“Шайтоннинг хўраги”* мавзусидаги мактубни эшитиши керак бўлган бир чўпон бор эди. Унинг ҳаёти ва хизматида ҳозир оғир дамлар ўтяпти. Сен Менга итоат қилмадинг, итоатсизликнинг оқибатлари эса ёмон. Сен ҳис қилган оғирлик, бу ҳодиса яна рўй беришига йўл қўймаслигинг учун огоҳлантириш ҳисобланади. Сен энди янги шаҳардасан: Менга итоатли бўлгин», деганини эшитдим.

Мен ўтган кеча ҳақида ўйладим. Йиғиндаги одамлар, хизматкорлар гуруҳи ва анжуман ташкилотчисининг ҳаммаси бахтиёр эдилар. Мени яна бир марта таклиф қилдилар ва кейинроқ, мен ҳатто ўша хизматда бўлган гувоҳликни ҳам эшитдим. Ўша кеча Худонинг инъомидан илоҳий мақсадга биноан фойдаланилмаган бўлса-да, у мен орқали ҳаракат қилгани аён эди.

Сиз: «Шунақаси бўлиши мумкилигига ишонасизми?», деб сўрашингиз мумкин. Келинг, Муқаддас Китобдан илоҳий инъом суистеъмол қилингани ҳақидаги бир нечта воқеаларни кўриб чиқамиз. Мусо ҳақида ўйлаб кўринг. У Исроил халқини ваъда қилинган ерга олиб кириш учун даъват этилган эди ва ўз хизматини бажариш учун буюк мўъжизалар яратиш инъомини олди.

Бир куни Худо Мусога сув чиқариши ва одамларни тўйдириб ичириши учун тошга гапиришни буюрди. Лекин Мусо илоҳий буйруққа очиқ-ойдин бўйсунмай, ғазаб билан тошни урди. Сув барибир жуда кўп – саҳрода миллионлаб одамларни тўйдириб ичириш учун етарли даражада чиқди. Бу Мусонинг рўйхатидаги яна битта буюк мўъжиза эди. Халқ уларнинг етакчисининг инъоми тўфайли, яна эҳтиромда эди. Бироқ, «анжуман» тугаганидан кейин, Мусо ўз инъомидан Худонинг амрига биноан фойдаланмагани сабабли жавобгарликка тортилган эди. Ушбу суистеъмол қилиш тўфайли унга ваъда қилинган Ерга кириш тақиқланди. Агар бу ҳақда ўйлаб кўрсак, бу воқеа кўзимизни очади.

Навбатдаги мисол – Балаам. У Исроил ҳақида башорат қилган эди ва унинг сўзлари бугунги кунгача Муқаддас Ёзувда ёзилган. Қандай буюк гувоҳлик – сизнинг башоратингиз Худонинг барҳаёт Сўзида ёзилган! Лекин бу воқеа унчалик ҳам оддий эмас. Худо унга бормасликни ва бошқалар ундан сўраган ишни қилмасликни аниқ айтган эди. Лекин барибир, Балаамга ишониб топширилган инъом, ҳатто Худо унга «Улар билан борма», деганида ҳам таъсир қилди (Сонлар 22:12). Биз яна бир карра инъомнинг илк илоҳий мақсаддан ташқарида ҳаракат қилганини кўряпмиз.

Мен қўйидагиларни изоҳламоқчиман: Худо бизга ишониб топширган инъомларни икир-чикиригача назорат қилмайди. Агар

у шундай қилганида эди, биз идора қилувчилар деб аталмаган бўлардик. Идора қилувчи унга топширилган нарсаларни Худонинг назоратисиз, бевосита бошқариш ҳоқимиятига эга. Бунинг Муқаддас Китобдаги намунаси Исонинг садоқатсиз идора қилувчи ҳақидаги ҳикмати ҳисобланади:

«Бир бойнинг хўжалигини идора қилувчиси бор экан. Бойнинг қулоғига: “Идора қилувчингиз мол-мулкингизни беҳудага исроф қилиб юрибди”, - деган хабар етказилди. Шунинг учун бой идора қилувчисини чақириб унга: “Мен сен ҳақингда нималар эшитяпман? Ўз идорачилигинг ҳақида ҳисобот бер, чунки сен бошқа идора қила олмайсан”, - деб айтди» (Луқо 16-боб 1-2-оятлар).

Муқаддас Китобда ёзилган даврларда идора қилиш бугунги кунга қараганда одатий ҳол бўлгани сабабли, биз бу воқеада муҳим бир нарсани ўтказиб юборишимиз мумкин. Эътибор беринг, маълум бир вақт мобайнида бу бой киши содир бўлаётган воқеалар ҳақида билмаган. У ўз идора қилувчисининг ҳаракатларини ҳар кун кузатмаган. Узоқ вақтдан буён давом этаётган нотўғри идорага унинг диққатини жалб қилиш учун, бошқа кишининг аралашиши керак бўлган.

Биз Ибтидо китобидаги Юсуфнинг мисолида худди шу нарсани кўраимиз. Юсуф Мисрда пайдо бўлиб, биринчи Пўтифарнинг уйида хизматкор бўлди, лекин кейинчалик унинг бутун хонадонида идора қилувчи бўлиб, юқори мансабга эга бўлди. Бу ҳақда шундай деб ёзилган: «У бор мулкини Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарсани билмас эди» (Ибтидо 39-боб 6-оят). Пўтифар Юсуфнинг ишини икир-чикиригача бошқаргани ёки назорат қилгани йўқ; у ҳамма нарсанинг бошқарувини Юсуфга топширди.

Худонинг инъомлари бизда худди шундай тарзда ҳаракат қилади. Ҳаворий Пеъор бизга инъомнинг – Худо ҳаётимиздаги хилма-хил иноятининг эзгу идора қилувчилари бўлишни буюряпти.

КЎРИНМАЙДИГАН АБАДИЙ ИНЪОМЛАР

Келинг, ўрганишни давом эттирайлик. Биринчидан, келинг, Петъорнинг сўзларини хотирамизда янгилайлик: «Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглар». Идора қилувчилар сифатида биздан хизмат қилиш ва ўз инъомларимиздан фойдаланишимизни кутадилар. Яна бир марта айтаман, улар биз учун эмас, балки бошқалар учун берилган. «Хизмат қилиш» сўзи юнонча «*диаконéо*» сўзидан таржима қилинган, у «ишни охиригача етказишга урғу бериб, хизмат қилиш, хизмат кўрсатиш» маъносини англатади. Биз хизмат қилишга тайёр бўлган одамнинг юрагига эга бўлишимиз керак. Бизнинг инъомларимиз – бу текинга эга бўлган нарсаларимиздир ва биз улардан бошқаларни қуриш учун тайёр бўлган ҳолда фойдаланишимиз керак.

Биз «Худонинг турли инъомларини эзгу идора қилувчилари сифатида, бизга ишониб топширилган инъомлар билан бир-биримизга хизмат қилишимиз керак». Бу оятдаги «турли хил» сўзи «ҳар хил турдаги» деган маънони англатади. Худо Ўз халқига берган турли хил инъомларни санаб чиқиш учун жуда кўп саҳифа керак бўлади. Ҳойнаҳой, бундай рўйхатни тузишнинг имкони йўқ. Худонинг Шоҳлигини қуриш билан боғлиқ бўлган баъзи инъомлар кўринадиган бўлади. Бироқ, Худонинг Шоҳлигини қуриш билан боғлиқ бўлган кўплаб инъомларни пайқаш қийин. Намуна келтиришимга ижозат беринг.

Яқинда бир таниқли чўпон, у ҳар йил ўтказадиган анжуман бошланишидан бевосита олдин содир бўлган қизиқарли суҳбат ҳақида гапириб берди. Бу тадбир жуда машҳур ва унга кўплаб одамлар келади. Унинг гуруҳидаги одамлар зални тайёрлаётган пайтда, чўпон ўз жамоатининг аъзоси, анжуман иштирокчилари учун ўриндиқларга варақаларни қўйиб чиқаётган бир шифокорни пайқаган.

Чўпон ўша шифокорнинг олдига бориб, кечирим сўраган:

- Доктор, сиз буни қилмаслигингиз керак. Бу ишни эплай

оладиган кўнгиллилар ва ихтиёрий хизматчилар бор.

Ўша шифокор қатъийлик, лекин мулойимлик билан уни тўзатган:

- Мен ҳар йил мана шу анжуманга келиш учун ишдан таътил оламан. Бу мен учун йил давомидаги энг қимматли ҳафта, чунки мен Худонинг Шоҳлигини қуриш учун нимадир қиламан.

Менинг дўстим бўлган бу чўпоннинг ҳикоясини эшитиб, мен бу шифокор туфайли ранжидим. У Худонинг Шоҳлиги қурилишида ўз инъомининг қанчалик қадрли экани борасида умумий тасвирни кўрмаётганини тушундим. Яна бир марта айтаман, баъзи инъомларнинг Шоҳлик билан боғлиқлиги тўғридан-тўғри кўринади, кўп инъомлар эса – йўқ, лекин уларнинг бирортаси ҳам аҳамиятсиз ҳисобланмайди.

Бу шифокор биринчи бобдаги Стен каби ўйларди. Шифокорлар бўлмаганида нима бўларди? Бошқа соҳаларда Худонинг Шоҳлигини қуришга даъват этилган одамлар тўсатдан касал бўлиб қолсалар, нима бўлади? Тиббий ёрдамсиз кўплар бу ҳаётдан вақтидан олдин кетган бўлардилар.

Келинг, бу боғлиқликни кўрсатиш учун ўйлаб топилган намунани келтирамиз. Бир шифокор уй бекасининг соғлиғини тиклашга кўмаклашиб, ўз инъомидан фойдаланади. Бу аёл энди вақтидан олдин вафот этиши керак бўлган, тўшақда ночор аҳволда ётган касал эмас. Энди у ўз инъомида – фарзандларини диёнатли қилиб тарбиялашда муваффақиятли бўла олади. Унинг қизи янги кашфиётлар соҳасида қобилияти бор ва онаси уни бу ишда илҳомлантиради. Компьютерни дастурлар билан таъминлаш мутахассислиги бўйича ўқишни тугатиб, у дастурлар билан таъминлашни ишлаб чиқарадиган ташкилотда ишлай бошлайди.

Бу аёлнинг вояга етган, ўз инъомида тўлиқ ҳаракат қилаётган қизи, бугунги бозорга қараганда анча самаралироқ бўлган янги алоқа услубини яратади. Лекин реклама бўлимидаги ҳамкасби бўлмаганида, унинг янги кашфиёти ҳақида ҳеч ким билмаган бўларди. Ҳамкасби бозордаги воситачилар ва истеъмолчиларга ушбу янги дастурнинг истиқболи ҳақида хабар қилиш учун ўз инъомидан фойдаланади.

Воситачилардан бири – қобилиятли ишбилармон аёлга тегишли бўлган ташкилот, ушбу маҳсулотни сота бошлайди. Унда дўконларининг тармоғида сотиш бўйича гуруҳи бор ва ушбу гуруҳнинг аъзоларидан бири бутун дунё халқларини ўргатишга даъват этилган бир хизматга бу дастурни сотиш учун ўз инъомидан фойдаланади.

Бу хизматда маълумотлар технологияси бўйича қобилиятли мутахассис бор, у ушбу дастурнинг истиқболини кўради ва уни сотиб олишни тавсия қилади. У ушбу дастурни уларнинг хизматида мавжуд бўлган тизим билан бирлаштиради.

Ушбу дастур ёрдамида, бу хизмат бутун дунёдаги чўпонлар ва хизматкорларга самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Натижада, нажот топган одамларнинг сони бир неча баробарга кўпаяди ва одамлар бу алоқа воситаси орқали шогирдликка эга бўладилар.

Исо судда ўша она ҳамда уй бекасини шифолаган шифокорга, у эришган турли халқлардаги кўплаб одамларни кўрсатади. Биз нима содир бўлишини деярли тасаввур қилишимиз мумкин. Бу шифокор: «Йўқ, мен буни қилган бўлишим мумкин эмас. Мен ҳеч қачон бу халқларнинг олдига бормаганман», дейди.

Ўшанда Исо ўз инъомига содиқ бўлгани туфайли кўпларнинг нажот топиши ва бутун дунёдаги имонлиларнинг мустаҳкам бўлишига олиб келган занжир ҳосил бўлганини унга кўрсатади. Ҳойнаҳой, Исо ўша шифокорга: «Сен шифокорлик амалиётингни одамлар эмас, балки Раббий учун тайёрлик билан амалга оширдигин ва сенинг ҳосилинг очиқ-ойдиндир. Итоаткорлигинг туфайли кўплар Шохликнинг таъсирини бошдан кечирдилар. Яхши, эзгу ва содиқ қул!», дейди.

Сиз: «Муқаддас Китобда бу ғоя тасдиқланганми?», деб сўрашингиз мумкин. Қуйидагиларни ўқинг:

«Нимаики қилсангизлар барчасини инсонлар учун эмас, балки Раббий учун қилаётгандек, бутун юрагингиз билан қилинглар. Зеро биласизларки, сизлар мукофот сифатида Раббидан мерос оласизлар» (Колосликларга 3:23-24, NCV).

Бу бор-йўғи битта намуна. Бундай алоқалар ёки занжирларнинг содир бўлиши учун беҳисоб имкониятлар бор.

Келинг, дўстим чўпоннинг воқеасига қайтайлик. Ўша шифокор бир йилда бор-йўғи бир ҳафтагина қаноатланиш ҳиссидан зерикса-чи? (Албатта, унинг қаноатланмаётгани, ўз инъомининг муҳимлигини англамаётганидан келиб чиқади.) У бир йилда 52 ҳафта қаноатланиш ҳиссини истаб, охир-оқибат тиббиёт соҳасини ташлаб кетиш эҳтимоли катта. Дейлик, у ўқитувчилик ва ўзининг жамоатида шогирдлик бўйича синфлар учун ўқув қўлланмаларини тузувчилик ишини топади. Ҳукм тахти олдида нима содир бўлади? Унга ишониб топширилган инъомни ташлаб кетганини ҳисобга олганида, у катта мукофотни оладими?

Афсуски, жамоатдан ташқаридаги соҳаларда инъомлари гуллаб-яшнашини англамаганлари сабабли, тўлиқ вақт хизматида қийинчилик билан қолган эркакларни ҳам, аёлларни ҳам қўп кўрганман.

Худонинг Шоҳлигида кўринмайдиган хизмат инъомларини пайқаш учун билим, руҳий сезгирлик ва етуклик бўлиши зарур.

Ҳақиқат шундан иборатки, соғлиқни сақлаш, таълим, бошқарув, спорт, иш соҳаси, санъат, мусиқа, уй ёки бошқа ҳар қандай соҳадаги инъомингизнинг Шоҳлик қурилишига алоқаси бор. Бош Меъморнинг Ўзи бунини шу тарзда белгилади.

Биз то суд тахтининг олдида Исонинг қаршисида ҳозир бўлмас эканмиз, итоткорлигимиз ва муваффақиятимизнинг боғлиқлигини кўрмаслигимиз эҳтимоли катта. Павлус ёзганидек, «Худди шундай, яхши ишлар ҳам ошкордир, агарда шундай бўлмаса ҳам, охир-оқибат яширин бўлиб қоладиган ишлар бўлмайдилар» (1-Тимотий 5:25, ТРТ).

Шундай экан, инъомингиз кўринадиган ёки кўринмайдиган бўлишидан қатъий назар, сизга амр этилган:

«Ҳар ким... Раббий уни қандай ҳолатда даъват этган бўлса, шундай иш тутсин» (1-Коринфликларга 7:17).

МАҚСАДЛАР ҶАТА МУҲИМДИР

Келинг, Павлуснинг биз идора қилишимизни намунаси сифатида фойдаланаётган сўзларига қайтайлик:

«Чунки бу менинг зиммамга юкланган мажбуриятдир. Аммо Хушxabарни воизлик қилмасам, менинг ҳолимга вой! Чунки агар мен буни ихтиёрий равишда қилсам, шунда мукофотга эга бўламан.» (1-Коринфликларга 9-боб 16-17-оятлар)

Таъкидлашимиз керак бўлган навбатдаги ҳақиқат, бу бизнинг мукофотимиз тўғридан-тўғри ихтиёрий меҳнатимизга ёки умумийроқ маънода айтадиган бўлсак, муносабатимизга боғлиқ. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, агар бизнинг муносабатимиз фидокорона бўлса, мукофот оламиз; агар у худбинларча бўлса, мукофот олмаймиз.

Фидокорона ва худбинларча муносабатларнинг шунчалик кўп кўринишлари бўлиши мумкинки, ҳатто уларни санаб ўтишнинг имкони йўқ. Келинг, бор-йўғи бир нечта ўхшатмаларни келтирамиз. Фидокорлик: «Менга ишониб топширилган қобилиятлар билан бошқаларга хизмат қилиш қандай бахт!», деб ўйлайди. Худбинлик: «Қобилиятларимнинг шарофати билан нимага эга бўлишим мумкин?», деб сўрайди. Умуман олганда, биринчи мақсад: «Сен учун нима қила оламан?», иккинчиси эса: «Мен бундан нимага эга бўламан?», деган гапни назарда тутати.

Фидокорлик: «Мен эвазига нима олишимдан қатъий назар, қўлимдан келган энг зўр ишни қиламан», деган қарорга келади, худбинлик эса қаршилик кўрсатиб: «Агар кам фойда кўрадиган бўлсам, нима учун пухта ишлашим керак?», дейди.

Фидокорлик: «Мен олдинга интилишим керак; ёрдамга муҳтож бўлган шунчалик кўп одамлар бор», деб мулоҳаза қилади, худбинлик эса: «Мен муваффақиятга эришдим; энди ором олишим мумкин», дейди.

Павлус муносабат ёки мақсадларнинг муҳимлиги ҳақида: «Ҳар бир киши бизни Масихнинг хизматкорлари ва бошқарувчилари

деб ҳисобласин», деб ёзган ва бу сўзлардан кейин деярли бирданига:

«Сизлар мени қандай ҳукм қилишингиз ёки бошқаларнинг қандай ҳукм қилиши мен учун кам аҳамиятга эга. Мен ўзим ҳам ўзимни ҳукм қилмайман. Чунки ўзимда бирор айб топсам ҳам, ўзимни шу билан оқламайман, аммо мени ҳукм қилувчи Раббийдир. Шунинг учун вақтидан олдин, яъни Раббий келмагунича, ҳеч кимни ҳукм қилманглар. У келиб, яширин бўлган нарсаларни ёритади ва одамларнинг юрагидаги ниятларни ошкор қилади. Ўшанда ҳар кимга мақтов Худодан бўлади», деган (1-Коринфликларга 4:3-5, NLT).

Павлусни дўстларининг, танқидчиларнинг ёки бирорта ўзини эълон қилган ҳоқимиятнинг баҳолаши ва ҳатто, ўзининг шахсий фикри ташвишга солмаган. Бу баҳолашлар бизнинг ҳаммамиз бир кун келиб қаршисида ҳозир бўладиган - илоҳий суд билан солиштирганда бемаънилик ҳисобланади. Исо бизнинг идора қилганимизни қандай баҳолаши муҳим.

Шубҳасиз, бизнинг итоаткорлик билан қиладиган ишларимиз, судда жуда муҳим бўлади. Исо аниқ айтяпти: «Мана, Мен тез орада келаман!..» (Ваҳий 22:12). Суд «ё униси ё буниси», деган қоида бўйича бўлмайди, балки «униси ҳам буниси ҳам», деган қоида бўйича бўлади – судда бизнинг мақсадларимиз ҳам ишларимиз ҳам кўриб чиқилади.

Баъзилар Павлус имонсизлар устидан бўладиган судни – Исо Масиҳнинг нажот берувчи иноятини қабул қилмаганлар ўз гуноҳлари ҳақида ҳисобот берадиган «Оқ тахтнинг қаршисидаги Буюк судни» назарда тутяпти, деб ўйлашлари мумкин. Бу аниқ ундай эмас, чунки Павлус бу ерда айтаётганидек, оқ тахтнинг қаршисидаги Буюк судда ҳеч ким Худодан «мақтов» олмайди.

Бу парчанинг мазмунини кузатиш зарур. Павлус идора қилиш ҳақида гапиряпти. Шундай экан, у назарда тутаётган нарсаларига шубҳа йўқ. Бизнинг инъомлардан фойдаланишдаги «энг зулмат сирларимиз» ва «яширин мақсадларимиз» судда очилади. Бу

ҳақиқатан ҳам менинг диққатимни тортяпти!

Воизлик қилишим керак бўлган ваъз борасида Раббийга итоат қилмаганим ҳақидаги олдинги ҳикоямдан фойдаланиб, бунга якуний аниқлик киритишимга ижозат беринг. Ушбу хизматга келган одамлар бугунги кунгача «янги» мавзуимни воизлик қилганимда, менинг Худога итоатли бўлганимга ишонадилар. Лекин бу ундай эмас эди. Улар судда менинг итоатсизлигим ҳақида билиб олишларини катта эҳтимоли бор, чунки Исо шундай демоқда:

«Очилмай қоладиган ҳеч бир яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч бир сирли нарса йўқ. Шунинг учун сизлар қоронғилиқда айтган ҳамма нарса [бизнинг яширин сирларимиз ва мақсадларимиз] ёруғлиқда эшитилади, берк уй ичида қулоққа шивирлаган нарса эса томлар узра эълон қилинади!» (Луқо 12:2-3, NLT, тўртбурчак қавсларнинг ичидаги изоҳларни мен қўшганман).

Суддаги тахт олдида мен ўша кеча «Шайтоннинг хўраги» воизлигини эшитмаган ўша чўпон ва бошқаларнинг қаршисида кечирим сўраш учун чақирилишимнинг эҳтимоли катта.


НИМА КУТИЛМОҚДА?

Биз идора қилиш ҳақидаги тушунчага эга бўлиш қанчалик муҳимлигини аниқ кўрсатдик. Мана биз ҳозир бера оладиган энг муҳим савол: «Биздан нима кутиляпти?» Бошқа сўзлар билан айтганда, Исо бизга ишониб топширилган инъомларга муносабатимизни баҳолаётганида, қандай натижаларга қарайди? Биз бу ҳақида билишимиз мумкинми? Албатта ҳа, чунки Исо биз «Суд кундаги судда Мен айтган ҳақиқат билан судланишимизни» айтяпти (Юҳанно 12:48, NLT).

Биз бу китобнинг мақсади бўлган қизиқарли ва илҳомлантирувчи ўрганишни кейинги бобдан бошлаймиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Сиз бу бобни ўқишни бошлашингиздан олдин, ўзингизга бошқарувчи сифатида қараганмисиз? Нима учун ҳа ва нима учун йўқ?
2. Сизга берилган инъомлар, сизнинг ўзингиз учун берилмаган; улар сиз орқали бошқаларга берилиши керак. Бошқа сўзлар билан айтганда, Худо бошқаларга бермоқчи бўлган нарсаларни, сиз ўзингизда олиб юрибсиз. Шундай қилиб, инъомларингизни содиқлик билан идора қилиш нима учун муҳим? Сиз идора қилишни менсимаган тақдирда, сизни нима кутмоқда?
3. Сиз ҳар қандай вақтда қуйидаги учта услублардан бирини қўллаб ўз инъомларингизни идора қилишингиз мумкин. Сиз Шоҳликни қуриш учун бу инъомлардан фойдаланишингиз мумкин. Сиз ўз ҳаётингизни қуриш учун бу инъомлардан фойдаланишингиз мумкин. Ёки сиз бу инъомларни шунчаки менсимаслигингиз мумкин. Сиз ўз инъомларингиздан қандай фойдаланяпсиз? Сизга Худо томонидан берилган инъомларни бошқаришда нимани ўзгартиришингиз керак?



*Шундай қилиб, ҳар бир киши бизни Масиҳнинг
хизматкорлари ва Худо сирларининг иш
бошқарувчилари деб ҳисобласин. Иш
бошқарувчидан эса содиқ бўлиш талаб
қилинади.*

–1-Коринфликларга 4:1-2

САДОҚАТЛИ

Хаворий Павлус ўзини ва Аполлосни Исо Масиҳнинг хизматкорлари ва ўзларига ишониб топширилган Худо инъомларининг иш бошқарувчилари деб атайди. Илгариги оятда биз бу таъриф нафақат бу иккита буюк азизларга ёки бугунги жамоат йўлбошчиларига, балки ҳар бир имонлига тегишли эканини кўрдик. Мен ва сиз ҳам Исо Масиҳнинг хизматкорлари ҳисобланамиз ва биринчи навбатда, бизга ишониб топширилган инъомларнинг иш бошқарувчилари сифатида бу ролни бажарамиз.

Келинг, иш бошқарувчидан нима талаб қилинишига эътибор берайлик. Бу бобни очиб берувчи оятда фақат битта сифат – содиқлик кўрсатилган. Давом эттиришимиздан аввал бу ерда иккита, учта ёки ундан зиёд хислатлар кўрсатилмаганининг далили ҳақида фикр юритайлик. Павлус иш бошқарувчилардан шодлик таралиб туриши, кучли бўлишлари ва Муқаддас Китобни яхши билишлари талаб қилинишини айтиши мумкин эди. Албатта, мен ҳамма бу хислатларнинг муҳимлигини инкор қилмайман. Бироқ бу ерда фақат битта хислатнинг борлигини ва унинг керак эканини кўрсатаёпман. Шу боис агар биз яхши иш бошқарувчи бўлишни ва бир куни Худовандимиздан «Баракалла!», деган сўзни эшитишни истасак, у ҳолда бу яхши хислатни ўрганиш жуда муҳимдир.

САДОҚАТ СЎЗИНИНГ ТАЪРИФИ

Мен бутун дунёдаги йўлбошчилик гуруҳларига, тингловчиларим орасида хизматкорлар кўпчиликини ташкил этса-да, нафақат хизматдаги гуруҳларга, балки корпоратив, ҳукумат, ишбилармонлар ва спорт соҳасидаги гуруҳларга гапириш имтиёзига эгаман. Мен бир неча марта бу гуруҳларнинг аъзоларидан «садоқат» сўзининг лўнда таърифини сўрадим. Улар йўлбошчилар сифатида, одатда бажонидил жавоб берардилар. Қарийб ҳар сафар бир хил жавобларни эшитиб, улардан энг машҳурларининг рўйхатини тузишга қарор қилдим:

- Чидамли
- Изчил
- Ишончли
- Ҳақиқий
- Холис
- Фидокор
- Бағишланган
- Ростгўй
- Журъатли
- Итоаткор

Бошқа таърифлар ҳам бўлган, бироқ бу сўзлар бошқаларига қараганда кўпроқ такрорланди. Энг муҳими, ҳамма бу жавоблар «садоқатли» сўзининг луғатдаги таърифлари ва синонимларига мос келади.

Бу сўзнинг битта жуда муҳим таърифи – «кўпайиш» деган таъриф бор ва бу таърифни бирорта йиғилишда эшитмаганман.

Сиз бирдан шундай деб ўйлашингиз мумкин: «Кўпайиш? Бу садоқат таърифи учун тўғри келмайди!»

Балки сиз менинг инглиз тили ўқитувчиларимга ўхшаб тил соҳасидаги билимимга аллақачон шубҳаланаётган бўлсангиз керак. Бироқ, сизни ишонтириб айтаманки, бу бобнинг охирида

сиз нафақат садоқатнинг бу таърифи билан рози бўласиз, балки уни энг муҳимларидан бири деб ҳисоблай бошлайсиз.

ИСТЕЪДОДЛАР ҲАҚИДА МАСАЛ

Келинг, кўпайиш ҳақидаги ғояни тасаввур қилиш учун Исонинг истеъдодлар ҳақидаги масалини ўрганайлик. Илтимос, уни аллақачон кўп марта ўқиган бўлсангиз ҳам, яна диққат билан ўқиб чиқинг.

«Зеро бу худди ўзга юртга кетишидан олдин ўз қулларини чақириб, уларга ўз мол-мулкени топширган одамга ўхшайди» (Матто 25:14).

Биринчидан, бу ҳикоя масал ҳисобланади, бу эса унинг ҳақиқий эмас, балки рамзий маънода эканини кўрсатади. Шунинг учун биз уни Муқаддас Китоб ҳақидаги билим ёки Худо Каломининг тўлиқ режаси нуқтаи назаридан талқин қилишимиз керак. Узоқ сафарга жўнаётган киши Исони ифодалайди. Унинг хизматкорлари ёки иш бошқарувчилари эса бизни ифодалайди.

Иккинчидан, йўлнинг узоқ эканига эътибор беринг. Йўлнинг узоқ экани иккита далил билан тасдиқланади. Исо Худо Шоҳлигини қуриш учун бизга топшириқ берган пайтдан буён қарийб икки минг йил ўтди. Шубҳасиз, у ҳали қайтиб келгани йўқ, лекин ҳатто ҳозирги кунга қадар, тарихий жиҳатдан кўп вақт ўтди.

Учинчидан, бу масал яна бир марта шуни кўрсатадики, бошқарув кичик бошқарувлар ҳолига тушмайди. Сафарга жўнаб кетаётган масалдаги киши ўз хизматкорларининг ишини текшириш учун ҳар ой қайтмаяпти. Бу масалга кўра у ўзининг қайтиб келгунига қадар уларнинг ишини текширмапти.

Келинг, давом эттирайлик:

«У қулларнинг ҳар бирининг кучига яраша бирига беш, бирига икки, яна бирига бир талант бериб, шу заҳотиёқ жўнаб кетди» (Матто 25:15).

Бу ҳикояда уларга пулни ишониб топширишган. Муқаддас Китобнинг кўп таржималарида «талант» сўзи ишлатилади. Бу сўз юнонча «талантон» сўзининг аниқ таржимаси ҳисобланади. Талант оғирлик ўлчови бўлиб, асосан олтин ва кумуш учун ишлатилади. Бир талант тахминан 34 килограмм олтинга тенгдир. Кўпчилик мутахассисларнинг ҳисобига кўра кумушнинг бир таланти тахминан 18.000 америка долларига тенгдир (бошқа ҳисоблар бундан фарқ қилиши мумкин, лекин кўп эмас). Бироқ ҳамма мутахассислар Янги Аҳд талантни катта пул миқдори сифатида кўрсатаётгани ҳақидаги фикрга қўшиладилар. Ўттиз тўрт килограмм кумуш бу – майда пул эмас!

Менинг ҳозирги тушунишимга кўра бу масални талқин қилишда аниқ миқдор муҳим эмас. Бироқ биз ишонч билан хулоса қилишимиз мумкинки, битта талант катта масъулиятни ифодалаган.

Бу ерда Исо пул ҳақида гапираётганига ишонмайман, лекин умуман олганда пулга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Исо Ўзининг масалларида Ўзи назарда тутган нарсаларни камдан-кам рамз сифатида ишлатади. Унинг буғдойи солиҳ одамларни, бегона ўтлар – ёвуз одамларни, уруғлар – сўзларни, тиканлар – бу ҳаёт ташвишларини, ўрим – бу дунёнинг охирини, ўроқчилар – фаришталарни ва ҳақозоларни ифодалайди. Янги аҳднинг тўлиқ мақсадига асосланиб айтиш мумкинки, бу талантлар шубҳасиз харизмани ёки бизга ишониб топширилган инъомларни ифодалайди.

Бу ҳикояда яна бир муҳим далил – бу хизматкорлар бир хил миқдорда пул олмагандир. Бироз кейинроқ бу ҳақида батафсил гаплашамиз, бироқ айнан шунинг учун мен аллақачон бизга ишониб топширилган нарсаларни инъомлар деб бир неча марта айтдим. Баъзиларда битта инъом, бошқаларда эса кўпроқ инъомлар бор.

Турли миқдорлар бизнинг инъомларимиз таъсирининг турлича даражасини ифодалаши ҳам мумкин. Келинг, самимий бўлайлик: шундай одамлар борки, уларнинг инъомлари

бошқаларнинг инъомларига қараганда кўпроқ таъсирга эга. Кўпчилик кўйлаш инъомига эга ва улар ўзларини тинглаганларни илҳомлантиради. Лекин ҳамма қўшиқчилар ҳам Селин Дион ва Андреа Бочеллиларнинг истеъдодига эга эмаслар. Шундай экан, ҳар бир талант маълум бир инъомни ёки бу инъомнинг даражасини ифодалайди. Келинг, давом эттирайлик:

«Беш талант олган қул бориб, уларни ишга солди ва яна беш талант орттирди. Худди шундай, икки талант олгани ҳам яна икки талант орттирди. Бир талант олган қул эса бориб, уни ерга кўмиб қўйди. Шундай қилиб, ўз хўжайинининг кўмушини яширди» (Матто 25:16-18).

Хизматкорларимизга исмлар ўйлаб топиб, бу ҳикояни жонлантиришга ижозат беринг. Биринчи хизматкорни Элисон, иккинчисини Боб, учинчисини эса Ларри деб атаймиз. Элисон бешта билан бошлаб, ўзига берилганини кўпайтириб, натижада ўнтага эга бўлди. Боб ўзининг иккитасини кўпайтириб, натижада тўрттага эга бўлди. Бироқ Ларри ўзига берилган инъомни кўпайтирмади. У уни асраб қўйди, холос. Келинг, бу қандай кўринишига қарайлик:

Элисон: $5 \times 2 = 10$

Боб: $2 \times 2 = 4$

Ларри: $1 = 1$

Бундан кейин хизматкорларни уларга қўйган исмлар билан атаймиз.

СУД

Исо бу масалда «анча вақт» сўзига урғу берилганига ишора қилиш жуда муҳим. Бу ҳикоя узоқ сафарни тасвирлашдан бошланади ва яна У дейди: «Анча вақт ўтгач, ўша қулларнинг хўжайини келиб, улардан ҳисобот талаб қилди» (Матто 25:19). Хўжайин ҳар бир кишидан ҳисобот талаб қилиши бизга берилган инъомларни биз қандай ишлатганимиз кўриб чиқиладиган

судни ифодалайди. Келинг, аввал Элисоннинг суди ҳақида ўқиб чиқамиз:

«Ўзига беш халта кумуш ишониб топширилган Элисон олдинга, яна бешта халта кумуш билан чиқди ва деди: “Хўжайин! Сен менга беш талант берган эдинг, мана, мен булардан бошқа беш талант орттирдим”».

Унинг хўжайинининг ҳукмини эшитинг:

«Хўжайин уни мақтай бошлабди: “Баракалла, яхши ва содиқ қул! Сен оз нарсада содиқ бўлдинг, сени кўп нарса устидан қўяман. Энди, хўжайинингнинг қувончига киргин”» (Матто 25:20-21).

Бу ерда биз кўздан қочирмаслигимиз керак бўлган жуда муҳим далил бор: Хўжайин дейди: «Сен содиқ бўлдинг». Сиз хўжайиннинг жавобини истаган тарзда тақдим қилишингиз мумкин, бироқ бу гапда бошқача изоҳ йўқ: Исо бевосита содиқликни кўпайиш деб билади. Хўжайиннинг сўзларини диққат билан қайтадан ўқиб чиқинг. Уларда Элисон қилган ишдан бошқа ҳеч нима ҳақида гапирилмайди. У Элисоннинг чидамли, ишончли, содиқ, бағишланган, ростгўй бўлишини айтмади ва садоқатнинг бошқа таърифларини ишлатмади. Лекин мени тўғри тушунинг, ҳамма бу яхши хислатлар садоқатни таърифлайди, бироқ улар бу ерда эсга олинмаган. У садоқатни кўпайиш билан бевосита боғлайди!

Боб ҳам худди шундай гапни эшитди. Унинг ҳукми ҳақида яхшилаб ўқиб чиқинг:

«Икки халта кумуш олган Боб олдинга чиқди ва шундай деди: “Хўжайин, Сен менга икки талант берган эдинг, мана, мен булардан бошқа икки талант орттирдим”».

Унинг хўжайинининг аллақачон таниш бўлган ҳукмини эшитинг:

«Хўжайин деди: “Баракалла, яхши ва содиқ қул! Сен оз нарсада содиқ бўлдинг, сени кўп нарса устидан қўяман. Энди, хўжайинингнинг қувончига кирдинг!» (Матто 25:22-23).

Яна Исо садоқатни кўпайиш билан бевосита боғлайди! Бошқа ҳеч нарса – ҳеч қандай ишлар, яхши хислатлар ёки натижалар тилга олинмаган! Исо хўжайиннинг таъкидлаб айтаётганлари ўз кучини йўқотишини истамайди. Фақат битта хулоса чиқариш мумкин: бу хизматкор ўзига ишониб топширилган нарсани кўпайтирди ва бу аниқ тарзда садоқат билан тенглаштирилди.

Шунингдек, Боб олган мақтов Элисонга айтилган мақтов билан жуда ўхшашдир. Бу шуни кўрсатадики, ҳукм куни бизнинг кўпайтиришимизнинг «баҳоланиши» қилган меҳнатимизга асосланган бўлади. Исо инъомларимизнинг даражасига қарамасдан, биздан бир хил мамнун бўлади. Фақат бир нарса – инъомларимизни кўпайтирганимиз муҳим бўлади.

Масалан, ўз самарадорлигини кўпайтирган уй бекаси ва она ўз корхонасини ва Осмон Шоҳлигидаги инъомини кўпайтирган тadbиркор каби мақтов олади.

Энди Ларрига қўйилган ҳукм ҳақида ўқиймиз:

«Шундан сўнг Ларри битта кумуш халтаси билан келди ва деди: “Хўжайин, мен сени билар эдим. Сен экмаган жойдан ўриб, сочмаган жойдан йиғадиган қаттиққўл одамсан. Шунинг учун мен қўрқиб, сенинг талантингни ерга яшириб қўйдим. Мана, сеники ўзинга»» (Матто 25:24-25).

Ларрига берилган ҳукмга ўтишдан аввал, бир нечта муҳим далилларни қайд қилайлик. Биринчидан, Ларри кўпайтирмади, балки фақат ўзига ишониб топширилган нарсани сақлади. Унинг ўз талантини кўпайтирмагани сабабига ҳам эътибор беринг. У ўз хўжайинининг феъл-атворини билмаган ва шунинг учун уни адашиб қаттиққўл деб ҳисоблаган. Дунёнинг турли жойларида имонли сифатидаги бир неча йиллик хизматим давомида унумдорликка тўсқинлик қиладиган асосий нарса - бу Худонинг

феълини билмаслик эканини пайқадим (бу ҳақида кейинги бобларнинг бирида батафсил гапириб бераман).

Худони нотўғри идрок қилиш, кўпинча бизда ўзимизга ишониб топширилган нарсани кўпайтира олмаслик ортидаги ҳисни – қўрқувни вужудга келтиради. Ларри қўрқди! Қўрқув, журъатсизлик ёки чўчиш сабабли ҳаётимизда Худонинг ҳақиқий инъомлари ҳаракат қилишдан тўхтаб қолади. Бу далилнинг муҳимлигига ортиқча баҳо бериб бўлмайди. Мен бунини миш-мишлар орқали эшитганим йўқ, чунки ўзим бундан кўп йиллар азоб чекканман (бу ҳақида ҳам кейинги бобларнинг бирида батафсил гапириб бераман).

Келинг, Ларрига берилган ҳукмни кўрайлик:

«Бироқ хўжайин жавоб берди: “Айёр ва дангаса қул”» (Матто 25:26).

Қандай қаттиққўл жавоб! Келинг, давом эттиришдан аввал тўхтаб, бу сўзларни ўрганайлик. Нафақат Элисон ва Боб, балки Ларри ҳам хизматкор бўлганини унутманг. Улар бегона одамлар эмас. Айнан уларнинг хўжайини уларнинг ишини баҳолади. Ларри қолган иккита хизматкор каби «Баракалла, яхши ва содиқ қул», деган мақтовни эшитмади. Бунинг ўрнига у: «Айёр ва дангаса қул!» деган гапни эшитди. Бу сўзлар эътиборни тортади. Исо нажот ҳақида эмас, балки биз ўз инъомларимизни қандай ишлатганимиз кўриб чиқиладиган суд ҳақида гапирган. Унда биз ўз ишимиз учун ёки мукофот оламиз, ёки талофат кўраимиз.

Келинг, хўжайиннинг иккита сўзини ҳам диққат билан ўрганиб чиқайлик. Осонидан бошлаймиз. «Дангаса» сўзи юнонча «окнерос» сўзидан таржима қилинган бўлиб, «кейинга қолдириш, секин, кечикувчи, фаолиятсиз, ялқов» маъноларини англатади. Яна бир лўғат бу сўзни «иккиланишга тегишли, интилишнинг йўқлиги сабабли арзийдиган нарсадан четга оғиш» деб таърифлайди.

Менинг дўстим Рик Реннер, юнон тили мутахассиси,

«окнерос» сўзи ҳақида шундай дейди: «Бу сўз ҳаётга бекорчи, ҳиссиз, ҳаракатсиз, иштиёқсиз, лоқайд ва илиқ муносабатдаги кишини англатади». Бу учта манба асосида бизнинг зеҳнимизни кенгайтирадиган ва яхши тушунишга ёрдам берадиган бу сўзнинг таърифини оламиз.

Агар сиз қўрқсангиз, у ҳолда қилиш мумкин бўлган ёки қилиниши керак бўлган бирор нарсада иккилана бошлайсиз ёки ўзингизни тийиб турасиз. Агар сиз ҳаракатсиз бўлсангиз, қилиниши керак бўлган нарсани тугатишга интилмайсиз. Агар сиз бефарқ бўлсангиз, сиз бирор нарсани бошлаш ҳақида ҳатто ўйламайсиз ҳам. Бу юнонча сўз ўз ичига учта маънони олади, бироқ хизматкор: «Мен қўрқдим», деб айтган. Дангасаликнинг бошқа томонлари ҳам унинг ҳаётида намоён бўлиши мумкин эди, бироқ унинг учун ҳал қилувчи омил қўрқувдан иккиланиш эди.

Сиз бирор марта нимадир қилишни истаб, бунга хаёлингиздан чиқара олмаган ҳисни бошдан кечирганмисиз? Бироқ ўша пайтда сиз муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиб узоқ вақт иккилангансиз. Шундан сўнг сиз кимдир шуни қила олганини кўриб: «Бу менинг ғоям эди, мен бунга қилишим керак эди», деб ўйлаганмисиз? Исо бу хизматкор ҳақида гапирганда ана шуни назарда тутган. Бу хизматкор доимо, шунчаки бир ёки икки марта эмас, балки ўз бошқарувининг бутун даври давомида иккиланган. Бир неча марта иккиланиш мумкин, чунки биз шу орқали ўсамиз. Бироқ агар биз иккиланиш билан узоқ вақт ўйнашсак, у бизга одат бўлиб қолиши мумкин ва шу сабабли биз ҳар қандай ҳаракатлардан ўзимизни олиб қочадиган бўламиз ва бизнинг бошқарувимиз самарасиз бўлади.

Худованд биринчи марта мендан китоб ёзишни сўраганида, мен ўн ой иккиландим. Мен ёзишга қўрқар эдим. Мен доим мактабда муваффақиятсизликка учраганман. Олийгоҳда бир курсдошим ҳамманинг олдида менинг ёзма ишимни очиқ танқид қилган эди! Бизга вазифа берилган бўлиб, унинг бир қисмига кўра бир-биримизнинг ёзма ишларимизни ўқиб беришимиз керак эди. Дарсдаги мунозара давомида курсдошим менинг ишим ҳақида,

профессорга ўзининг салбий муносабатини билдирди. Мен курсдошнинг танқидига учраган ягона талаба эдим.

Менинг ёзиш олдидаги қўрқувим кучли пойдеворга эга эди. Менинг тажрибамда стандартлаштириш ва Америка имтиҳонлари бўйича жуда ёмон баллар, ўқитувчиларнинг салбий фикрлари, паст баҳолар ва танқид қилувчи талаба бор эди. Менинг ўтмишим мен тарафда эмас эди. Бунинг ҳаммаси менинг иккиланишимни фақат тасдиқларди. Шу билан бирга, китоб ёзиш учун жуда кўп вақт талаб қилинарди, вақт эса жуда муҳим эди. Ёзиш иши ёшлар хизматини ривожлантиришга доир ҳаракатлардан мени чалғитиши мумкин эди. Мен Худонинг кўрсатмаларига итоат қилиш учун бу жиддий қўрқувлар ва ҳавфсирашларни бир четга суриб қўйишим лозим эди.

Агар мен итоат қилиш ўрнига жуда кўп вақт иккиланганимда нима содир бўларди? Натижа худди Худо тасвирлагандек бўларди. Буни мен юқорида мисол келтирган кишилар орқали кўриш мумкин. Худо бу талантни яна кимгадир, менинг даъватимни олиб, бажарадиган бошқа «Элисон»га берган бўларди. Мен бугун қаерда бўлардим? Наҳотки мен ҳукм тахти олдида дангаса деб аталган бўлардим?

Мен ўзимнинг даъватим китобларни ёзишим орқали бажарилиши кераклигини тушунмасдим. Агар менинг ўттиз ёшга киришимдан аввал сиз менга: «Жон, Худо сени китобларинг орқали дунёдаги халқларга юборади», деб айтганингизда, мен қаттиқ кулиб: «Ақлдан озибсиз! Мен ҳатто уч варақдан иборат ёзма иш ҳам ёза олмайман», деб айтиб, сизни уйдан чиқариб юборган бўлардим. Бироқ бугунги кунда менинг китобларим АҚШда ва бутун дунёда энг кўп сотиладиган китоблар қаторидан ўрин олган. Улар 100 дан ортиқ тилларга таржима қилинган ва ўнлаб миллион нусахаларда чоп этилган. Агар мен Худога қулоқ солмаганимда нима бўларди? Агар қўрқув мени ушлаб қолишига руҳсат берганимда-чи? Қандай имкониятни бой беришим мумкин бўларди деб ўйлаб, сесканиб кетаман.

Энди эса хўжайин учинчи хизматкорга айтган оғирроқ сўз

ҳақида гаплашамиз. «Айёр» сўзи ҳаддан ташқари жиддий туюлиши мумкин, бироқ Исо ўйламасдан бирор сўз ишлатмайди. Бу сўз «жиддий нуқсони бор ва натижада фойдасиз бўлиш» маъносини англатувчи юнонча «понерос» сўзидан таржима қилинган.

Ларри ўзига берилган инъомдан қандай фойдаланганини инобатга оладиган бўлсак, бу таъриф мувофиқ келади. Бу сўз мабодо Павлус Худодан олган инъомга садоқатсизлик қилганида, унинг «менинг ҳолимга вой» деб айтиши мумкин эканига ўхшаган маънога эга. Ларрининг ўз хўжайини ҳақидаги нотўғри тасаввури унинг қўрқувини озиқлантирадиган жиддий камчилик эди. У ўзига ишониб топширилган инъомни ишлатишда фойдасиз эди. Бу айтилган фикрлар жуда жиддий, бироқ агар Павлуснинг ўз инъомини менсимаслиги мумкин бўлгани билан Ларрининг ҳатти-ҳаракатини солиштирсак, улар бир-бирига мос келади.

Бу бизнинг нажотимизга тегишли эмаслигини, балки ўзимизга ишониб топширилган инъомлар билан қандай йўл тутишимизга боғлиқ эканини аниқ кўрсатишга ижозат беринг. Худо буни қуйидаги тарзда кўриб чиқади:

Кўпайтирадиган одамлар меҳрибон ва содиқ
ҳисобланадилар. Фақат сақлайдиган, жиддий камчиликка
эга одамлар бефойда ва ялқов ҳисобланадилар.

Бизнинг садоқат ҳақидаги тасаввуримиз тўлиқсиз бўлиши мумкинми? Қуйидаги мисол ҳақида ўйлаб кўринг: бир тадбиркор киши кучли ва ривожланаётган иқтисодга эга туманда яшайпти. У отасидан мерос қилиб олган кичик дўкон даромад келтиради, бироқ каттармайди. У шаҳарнинг бошқа қисмларида ўз дўконининг янги филиалларини очиш имконига эга бўлган, бироқ у ўзининг тадбиркорлик инъомига қарамасдан «қулай ҳаёт» билан кифояланган.

Келинг, бу мисолни бизнинг масалимиз нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик. Ларрига берилган ҳукми инобатга олиб, иккита муҳим саволни берайлик. Бу дўкон эгаси Худо Шоҳлигини қуриш

мақсадида янги дўконлар очиш ва бошқа бозорларга кириш учун ўз инъомини ишлатиши керак эмасми? Унинг «таваккал қилмаслик» истаги садоқатсиз хизматкорнинг «сақлаш» стратегиясига ўхшаш эмасми?

Биз ҳам Исо каби садоқатни баҳолаш учун ўша ўлчовларни қўллаймизми? Бу тадбиркор одам таъминланган ҳаётга эга бўлсада, унинг ўзи инъомларини кўпайтираяптими ёки уларни шунчаки сақлаяптими деган савол асосий масала бўлиши керак эмасми? Келинг, ўзимизни баҳолашда самимий бўлайлик. Биз самарадорликни инобатга олмасдан, фақат ишончлилик асосида садоқатни баҳолаймизми? Кенгайишни ҳисобга олмасдан, барқарорликни инобатга оламизми? Кўпайишга эътибор қаратмасдан, турғунлик асосида баҳолаймизми? Наҳотки биз содиқ бўлиш – биз олган инъомларни кўпайтириш нимани англатишининг тўлиқ маъносини кўздан қочирган бўлсак?

Худо эркак ва аёлни ерда яратиб қўйганида, Унинг инсониятга биринчи амри «Серпушт бўлинглар ва кўпайинглар» эди (Ибтидо 1:28). Албатта, У бизнинг фарзандлар кўришимизни ва ерни эгаллашимизни назарда тутган. Бироқ шу билан бирга Унинг амри яна қуйидагини англатади: «Худо бизга ишониб топширган барча нарсани кўпайтирган ҳолда Унинг Ўзига қайтаришимиз керак». Биз кўпайтириш орқали «кўпайишимиз» керак. Талантлар ҳақидаги масалда Исо Ибтидо китобидаги бу амрни бевосита бизга ишониб топширилган инъомларга нисбатан қўллайди.

СИЗНИНГ ҚОБИЛИЯТИНГИЗ БИЛАН ЭМАС!

Довдираб қолдингизми? Бўлиши мумкин, бироқ ёдингизда тутинг, сиз учун фақат Худонинг инояти керак, холос. Сиздан ҳамма нарсани ўз кучингиз билан қилишингизни сўрашмаяпти, Худодан бўлган харис ва харизма билан қилишингиз сўралаяпти. Мен бу ваъзни сизни довдираб қолишингиз учун ёзмадим, балки Худо сизга берган имконият ҳақида сизга маълум қилиш ва Худонинг иноятига ва инъомларингизга бўлган имонингизни ошириш учун ёздим. Мен сиз кўтара олмайдиган оғир юкни сизга юкламоқчи

эмасман. Павлус ўз юкини енгил қилиши учун Худого уч марта муружаат қилган, лекин қаранг, Худо унга қандай жавоб берган:

«Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади». Шунинг учун Масихнинг қудрати менда жо бўлиши учун бажонидил ўз заифликларим билан янада кўпроқ мақтанаман. Шундай қилиб, мен заифликларда мамнун бўлиб юрибман» (2-Коринфликлар 12:9-10).

Юнонча «заифлик» сўзининг таърифларидан бири «чеклов» ҳисобланади. Сиз ва мен руҳий тушкунликни ҳис қиладиган ягона одамлар эмасмиз. Бизнинг ҳаммамизнинг чекловларимиз бор. Булар ҳатто ҳаворий Павлусда ҳам бўлган. Бу оятнинг матнида у ҳар бир шаҳарда дуч келган қаршиликларга ва ҳатто жисмоний қувғинларга учрагани ҳақида ёзади (11-бобга қаранг), бироқ бу матнда бизнинг вазифамиз бажариб бўлмайдигандек туюлган пайтда тўқнаш келишимиз мумкин бўлган чекловлар ва вазиятларни ҳам назарда тутати. Бу албатта, осон бўлмасада, бизнинг кўпроқ қатъиятга эга бўлишимизга ва Унинг кучига таянишимизга мажбурлаши керак. Сиз хаёлингизда бақираётган чекловларни эшитиш ўрнига, Худонинг ваъдаларини эълон қилинг. Эҳтимол, Унинг ҳақиқатларини ўзимизга эслатиш ўрнига ўзимизнинг фикрларимизни ҳаддан ташқари кўп эшитамиз!

Павлус уч марта Худонинг аралашишини сўраган ва ҳар сафар Худо унга харис ҳақида эслатган. Учинчи марта Павлус тушуниб етган. У ўзининг чекловлари, ўз ҳаётида Худонинг инояти ва инъомларига кўпроқ ишонишга ундаши кераклигини англаб етган. Шунинг учун у «Худоим, буни мендан узоқлаштир» деб айтишдан тўхтаб, «заифликларда ... мамнун бўлиб юрибман» деб айтишни бошлаган. Наҳотки у ҳақиқатдан ҳам «мамнун бўлиб юрибман» сўзларини ишлатган бўлса? Ҳа! У даъват қанчалик имконсиз бўлса, шу қадар Худонинг қудрати унинг ҳаётида, агар у ишонса, намоён бўлишини англаб етган!

Битта муҳим ҳақиқат мавжуд: бизга кўпайтириш учун зарур

бўлган иноятни фақат имон билан олиш мумкин! Павлус шундай деб ёзади: «Биз имон туфайли бу иноятга эришиб, маҳкам турамыз ҳамда Худонинг улуғворлигига шерик бўлиш умидимиз борлигидан фахрланамиз» (Римликлар 5:2). Буни қуйидаги тарзда тасаввур қилинг: имон – бу бизнинг қалбимизга кўпайиш учун зарур бўлган иноятни етказадиган қувурдир. Биз бу ваъзни эшитганимизда, бизнинг имонимиз (ёки қувуримиз) торайиши эмас, балки кенгайиши керак. Бироқ бу сизнинг танловингиздир. Шундай деб ёзилган:

«Чунки эзгулик уларга воизлик қилинганидай, бизларга ҳам воизлик қилинган. Аммо эшитилган сўзлар эшитувчиларнинг имони билан қоришмагани учун уларга фойда бермади. Унинг оромига эса, биз ишонганлар кираяпмиз, чунки У, гарчи дунёга асос солинган вақтданок Унинг ишлари тамом бўлган бўлса ҳам: “Мен ғазабимда қасам ичдимки, улар Менинг оромимга кирмайдилар» (Ибронийлар 4:2-3).

Бу ҳақиқатларни сизга фойдасиздек қабул қилманг. Бунинг ўрнига уларни имонингиз билан қориштиринг. Худонинг худди ўша сўзи исроилликлар учун иккита турли натижага эга эди. У Мусо, Ёшуа ва Калев учун фойдали эди. Улар унга ижобий томондан қараб кучга кирдилар. Бироқ худди шу сўз қолган исроилликлар учун фойдасиз бўлди, чунки улар унга салбий томондан қарадилар. Имон ва имонсизликнинг фарқи мана шундан иборатдир.

Сиз ўзингизнинг табиий қобиляларингиздан ўзиб кета олишингиз учун Худо сизга куч берганига ишонинг. У ўзининг куч олишингиз учун сизга иноятдан ташқари бошқа йўлни бермаган. Унинг иноятига таяниб, сиз ҳақиқий оромга кирасиз – сиз натижалар келтириш учун ўз уринишларингизга бошқа умид қилмайсиз ва қўрқувдан халос бўласиз. Бу ором нима? У ўз вазифангизни бажариш учун Худонинг қобилялари билан ҳамкорлик қилишдир. Сиз оромга кирганингизда Худо сизни кўпайиш томонга етаклаб кетади!

Бу Довуднинг «юрагимдагидек бир эркак» деб аталишининг сабабларидан биридир. У ўз кучига эмас, Худонинг қудратига боғлиқ бўлган. У кўп марта «Раббий – менинг ҳаётимнинг қуввати» деб айтган (Забур 26:1). У ўзи эришган барча нарсада Худонинг қобилиятларига боғлиқ бўлиб, улар унда ва у орқали намоён бўлган. Мана шунинг учун Павлус қўрқув ва журъатсизлик билан курашган, ўзининг руҳий ўғли Тимотийга қуйидагича ёзган: «Шундай қилиб, ўғлим, Исо Масихдаги иноятда кучли бўлгин» (2-Тимотий 2:1).

Айнан шунинг учун мен бу китобнинг иккинчи ва учинчи бобини Исонинг талантлар ҳақидаги масалини ўрганишдан аввал харис ва харизмалар ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлашга бағишладим. Акс ҳолда биз бошқарувимизни ўз кучларимиз билан амалга оширишимиз кераклиги фикридан руҳий тушкунлик ва умидсизлик ҳиссига берилган бўлардик.

Илтимос, унутманг: сизнинг даъватингиз сизнинг табиий қобилиятингиздан устун эканини унутманг. Эҳтимол, айнан шунинг учун қуйидаги оят ёзилган:

«Биродарлар, сиз, даъват қилинганлар, кимлигингизга бир қаранглар: сизларнинг орангизда инсоний нуқтаи назардан доно бўлганлар кўп эмас, кучли бўлганлар кўп эмас, аслзода бўлганлар ҳам кўп эмас. Лекин Худо доноларни шарманда қилиш учун бу дунёда ақлсиз бўлганларни танлади. Аҳамиятлиларни бекор қилиш учун Худо бу дунёда аҳамиятсиз, камситилган ва обрўсизларни танлади, токи ҳеч бир инсон Худонинг олдида мақтанмасин» (1-Коринфликлар 1:26-29).

Нима учун бундай? Нима учун даъват қилинганлар орасида доно, кучли ва аслзодалар кам? Наҳотки, бунинг сабаби табиатан истеъдодли одамлар учун ўз кучлари билан «муваффақиятга эришиш»нинг енгилроқ экани бўлса? Аслида, бу одамлар калтафаҳмдир, чунки улар Яратувчисидан олган даъват билан ўзларига қараш ўрнига ўзларини бошқалар билан солиштириб, ўзларини ғолиб деб ҳисоблайдилар.

Павлус бундай бўлмаган. У нажот топишидан аввал ўз замондошлари билан қиёслаганда доно ва аслзода бўлган бўлсада, у Масихнинг кучини олиш учун ҳамма бу табиий қобилиятларни «ахлат» деб ҳисоблаган пайт келди. У шундай йўл тутган озчиликдан бири эди, чунки унинг ўзи кўпчилик одамлардан донороқ бўлса ҳам, Худонинг донолиги билан солиштирганда ўзининг нодонлигини англаб етган (Филиппиликлар 3:4-11).

СОЦИАЛИСТИКМИ ЁКИ КАПИТАЛИСТИКМИ?

Келинг, Исонинг масалини ўрганишни давом эттирайлик. Сиз бу масалнинг давоми янада қизиқ ва ажойиб эканини кўрасиз.

«Шунда У буюрди: “Энди ундан талантни олиб, ўн таланти борга беринглар» (Матто 25:28).

Тўхтаб туринг-чи! Бу ерда шундай деб ёзилганми? У Ларридан кумуш солинган халтани (талантни) олишни ва уни Элисонга беришни буюрди. Бу қандай кўринишига қарайлик:

Элисон: $5 \times 2 = 10 + 1$ (Ларридан) = 11

Ларри: $1 - 1$ (Элисонга берилган) = 0

Элисонда 11 кумуш халта қолган, Ларрида эса бирорта ҳам кумуш халта қолмаган!

Бир куни тонгда ибодат қилаётган пайтимда қалбимда эшитган гапдан донг қотиб қолдим. Мен сизга бу ҳақида гапириб бераман. Мен узоқ вақтдан буён талантлар масали ҳақида ўйламаган эдим. Ўша куни тонгда Худонинг Руҳи менга: «Ўғлим, Менда социалистикдан кўра кўпроқ капиталистик фикрлаш устувордир», деди.

Нима?! Унинг сўзларини эшитиб ҳайрон бўлдим, бироқ мен Худо билан узоқ вақт бирга юрганлигим сабабли, Худо биз билмайдиган нарсаларни кўрсатишидан хабардор эдим. Кўпинча улар диний ва оддий фикрлашга хилоф равишда эшитилади, баъзан улар маъносиздек туюлади! Бу сафар Унинг сўзларини

эшитганимда, улар менга маъносиздек туюлди. Мен донолик сўрадим, чунки мен Худони Ўз ҳаракатларида социалистик жиҳатни ҳимоя қилади деб ўйлардим.

Ўша кунни тонгда У менга шу масалга ишора қилди ва Унинг фикрлаши социалистик бўлганда, бу масал бошқача яқунланган бўларди деб кўрсатди. Бу ҳолда масал ҳамма хизматкорларнинг тенг миқдорда талантлар олиши билан бошланган бўлар экан.

Элисон: 3

Боб: 3

Ларри: 3

Элисон ва Боб содиқ қолган бўлардилар (кўпайтирардилар), Ларри эса фойдасизлиги ва ялқовлиги сабабли ўз-ўзига содиқ қолган бўларди. Натижалар шундай тус олган бўларди:

Элисон: $3 \times 2 = 6$

Боб: $3 \times 2 = 6$

Ларри: $3 = 3$

Фаразимиздаги Худо шундай йўл тутган бўларди:

Элисон: $6 - 1 = 5$

Боб: $6 - 1 = 5$

Ларри: $3 + 1$ (Элисондан)

$+ 1$ (Бобдан) = 5

Пировардида уларнинг ҳаммасида бештадан талант бўларди! Бироқ бу содир бўлмади. Худо Ларридан бир халта кумушни олди ва уни ўнта халта кумуши борга берди. Нима учун? Исо тушунтиради:

«Чунки кимда бор бўлса (кўпайтирса), унга берилади ва кўпайтирилади, кимда йўқ бўлса (сақласа), ундан ҳатто бори ҳам тортиб олинади» (Матто 25:29).

Мен Худони капиталист деб айтмаяпман. Асло бундай эмас! Мен шу алоҳида вазиятда капитализм социализмдан кўра кўпроқ

Унинг фикрлашига ва йўлларига мувофиқ келишини назарда тутаяпман. Америкада ва бошқа мамлакатларда 21-асрдаги ёшларимизни социалистик тарзда фикрлашга ўргатишади. Социализм адолатли ва фойдали эмас. Аслини олганда, у Худонинг донолигига тўғридан тўғри тескарисини кўрсатади. Бу ялқовликни тақдирлайдиган ва меҳнатсеварлик, муваффақият ҳамда мўл-кўлликни жазолашни истайдиган, умумий эзгулик ниқоби остига яширинган дажжол руҳларидан биридир.

Худонинг йўли – бу кўпайтирувчиларни яна ортиғи билан мукофотлашдир ва У уларда мўл-кўллик бўлишига эътироз билдирмайди. Исо: «Уларда мўл-кўллик бўлади», дейди. Худо бизнинг чин қалбдан Унинг Шоҳлигини қуришга интилишимиз ва ўзимизнинг бойлигимизни бошқалар учун ишлатишимиз шарти билан бизда мўл-кўллик бўлишини истайди.

Эҳтимол, сиз бу фикрни эшитган бўлсангиз керак: «Худо мўл-кўлликка қарши эмас. У мўл-кўллик сизни эгаллаб олишига қаршидир». Бу фикр ҳақиқат. Қалби Худонинг мақсадлари учун ёнаётган одамлар бойлик тўплашдан ҳузур қилмайдилар. Уларнинг хурсандчилиги Худо билан бирга юриш ва Унинг Шоҳлигини қуриш учун У берадиган мўл-кўлликни ишлатиш орқали келади. Улар учун мўл-кўллик – бу бошқаларни барпо этиш учун асбобдир. Ва табиийки, агар биз доно бўлсак, ўз асбобларимизга меҳр қўймаймиз.

Бир муҳим ҳақиқатни таъкидлашимиз керак: биз ишлаш имконига эга бўлмаган ва биринчи ёрдам талаб қилинадиган одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз лозим. Павлус шундай деб ёзган: «Бир-бирларингизнинг юкларингизни кўтариб юринглар, шундай қилиб, Масихнинг қонунини ижро этасизлар. Агар кимдир ўзи ҳеч нарса бўлмай, ўзини бирор нарса ҳисобласа, у ўз-ўзини алдаган бўлади» (Галатияликлар 6:2-3).

Илк жамоатнинг йўлбошчилари учрашганларида, улар ўзларининг турли топшириққа эга эканликларини ва ҳатто, аҳамиятсиз нарсаларда ҳам ўзларида баъзи келишмовчиликлар борлигини англаганлар. Лекин улар камбағалларга ва

муҳтожларга ёрдам бериш масаласида қатъий келишувга келганлар. Павлус ёзган:

«Улар бизга фақат камбағалларни унутмаслигимизни амр қилдилар, мен айнан шуларни бажо келтиришга интилдим» (Галатияликлар 2:10).

Бироқ кишининг камбағаллигини ёки унинг шунчаки ялқовлигини аниқлаш муҳим. Социалистик ёндашув дангасаларга ва камбағалларга тенг тарзда беришдан иборатдир. Агар биз ялқовларга бера бошласак, биз уларнинг бизга бўлган боғлиқлигини оширган бўламиз, холос. Бизнинг мақсадимиз – одамлар равнақ топишлари ва Худо Шоҳлигини қуришлари учун доим уларни Худодан олган инъомларига йўналтиришдир.

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАШ


Бизга инъомлар берилгани ва уларни кўпайтириш учун ишлатишимиз биздан кутилаётгани далили муҳим. Агар сиз Худони севсангиз, Унинг шарафи учун ўз инъомларингизни ишлатишни бутун қалбдан истайсиз. Менинг асосий мақсадим – сизни ички истагингизга ва имкониятингизга диққатингизни қаратишдир. Сиз мақсад учун – алоҳида мақсад учун яратилгансиз. Сизда Шоҳимизнинг шарафи учун берилган инъомни кўпайтириш қобилияти бор. Бу бобнинг энг муҳим хулосаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз талантлар ҳақидаги масал нимани ифодалашини тушундик ва энди амалий масалаларга ўтишга тайёرمىз. Биз буни қандай қўллашимиз мумкин? Бу қонунлар кундалик ҳаётда қандай амал қилади?

Биз бу ҳақида навбатдаги бобда гапиришни бошлаймиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Бошқарувчини аниқ таърифлайдиган бир хислат – садоқат мавжуд. Сиз садоқатга қай тарзда қарардингиз? Бу бобни ўқиганингиздан сўнг сизнинг нуқтаи назарингиз қандай ўзгарди?
2. Абадий кўпайишга ўз кучи билан эришиб бўлмайди. Бу Худо инояти билан ҳамкорлик натижасидир. Сиз ўз инъомларингизни ўз кучингиз билан кўпайтиришга ҳаракат қиляпсизми? Сиз кураш эмас, осойишталик ҳолатидан туриб, қандай инъомларингизни кўпайтиришингиз мумкин?
3. Худо мўл-кўлчиликка қарши эмас. У мўл-кўлчилик сизни эгаллаб олишига қарши. Сизнингча, нима учун Худога инъомларингизни кўпайтиришингиз муҳим? Қандай тарзда инъомларингизнинг кўпайиши Худога кўпроқ шараф келтириши ва бошқаларга кўпроқ таъсир қилиши мумкин?



*Оз нарсада содиқ бўлган кўп нарсада ҳам
содиқдир, оз нарсада садоқатсиз бўлган кўп
нарсада ҳам садоқатсиздир.*

– Луқо 16:10

МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА КЎПАЙИШ

Исонинг сўзларига кўра, агар биз ростгўй ҳаёт кечирсак, матонатли, ишончли, содиқ, меҳнатсевар бўлсак, айти пайтда биз бошқараётган нарсани кўпайтирсак, бизга кўпроқ мажбуриятлар ишониб топширилади. Оддий қилиб айтганда, биз ҳалоллик билан кўпайтирганимизда, Худо бизга кўпроқ масъулият юклайди. У бизга олға силжиш имконини беради. Бу Унинг Шоҳлиги қонунларидан биридир.

Ўзингизни текшириб кўринг. Сизнинг фикрлашингиз кўпайтиришга қаратилганми? Ёки сизнинг фикрлашингиз кўпроқ сақлаб қўйишга қаратилганми? Сиз ўзингизни бошқаларга ва ота-онангизга қараганда кўпроқ ютуққа эришган ёки осойишта ҳаёт учун ўзингизни етарли бойлик тўплаган деб ҳисоблаб, шу муваффақият даражасига эришгач, тўхтаб қолдингизми?

Ўзингизга тўғри баҳо беринг. Агар кўпайтиришдан кўра кўпроқ асраб қўйиш кайфиятида бўлсангиз, сиз учун яхши янгилик бор: сиз ҳали ҳам ер юзида яшаяпсиз ва сизда ўзгариш, кўпайтириш ва натижада, кўпроқ масъулиятга эга бўлиш учун вақтингиз бор.

ИККИТА ТУРЛИ НАТИЖАЛАР

Ҳатто болаликда ҳам мен учун бу иккита қарама қарши фикрлашни – асраб қўйиш ва кўпайтиришни таниб олиш қийин

эмас эди. Чунки менинг иккита бобомнинг ишлари уларни кўз олдиди мужассам қиларди. Улардан бири 65 ёшида нафақага чиқди ва доимо уйда ўтирадиган одамга айланди. Ҳар йили у бизникига икки ҳафтага меҳмонга келарди ва унинг ҳар куни қарийб ҳеч нима билан шуғулланмаслигини кўрардим. У орқа ҳовлидаги катта эман дарахтимиз тагида ўз трубкасида чекиб ўтиришини кўрардим. Биз унинг уйига борган пайтимизда ҳам шу аҳвол эди. Афсуски, умрининг охирида у ҳаёт билан эмас, мавжудлик билан кифоялангандек туюларди.

Иккинчи бобом нафақага 62 ёшида чиқди ва иккинчи ҳаёт деб аташ мумкин бўлган фаолиятини бошлади. У 60 ёшидаёқ “Ратжерс” университетига ўқишга кирди ва у ерда қишлоқ хўжалиги ишини ўрганди. Кейинги йигирма йил ичида у иккита китоб ёзди, катта боғ яратди, чорвачилик билан шуғулланди, қариялар учун қулай турар жойлар яратиш учун Флорида штатининг қирғоқбўйи ҳудудларида кондоминиумлар қурилишига ёрдам берди ва тадбиркорлик ҳамда жамоатчилик лойиҳаларида фаол иштирок этди. У ёрдамга муҳтож одамларга доим ёрдам кўрсатарди.

У бизникига келганда ёки биз уникига борганимизда, бу бизнинг сабрсизлик билан узоқ кутилган воқеамиз бўларди. У балиқ овлашни, ўйин-кулги қурилмалари бор паркка боришни, Нью-Йорк шаҳарини айланишни режалаштирарди. У биз билан ўйинлар ўйнардди, бизни ўз қўшниларикига олиб борарди, биз билан бирга дўкон эгаларига ёрдам берарди ва ҳар кечқурун биз учун мазали овқатлар тайёрларди. Менинг бошқа бобом ошхонада ёрдам бермасди.

Боболаримдан бири 75 ёшида, иккинчиси эса 91 ёшида вафот қилди. Улардан қайси бири кўп умр кўрганини топа оласизми? Ҳа, кўпайтириш билан яшаган бобом кўп умр кўрди. Қизиқ, у фақат 89 ёшида нажотни қабул қилди. Лекин у шу ёшига қадар ҳам Худонинг қонунлари – Худо Шоҳлиги қонунлари билан яшаган ва жуда кўп барака олган одам эди.

Мен бобомни Исога олиб келтириш имтиёзига эга бўлишдан

аввал, ўз имоним учун у томондан кўп қувғинга учрадим! Биз ҳар сафар бирга бўлганимизда, у имоним устидан кулар эди. Унга кўп марта Хушхабар айтишга бўлган уринишларимдан сўнг охири унинг: «Мен Исони Раббим сифатида қабул қилмоқчиман», деб айтганига таажжубланганимни аранг яширдим. Бу буюк кун эди!

У имонга келганидан сўнг мен уникага яна ташриф буюрдим. Ўша пайтда у бизнинг уйимиздан бор йўғи бир соат узоқликда яшарди. У ўзининг Дейтон Бичдаги уйдан Ормонд Бичдаги қариялар уйи марказига эндигина кўчиб ўтган эди. У янги жойга кўчиб ўтаётганида деди:

- Жон, менга берилган топшириқ ҳақида билишни истайсанми? Мен ер юзида нима қилишим кераклиги ҳақида-чи?

Мен ҳозиргина нажот топган одам, бундай кекса ёшида шундай нарсаларни ўйлаётганига ҳайрон қолган эдим. Мен хаёлимга келган фикрни унга айтиш ўрнига шундай жавоб бердим:

- Эшитаман бобо, сизда қандай топшириқ бор?

У жилмайиб деди:

- Муқаддас Рух мен одамларга Исо Масих ҳақида гапириб бериш учун шу ерда эканимни айтди.

Бу марказда бир неча юзта кекса одамлар бор эди.

Икки йилдан сўнг бобом ўзининг ягона ўғлига яқин бўлиши учун онам ва тоғам уни Оклахомага кўчирдилар. Янги жойда у бор йўғи бир ҳафта яшаб, кечалари ухламай чиққан. Бу пайтини бобом ўзи учун яқинда ишга олинган қаровчи аёлга ўз ҳаётидаги воқеаларни гапириб бериш билан ўтказган. У тонг ёришишдан аввал унга шундай деган:

- Уйга кетадиган вақт бўлди. Ўғлимга айт, мен учун байрам ташкил қилсин.

Шу сўзлардан сўнг унинг руҳи танасини тарк этган ва ўзининг самодаги оиласига қўшилган.

Онам бобомни Флоридадан Оклахомага кўчиришда уни жуда қийнаб қўйган эканмиз, деб хафа бўлди ва ғамга ботди. У бу

ҳақида менга айтганида, мен уни дарҳол юпатиб дедим:

- Она, бобом 89 ёшга кирганида, у менга бир гап айтганди. Худо унга Ормонд Бичда бажариш учун топшириқ берган экан ва буни бажариши учун унга яна икки йил умр қўшган экан. Бу унинг Оклахомадаги биринчи ҳафтаси эди. У берилган топшириқни бажариб бўлган.

Бу сўзлар онамни ҳам юпатди ва ҳам ҳайрон қолдирди.

Бобом нажот топмаган пайтида ҳам, унинг ҳаётида Худонинг меҳнатсеварлик ва содиқлик қонунлари намоён бўлган. Боболаримнинг ҳар хил йўлларини кўриб, ҳали имонга келмаган бўлса-да, умрининг охиригача кўпайтирган ва ҳаётида мақсадга эга бўлган бобомнинг мисолига эргашишга қарор қилдим.

Лекин ҳақиқатни айтишга ижозат беринг. Менда бошқа йўлни – осон ҳаётни танлаш васвасаси кўп марта пайдо бўлган. Биз «асраш»дан иборат ҳаёт тарзига берилмаслик учун ўз фикрларимизни атайлаб йўналтиришимиз керак. Чунки асраб қўйишдан иборат ҳаёт тарзи билан яшаш осон.

Кўпайтириш дангасалик, қатъиятсизлик, беғамлик ва лоқайдликда намоён бўлмайди. Ҳаворий Павлус бизга: «Ғайратда сусайманглар, руҳингиз билан алангаланинглар, Раббийга хизмат қилинглар» дейди (Римликлар 12:11).

Биринчидан, бу таклиф эмас, амр эканини тушунинг. Унинг сўзларига эътибор беринг: «руҳингиз билан алангаланинглар». Бу сиз кўпайтиришга эга бўлиш учун намоён қилишингиз керак бўлган биринчи хислатлардан бири. Биз нафақат руҳимиз билан алангаланишимиз, балки ўз ишимизда ғайратга ҳам эга бўлишимиз керак. Мени нотўғри тушунманг, имон, ваҳий ва қатъият кўпайтиришнинг учта энг муҳим омиллари ҳисобланади. Лекин агар киши енгни шимариб ишга киришмаса, уларнинг ҳаммаси бефойдадир!

Лиза ва мен имонга келган кунимиздан бошлаб тиришқоқлик билан ишлаганмиз. Бу бизнинг ичимизга қўйилган ва Худо буни ҳар бир имонлига қўйган. Бизнинг ғайратимиз ташқи шароитлар сабабли эмас, балки икки нарса – бизнинг Исога ва Унинг халқига

бўлган қаттиқ севгимиз билан руҳлантирилган эди. Бу интилиш ҳиссиётларимизнинг эмас, балки қалбимизнинг қатъий қарорига асосланган эди ва у бизда Унинг Шоҳлигини қуриш учун оташин истакни таъминлайди. Бу жуда муҳим, чунки бизда доим ҳам ҳиссий кўтаринки руҳ бўлмайди. Аслида, биз умуман ҳеч нарса ҳис қилмайдиган даврлар ҳам келиши мумкин.

«Ғайрат» (энтузиазм) сўзининг бир ўзакли сўзларидан бири – бу юнонча «энтеос» сўзи бўлиб, у «ичида Худога эга бўлиш» маъносини англатади. Бизнинг меҳнатсеварлигимиз ҳиссиётлар ёки ташқи шарт-шароитлар орқали эмас, балки ичимизда Худо борлиги орқали келиб чиқиши керак.

БОШҚА КИШИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН НАРСАНИ КЎПАЙТИРИШ

Биз турмуш қурганимиздан сўнг Лиза билан борган биринчи жамоат Техас штатидаги Даллас шаҳрида эди. Бу мамлакатимиздаги бир неча юз хизматкорларга эга энг машҳур жамоатлардан бири эди. Биз кўнгиллилар сифатида зарур бўлган барча ишни қилишга доим тайёр эдик. Мен тартиб-интизомни назорат қилиш хизматига тайинландим, қамоқхонада, дастлабки тергов жойларида хизмат қилардим, қариялар уйига борардим, анжуманларни ўтказишда қатнашардим, жамоат ишчиларига бериладиган кичик топшириқларни бажарардим ва ҳатто чўпонимнинг болалари учун теннис дарсларини ўтардим. Мен қандай иш бўлишига қарамасдан, хизмат қилиш имкони бор жойда ҳеч қачон «йўқ» демасдим ва бу хизматларни «Рокуэлл интернешнл» ташкилотида инженер сифатида ҳафтада қирқ соатлик иш билан бирга бажарардим.

Натижада, менинг хизмат қилишга бўлган интилишимни кўриб, катта чўпоннинг хотини (у жамоатда ижро этувчи директор эди) менга жамоат штатида тўлиқ вақт билан ишлаш таклифини берди. Мен билан суҳбат пайтида у деди:

- Жон, сени жамоатда тўлиқ ишлаш учун ёллай олашимизга рози бўласан, деб ўйламайман.

- Албатта рози бўламан, - деб жавоб бердим мен.

Улар қандай маош таклиф қилишлари мени ташвишлантормасди. Мен ҳар қандай маош учун, ҳар қандай вазифани қабул қилишга тайёр эдим. Сўхбатдан сўнг у менга ижро гуруҳи ёрдамчиси вазифасини таклиф қилди. Лиза ва мен бу ҳақида кўп ибодат қилишимиз шарт бўлмади, чунки бу Худонинг иродаси эканини билардик. Мен бир йилда ўн саккиз минг долларлик маош билан бу таклифни қабул қилдим. Бизнинг илгариги даромадимиз сезиларли даражада камайди, бироқ бу биз учун олдинга силжиш бўлди. Лиза ва мен бу янги маош билан ғайритабий таъминотга ишонишимиз кераклигини билардик, бироқ бу бизни ташвишлантормасди. Биз ҳаётимизнинг даъвати деб ҳисоблаган нарсага берилиб кетгандик.

Бизнинг мажбуриятимиз рўйхатига чўпонга, унинг оиласига ва меҳмонларга ёрдам бериш вазифалари кирарди. Мен учта асосий мақсад билан ишлардим. Биринчиси, уларга Масихга хизмат қилгандек хизмат қилиш, иккинчиси, олдиндан уларнинг эҳтиёжларини кўриб, доим олдинга қараш ва уларнинг ўзи бу ҳақида сўрамасларидан аввал бу муҳтожликларни тўлдириб қўйиш эди. Учинчиси, мендан нимадир қилишни сўраганларида ҳеч қачон: «Бунинг иложи йўқ», деб айтмаслик эди. Мен доим ўзимга берилган топшириқларни бажариш йўлларини ибодат орқали топар эдим. Агар бирор топшириқни бажаришда муаммо туғилса (бу жуда камдан кам содир бўларди), мен доим яхшироқ ечимни таклиф қилардим. Кўпинча менинг таклифим топшириқни ечиш учун дастлаб қилинган таклифдан кўра кўпроқ мувофиқ келарди.

Бу вазифани бажариб юрган пайтимизда биз Лиза билан ҳали фарзандларимиз йўқ эди. Бизнинг иш вақтимиз олти кундан иборат эди ва иш соати бир ҳафтада 50 соатдан 70 соатгача бўлган вақтни ўз ичига оларди. Биз иккимиз ҳам чўпонларимизни турли хил таъсирлардан озод қилиш муҳимлигини ҳис қилардик. Биз уларнинг бутун эътибори жамоатимизни бошқаришга қаратилишини истардик.

Мен ўзимизнинг мақсадларимизни кўрсатиш учун кўп ҳикоялар айтиб беришим мумкин, лекин мен битта ҳикояни сиз билан ўртоқлашаман. Чўпонимнинг уйига бутун дунёга машҳур бўлган бир марҳум хушxabарчининг гуруҳида хизмат қилган киши меҳмон бўлиб келди. Менинг чўпоним бу марҳум хушxabарчи ҳақида кўпроқ билишни истарди ва улар алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар. Менинг телефоним тунги пайт соат 1:00 да жиринглади. Телефон гўшагини олганимда чўпон гапирди ва у мени ўз уйига келишимни (унинг уйи бизнинг квартирадан 25 дақиқа узоқда эди) ва ўз меҳмонини меҳмонхонага қайтариб олиб бориб қўйишимни сўради.

- Мен бораяпман, - иккиланмасдан дедим мен.

Мен чўпоннинг уйига етиб келдим ва улар хайрлашиб олгунга қадар кутиб турдим ва меҳмонни меҳмонхонага қайтариб олиб бориб қўйдим. Мен ўша куни соат 2:00 лардан сўнг ухлагга ётдим.

Чўпонимиз жамоатда навбатдаги куни ваъз қилиши керак бўлган меҳмонни кутиб олиш учун мен аэропортга боришим кераклиги ҳақида хабари йўқ эди. Бу меҳмон Гавая оролларида тунги рейс билан тонгда соат 5:40 да учиб келаётганди. Мен уни аэропортда кутиб олишим учун соат 4:30 ўғонишим керак эди. Мен чўпонимизга ўша кечаси уч соатдан кам ухлаганим ҳақида бир оғиз ҳам айтмадим. Мен чўпонимизнинг ва унинг хотинининг ҳар қандай муҳтожлигини тўлдириш учун қатъий киришган эдим ва ўзимга доим хизмат имтиёз эканини эслатардим.

Мен чўпонимга ва унинг хотинига тўрт йил ёрдамчи сифатида хизмат қилиб, бир куни улар билан ёлғиз қолганимда шундай дедим:

- Мен ўрнимга келадиган киши менга қараганда икки баробар яхшироқ хизмат қилиши ҳақида ибодат қиламан ва Худодан сўрайман.

Мен ўз вазирам янада самаралироқ бўлишини истардим.

- Бунинг имкони йўқ, - деб жавоб беришди улар. — Чунки сен ақл бовар қилмас даражада хизмат қилиб келдинг.

Уларнинг бу тасдиғи мени илҳомлантирди. Менинг барча оғир ишларим менга енгилдек туюлди, бироқ мен олға силжишни истардим. Охирида улар менинг ўрнимга иккита кишини тайинладилар. Менинг чўпоним бизни Флорида штатидаги бошқа бир машҳур жамоатга хизмат қилишимга розилик билан жавоб берди (янги жамоатда ёшлар чўпони вазифасига тайинланганим ҳақида иккинчи бобда эслатиб ўтган эдим).

Мен Флоридадаги жамоатда ўз вазифамни эгаллаганимда, мен кўпроқ ёшларга ва ўсмирларга ўз хушxabаримизни етказмаганимиздан кўнглим ғаш бўлди. Бу 1980-йиллар охири эди ва телевидение ягона визуал восита эди. Ўша пайтларда на компьютерлар, на планшетлар ва на смартфонлар бор эди. Ўша пайтда ҳали жонли эшиттириш ўйлаб топилмаган эди. Оддий қилиб айтганда, ойнаижаҳон орқали ҳар кунлик кўрсатув одамларга етиб боришнинг энг яхши усули эди.

Маълумот сўраш орқали марказий Флоридадаги энг кучли телевизион станциялардан бирида шанба куни кеч соат 22:00 да бўш эфир вақт борлигини аниқладим. Мен бу ўттиз дақиқалик эфир вақти нархи ҳақида сўрадим. Унинг нархи жуда қиммат эди.

Мен бизнинг катта чўпонимизга бу эфир вақтини ёшларимизнинг хушxabар дастури учун сотиб олишни таклиф қилдим.

- Жон, бу лойиҳа бизнинг маблағимиз учун етарли эмас, - деб жавоб берди у.

Мен ундан сўрадим: - Ойнаижаҳондаги дастур тўлови учун ёшларимизнинг ҳар ой пул қурбонлик қилишларига рухсат берасизми?

- Албатта, агар уларнинг бу учун имкониятлари бўлса, бемалол қилишлари мумкин, - деб жавоб берди у.

У ёшларнинг бу ишни қила олишига ишонарди, деб ўйламайман.

Ёшлар хизматида мен адашганларга қандай етиб бориш ҳақидаги башоратим билан ўртоқлашдим. Ўша пайтларда кўп ёшлар

ва ўсмирлар шанба кунлари алламаҳалгача телевизор кўрардилар. Бу дастурда биз дастлаб Худонинг Каломини ваъз қилардик, сўнг эса томошабинларни жамоатга ва ёшлар хизматига таклиф этардик. Мен бизнинг ёшлар хизмати иштирокчиларига бу башорат учун ўзларининг чой пулларидан, ўқишларидан сўнг қиладиган ишдаги маошларидан қурбонлик қилишларини ёки бунинг учун вақтинчалик ишга жойлашишларини таклиф қилдим. Ҳисоб-китоб қилиб кўриб, ёрдамчим билан мен ҳайрон бўлдик, чунки йиғилган маблағ телевизион дастур учун тўлаш имконини берарди!

Катта чўпоним биздан ҳам кўпроқ ҳайрон бўлган эди. У бизнинг «Оташин ёшлар» деб аталган дастуримизни бошлашга рухсат берди. Биз ҳар ойлик ҳаражатга етарли маблағ тўплар эдик. Биз учун илгари жамоатга бормаган кўплаб ёшлар ва ўсмирлар бизнинг ёшлар хизматимизга кела бошлаганлари ва Исони қабул қиладиганлари илҳомлантирувчи ҳолат эди. Йигирма йиллардан зиёд вақт ўтгач одамлар олдимга келиб, ўзларининг 1980-йиллар охирида «Оташин ёшлар» кўрсатувини кўрганларини ва бу кўрсатув уларнинг ҳаётига қандай таъсир қилганини гапириб бердилар.

Мен ёшлар чўпони вазифасини топширганимда, биз ёшлар хизматини уч гуруҳга ажратдик. Энди биз ўзимиз якка бошлаган хизматни учта йўлбошчи олиб борадиган бўлди. Худонинг инояти, итоат ва тиришқоқлик билан қилинган меҳнат яна кўпайишга сабаб бўлди.

Исо дейди: «Агар бировнинг нарсасида содиқ бўлмасангиз, ким сизларга ўз нарсаларингизни берар экан?» (Луқо 16:12).

Келинг, талантлар ҳақидаги масалга кўра Унинг сўзларини ўзгача тарзда ифодалаб берайлик. «Агар сиз бировнинг нарсасини кўпайтирмаган бўлсангиз, ким сизларга ўз нарсаларингизни кўпайтириш учун беради?»

Айнан шу катта чўпон биз Лиза билан «Мессенжер Интернэшнл» хизматини бошлашимиз кераклиги ҳақидаги Худонинг режасини эълон қилди. Биз эмас, у бу ҳақида биринчи бўлиб айтди. Мен ёшлар чўпони хизматини қабул қилганимда,

дедим: «Чўпон, мен Исо қайтиб келмагунга қадар ёки Худо бизга бошқа йўлдан юришимиз кераклигини кўрсатмагунга қадар шу ерда қоламан». Агар Худо ибодатда хизматимизнинг кейинги қадамини кўрсатмаганда эди, мен бу жамоатдан эркин чиқиб кета олмас эдим. Мен бугунги кунгача, айнан Худо чўпонга бу хизматни кўрсатганига ишонаман.

«МЕССЕНЖЕР ИНТЕРНЭШНЛ»НИНГ ТУҒИЛИШИ

Биз Флоридадаги жамоатдан кетганимиздан сўнг тез орада Жанубий Каролина штатидаги Колумбияда хизмат қила бошладим. Тонг саҳар вақти эди ва мен ибодат учун хилват жой топдим. Худо менга гапирди: «Ўғлим, сен бошқа одамлар хизматида бўлганингда, охириги етти йил ичида эккан содиқлик уруғингдан мўл ҳосил оласан. Бу тезлик билан бошланади ва бутун ҳаётинг давомида амалга ошади».

Бугун, ортга қараб, бу ҳосилдан ҳаяжонланиб кетаман.

Биз жамоатимиз томонидан «Мессенжер Интернэшнл» хизматини бошлаш учун юборилганимизда, бизнинг кўпайишимизнинг асосий омили яна меҳнатсеварлик бўлди. Биз Лиза билан аудиокассеталарнинг нусхасини чиқариш, ёрлиқларни тайёрлаш ва ваъзлар сериясини тузиш каби ишларни қилиш учун кўп кечаларни ўтказдик. Бизнинг тарқатиладиган манбаларимизга белги қўйиш ва ўраш ёки бошқа ишларда ёрдам бериш учун бизни кига мунтазам равишда келадиган дўстларимиз бор эди. Биз Лиза билан хатлар ёзардик, хизматнинг банк рақамига пулларни кўчирардик, молиявий ҳисоб-китобни юритардик ва барча зарур ҳужжатларни тайёрлардик. Биз компьютерга ёзувларни кўчирардик, почта билан ишлардик ва ишимиз учун зарур материалларни ўзимиз сотиб олардик ва бу бизнинг мажбуриятларимизнинг фақат кичик бир қисми эди, холос. Биз эрталабки ибодатдан сўнг ишни бошлардик ва кўпинча кечқурун соат 9.00 гача ёки тунгача ишлардик.

Биз буни хурсандчилик билан қилардик ва буни имтиёз деб ҳисоблардик. Бизнинг истагимиз қалбдан чиқарди ва у сон-

саноқсиз умидсизликлар ва қурғоқчилик давридан ўтди. Бизда ғамгинликка берилмаслик учун куч бўлганига ишонаман, чунки ҳар куни эрталаб биз ибодатда вақт ўтказардик.

Биз автомобилнинг орқа ўриндиқларига иккита майда ўғлимизни ўтқизиб, ўзимизнинг «Хонда Сивик» русумли машинамизни «I-95» - ғарбий соҳилнинг асосий катта йўли бўйлаб юқорига ва пастга ҳайдаб борардик ва 80 тадан 100 тагача аъзоси бўлган кичик жамоатларда ваъз қилардик. Хизматимизнинг ажойиб тарзда бошланиши, дафн қилиш бюросидаги жамоатда биринчи хизматни ўтказиш эди!

Биз кассеталаримизни сотардик ва сотувдан тушган пулларни хизматни ривожлантириш учун ишлатардик. Биз маошимизни бу даромаддан олмасликка келишиб олдик, чунки «Мессенжер» хизматини ривожлантириш ва кўпайтириш муҳим эди. Ўзимиз учун шахсан керак бўлган маблағлар энг охири кунда топилган пайтлар ҳам бўларди. Бизнинг «аудио манбалар сотуви» ҳисобида пулларимиз бўларди, бироқ биз бу пулларни ишлатмасликка қарор қилдик.

Айнан бу тиришқоқлик билан қилинган бир ярим йиллик меҳнатдан сўнг Худодан мен нимани ёзишим кераклиги ҳақидаги сўз келди. Мен куннинг асосий қисми давомида ёзишим ва шу билан бирга турли мажбуриятларни бажаришим учун вақтим етмаслигидан хавотирланардим. Мен учун бу қарор таҳликали туюларди, бироқ биз уни қабул қилдик ва менинг биринчи китобни ёзишим учун анча кўп вақтим кетди. Лекин олдиндан билишим мумкин бўлмаган нарса содир бўлди: бир нечта ёшлар мени китоб ёзишимдан чалғитадиган иккинчи даражали ишларни қилишга ёрдам беришлари мумкинлиги ҳақидаги таклиф билан чиқдилар. Улар бизнинг Далласдаги чўпонларимиз учун қилган хизматимизга ўхшаш вазифаларни бажаришни ўз зиммаларига олдилар. Улар бизнинг эҳтиёжимизни кўрдилар ва биз сўрамасак ҳам бизга ёрдамга келишди.

Мен бир йил давом этган ва баъзан истиқболи йўқдек туюлган меҳнатдан сўнг «Саҳродаги ғалаба» китобининг

қўлёмасини тугатдим. Мен муҳим қоридани билиб олдим: биз ҳаётимиздаги иноятда (инъомларда) ўсишимиз керак экан. Бизнинг кўпчилигимизда бошида «фантастик» натижалар бўлмайди. Бутрус: «Бироқ Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масихнинг иноятида ва Уни таниб билишда улфайинглар...», дейди (2-Бутрус 3:18). Менинг китоб ёзишдаги қобилиятим биринчи китобни ёзган пайтимга қараганда ҳозир анча ривожланган.

Лиза ва мен бир машҳур муҳаррирга бу қўлёмани кўрсатдик. Афсуски, у Масих жамоати учун бундай ваъзни ёзишга менинг жуда ёш ва тажрибасизлигимни айтиб, бу қўлёмани кучли танқид қилди.

Бу рад этилиш зарбасидан сўнг биз Лиза билан бошқа муҳаррирни излай бошладик. Биз яна бир муҳаррирни топдик ва у бутун қўлёмани ўзгартириб ташлади. Биз Лиза билан уни қайтариб олганда гангиб қолдик. Бу қўлёмани менинг овозимни ва бу ваъзнинг кучини йўқотган эди. Ва энг ёмони, бу қўлёмани маъносиздек туюларди! Бир сўз билан айтганда, у қўлёмани бузиб қўйган эди. Бу яна бир зарба эди. Биз нима қилишни билмасдик. Ахир бир йилдан кўп вақт ўтганди.

Биз таслим бўлмадик. Биз яна битта муҳаррирни топдик ва у ўзгартирилган нусхани ўқигандан сўнг, асл қўлёмани ўзгартирилганини тасдиқлади.

- Жон, Лиза, - деди у. Бузилган қўлёмани тузатиш нотўғри бўлади. Бу муҳаррирга тўланган пул ҳақида унутинг ва ишни қайтадан бошланг.

У асл нусхани Лиза таҳрир қилиб чиқишини ва сўнг ўзига юборишини тавсия қилди.

Биз унинг маслаҳатига қулоқ солдик ва Лиза асл қўлёмани таҳрир қилиш устида кўп соатлар ишлади. Шундан сўнг янги муҳаррир Лиза томонидан таҳрир қилинган китобни олди ва ўзининг ишини бошлади. У зўр меҳнат қилди ва биз ниҳоят тайёр қўлёмаларга эга бўлганимизни ҳис қилдик.

Мен уни иккита нашриётга кўрсатдим. Улардан бири бизга жавоб бермади, лекин иккинчиси бизга мактуб юборди. Улар

бизнинг китобимиз ҳаддан ташқари «насиҳатомуз» эканини айтишди ва мен машҳур хизматкор бўлмаганлигим сабабли улар уни чоп этишни истамадилар. Мен қўлёзмани унча машҳур бўлмаган нашриётларга беришга ҳаракат қилдим, лекин уларнинг бирортаси ҳам унга қизиқиш билдирмади.

Биз қанчалик ҳафсаламиз пир бўлганини тасаввур қила оласизми? Яна бир йил ўтди ва биз гўёки боши берк кўчага кириб қолгандек эдик. Мен саросимада эдим, бироқ таслим бўлишни истамасдим.

Ўша кунларда мустақил тарзда нашр қилиш, қарийб қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. Бирорта ҳам муваффақиятли муаллиф бу иш билан шуғулланмасди, бироқ дўстларимдан бири менга ҳаракат қилиб кўришни тавсия қилди. Биз безаш ва саҳифалашдан ташқари бир неча мингта китобни чоп этиш учун ўн икки минг доллар кераклигини аниқладик. Бундан ташқари биз аллақачон иккита муҳаррирга тўлов ҳам қилиб қўйган эдик.

Биз учун бу катта пул эди. «Мессенжер Интернэшнл»нинг 1990-йил ичидаги бутун даромади 40.000 долларни ташкил қилганди. Хизматимизнинг учинчи йили бошланаётганди ва бизнинг даромадимиз биринчи йилдаги даромаддан ошмаганди. Иккинчи йилнинг охирида, бор йўғи бир неча юз доллар турадиган компьютерни сотиб олганимизда, қандай хурсад бўлганимни эслайман. Шунинг учун 12.000 долларни топиш имконсиздек туюларди! Биз бу пулни топишимиз учун мўъжиза содир бўлиши лозим эди.

Очиқ ҳаводаги спорт ўйинлари ҳақида китоб чиқарувчи кичик бир нашриётда саҳифаловчи бўлиб ишлайдиган аёл билан танишиб қолдик. У китоб ёзишим ҳақида эшитиб қолиб, Лизага китобимизни саҳифалаш ва безаш ишини бепул бажаришини таклиф қилди. Биз бу хизматлар учун бир неча минг доллар тўламаслигимизни ўйлаб жуда хурсанд бўлдик.

Худо қолган зарур бўлган маблағларни мўъжиза йўли билан етказди ва биз «Саҳродаги ғалаба» китобининг 5.000 нусхасини чоп этдик (ҳозирги пайтда бу китоб «Худо қаердасан?!» деб

номланади). Бизнинг дастлабки илҳомланишимиз узоқ давом этмади. Биз китобларни тарқатиш воситаларига эга эмаслигимизни тушундик. Китоб тарқатувчилар ва китоб дўконлари биз ҳақимизда ҳеч нима билмас эди ва ўша пайтларда бу ташкилотлар фақат машҳур нашриётлардан китобларни харид қиларди. Ҳеч ким мустақил равишда ўзи чоп этган китобларга қизиқмасди.

Биз китобни аудиокассеталар ёзилган ваъзлар билан бирга қўшиб, ўзимиз хизмат қилган барча жойларда тарқатардик. Мен саҳро ҳақида ваъз қилганимда ўзимиз билан олиб келган ҳамма китобларни сотардик. Одамларга бу ваъз ёқарди, бироқ китобларнинг тарқатилиши шу билан чекланган эди.

Ибодатда Худо менга иккинчи китобни ёзишим ҳақида гапирди ва кейинги тўққиз ой давомида мен «Саҳрода бақираётганнинг нидоси» номли китобни ёзиб тугатдим. Нашриётчилар аввалгидек унга қизиқиш билдирмадилар ва биз яна китобни 1993-йилда ўзимиз чоп этдик. Энди бизнинг столимиз устида бирорта ҳам китоб дўконига сотилмаётган иккита китоб бор эди.

ИМКОНИЯТ

Бир йилдан сўнг дўстларимдан бири менга қўнғироқ қилди ва тушликка таклиф қилди.

- Мен сени бир дўстим билан таништирамоқчиман, - деди у.

Мен рози бўлдим. Мен унинг дўсти, менга икки йил аввал рад жавобини берган нашриётнинг янги раҳбари эканини билиб олдим. Тушлик яхши ўтди ва у бизнинг Лиза икковимизнинг хизматимизга қизиқиш билдирди.

- Ҳозирги пайтда сизлар нима ҳақида воизлик қилаяпсизлар? – деб сўради у.

Мен унга қалбимда ёниб турган мавзу билан бўлишдим. Бу ваъз хафачиликни енгишнинг ва бизни ранжитган одамларни кечиришнинг қанчалик муҳимлиги ҳақида эди. У саволлар беришда давом этди ва мен унга бу ваъз ҳақида кўпроқ гапириб бердим. Ўн беш дақиқадан сўнг у деди:

- Жон, биласизми, биз бир йил ичида машҳур муаллифлар ва хизматкорлар томонидан ёзилган китоблардан фақат 22-24 тасини чоп этишимиз сабабли бу китобни чоп эта олмаймиз.

Мен унга ҳайрон бўлиб қардим ва дедим:

- Мен сизга ўзимнинг ваъзимни сотишга ҳаракат қилмаяпман. Сизнинг ўзингиз менинг жамоатларда юриб нимани ваъз қилишим ҳақида сўрадингиз.

У тушунди ва кулиб юборди:

- Ҳа, тўғри, давом этинг.

Мен гапимда давом этдим. Ўн беш дақиқадан сўнг у менинг гапимни бўлди ва деди:

- Менга бу ваъзнинг қўлёзмасини кейинги уч ой ичида жўната оласизми?

Мен ҳайрон бўлиб жавоб бердим:

- Мен китобимни чоп эта олмайсиз деб ўйлагандим.

- Фикримни ўзгартирдим, - деди у. – Бу воизлик тарқатилиши керак.

Бу нашриёт 1994-йилнинг июнида «Шайтоннинг хўраги» номли китобимни чоп этди. Мен жуда илҳомланиб кетдим! Мен ўзим оча олмайдиган эшикни Худо очди. Мен бу китоб дарҳол машҳур бўлишига ва яхши сотилишига ишончим комил эди. Бироқ дастлабки етти ой ичида бу натижа содир бўлмади. Ҳар ой нашриётнинг сотуви ҳажми ҳақида нохуш хабар олардим. Мен қалбим билан бу воизлик кўпчилик учун – дунё халқлари учун аталганига ишонардим. Мен умидимни узишни истамасдим, бироқ мавжуд вазият умидсизликни кўрсатарди.

Бир неча ойдан сўнг менга бу нашриёт маркетинг гуруҳи ходими қўнғироқ қилди. У деди:

- Жон, жонли эфирда ўтказиладиган бир халқаро ток-шоу сизни 1995-йил 16-январь куни ўз дастурига таклиф қилишни истайди. Улар сизнинг ихтиёрингизга 20 дақиқа вақт беради, бироқ биринчи навбатда улар сиз, Лиза ва тўртта ўғлингиз ҳамда сафарлардаги воизлик хизматингиз ҳақида суҳбатлашишни

истайдилар. Лекин улар сизнинг китобингиз ҳақида ҳам эслатиб ўтишга розилик билдирдилар. Бу таклифни яхши имкониятнинг боши деб айтиш мумкин. Сиз учун бу таклифни қабул қилишимизни истайсизми?

- Албатта, ҳа!

Мен ўша кўрсатувга бордим. Ўша куни кечқурун дастурни бир машҳур хизматкор ўз хотини билан олиб борди. У мен билан саломлашгандан сўнг аввал «Шайтоннинг хўраги» китобини қўлига олди ва сўради:

- Шайтоннинг хўраги нима? Бу китоб нима ҳақида?

Мен унинг суҳбатни оиламиз ҳақида эмас, балки китобдан бошлаганига ҳайрон бўлдим, бироқ мен дарҳол китобимдаги ваъз ҳақида гапиришни бошладим. Менга хонада ҳамма гўеки қотиб қолгандек туюларди. Мен эфир ташкилотчисига эътибор бериб туришим керак эди, чунки у суҳбат учун қолган вақтни кўрсатиши керак эди. Улар мен учун йигирма дақиқа ажратилганини эслатган эдилар. Эфир ташкилотчиси менга ҳеч қандай ишора кўрсатмади. Кўрсатувни олиб борувчилар мен гапираётган мавзуга шу қадар берилиб кетдиларки, улар мени гапимни бўлмадилар, фикр билдирмадилар ва умуман ҳеч нима демадилар. Биз кўрсатув бошловчиси билан вақт ўтганини сезмай қолдик ва кейин мен танаффуссиз қирқ дақиқа гапирганимни пайқадик.

Бу воизлик бошловчига кучли таъсир қилди. У мамлакатимиздаги энг катта анжуманлардан бирини ўтказиб турарди. У дарҳол жонли эфирда мени ўз анжуманига таклиф қилди.

Бир неча кундан сўнг нашриётчи менга «Шайтоннинг хўраги» китоби мамлакатдаги барча дўконларда сотиб тугатилганини ва улар яна 20 минг нусада буюртма беришларини маълум қилди.

- Жон, биз ҳали бирор марта бундай ҳодисани кўрмаганмиз, - деди у, - бу ток-шоуни олиб борувчилар ҳам ўзларининг кўрсатувиغا шунчалик кўп жавоб муносабатини олмаганларини айтдилар.

Мен қалбимда буни Худо уюштирганини билардим ва бу воқеа ваъзимиз Худодан эканини тасдиқлади.

Вақт ўтиши билан «Шайтоннинг хўраги» китоби ҳалқаро энг кўп сотилган китобга айланди. Сўнгги 25 йил ичида у турли машҳур китоблар рўйхатидан жой олди. Бу китобнинг ҳам чоп этилган, ҳам электрон ва аудио нусхаларининг сотилган сони икки миллионга етади. Ҳаммаси қандай бошланганини эслаш қизиқ. Мени муаллиф сифатида рад қилган ўша нашриёт энди «Шайтоннинг хўраги» китобини энг кўп сотилган китоблардан бири деб ҳисоблайди. Худода аниқ ҳазил-мутойиба туйғуси бор!


Агар мен итоат қилмаганимда ва ёзишни бошламаганимда, бу ваъз шунча одамга далда бўлмас эди. Бу китобни ёзиш орқали мен бу ваъзни кўпайтирдим, чунки у мен ҳеч қачон шахсан гапира олмайдиган кўп сонли одамларга етиб борди.

Аслини олганда, бу мисли кўрилмаган кўпайиш бу китобни ёзишдан бошланган эмас. Бу кўпайиш анча илгари, кўп қийинчиликларга қарамасдан олға ҳаракат қилишда давом этаётган пайтимизда бошланган. Мен биринчи чўпонни ҳар қандай чалғитувчи таъсирдан озод қилиш учун тиришқоқлик билан ишладим, сўнг ёшлар чўпони вазифасида туриб навбатдаги жамоатнинг таъсир доирасини кенгайттирдим. Бу ҳаракат «Мессенжер Интернэшнл» хизматида давом этди. Бу хизмат пайтида кеча ва кундуз меҳнат қилдик, сўнг Худонинг китоблар ёзиш ва чоп этиш ҳақидаги амрига итоат қилдик.

«Шайтоннинг хўраги» ваъзининг кўпайиш жараёни бошлаб юборилди ва бу ваъз бутун дунёда китобларнинг сотуви ва менинг анжуманлар ва жамоатлардаги ваъзларим орқали табиий равишда ёйилишда давом этади, деб ўйлагандим. Мен адашган эканман. Худо бизга бундан ҳам каттароқ хизматни ишониб топширмоқчи бўлган экан.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Сизнинг фикрлашингиз кўпайтиришга қаратилганми? Ёки сизнинг фикрлашингиз кўпроқ асрашга қаратилганми? Сиз оқим бўйича сузиб, осойишта ҳаётни маъқул кўрасизми ёки оқимга қарши ҳаракат қиласизми?
2. Агар киши ялқов ва ҳаракатсиз бўлса, кўпайтириш амалга ошмайди. Биз нафақат тиришқоқлик билан меҳнат қилишимиз, балки ўз ишимизда ғайрат ҳам қилишимиз лозим. Сиз ўзингизни ўз ишингизда тиришқоқ деб атай оласизми? Сиз ўз ишингизга ғайрат билан муносабатда бўласизми? Ёки сиз ҳаётнинг маълум бир даражасига эришиб, уни бошқаларникига қараганда фаровонроқ ва яхшироқ деб ҳисоблаб, тўхтаб қолдингизми?
3. Мен ёзишни бошлаганимда умидсизликни, рад этилишни, ғамгинликни бошдан кечирдим, бироқ Худо менга айтганларига итоатда қолганим учун ишимда силжиш содир бўлди. Сиз ўзингизга берилган иноятда қандай тарзда ўсаяпсиз? Сиз умидсизлик ва ғамгинликни енгиб ўтиб, олға юришингиз учун менинг ҳикоям сизни қандай тарзда руҳлантираяпти?



*Раббий уларни дуо қилади ва улар ўта
кўпаядилар.*

– Забур 106:38

БУЮК КЎПАЙИШ

Худо кўпинча хафагарчиликни ва норозиликни имонимизнинг дастлабки кўпайишига ва кўпайишнинг кейинги даражаларига эришишга ундаш учун рағбатлантирувчи омил сифатида ишлатади. Биз буни Ибромнинг (Иброҳимнинг) ҳаётида кўрамиз. У 75 ёшда бўлганида Худо унга зоҳир бўлган ва унга ваҳий орқали гапирган:

«Қўрқма, Ибром, Мен сенинг қалқонингман. Сенинг мукофотинг ғоят буюқдир» (Ибтидо 15:1).

Келинг, бу оятни ўрганиб чиқайлик. Қудратли Худо ерни унинг улкан заҳиралари билан яратган ва буларнинг ҳаммаси Унга тегишли бўлган Зотдир. У доим мавжуд бўлган ва Унинг мавжудлиги ҳеч қачон тўхтамайди. Бирорта ҳам тирик мавжудот Унинг буюклиги билан тенглаша олмайди. Унда нафақат ҳаёт бор, балки Унинг Ўзи Ҳаёт ҳисобланади. Барча абадий билим ва донолик, барча ҳақиқий хазиналар ва лаззатлар Ундадир. Ундан ташқарида бирорта қадрли нарса йўқ.

Бу ажойиб Шахснинг Ўзи Ибромни ҳимоя қилишини ва унга буюк мукофот беришни эълон қилаёпти. Келинг, қалқонни ва буюк мукофотни муҳокама қиламиз.

Дастлаб қалқондан бошлаймиз. Тасаввур қилинг, Америка Қўшма штатлари президенти мамлакатнинг барча қуроли кучлари сизни ҳимоя қилишини буюради. Ҳамма генераллар

Ўзларидан қуйида бўлган зобитларга сизнинг хавфсизлигингиз – бу энг муҳим вазифа эканини ва сизнинг хавфсизлигингиз учун барча ҳаракатлар бажарилиши кераклигини маълум қиладилар. Зарур бўлса, улар атрофингизга замонавий қуроолларнинг барча турлари билан қуроолланган аскарларни жойлаштирадилар. Бунга тасаввур қилиш қийин, бироқ агар бу содир бўлганда эди, сиз ўзингизни хавфсиз ва ишончли қўлларда деб ўйлаган бўлардингиз. Бироқ буларнинг барчаси қудратли Худонинг «Мен сенга қалқонман», деган сўзлари олдида арзимаган нарсадир.

Буюк мукофотчи? Агар сизнинг қўшингиз: «Мен сенга катта мукофот бераман» деб айтганда, бу илтифотли ва сахий таклиф бўларди, лекин у сизга кўп нарса бера олмасди. Агар Қўшма Штатларда энг бой одам сизга шундай таклифни билдирганда, сиз кўпроқ руҳланган бўлардингиз. Бироқ бу ваъдалардан бирортаси ҳам бу оятдаги ваъдалар билан тенглаша олмайди. Бу сайёрада ва коинотда ҳамма нарсанинг эгаси бўлган Зот мукофот таклиф қилмоқда! У Ибромга «Сенинг мукофотинг ғоят буюқдир!», деб айтди. Тўғриси айтганда, бу ваъданинг кўламани тасаввур қилиш қийин. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Навбатдаги тасаввур қилиш қийин бўлган далил - бу Яратувчи элчини юбормасдан Ўзи шахсан келганидир. Қудратли Худо юзмаюз туриб, ақлга сиғмайдиган ваъдаларни берди.

Сиз бунинг улуғворлигини тасаввур қила оласизми? Биз бунга қандай муносабат билдиришимиз керак? Бизнинг ҳар биримиз ҳис қилишимиз мумкин бўлган ўша завқ-шавқни, хурсандчиликни, бахтни ва ҳаяжонни сўзлар билан ифодалаш мумкинми? Бироқ Ибромнинг жавоби бу ҳиссиётларга ҳатто яқин ҳам бўлмаган. Аслида уни бу ваъда руҳлантормади, аксинча у хафа бўлди!

«Бироқ Ибром жавоб берди: «Ё, Раббий Худо! Сен менга нима берасан? Мана, фарзандсиз ўтаяпман»» (Ибтидо 15:2).

Сиз унинг жавобидаги норозиликни пайқаяпсизми? Қизиқ ҳолат! Бироқ Ибромда ғайратнинг йўқлиги ижобий ҳолат бўлиши

мумкинми? Агар Ибром: «Ажойиб! Бу ваъдаларнинг ҳаммаси ҳозироқ амалга ошишни бошласин!», деб айтганда, бу воқеа бошқача тарзда содир бўлардимиз? Аслини олганда, қуйидаги саволни бериш тўғрироқ бўлади. Агар Ибром юқоридагидек жавобни айтганда, Худо унга зоҳир бўлардимиз? Менимча йўқ ва бунинг сабабини тушунтиришимга ижозат беринг.

Келинг, Ибромнинг ҳикоясини бир дақиқага қолдирайлик ва мен нимани назарда тутаётганимга аниқлик киритайлик. Саҳрода кўп йил кезиб юргандан сўнг исроилликлардаги норозилик шахсий қулайликнинг йўқлиги сабабли пайдо бўлган ва бунинг натижасида улар ўз даъватларидан айрилганлар. Улардан фарқли равишда Павлус шундай дейиши орқали ўзининг диёнатли муносабатини кўрсатган:

«Мен буни муҳтож бўлганим учун гапирмаяпман, чунки менда бори билан қаноатланишга ўрганиб қолдим. Мен етишмовчиликда ҳам, мўлчиликда ҳам қандай яшашни биламан. Ҳар ерда ва ҳамма нарсада тўқ бўлишни, очликка тоқат қилишни, мўлчиликда ва муҳтожликда бўлишни ўргандим» (Филиппиликлар 4:11-12).

Павлус ва Ибром шахсида, Худо қийинчиликларни қабул қилишга тайёр бўлган ва фақат ўзи ҳақида ўйламайдиган одамларни топди. Уларнинг норозилигига сабаб, ўзларининг шахсий эҳтиёжи ва истаклари эмас, балки бошқалар ҳақидаги ғамхўрлик эди.

Қуйидаги қонидани ёдда тутинг: агар норозиликнинг сабаби менинг шахсий эҳтиёжим бўлса, бу Худога мақбул бўлмайди. Бироқ агар норозиликнинг сабаби бошқа одамларнинг муҳтожликлари ва Худо Шоҳлигини қуришдаги муҳтожликлардан иборат бўлса, бу Худога мақбулдир. Ибромнинг норозилиги Худога мақбул бўлди ва натижада нима содир бўлади? Худо унга осмондаги юлдузларни ва денгиз бўйидаги қумларни кўрсатиб, унинг мукофоти у санаб тугата олмайдиган кўп одамларга таъсир қилишини ваъда бериб, унга берилган ваҳийни кенгайтирган. Бу

Худонинг шундай дейишига туртки бўлди: «Мен сен билан аҳд тузаман ва сени жуда ҳам кўпайтираман» (Ибтидо 17:2).

Агар Ибром ҳаётидаги ажойиб баракалар билан кифояланганда нима бўлар эди? У 75 ёшида ўғил фарзанд кўришига ишонган бўлар эдими? Унинг норозилиги кўпайиш учун сабаб бўлди.

Мен бундай норозиликни эътиборсиз қолдирмаслик кераклигини ўрганиб олдим. У кўпроқ самарадорлик учун таянч бўлиб хизмат қилади. Айнан шу нарса Лаодикия жамоатида етишмаган. Исо улар: «Мен ... ҳеч нарсага муҳтож эмасман», деб ўйлаганлари учун уларни айблади (Ваҳий 3:17). Улар одамларнинг Хушxabарни қабул қилмаганликлари учун хафа бўлмадилар, чунки улар ўзларига эътибор қаратган эдилар ва ўзларининг мўл-кўллигида ўзларини қулай ҳис қилган эдилар. Натижада, улар кўпайиш учун интилмас эдилар.

Айнан шу васваса билан Стен ҳам курашарди. Мен ҳам вақти-вақти билан бу васвасага дуч келаман ва уни енгиш учун курашишга мажбур бўламан. Аслини олганда, бу бизнинг ҳар биримиз билан содир бўлади.

Мен Худога қанча кўп хизмат қилсам, ҳақиқий имонлининг ҳақиқий ҳосилларидан бири – бу одамлар ҳаётига Худо Шоҳлиги таъсирини келтиришдан иборат кучли интилиш эканини кўпроқ англайман. Биз нажот топган пайтимизда, тўлиқ бошқа шахсга айланиб ўзгарамиз. Биз қайтадан туғиламиз ва хизмат қилишга бўлган кучли иштиёққа эга бўламиз. Исо дейди:

«Белларингиз боғланган, чироқларингиз ёниб турган бўлсин!» (Луқо 12:35).

Раббимизнинг бу амри ҳамма имонлилар сақлаб туриши лозим бўлган мавқени таъкидлайди: бу хизмат ва хизмат қилишга бўлган интилиш. Мен «асраб қўйиш» сўзини ишлатдим, чунки бу аллақачон янги табиатимизнинг бир қисми ҳисобланади. Кўпинча нажотнинг текин инъом эканига зид бўлган «ишлар орқали нажот»га берилиб қолишдан қўрқиб, хизмат ҳақидаги

ҳақиқат эътиборга олинмай қолади. Бироқ хизматнинг «ишлар орқали нажот»га ҳеч қандай алоқаси йўқ. У руҳимизнинг туғма истаги ҳисобланади. Нима учун биз янги ҳаётимизнинг бу муҳим жиҳатини четлаб ўтамиз ва унинг аҳамиятини пасайтирамиз? Масиҳийликни қайта англашга қаратилган замонавий йўналиш бизнинг имонимизни кўпроқ истеъмол қилувчига айлантираётган бўлиши ва шу орқали биз гуноҳкор инсон табиатига хос бўлган дангаласикни рағбатлантираётган бўлишимиз мумкинми?

Нима учун Исо: «Белларингизни боғланг», дейди? Нима учун У кийимни хизматга ўхшатди? Ваҳий китоби бизга бу саволга жавоб беради:

«Қувониб шодланамиз ва Уни шарафлаймиз, чунки Қўзининг тўй соати келди, Унинг келини ўзини тайёрлади. Унга соф ва оппоқ зиғирпоя матосига бурканиш берилди. Зиғирпоя матоси эса муқаддасларнинг ҳақлигидир (одил ишларидир)» (Ваҳий 19:7-8).

Биринчидан, Худо келинни эмас, балки келин ўзини тайёрлаганини кўраяпмиз. Иккинчидан, у буни қандай қилганидир. Ҳар бир келин ўзининг келинлик либосини танлаб, кўп вақт ўтказади. Бу муҳим кунда либос танлаш унинг энг муҳим ишларидан бири ҳисобланади. Ғарбий маданиятда келин ўз либосини излаш ва сотиб олишга жуда кўп вақт сарфлайди. Худонинг Шоҳлигида Масиҳнинг келини сифатида ўз либосимизни тайёрлаб, биз ҳам кўп вақт ўтказамиз. Бизнинг либосимиз майин зиғир матосидан тайёрланган ва инжил оятига кўра бу либос Шоҳликнинг қурилишида бизнинг хизматимизнинг рамзи ҳисобланади. Демак, хизмат бизнинг руҳий таркибий қисмимиз ҳисобланади. Исо дейди: «Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юбораяпман» (Юҳанно 20:21). У хизмат қилиш учун келган (Марк 10:45-оятга қаранг) ва бизнинг мақсадимиз ҳам шундан иборатдир. У хизмат қилишнинг муҳимлиги сабабини ҳам тушунтиради: «Менинг озуқам – Мени юборганнинг иродасини бажариш ва Унинг ишини амалга оширишдир» (Юҳанно 4:34).

Биз моддий озукасиз кўп вақт чидаб тура олмаймиз. Худди шу тарзда, Шоҳлик қурилиши учун хизмат қилаётган имонли руҳий озукасиз кўп вақт дош бера олмайди ва охирида имондан қайтиб кетади. Исо бу ҳақида Луқо 12-бобда гапиришда давом этади. Айнан шунинг учун бу гуноҳкор дунё тизими кучлари кўпайишга сабаб бўладиган норозиликни қабул қилиш ўрнига ҳаётга мамнун ва мағрур қарашни танлашимиз учун барча имкониятларни ишга солади.

Шунинг учун азиз ўқувчи, ўз таъсир даражангиз ҳақидаги норозиликка эътиборсизлик билан қараманг. Кўпинча Худо илоҳий кўпайишга сизни ундаш учун айнан шуни қўллайди.

МЕНИНГ НОРОЗИЛИГИМ

«Шайтоннинг хўраги» китоби нафақат Қўшма Штатларда, балки бошқа мамлакатларда ҳам машҳур бўлгандан сўнг сиз мени шу билан кифояланган деб ўйлашингиз мумкин. Бироқ бундай эмас. Мен норозилик билан бошқа даражада кураш бошладим.

Мен аллақачон катта жамоатларда ва катта анжуманларда ваъз қила бошладим, бироқ менинг норозилигим менинг битта хизматим орқали ўзимнинг бутун ваъзимни етказа олмаслигимдан иборат эди. Мен битта китобни ёзиш учун тахминан 400 соат вақт сарфлайман. Мен бу ваъзни ёзганимда, Муқаддас Рух менга кўп нарсани ошкор қилди. Бу ҳақиқатлар Худо яхши кўрадиган инсонлар учун аталган ва уларни мустаҳкамлаш, озод қилиш ва Ўзига яқинлаштиришга қаратилган.

Ваъзга ажратилган вақт кўп жамоатлар ва анжуманларда 35 дақиқадан 45 дақиқага қадар бўлган вақтни ташкил қилади. Шунинг учун «Шайтоннинг хўраги» мавзусига доир гапириб, мен фақат битта бобни, кўпи билан бир ярим бобни қамраб олишим мумкин эди. Бу эса одамлар ваъзимнинг 90 фоизини олмаётганини англатарди. Албатта, улар китобни сотиб олишлари ва ўқиб чиқишлари мумкин эди, бироқ одатда ўтирганларнинг фақат бештадан биттаси шундай қилади.

Менинг норозилигим натижасида бу китобнинг чоп этилишидан тўрт ёки беш йил ўтгач, менга бир фикр келди.

«Шайтоннинг хўраги» китобига доир ўқув дарслиги ташкил қилса бўлмайдимиз? Мен китобнинг ҳар бир бобидаги асосий ҳақиқатларни қамраб олган 12 тадан иборат ўттиз дақиқалик видео дарслар ёзишим мумкин эди. Одамлар ҳам кичик гуруҳларда ва ҳам мустақил равишда ваъзни нафақат ўқиб, балки уни кўриб ва тинглаб тўлиқ ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўларди. Бу усул ваъзнинг самарадорлигини ҳам оширарди. Биз гуруҳларда ва мустақил ўрганишда муҳокама қилиш учун саволлар тузишимиз мумкин эди. Бу саволлар Муқаддас Рухнинг одамларга чуқурроқ таъсир қилишига ва бу ваъзни ҳар бир киши учун кўпроқ қўлланиладиган бўлишига имконият берган бўларди.

Мен буни бизнинг гуруҳимиз билан муҳокама қилдим. Гуруҳимиз аъзоларидан бири менга иштирокчилар учун иш дафтарини ҳамда бу 12 та видеодарсларни тўлдириши мумкин бўлган етакчилар учун қўлланма яратишни таклиф қилди. Бу ўқув дарслигидан турли шароитларда фойдаланиш мумкин эди.

Биз 2.500 тадан ортиқ мижозлар учун ҳамда Қўшма Штатлардаги бир нечта улкан уюшмалар учун шунга ўхшаш материалларни ишлаб чиқарадиган ажойиб ташкилотни топдик. Энг бошидаёқ бизнинг талабларимиз қўйидагича бўлди: «Ишга бепарво муносабатда бўлмаслик, сифат масаласида ён бермаслик ва янгича фикрлаш билан ёндашиш. Кўринишда ва усулларда бир неча йил олдинда боришга ҳаракат қилиш». Дарвоқе, бир куни менга АҚШ президентларидан бирининг штатида Инжил дарсларини ўтказиш имтиёзи берилди. Мен Оқ уйнинг ғарбий томонидан кирдим ва ҳамма жойда устунликни кўрдим. Ўша куни шундай деб ўйладим: «Бунинг ҳаммаси Қўшма Штатлар президентини ифодалайди. Биз «Мессенжер Интернэшнл»да коинот Подшоҳини ифодалаймиз». Биз бошиданоқ устунликка урғу берган бўлсакда, шу воқеадан сўнг сифат масаласида ҳеч қачон ён бермасликка ва ишга бепарво муносабатда бўлмасликка қарор қилдик.

Биз ўқув курсини тайёрлашимиз биланоқ гуруҳимиз иккита аъзосининг мажбуриятлари тақсимланди. Улар тўлиқ иш вақти

давомида бошқаларга қўнғироқ қила бошладилар (2000-йилнинг бошларида бу ҳали ҳам жамоат йўлбошчилари билан алоқа қилишнинг энг яхши усули эди). Уларнинг вазифасига охириги 10 йил ичида биз ваъз қилган ҳамма жамоатлар билан боғланиш ва йўлбошчиларга бизнинг ўқув курсимиз ҳақида маълум қилиш ишлари кирарди. Биз чин қалбдан чўпонларни қўллашни ва маҳаллий жамоатларни мустаҳкамлаш учун уларнинг жамоат аъзоларини ўқитишга ёрдам беришни истардик. Ўша пайтларда бундай ўқув курслари кам эди. Бу ғоя ҳали кенг тарқалмаган эди.

Йўлбошчилар бу ғояни қўллаб-қувватлаганларида, биз жуда хурсанд бўлдик. Уларнинг хайрихоҳлигига ишониш қийин эди! Бир қанча вақтдан сўнг жамоатлар кичик гуруҳларда ҳам, асосий йиғилишларда ҳам келувчилар сонининг ошганлиги ҳақида хабар қила бошладилар. Дастлаб биз фақат 100 тадан кам аъзоси бўлган жамоатлар ўз хизматларида бу ўқув курсини ишлатадилар деб ўйлагандик. Бироқ бир неча минг аъзоларига эга бир нечта жамоатлар ҳам бу видео дарсларни ўз хизматларида ишлатибди ва улар ҳам кўпайибди. Жамоат йўлбошчилари ўз жамоат аъзоларининг агар дам олиш кунлари байрамларга тўғри келса, навбатдаги дарсни кўрсатмасликни сўраётганларини маълум қилдилар. Чунки улар ўша кунларда жамоат хизматида қатнаша олмаётган эканлар. Бизга ўз аъзолари сони икки ёки уч баробар кўпайган жамоатлар ёзардилар.

Чўпонлар ўзларининг чўпон дўстларига жамоатларида ва кичик гуруҳларида нима содир бўлаётгани ҳақида гапириб берардилар. Натижада, жамоат чўпонлари бу ўқув дарслигини олиш учун ўзлари бизга қўнғироқ қилардилар. Бир неча йил ичида бизнинг дарслигимиздан минглаб жамоатлар фойдаланишди. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида йигирма мингдан ортиқ жамоатлар ва Австралиядagi мингдан ортиқ жамоатлар бу ўқув дарслигини ўз хизматида ишлатишди. Бизнинг жамоатлараро бўлимимиз кенгайди ва унда алақачон тўлиқ иш вақти билан ишлаётган еттита ходим пайдо бўлди. Биз доим ўзгарган ҳаётлар, оилалар ва жамоатлар ҳақида гувоҳликлар олар эдик.

Кейинги бир неча йил давомида биз хизматимиз чоп этадиган асосий китобларнинг ҳар бири учун ўқув дарсликларини яратдик. 12 йил ичида хизматимиз бутун Қўшма Штатлардаги ва бутун Австралиядаги жамоатлар фойдаланадиган 10 тадан зиёд ўқув дарсликларига эга эди.

Бу кўпайишни биз олдиндан кўра олмаган, лекин кечроқ пайқаган бир томони бор эди. Менинг китобимни сотиб олиш ва ваъзимни эшитиш имконига эга бўлмаган одамларнинг катта сони энди бу ваъзларни олаётган эдилар. Улар бизнинг материалларимиз ёрдамида ўқитишга қарор қилган йўлбошчиларнинг жамоатлари ва кичик гуруҳларининг аъзолари эдилар.

«СЕН СОДИҚ ЭДИНГ»

Албатта, биз миннатдорлик ҳисси билан тўлиб тошган эдик! Сотилган китобларнинг сони аллақачон бир неча миллионга, ўқув дарсликларининг сони эса бир неча юз мингга етган эди. Бу ваъзлар Масиҳ танаси учун мўлжалланганини билардим. Улар аллақачон катта ҳосил бераётган бўлсада, ваъзлардаги мавжуд ҳақиқатларга муҳтож бўлган имонлилар сони ҳали ҳам кўп эди.

Мен китобларни сотишдан кўра кўпроқ тарқатиш имтиёзига эга бўлиш ҳақида Худодан сўрардим. Мен дунёда ҳатто, китоб сотиб олиш имконига эга бўлмаган чўпонлар, йўлбошчилар ва имонлилар борлигини билардим. Яширин жамоатларга борадиган кўп миллиондан иборат имонлиларнинг мамлакатлари масиҳий китобларнинг сотилишига рўхсат бермасдилар. Турли мамлакатларда яшовчи кўп масиҳийлар китоб олиб кириш учун маблағи йўқ эди.

Биз уларга қандай ёрдам беришимиз мумкин эди?

Мен муҳтожликнинг катта эканини билардим, бироқ барча бу чўпонлар ва йўлбошчилар билан қандай алоқа ўрнатиш мумкинлигини тасаввур қила олмасдим. Бироқ биз нимадир қилишимиз лозим эди. Биз келаётган муҳтожликларга жавоб бера бошладик. Агар ривожланаётган мамлакатлардаги ёки Хушхабарга қарши бўлган мамлакатлардаги йўлбошчиларнинг

бирорта гуруҳи китобларни сўрасалар, биз уларга китобларни совға тариқасида юборишга ёки уларнинг мамлакатида китобларни чоп этишни ташкил қилишга ва бу харажатларни тўлашга қарор қилдик ва бу вазифани бизнинг халқаро хизматимизнинг бошлиғининг зиммасига юкладик.

Менинг норозилигим ўсишда давом этарди, чунки биз мавжуд муҳтожликнинг фақат жуда кичик бир қисмини тўлдираётгандик. Масалан, бир йил ичида 10 мингтадан 20 мингтагача китоб тарқатаётган эдик. Бу ўргатадиган материалларга бўлган ҳақиқий муҳтожлик билан таққослаганда денгиздан бир томчидек туюларди, бироқ биз дуч келган ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиб, буни ҳар йили амалга оширишда давом эттирардик.

Шундан сўнг 2010-йилда (31-майда) Унутилмас кун бўлди. Лиза бир аёллар анжуманида хизмат қилиш учун Англияга жўнаб кетган эди. Мен эндигина гольф ўйинидан қайтиб келгандим. Мен Муқаддас Китобни қўлимга олдим ва Дониёр китобини ўқишга бўлган истакни ҳис қилиб ертўламузга тушдим. Мен иккинчи бобни ўқиётган пайтимда тўсатдан Худонинг Рухи ертўламузни тўлдирди ва мен қўйдаги гапни қалбимда эшитдим: «Ўғлим, сен инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда содиқлик қилдинг. Энди Мен сенинг ўз ваъзларингни дунёдаги ҳар бир чўпонга ва йўлбошчига етказишингни истайман».

Худо ҳузури бир неча дақиқа давом этди. Унинг ҳузури кетгунга қадар мени ҳаяжон ва ҳайрат ҳисси қоплаб олди. Ўша куни мен ўзгариш содир бўлганини билардим. Биз бундан буён бизга дуч келаётган имкониятлар билан чекланмаслигимиз керак эди. Биз илоҳий топшириқ олдик. Энди биз қайси мамлакатда яшашига, қайси тилларда гапиришига ва молиявий аҳволига қарамасдан, муҳтожлиги бор чўпон ва йўлбошчиларни топишга қарор қилгандик.

Муқаддас Рухнинг «содиқ» сўзини ишлатиши менинг эътиборимни тортди. Ўша пайтда мен содиқликни кўпайтириш билан боғламас эдим. Бу ҳақиқат ҳали менга ошкор бўлмаганди. Агар мендан Муқаддас китобдаги содиқлик таърифини сўраганларида,

мен «кўпайтириш» сўзини аниқ эсга олмаган бўлардим. Уйимизнинг ертўласидаги Муқаддас Рухнинг сўзлари бу ҳақиқат учун менинг қалбим очилишига йўл очиб берди. Мен Худодан эшитганимни билардим, бироқ ҳали ҳам бизнинг хизматимиз қандай қилиб шундай улкан вазифани бажара олиши ҳақида ўйлардим.

Машҳур хушxabарчининг катта халқаро хизматида ишлайдиган бизнинг Роб Биркбек исмли эски дўстимиз бор эди. Роб бу хизматнинг катта директори эди ҳамда у бу хушxabарчининг китобларини чоп этиш ва тарқатиш билан шуғулланарди. Шунинг учун Робнинг дунёдаги қарийб ҳар бир мамлакатнинг нашриётлари ва чўпонлари билан яхши алоқаси бор эди. Ўша вақтларда машҳур хушxabарчининг нафақага чиққанлиги сабабли Роб ўз ишини йўқотди. Биз Лиза билан Роб ва унинг рафиқаси Ванессани бизнинг гуруҳга қўшилишини таклиф қилдик, чунки бизнинг халқаро бўлим директорини яқинда ўз иш ўрнини бўшатган эди. Бизнинг бирортамиз ҳам бу ҳамкорлик қандай таъсирга эга бўлишини ҳали тушунмасдик.

2011-йилнинг январь ойи келди. Мен ўзимизнинг мажлислар залимизда хизматимиз бўлимлари бошлиқлари билан мажлис ўтказаятгандим. Бу мажлисда Роб ва Ванесса ҳам бор эди. Йиғилиш давомида мен сўрадим:

- Ўтган йилда чет эл мамлакатлари чўпонлари ва йўлбошчилари учун қанча китоб тарқатдик?

Гуруҳимиз аъзоларидан бири ҳар йиллик ҳисоботга қаради ва жавоб берди:

- Ўттиз уч мингта китоб.

У бу маълумоти учун ижобий жавоб оламан деб ўйлаган эди. Лекин у адашди. Мен ўзимнинг норозилигимни бошқа яшира олмас эдим.

- Бор йўғи шунчами?

Шундан сўнг мен қуйидаги гапни айтдим:

- Шу йилда биз ривожланаётган мамлакатлардаги ва Хушxabарга қарши бўлган мамлакатлардаги чўпонлар ва

йўлбошчилар учун 250.000 та китобни тарқатамиз.

Хонани сув қуйгандек жимжитлик эгаллади. Кейинчалик Лиза ўша пайтда ўз ошқозонида юқорига кўтарилган овқатнинг таъмини сезганини айтди (унда кучли ҳазил мутойиба қилиш ҳисси бор).

Биринчи бўлиб бизнинг ижро этувчи директоримиз гап очди (бу лавозимда бизнинг катта ўғлимиз ишлайди):

- Ота, - деди Эдисон, - сиз шунча кўп китоб тарқатишни истаётганингизга ишончингиз комилми?

- Ҳа, албатта, - жиддий жавоб бердим мен.

У кейинги 20 дақиқа давомида менга саволлар беришда давом этди. Мен жим туриб қулоқ солаётган ҳамма йиғилиш аъзолари олдида унинг саволларига жавоб берардим. У ҳурмат билан гапирарди, бироқ у менинг топшириғимни бажариш имконсиз эканини доим таъкидларди. Охирида у овозидаги умидсизлик билан деди:

- Мен гуруҳимизга нореал мақсадни беришни истамайман!

Мен бу гапларга бошқа тоқат қилмоқчи эмас эдим. Мен қўлим билан стол устига уриб, жиддий эълон қилдим:

- Мен шу йилда 250.000 та китоб тарқатамиз деб айтдим!

Хонага жимжитлик чўқди. Тез орада мажлис тугади ва ҳамма нохуш ҳиссиёт билан хонани тарк этди.

Келгуси кунни биз ёлғиз қолганимизда ўғлим деди:

- Мен сизнинг гапларингиздан хафа бўлдим.

Биз аллақачон иккимиз ҳам тинчланган эдик ва ярашишни хоҳлардик.

- Ўғлим, бизнинг гуруҳимиз ўз ҳиссасини қўшса, менга ёқишини биласан, - деб жавоб бердим мен. – Одатда якуний қарор қабул қилишдан аввал ҳар бир кишининг таклифи ва ғоясини тарозига солиб кўраман. Лекин кеча ҳаммаси бошқача эди. Мен кеча ҳаммангиздан: «Биз 250.000 та китобни тарқатишимиз керак деб ўйлайсизми?» ёки «Сизнингча, келгуси йилда нечта китоб тарқатишимиз керак?» деб сўрамадим. Мен кеча бу ишни қиламиз дедим! Бироқ сен кеча мен билан йигирма дақиқа баҳслашдинг.

У буни эътироф қилди ва қароримга розилик билдирди, бироқ ўзининг охирги илтимосини дўстона оҳангда билдирди:

- Ота, бу ҳақида кейинги 24 соат давомида ибодат қила оласизми? Агар бундан кейин ҳам сиз бу вазифани қилишимиз кераклигига ишонсангиз, бизнинг гуруҳимиз уни амалга ошириш учун тиришқоқлик билан ҳаракат қилади.

- Албатта, - деб жавоб бердим мен.

Тўғриси айтсам, мен бу ҳақида алоҳида ибодат қилмадим! Мен ўз ваъдамда туриш учун қисқача ибодат қилдим, бироқ мен Худо билан ертўладаги ўша учрашувдан сўнг айнан шундай йўл тутишим кераклигини аллақачон билардим.

Сиз: «Сиз хавотирландингизми?» деб сўрашингиз мумкин. Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Мен танг аҳволда қолган эдим! Мен маблағларнинг қаердан келиши ҳақида ўйлашни ҳаёлимдан ҳайдардим. Агар мен ўзимга шу йўлдан боришга йўл қўйиб берганимда эди, мен ўғлимнинг фикрига тез қўшилган ва китобларнинг сонини «ақлга мувофиқ» бўлиб туюлган миқдорга алмаштирган бўлардим. Бир миллионнинг чорак қисмидан иборат мақсад имконсиздек кўринарди, бироқ мен олган топшириғимни маҳкам тутдим. Мен ижодий режа ёки мўъжизали таъминлов олишимизга ишонардим. Мен буларнинг иккиси ҳам бирдан содир бўлишини билмас эдим!

Уч ҳафтадан сўнг мен Флоридадаги меҳмонхонада ўтириб, янги китобни ёзаётган эдим. Бизнинг гуруҳимиз мен ёзаётган пайтимда эрталаблари менга қўнғироқ қилмаслик кераклигини билади, чунки бу менинг фикримни жамлашим учун энг яхши вақт ҳисобланади. Менинг телефоним жиринглади ва бу қўнғироқ офисдан бўлаётганини кўрдим. Мен қандайдир шошилинич ва муҳим нарса бўлганини билганим учун телефонга жавоб бердим. Мен телефон гўшагидан хурсандчилик овозларини эшитдим. Телефон гўшагидан уч ҳафта олдин қизғин мажлисда қатнашган одамларнинг хонадаги хурсанд бўлаётган ва қулаётган овозлари эшитиларди.

Эдисон телефонда деди:

- Ота, биз 250.000 та китоб тарқатмоқчи эканимиз ҳақида молиявий ҳамкорларимизга расмий хатлар юбормаган эдик, бироқ гуруҳимиз аъзоларидан бири ўзининг таниши билан гаплашган экан ва бу одам бизнинг режаларимиз ҳақида билиб, бу лойиҳа учун 300.000 доллар қурбонлик қилишга ваъда берибди!

Шу пайтга қадар бизнинг хизматимиз бир кишидан олган энг катта ҳайр-эхсон 50.000 доллар бўлган эди. Энди мен ҳам бу хурсандчиликка қўшилдим! Ҳайрон бўлиш ва шодланишдан иборат кўп сўзлардан сўнг мен ҳаммага дедим:

- Мен уч ҳафта аввалги мажлисда ўз фикримда қаттиқ турганим сабабини энди тушунаяпсизми?

Ўғлим кулди ва дарҳол жавоб берди:

- Ота, агар сиз бизнинг бир миллион дона китоб тарқатишимиз кераклигини айтсангиз, мен тўлиқ бу фикрга қўшиламан!

Қолганлар унинг бу сўзларини самимий тасдиқладилар.

Мен ўша кунни ҳеч қачон унутмайман. Мен телефонни қўйдим ва бошқа ёзишда давом эта олмадим. Мен меҳмонхонадаги хонамда фақат юришим ва «Сендан миннатдорман! Сендан миннатдорман! Сендан миннатдорман!» дейишим мумкин эди. Ўша пайтда кўзларимдан ёш оқарди. Қалбимга шогирдлик учун материалларни олаётган руҳий оч чўпонлар ва йўлбошчилардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Улар бу материалларга жуда кучли муҳтож эдилар.

Мен Эдисоннинг самимий бўлгани ва саволлар берганидан жуда миннатдорман. Мен унинг ўз фикрини ичида сақлаб қолмаганидан ва мажлисда ҳис қилган барча нарсаларни айтганидан хурсандман. Муҳими, улар Эдисон берган саволларда ўзларининг хавотирларини қандай маълум қилинганини эшитдилар ва бу барча фикрларга қаршилиқ кўрсатиш зарур эди. Бу воқеа бизнинг ўз қўрқувларимиз билан юзма-юз тўқнаш келишимизга мажбур қилди. Агар мен бу қўрқувларга қулоқ солганимда эди, улар бизнинг йўналишимизни ўзгартиришга ва имкониятларимиз чегарасида қолишга мажбур қилган бўларди. Бизга берилган ваҳий сўнарни ва биз шундай катта ва сахий қурбонликни олмаган бўлардик. Балки биз 50.000 та китоб

тарқатган ва ноаниқ вазиятда қолиб кетаверган бўлардик.

Биз мақсад қўйдик. Муқаддас Рух уни эшитди ва сўнг оддий бўлмаган қурбонликни қилиши учун бу одамнинг қалбига гапирди. Биз гуруҳ сифатида янги даражага кўтарилдик.

Ўша йили Худонинг инояти билан биз дунёдаги 48 та мамлакатларнинг чўпонлари ва йўлбошчилари учун 271.000 та китоб тарқатишга муваффақ бўлдик. Бу мамлакатлар қаторига Эрон, Ироқ, Сирия, Ливан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Хорватия, Албания, Миср, Вьетнам, Мьянма, Камбожа, Хитой, Монголия, Туркия, Африкадаги кўплаб муҳтож давлатлар киради. Ўтган йилларда биз ўн минглаб китоблар тарқатган бўлсак, энди уларнинг сони чорак миллионга етганди. Бизнинг самарадорлигимиз саккиз баробардан ошди. Худога шукур – бу буюк кўпайишдир!

КҮПРОҚ НОРОЗИЛИК

Бундан ҳам зиёд бўлиши мумкин эдимиз?

2011-йилнинг майида, бизнинг мажлис залидаги қизғин қарама-қаршиликимиздан сўнг тўрт ой ўтгач Роб ва мен Ливаннинг пойтахти, Бейрутда эдик. Бу ерда биз бутун Яқин Шарқдан келган чўпонлар ва йўлбошчиларга хизмат қилаётган эдик. Хизматлар орасидаги танаффусда Роб менга илтимос билан келди:

- Ироқдаги Эрбилдан келган бир чўпон сиз билан бироз суҳбатлашмоқчи. Сиз у билан учрашишни истайсизми?

- Албатта!

Роб бизнинг учрашувимизни кутиш хонасида уюштирди. Бу кўзларида олови ва интилиши кўриниб турган 35 ёшли ёш чўпон эди. У Худонинг Шоҳлигини қуриш учун жиддий киришган киши эди. У хизмат либосини кийган ва унинг шамчироғи ярқираб ёнар эди. У Эрбилдан ягона мақсад – таълимот ёрдамида ва одамлар билан учрашув орқали мустақамланиш учун келганди. Мен унинг адашганлар учун тушунарли ва осон бўлишнинг муҳимлигини тушунадиган илғор ва янгилик ихтиро қилувчи йўлбошчи эканини дарҳол пайқадим.

Бизнинг мулоқотимиз енгил ва ёқимли сўхбат сифатида бошланиб, охирида жиддий сўхбатга айланди. У менга деди:

- Чўпон Бивер, мен сизни руҳий ота деб ҳисоблайман. Мен сиз ёзадиган барча китобларни ўқийман (менинг бор йўғи бир неча китобларим унинг она тилига таржима қилинган эди, бироқ у инглиз тилини биларди). Мен сизнинг материалларингизни «Мессенжер Интернэшнл» вебсаҳифасидан кўчириб олиш учун ҳатто ўз банк картамни ҳам ишлатаман....

Ўша лаҳзада менинг устимдан совуқ сув қўйгандек бўлди. Мен шундан сўнг нима ҳақида гапирганимизни эслай олмайман. Менинг фикр-хаёлим бақирарди: «Мен Ироқнинг - уруш сабабли хароб қилинган ва азият етказилган мамлакатнинг чўпонига қараб турибман ва у бизнинг саҳифамиздан материалларни олиш учун ўз банк картасини ишлатиши керакми?» Мен Худо билан ёлғиз қолишга ва Унга бу кучли муҳтожликни етказишга сабрим чидамас эди.

Мен у билан хайрлашиб, тўғри ўз хонамга бордим ва эшикни ёпиб олдим. Мен шунчалик хафа бўлган эдимки, бақириб юбордим:

- Худованд, Сен менга ишониб топширган ваъзларни бутун дунёдаги ваъзларга муҳтож чўпонлар ва йўлбошчиларга қандай етказишни кўрсатишинг керак!

Мени ҳақиқатдан ҳам қўшни хонада ким борлиги ташвишлантормасди. Мен Шоҳликнинг режасини эшитишим ва Унинг топшириғини қандай бажариш ва бу материалларни бутун дунёдаги йўлбошчиларга етказишни тушунишим керак эди.

Шундай кучли ибодатдан кейин бир неча кун ўтгач менга бир ғоя келди. Бу ғоя хизматимизнинг қўшимча меҳнат ва харажатларсиз бир неча марта, ҳатто кўп марта самаралироқ бўлишига ёрдам бериши мумкин бўлган режани берди.

Бу ажойиб ғоя эди ва у фақат Худонинг донолиги орқали берилиши мумкин эди. Бу жуда оддий эди, бироқ у илгарироқ бизнинг хаёлимизга келмаганди. Ўқишда давом этинг!

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Хафагарчилик ёки норозилик кўпинча имонимизни кўпайишга ундовчи омил бўлиши мумкин. Худо ҳаётингизнинг маълум бир соҳасида ўзингиз учун сизни даъват қилаяптими? Агар даъват қилаётган бўлса, сиз Унинг ундовига қандай жавоб бераяпсиз?
2. Агар норозиликнинг сабаби сизнинг шахсий муҳтожлигингиз бўлса, бу Худога мақбул эмас. Лекин норозиликнинг сабаби бошқа одамларнинг муҳтожлиги ва Худо Шоҳлигини қуришдаги муҳтожлик бўлса, бу Худога мақбулдир. Сиздаги норозиликнинг сабаби нима ҳисобланади?
3. Менинг 250.000 та китобларни тарқатишим воқеаси ҳақида ўйлаб кўринг. Нима учун Худонинг ваъдасини олишда ва кўпайишнинг янги даражаларига эришишда имон жуда муҳим ҳисобланади? Нима учун ҳатто бошқалар сизнинг фикрингизга қўшилмаган пайтда ҳам, сизнинг Худога итоат қилишингиз муҳим ҳисобланади?



MessengerX

Кундалик шогирдчилик учун илова



Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг
ва ундан фойдаланишни бошланг!
Ёки сайтдаги веб-версиядан
фойдаланинг:



MessengerX.com

110+тилда ва бу ҳали ҳаммаси



110 дан ортиқ тилда таржима қилинган манбаларни
тезкорлик билан кўздан кечиринг.

Биз доимий равишда янги манбаларни қўшиб
борамиз.


Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг кўламдор кутубхонани ўрганинг.



Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Ушбу манбалар билан бўлишиш учун оддий ва осон ускуналар.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва филт.




Энг муҳим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

Ўсишнинг йўли

MessengerXнинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



- 1** MessengerXни Apple Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2** Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3** Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.


Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerXнинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.


Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!



MessengerX



MessengerX.com



*Агар сизлардан бирортангизга донолик
етишмаса, ҳаммага самимият билан,
таъна қилмасдан берувчи
Худодан сўрасин ва унга берилади.*

– Ёқуб 1:5

СТРАТЕГИК ҒОЯЛАР

Йилдан йилга илҳом бағишловчи стратегик ғояларнинг улкан аҳамиятига ишончим тобора ошиб бормоқда. Кўпинча биз Худонинг таъминоти ва аралашуви тактик режасиз келишини кутамиз, бироқ одатда бундай бўлмайди. Бунинг ўрнига Худодан бўлган илҳом бағишловчи стратегик ғоялар келади! Бу ҳақиқатни тасдиқловчи Муқаддас Китобдан кўп мисолларни санаб ўтиш мумкин, бироқ улардан атиги бир нечасини эслатиб ўтишга ижозат беринг:

- Стратегик ғоя – миллионлаб одамлар сув ича олиши учун тахир сувга дарахт шохини ташлаш (Чиқиш 15:22-25 оятларига қаранг).
- Бошқа бир илҳом бағишловчи ғоя – миллионлаб одамларни сув билан таъминлай олиш учун қояга уриш (Чиқиш 17:5-6).
- Стратегик ғоя – олти кун давомида мустаҳкам шаҳарнинг забт этиб бўлмайдиган деворлари атрофида айланиш. Шундан кейин навбатдаги стратегик ғоя – бу еттинчи кунда бурғу чалиб ва шундан сўнг хайқириб шаҳарни етти марта айланиш. Мақсад – шаҳарга кириш ва уни эгаллаш (Ёшуа 6).
- Стратегик ғоя – ўн минг кишилик аскарни дарёдан сув ичириш, шундан сўнг сувни ялаб ичганларни тиззаларига чўк тушганлардан ажратиш орқали яхши жангчиларни аниқлаш (Ҳакамлар 7:4-6).
- Стратегик ғоя – душманга пешвоз чиқмасдан, балки

душманни айланиб ўтиш, уларнинг ортидан кириб, дарахтзор томон бориш ва Худонинг ёрдамини англатувчи тут дарахтлари тепасидан юриб кетаётгандек шовқин овозини кутиш (Шомуилнинг иккинчи китоби 5:22-25-оятларга қаранг)

- Стратегик ғоя – кучли очарчилик пайтида бева аёл ва унинг ўғлидан охирги овқатини, ўзлари ейиши ўрнига пайғамбарга бериб овқатлантириш. Улар бунга итоат қилиш орқали бошқа кўплаб оилаларга ўхшаб очарчиликдан ўлмаб қолдилар (1-Шоҳлиқлар 17:8-15-оятларга қаранг).
- Стратегик ғоя – уйдаги иккита ўғлини тортиб олмоқчи бўлаётган аёлдан қарзи ҳақида сўраш. Шундан сўнг унга уйдаги атиги бир кўза зайтун мойи билан қўшниларнинг бўш идишларини олиб тўлдиришни буюриш, ҳамма мойларни сотиш ва қарзни тўлаш (2-Шоҳлиқлар 4:1-7-оятларга қаранг).
- Стратегик ғоя – касал бўлган лашкарбошини Йордан дарёсида етти марта ювиниши учун юбориш ва бунинг натижасида унга тўлиқ шифо бериш (2-Шоҳлиқлар 5:1-19-оятларга қаранг).
- Стратегик ғоя – қўшин олдида бориб, шарафлаши учун кўйловчилар гуруҳини юбориш. Бу тадбир ғоят зўр ғалаба келтиради (2-Йилнома китоби 20:21-26).
- Стратегик ғоя – соғлом бўлиш, чиройли кўриниш ва мамлакатларнинг ёшлари орасида ажралиб туриш учун подшоҳнинг тўкин-сочин дастурхонидан овқатланиш ўрнига сабзавотлар ейиш (Дониел 1:8-16-оятларга қаранг).
- Стратегик ғоя – яхшироқ шароб олиш ва тўйни асраб қолиш учун сув идишларидан ва тоза сувдан фойдаланиш (Юҳанно 2:6-10-оятларига қаранг).
- Стратегик ғоя – озроқ овқатни олиб уни дуо қилиш, тақсимлаш ва тарқатиш, минглаб одамларни тўйдириш (Матто 14:13-21-оятларига қаранг).
- Стратегик ғоя – тупуриш ва тупуқдан лой ясаб, уни кўрнинг

кўзларига суртиш ва кўрнинг кўзи кўриши учун уни ювинишга юбориш (Юҳанно 9:6-7-оятларига қаранг).

- Стратегик ғоя – чўкаётган кемани тарк этмаслик ва шу орқали кемадаги ҳамманинг жонини сақлаб қолиш (Ҳаворийлар 27:21-44).

Бу воқеаларнинг ҳар бирида илҳом бағишловчи ғоялар илоҳий аралашувга етаклаган. Сиз уларнинг ҳар бирида умумий бир хил жиҳатни кўраяпсизми? Бу стратегиялар одамларнинг ўзларидаги аввалдан бор бўлган нарсани ишлатиши ёки ниманидир бошқача қўллаши кераклигини назарда тутати. Ҳар бир ҳолатда илоҳий таъминот инсонлар учун аллақачон таниш бўлган нарса билан ўралган эди. Бошқа сўзлар билан айтганда, мўъжизага олиб борадиган ҳал қилувчи элемент мўъжизавий тарзда пайдо бўлмаган.

Фавқулудда натижаларга эришиш учун Худо кўпинча оддий нарсани ғайриоддий йўл билан қандай ишлатишни кўрсатиш орқали стратегиялар беради. Мана шунинг учун илҳом бағишловчи ғоя муҳим ҳисобланади. «Энг аввало – донолик! Шунинг учун доноликни қўлга кирит ва бор мол-мулкнинг билан ақлни қўлга кирит», деб ёзилган (Сулаймон ҳикматлари 4:7). Илоҳий доноликнинг кўринишларидан бири – бу стратегик ғоядир ва Худо бу доноликни ушлаб турмаслиги бу яхши хабардир. Биз ғайриоддий даъватларга тўқнаш келганимизда ҳаворий Ёқуб бизга шундай дейди:

«Агар сизлардан бирортангизга донолик [стратегик ғоя] етишмаса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади» (Ёқуб 1:5, квадрат қавс ичида менинг изоҳим киритилган).

У сизга бунни ушлаб қолмасдан ва сиздан яширмасдан аниқ кўрсатади. Бу Унинг ваъдасидир. Бироқ илҳом бағишловчи стратегик ғояни олиш учун бажариш зарур бўлган иккита шарт бор:

«Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин, чунки шубҳа қилувчи киши шамол кўтараётган ва тўзитаб юбораётган денгиз тўлқинига ўхшайди. Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қилмасин. Фикрида иккиланаётган одам ўзининг ҳамма йўлларида беқарордир» (Ёқуб 1:6-8).

Биз имон билан сўрашимиз керак. Биз тактик ғоя олишга умид қилмаймиз, балки бунга тўлиқ ишонамиз. Шў билан бирга биз сўраган нарсамиз учун интилишга эга бўлишимиз керак. Биз буни жуда қаттиқ исташимиз лозим. Бизнинг илтимосимиз бефарқ, ҳиссиз муносабатга асосланмаган: «Агар мен сўраганимни олсам жуда соз, агар олмасам, зарари йўқ». Сўраган нарсага эга бўлиш учун жуда қаттиқ, мустаҳкам қарорга эга бўлиш зарур.

Стратегик ғоя – бу Худодан берилган инъомдир ва уни олишимиз биланоқ у биз учун самарадорликнинг навбатдаги даражасига йўл бочиб беради. У бизга кўпайтириш учун куч ато қилади.

ИЛҲОМ БАҒИШЛОВЧИ, СТРАТЕГИК ҒОЯ

Бейрут меҳмонхонасидаги ибодатимни эслар эканман, мен хонамда паст овоз билан ибодат қилмаган эдим. Мен имкониятларнинг охириги чегарасига етиб келгандим ва менда ғоялар қолмаган эди, бироқ менга муҳтожлик ва руҳий очарчиликка эга бўлган чўпонларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти ишониб топширилган эди. Менинг меҳмонхонадаги хоналарда бақиршиш одатим йўқ, бироқ ростини айтсам, ўша кўни мени ким эшитиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эдим. Бу самарадорлигимизни ошириш учун стратегия (донолик) ҳақидаги жуда кучли ҳайқиреқ эди.

Кучли ибодатдан сўнг бир қанча вақт ўтгач менинг қалбимни тинчлик эгаллади. Мен илтимосим эшитилгани ҳақида билардим ва енгил тортиб, жавоб келишига ишондим. Менинг ҳали стратегик ғоям ёки режам бўлмасада, қалбимдан миннатдорлик ёғиларди.

Бир неча кун ўтгандан сўнг мен ўйладим: «Биз китобларимизни чоп этиш ва тарқатиш учун кўп вақт, пул ва қувват сарф қиламиз, *бироқ ҳар бир етакчи* фақат битта китоб олади. Биз бир неча йиллар аввал инглиз тилидаги материаллар билан қилган усулни қўлласак бўлмайдими? Йўлбошчилар учун бошқа тиллардаги тўлиқ ўқув курсини тайёрласак бўлмайдими? Биз ўзимизнинг умумий самарадорлигимизни кўпайтирамиз!»

Лекин бир жуда катта тўсиқ бор эди. Биз шунча кўп материални қандай чоп этишимиз ва тарқатишимиз мумкин? Агар ҳатто, биз бу материалларнинг ҳаммасини чоп этишимиз учун тўлов қила олган тақдирда ҳам, биз мақсад қилган мамлакатларнинг кўпчилигида тарқатувчилар бундай катта ҳажмдаги ва оғирлиқдаги материалларни таший олмаган бўлардилар. Чунки материалларни тарқатишнинг катта қисми чангалзорларда, тоғларда, чўлларда ва сув йўлларида амалга оширилади. Бу жойларга етиб бориш қийин ҳисобланади ва кўпинча у ерларда ўтказилган йўллар бўлмайди. Бундан ташқари Хушхабарга қаршилик кўрсатувчи мамлакатларда ҳукумат тарқатувчиларни осонлик билан топиши ва ҳамма материалларни мусодара қилиши мумкин.

Кўп ибодатлар ва ўйлашлардан сўнг яна битта ғоя туғилди. Тўлиқ дарсликни DVD-дискка киритиш (бу диск компьютерларда «фақат ўқиш учун» маълумотларига эга бўлади). Бироқ янги саволлар пайдо бўлди. Мақсад қилинган мамлакатларда чўпонлар ва йўлбошчилар компьютердан фойдаланишадими ва агар фойдаланишса, улар ўз компьютерларида DVD-дискларни қўйиб ўқий оладиларми? Умуман бошқа хусусиятга эга яна бир савол туғилади: ўқитадиган дарсликнинг ҳамма материалларини сиғдириш учун битта DVD-дискда етарлича жой мавжудми?

Менга жавоблар керак эди ва биринчи навбатда Робга саволларимни бердим. У 160 дан ортиқ мамлакатларда бўлганлиги сабабли мақсад қилиб қўйган мамлакатларимизнинг техник имкониятлари ҳақида яхши хабардор эди. Мен ундан сўрадим:

- Дунёдаги бой бўлмаган мамлакатларнинг кўпчилигида чўпонлар ва йўлбошчилар компьютерлардан фойдаланадиларми?

- Ҳа ва фақат санокли мамлакатларда бундай имконият мавжуд эмас – деди у.

- Улар ўз компьютерларида DVD-дискларни ишлатиб кўра оладиларми? Агар бунинг имкони бўлса, битта DVD-дискка қанча материал сиғдириш мумкин?

Робнинг юзи ёришиб кетди ва у жавоб берди:

- Ҳа, иккинчи саволга келсак, унга анча кўп материал жойлаштириш мумкин деб ўйлайман.

Мен ғоя билан ўртоқлашдим:

- Биз DVD-диск солинган пластик конвертни китобдаги орқа муқованинг ичкари томонига ёпиштириб қўйишимиз мумкинми?

- Ҳа, - деди у руҳланиб.

Роб бу иш билан шуғулланди ва жавоблар билан бир неча кундан сўнг қайтиб келди.

- Менда ажойиб янгилик бор. Нашр ва китобларнинг ўртача нархини ҳисоблаб айтганда, DVD-дискни қўшиш бизнинг харажатларимизни атиги беш фоизга оширади.

Мен руҳланиб кетдим, лекин ҳали ҳам ўзимни бироз босиб турардим, чунки DVD-диск қанча материални сиғдиришини билмасдим. Роб давом этди:

- Шуниси диққатга сазоворки, DVD-диск нафақат бутун ўқув курсини, балки яна аудиокитобни, бир нечта бошқа китобларни, Янги Аҳдни ва «PDF» файлдаги китобларни (маҳаллий чўпонларнинг имконияти бўлса, улар кўпроқ китобларни чоп этишлари мумкин бўларди) ичига сиғдириши мумкин эди.

Бизнинг қалбимиз шодликка тўлган эди.

Бу бизни яна бир стратегик ғояга олиб келди. Бу ғоя яна бизнинг мақсад қилган мамлакатларимизнинг техник имкониятларига боғлиқ эди. Мен сўрадим:

- Бу мамлакатларнинг кўпчилигида интернетдан фойдаланиш имконияти борми?

- Мамлакатларнинг кўпчилигида шундай имконият бор, - жавоб берди Роб.

- Агар бизнинг ҳамма таржима қилинган материалларимиз жойлашиши мумкин бўлган веб-саҳифа яратсак-чи? Биз унинг масиҳий веб-саҳифа сифатида ажралиб турмаслиги учун унга тегишли ном қўямиз ва шу тарзда Инжил таълимотига қарши бўлган давлатларнинг веб-саҳифани тўсиб қўйишини олдини олиш мумкин бўлади. Биз бу веб-саҳифа ҳақидаги маълумотни тарқатаётган китобларимизнинг олдинги саҳифасига киритишимиз ҳамда чўпон ва етакчилардан ўз одамларига бу саҳифадаги ҳамма материалларни бепул кўчириб олишни таклиф қилишларини сўрашимиз мумкин. Натижада, бу кўчириб олинган материалларни бутун жамоат биргаликда ўрганиши мумкин бўлади.

Биз шакарпазлик дўконига кириб қолган иккита болага ўхшаб кетардик. Биз ўзимизнинг ҳаяжонимизни яшира олмасдик. Бизда борган сари бу стратегияни кучайтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган янги ғоялар пайдо бўлаётганди.

Барча зарур тадқиқотлар ва ҳисоб-китобларни бажариб, катта тираж эвазига бу «етакчилар учун тўплам»нинг бир нусхасини қарийб тўрт долларга ишлаб чиқаришимиз ва тарқатишимиз мумкинлигини аниқладик. Бизнинг «Мессенжер» гуруҳимиз бу веб-саҳифани яшаш учун зарур бўлган билим ва малакага эга эди.

Тез орада гуруҳимиз самодан келган бу ғоя бизга нафақат алоҳида етакчиларни, балки бутун жамоалар ва уй гуруҳларини ўқитиш, тайёрлаш ва мустаҳкамлаш имконини берганини тушунди. Дунёдаги кўплаб майда қишлоқларда фақат битта жамоат бор, бу эса бизнинг атиги бир неча доллар ёрдамида бутун бир аҳоли пунктига сезиларли тарзда таъсир ўтказишимизни англатади. Сармоядан қандай фойда! Шундай бўлиши ҳам мумкинми?

Биз «Мессенжер» хизмати бўлимлари йўлбошчиларнинг навбатдаги учрашувида бу ваҳий ҳақида фикр алмашдик. Ҳамма иштирокчиларга бизнинг ғайратимиз юқди. Бутун гуруҳ бу режа тўфайли қувонаётган эди. Мен хурсандчилик билан дедим:

- Бунга 10 йил, 20 йил ёки кўпроқ вақт кетса ҳам, энг муҳими, Худо бизга ишониб топширган бу сайёрадаги ҳар бир масиҳий етакчига етиб борамиз!

Бир ойдан сўнг бизнинг офисга Техасдан бир тадбиркор қўнғироқ қилди. У Лиза ва мен билан 15 дақиқалик учрашув ҳақида сўради. У хотини билан Колорадога учиб келишди. Бизнинг учрашувимиз пайтида у йиғлай бошлади. У йиғи аралаш деди:

- Мен нима қилаётганингизни биламан. Ўз материалларингиз билан узоқ мамлакатлардаги чўпонларни кучайтираётганингиз ҳақида хабарим бор. Мен шу ишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

У шундай деб стол устига пул чекини қўйди ва уни мен томонга сурди. Мен ўтирган стулимдан йиқилиб кетишимга бир баҳя қолди. Бу 750.000 долларлик пул чеки эди.

Биз бир неча ой давомида манбалар учун веб-саҳифа яратдик ва дунёдаги турли мамлакатлар ва ҳудудларда «йўлбошчилар учун тўплам» режасини амалга ошириш учун тиришқоқлик билан ишладик. Биз ҳар бир тил учун материалларнинг – китобларнинг, тегишли ўқув дарслигининг ва DVD-дискига киритиладиган қўшимча китобларнинг таржимаси учун тўловни амалга оширдик. Роб кўп тилларга таржима қилувчи энг яхши таржимонлар гуруҳларини ишга ёллаб, уларга раҳбарлик қиларди. Бу биргалиқда бир миллион доллардан зиёд бўлган иккита саҳий қурбонлик бизнинг биринчи йилдаги харажатларимизни қоплади.

ГУРУҲНИ ТУЗИШ ҲАҚИДАГИ ҒОЯ

Келинг, биров вақтга 2011-йилнинг январига, мен 250.000 та китобни тарқатиш қарорини қабул қилганимдан сўнг бир неча кун ўтган вақтга қайтайлик. Бу пайтда ҳали иккита катта қурбонлик берилмаган эди ва мен бунинг ҳаммаси бирдан содир бўлмагани учун хурсандман, чунки маблағнинг етишмовчилиги туфайли стратегияга эга бўлиш учун ҳар тонгда Худони излашимга тўртки берди. Бизга келган ваҳийни қандай етказиш учун режа керак эди ва шу орқали бу улкан тадбирни қўллаб турадиган

катта гуруҳни яратишимиз лозим эди. Шунинг эвазига биз тилига, яшаш жойига ва моддий аҳволига қарамасдан ҳамма чўпонлар ва йўлбошчиларни материаллар билан таъминлай олган бўлардик.

Бир нечта тонгги ибодатлардан сўнг Муқаддас Рух қалбимга шивирлади: «Ўғлим, сен гольфга бўлган севгинг билан машҳурсан. Уни йиғиш учун ишлат. Мен тўғри одамларни сенинг гуруҳингга қўшилиши учун олиб келаман ва улар бу ваҳийни қўллаб-қувватлайдилар». Мен дарҳол ўзимизнинг Колорадо Спрингсда Бродмур меҳмонхонаси Қўшма Штатлардаги энг яхши меҳмонхоналардан бири эканини ўйладим. Бу меҳмонхона иккита гольф майдонига эга бўлиб, уларда машҳур чемпионатлар ўтказилиб турарди. Мен бу режа ҳақида Эдисон ва Лиза билан ўртоқлашдим.

Улар менинг режамни эшитишди ва сўнг сўрашди:

- Буни қачон қиламиз?

- Келинг, шу ёзда бошлаймиз, - жавоб бердим мен.

Биз ҳамма нарсани ташкил қилиш учун етарлича вақт бўлмаслигидан ташвишланардик. Беш юлдузли, беш олмосли меҳмонхоналарда етарли жой бўлмаслиги оддий ҳол ҳисобланади. Бу меҳмонхоналарда жой одатда бир неча йил аввал буюртма қилиб қўйилади, биз эса энг банд бўладиган мавсумни мўлжалга олган эдик. Ташвишланиш учун яна бошқа бир сабаб – бу биз мўлжаллаган меҳмонларнинг ёз учун алақачон ўз режалари бўлиши мумкинлиги эди.

Ўғлим бу иш билан шуғулланди ва икки кундан сўнг янгиликлар билан келди:

- Ота, битта ҳафтадан ташқари бутун ёз учун меҳмонхонадаги ҳамма хоналар буюртма қилиб қўйилган. Биз тахминан юзта хонани буюртма қилиб қўйишимиз мумкин ва ўша ҳафтада сизда ва онамда ҳеч қандай сафар уюштирилмаган.

- Уларни буюртма қил! – дедим мен иккиланишсиз.

- Биз шартнома тузишимизга тўғри келади, - деб огоҳлантирди у мени, - бизнинг молиявий мажбуриятларимиз бўлади. Биз

ҳамма хоналарни банд қила оламизми?

Менинг оғзимдан яна сўзлар отилиб чиқди:

- Ҳамма хоналар банд бўлади.

Мен бу ҳақида кўп ўйлашни истамасдим. Мен ўз фикрларим сабабли бу режадан воз кечишни истамасдим.

Мен Қўшма Штатларда бу ташаббусни қўллайдиган кўп жамоатлар ва тадбиркорлар борлигини билардим. Мен ўзим эслаган кишиларнинг ҳаммасига қўнғироқ қилдим ва уларнинг ҳаммаси бунда қатнашишга истак билдиришди. Икки ой ичида биз кўп эр-хотинлар томонидан тадбирда иштирок этиш истагини олдик ва бу бизнинг буюртма қилинган ҳамма хоналарни банд қилишимиз имконини берадиган бўлди.

Бу чемпионатни режалаштирар эканмиз, бизнинг гуруҳимиз нафақат гольф бўйича мусобақа, балки комплекс тадбир уюштиришга ва уни унутилмас кун қилишга қарор қилди. Гольф ўйнамайдиган эр-хотинлар учун бу вақтни қувончли қилиш мақсадида биз ҳамма нарсани беками-кўст ва аниқ бир мақсадга қаратилган қилиб ташкил қилишга қарор қилдик. Лиза аёллар билан махсус учрашувлар уюштирмақчи эди. Меҳмонларнинг келиши биланоқ биз ҳар бир жуфтга ширинликлар ва совғалар солинган чиройли саватлар ҳадя қилишга қарор қилдик. Меҳмонларни Бродмур меҳмонхонаси учун ўзига хос бўлган ажойиб таомлар ва махсус кўнгил очар дастурлар, етакчиларнинг учрашуви ва ҳамма иштирокчилар учун ажойиб совринлар кутарди ва бунинг ҳаммаси бизнинг гуруҳга қўшилганларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қилишга қаратилганди.

Бизнинг биринчи «Мессенжер кубоги» 2011-йил июнь охирида ташкил қилинганди. Тадбирнинг бошланишидан аввал мен профессионал спортчилар ва машҳур мусиқачиларга қўнғироқ қилдим ва уларнинг ўз имзолари қўйилган буюмларни қурбонлик қилишларини сўрадим. Биз яна кўп тадбиркорлардан қимматбаҳо буюмлар ёки хизматлар билан таъминлашларини сўрадик. Биз ҳамма бу қурбонликларни якуний банкет давомида «ким ошди» савдосига қўйдик. Биз биринчи чемпионатда 340.000

доллардан сал зиёдроқ маблағ тўпладик, бироқ ҳаммаси бироз беўхшовроқ бўлди. Биз ҳали ҳам ваҳийни етказишнинг яхши усулини топмаган эдик.

Ўша йилнинг кузида гуруҳимиз аъзоларидан бири яна бир илҳом бағишловчи ғоя олди. Биз 2012-йилнинг ёзи учун ҳар йил ўтказиладиган чемпионатни режалаштирётганимизда, у деди:

- Биз «ким ошди» савдосига имзо қўйилган бейсболка, футбол шлемлари, гитаралар ва ҳақозо буюмларни қўямиз. Бу буюмларнинг ҳар бири ҳатто битта мамлакат учун материалларни молиялаштиришга етмайди. Келинг, «ким ошди» савдосига буюмларни эмас, мамлакатларни қўяйлик. Мамлакатнинг аҳамияти муҳимроқдир.

Бизнинг ҳаммамизга бу ғоя ёқди, лекин у гапни давом эттириб, бу ғояни янада ривожлантирди:

- Бу тадбирга кучли рақобатчи фикрга эга кўп кишилар келадилар. Етакчилар жадвалини тузайлик ва улар мамлакатларга маблағ ажратганларида, уларнинг қурбонликлари лавҳада кўриниб туради ва биз мамлакат учун бошқаларга қараганда энг кўп ҳомийлик қилганларга коптоқлар, гитаралар ва бошқа совринларни берамиз.

Ижодий ғоялар келишда давом этарди. Бир фурсат келганда мен эътирозимни билдирдим:

- «Ким ошди» савдосининг чўзилиб кетишига тоқат қила олмайман. Бир неча дақиқалик сукунат менга абадийдек туюлади. Келинг, соат қўямиз ва қисқа вақтни, масалан 35 дақиқани ажратамиз ҳамда иштирокчиларга бу вақтнинг тугаши билан «ким ошди» савдосини якунлашимизни айтамиз. Лойиҳасига маблағ ажратилмаган ҳар қандай мамлакат рўйхатимиздан чиқиб кетади. Бу кучли шошинч ҳиссини пайдо қилади.

Энди эса лойиҳага қисқача таъриф беришимга ижозат беринг. У икки қисмдан иборат. Биринчиси – етакчиларга аталган ҳар бир тилда тахминан 17.500 долларлик чоп этилган аудио ва видео материаллар тўпламининг таржимаси учун ҳаражатлар. Иккинчиси – алоҳида мамлакатдаги етакчилар учун китобларни

ёки тўпламларни нашр қилиш ёки тарқатиш нархи. Ҳар бир мамлакатда 500 тадан 40.000 тагача бўлган жамоатлар ва кичик гуруҳларнинг етакчилари бор. Кўплаб мамлакатларда 5000 тадан 10.000 тагача бўлган етакчилар мавжуд. Демак, ҳаражатлар ўртача 20.000 дан 40.000 гача долларни ташкил қилади.

Кейинги йиғилишлар давомида иштирокчиларнинг таассуротини қандай яхшилаш, бизнинг ваҳийни қандай етказиш ва иккинчи тадбирни қандай ўтказиш ҳақида бизнинг гуруҳимизга кўпроқ ғоялар келди.

Иккинчи йил «ким ошди» савдоси пайтида эълон қилинган тўловлар биринчи йилга қараганда икки баробар ошди. 50 тадан ортиқ лойиҳа учун маблағ тўлиқ йиғилган пайтда ҳали ажратилган вақт тугамаган эди. «Ким ошди» савдоси мусобақаси суръати ошишда давом этди ва бир йилдан сўнг учинчи «Мессенжер кубоги»да биз янада кўп лойиҳаларни молиялаштириш учун 1.3 миллион доллардан зиёд маблағ тўпладик.

Ҳар йили материалларга бўлган эҳтиёж ортиб борарди. Янги ва янги мамлакатлардан одамлар ўзларига материаллар жўнатишларини сўраб Роб билан боғланардилар. Натижада, лойиҳалар сони юздан ортиди ва олтинчи «Мессенжер кубоги»га келиб, 140 дан ортиқ лойиҳаларимиз бор эди. Бу лойиҳалар учун 2 миллиондан зиёд маблағ тўпладик. Тўққизинчи йилда биз қарийб 200 та лойиҳага маблағ ажратилиши учун 3 миллиондан зиёд доллар йиғилишининг гувоҳи бўлдик!

Бу китобнинг чоп этилиши вақтига – 2020 йилнинг охирига келиб, «Мессенжер кубоги» гуруҳи 100 дан ортиқ мамлакатлардаги чўпонлар ва етакчилар учун 120 дан кўп тилларда 30 миллиондан зиёд материалларни тарқатди.

Бутун шу вақт давомида, қаҳрамонларимдан бири Эндрю Карнеги исмли киши билан руҳланиб келамиз. У ўз бойлигининг катта қисмини тарқатган тарихдаги энг машҳур филантроплардан бири ҳисобланади. Ҳозирги доллар қиймати билан баҳолаганда, у ҳайрия иши учун миллиардлаб долларни эҳсон қилган! Бу маблағларнинг катта қисми жамоат кутубхоналари қурилиши

учун сарф қилинган. 1883-йилдан 1918-йилга қадар у 2.500 дан зиёд кутубхоналар қурдирган, уларнинг кўпчилиги АҚШнинг 47 та штатида жойлашган.

Бир қизиқ савол беришимга ижозат беринг. Қўшма Штатлар қайси давр ичида буюк мамлакатга айланди? 1883-йилдан то 1918-йилларга қадар – Карнеги кутубхоналар қурган пайтда мамлакатнинг ана шу юксалиши содир бўлди! Унинг билимни жамиятга етказиши АҚШнинг жаҳон етакчиси сифатида кўтарилишига имкон берганига ишончим комил.

Бу қоидани руҳий билимда ҳам қўллаш мумкин! Худо дейди:

«Менинг халқим билим етишмаслиги туфайли қирғин қилинади» (Пайғамбар Ҳосея 4:6).

«Шунинг учун Менинг халқим билимсизлик туфайли асирликка олиб кетилади» (Пайғамбар Ишаё 5:13).

Кўп йиллик хизмат давомида қишлоқни ёки шаҳарни ўзгартиришнинг энг самарали усули – бу жамоат биносини қуриш эмаслиги аён бўлди. Жамоат биноларини қуриш орқали маҳаллий хизматкорларни ўзимизга боғлиқ қилиб қўямиз. Агар маҳаллий етакчиларга уларнинг ўз қишлоғи ёки шаҳарига таъсир қилиши учун уларни мустақамлайдиган руҳий билим берсак, биз кўпроқ самарадорликка эришамиз. Бу билим жамоат ўсиши ва ўз ишини давом эттириши ва зарур бўлганда бинолар қуриши ва бошқа заҳираларга эга бўлиши учун зарур бўлган имонни беради.

Бизнинг материалларни тарқатиш билан боғлиқ стратегик тадбиримизда жамоат биноси қуриш биз учун ўн минглаб долларга тушиши мумкин эди. Йўлбошчилар учун бир неча юз долларлик материалларга эга тўпламлар бу ҳаражатнинг фақат кичик бир қисмини ташкил қиларди!

Биз ривожланаётган мамлакатларнинг етакчиларига материаллар тарқатган охирги ўн йиллик мен учун шубҳасиз, қирқ йиллик хизматимнинг энг ёқимли даври бўлди. Халқларга таълим бериш мақсади ва ваҳийи билан бирлашган

гуруҳнинг бир қисми бўлиш менга ёқади (Матто 28:19-20). Биз бирлашганимиз туфайли ҳар биримиз алоҳида қилишимиз мумкин бўлганидан ҳам анча кўпроғини қилдик. Бизнинг меҳнатимиз қўйидаги сўзлар учун намуна бўлиб хизмат қилади: «Сизлардан беш нафарингиз душманларингиздан юз нафарини қувиб юборади ва сизлардан юз нафарингиз душманларингиздан ўнг минг нафарини қувиб юборади» (Левитлар 26:8). (Бу оят кўпайишнинг яна бир ҳал қилувчи таркибини кўрсатади ва бу ҳақида биз навбатдаги бобларнинг бирида гаплашамиз).

Бизнинг бирлигимиз Исонинг қўйидаги сўзларига асосланади:

«Тушлик ёки кечки зиёфат қилганингда, дўстларингни, ака-укаларингни, қариндошларингни ва бой қўшниларингни таклиф қилма, токи улар ҳам сени чақириб, сен ўз мукофотингни олиб қолмагин. Лекин зиёфат қилганингда, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни чақиргин. Улар сенга қайтара олмаганлари учун сен бахтли бўласан, чунки сен ҳақ одамларнинг тирилишида мукофотингни оласан» (Луқо 14:12-14).

Албатта, биз материаллар юборадиган етакчилар майиб, шол ва кўр одамлар эмас. Биз бу оятда уларнинг қайтара олмасликлари ҳақидаги ҳақиқатни олдик. Агар мен жамоатда ёки Қўшма Штатлардаги анжуманда хизмат қилсам, менга гонорар ёки «Мессенжер Интернэшнл» хизмати учун қурбонлик бериб миннатдорчилик билдиришади. Биз ёрдам берган мамлакатлардаги етакчилар бундай қила олмайдилар. Гуруҳимизнинг ҳамма аъзолари – тадбиркор одамлар, жамоат етакчилари ва «Мессенжер» хизмати ходимлари ўзлари ёрдам берган кишилардан бирор нарса олишга умид қилмасдан беришдан иборат буюк имтиёзга эга бўлганини тушунадилар.

Бир неча йил аввал Лиза ва мен Арманистондаги Ереван шаҳрига бордик. Бу жойга анжуман учун бутун Яқин Шарқдан етакчилар йиғилишган эди. Бу анжуман пайтида биз алоҳида хонада Эрон, Афғонистон, Сирия ва бошқа яқин шарқ мамлакатларининг чўпонларини тўплادик. Суратга олиш рухсат

берилмаган эди. Бу одамлар суратга тушиб ўзалари ҳақидаги маълумот ошкор бўлишини истамасдилар. Худонинг ҳузурни кучли сезиларди ва мен доим: «Биз Лиза билан уларга эмас, балки бу етакчиларнинг ўзлари бизга ваъз қилишлари керак», деб ўйлардим. Фурсат келганда мен дедим:

- Сизнинг ҳаммангиз мен билан Лизага бу хизматнинг қаҳрамонларига қарагандек қараяпсизлар, бироқ бунинг ҳаммасини Жон ва Лиза Биверлар қилмаяптилар, балки сизни бу материаллар билан баракалаш учун миллион долларлаб қурбонлик қилган тадбиркор одамлар ва жамоатлар амалга ошираяпти. Ана шулар – ҳақиқий қаҳрамонлардир.

Ўша пайтда бизнинг ҳаммамиз ўзимизни тутиб тура олмадик ва кўзимизга ёш келди.

Йиғилишдан сўнг эронлик бир чўпон шундай деди:

- Одамлар ўзлари бирор марта учратмаган кишилар учун қандай қилиб шунча кўп маблағни қурбонлик қилишлари мумкин?

Менинг жавобим жуда оддий туюлсада, лекин у ҳақиқат эди:

- Уларнинг қалбидаги Худога бўлган севгиси туфайли.

Яна кўзларимиздан ёш оқди.

ЯНА КЎПРОҚ КЎПАЙИШ

2019-йилда биз ўзимиз яратган веб-саҳифамиз манбаларнинг тарқатилиши учун чекланиб қолганини тушундик. Биз уни яратган 2011-йилда у самарали эди, бироқ у энди фойдаланувчилар учун талабга тўла жавоб берадиган ва қулай ҳисобланмас эди. Масалан, фойдаланувчилар ўзларининг смартфонларида бу саҳифадан фойдаланишлари жуда қийин бўлиб қолган эди. Лиза, гуруҳимизнинг бир қанча аъзолари ва мен жуда кўплаб камбағал ва ривожланмаган мамлакатларда бўлар эдик. Одамлар ҳатто чодирларда, ердаги уйларда ёки фанерадан ясалган кулбаларда яшасаларда, уларнинг кўпчилигида ҳеч бўлмаганда қандайдир смартфонлар борлигини пайқамасдан қолмас эдик. Аслида,

2020-йилга келиб, 5 миллиарддан ортиқ одамда смартфонлар бўлиши тахмин қилинмоқда.

Кўп сафарлардан сўнг, ҳозир бўлмасида, лекин яқин келажакда интернет тармоғи орқали бу сайёрада ҳаммага етиб бориш имконияти пайдо бўлиши аён бўлди. Бундан ташқари, биз тарихда яна «Рим йўллари»нинг пайдо бўлиш вақтини кўраётганимизни ҳис қилдим.

Фикримни қисқача тушунтириб беришга ижозат беринг. Худонинг Каломида ёзилган: «Аммо вақтнинг тўлиқлиги келганида, Худо Ўзининг Ўғлини юборди» (Галатияликлар 4:4). «Вақтнинг тўлиқлиги» кўп нарсаларга тегишлидир. «Вақтнинг тўлиқлиги»нинг муҳим белгиларидан бири Хушхабар бутун дунёга етиб бориши ҳисобланади. Эрамиздан аввалги 312-йилда римликлар ўша пайтда маълум бўлган бутун дунёни қоплаб олган қуруқ ер ва денгиз йўллари тармоғини ривожлантиришни бошлаганлар. Исо: «Ер юзининг ҳамма жойига боринглар» деган пайтга келиб, бу йўллар яхши ривожланган бўлган ва ўша даврдаги маълум дунёда Худо Каломининг тез тарқалиши воситасига айланган.

Исонинг иккинчи келишига йўл тайёрлаш учун яна вақтнинг тўлиқлиги келганига ишонаман ва Интернет – бу бизнинг кунлардаги Рим йўлидир. Бизнинг ҳамма халқлардан шогирдлар тайёрлаш учун бутун дунёда Худо Каломини ёйиш имконимиз мавжуд.

Буни тушунган ҳолда бизнинг гуруҳимиз ибодат ва орзу қилишни ҳамда стратегик режалаштиришни амалга оширишни яна бошлади. Бир неча ойлик ўрганишлардан сўнг биз лойиҳани йўлга қўйдик. Бу лойиҳани АҚШдаги иловалар ва веб-саҳифаларни ишлаб чиқиш бўйича етакчи ташкилотлардан бирига ишониб топширдик. Биз ўқитиш учун кучли ва кўп вазифали платформа қурдик. Бу платформа iPhone ва Android тизимларида, планшет ва компьютерларда ишлатиш учун қулай бўлди. Биз имкон қадар бугунги технологияларга мувофиқ келадиган яхши платформа яратиш учун астойдил киришган эдик. Биз жамоат йўлбошчилари

ҳамма жойда, айниқса, ривожланмаган мамлакатларда энг яхши нарсага эга бўлишларини истардик. Шуниси эътиборга лойиққи, ҳозирги пайтга келиб, биз аллақачон бу платформадаги мавжуд китоблар, дарсликлар ва бошқа материалларни ўрганаётган 227 та мамлакат ва ҳудудлардаги миллионлаб фойдаланувчиларни қузатишимиз мумкин. Бор йўғи бир нечта мамлакат қолмоқда ва биз уларнинг ҳаммасига эришамиз!

Вақт ўтиши билан биз кўпайишнинг қўшимча усуллари ҳақида ўйлай бошладик. Платформамаизнинг самарадорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун биз меҳмонлар сифатида ноёб ва ҳаётни ўзгартирувчи ваъзларга эга бошқа машҳур ўқитувчиларни қўшишга қарор қилдик. Энди дунёдаги етакчилар ўзлари ўқиши ёки кичик гуруҳларда ва жамоатларда таълимни ташкил қилиши учун ўз компьютерлари, планшетлари ва телефонларини ишлатишлари мумкин. Бу усул платформамаизнинг нафақат самарадорлигини оширади, балки келажакдаги авлодлар учун чоп этилган китоблардан ҳам кўпроқ умр кўради.

Агар мен ва Лиза ёзмасликка қарор қилганимизда нима бўларди? Агар биз энг кўп сотилган китобларнинг муаллифлари сифатида кифояланиб қолганимизда ва ўқув курслари чиқармаганимизда нима бўларди? Агар бизнинг гуруҳимиз фақат инглиз тилида сўзлашувчи одамлар ва жамоатларга хизмат билан кифояланиб қолганда-чи? Агар бизнинг ходимларимиз Бродмурда бутун Қўшма Штатлар бўйлаб гуруҳ тўплаш учун ўз кучини йўлга солмаганда-чи? Ҳар бир даража бизнинг охирига қадар ҳаракат қилишимизга ва Худонинг иноятига умид боғлашимизга мажбур қиларди. Ҳар бир даражада тўхтаб қолиш ва бошқаларга хизмат қилишдан иборат каттароқ самарадорлик томонга қараб олға интилмаслик анча енгилроқ эди. Худонинг Руҳига қулоқ солиб, биз қадам-бақадам катта кўпайтириш томон юрамиз. У сизга энг бошидан ҳамма қадамларни ёки ҳатто, кейинги иккита ёки учта қадамларни ҳам кўрсатмайди. Агар биллур сеҳрли шар орқали гуруҳимиз томонидан босиб ўтилган ўттиз йиллик йўлни олдиндан кўра олсак эди, бизга анча енгил

бўларди. Бироқ агар бунинг имкони бўлганда эди, Худонинг бошқарувини излаб, ҳар бир қадам учун жон-жаҳд билан ибодат қилиб курашмаган бўлардик. Бундан ташқари, биз итоатда қилинган, ҳар бир қадамдан сўнг келган табиатимиздаги имон ва кучга эга бўлмасдик.

Кўпайиш инсон ғояси эмас, балки бу Худонинг ғоясидир. Бу Унинг инсонга берган биринчи амри бўлган: «Мен сизга ишониб топширган ҳар қандай инъом Менинг Шоҳлигимни кўпайтириш учун берилган» (Ибтидо 1:22 ва Матто 25:14-29-оятларини бошқа сўзлар билан тушунтирдим). Бу ўта муҳим ҳақиқатни янада аниқроқ ифодалашимга ижозат беринг: кўпайтириш сизга босим ўтказмаслиги керак, чунки бу Унинг инъомидир. Сиз¹ қилишингиз керак бўлган иш - бу ибодат қилиш, эшитиш, ишониш ва У қалбингизда кўрсатаётганига итоат қилишдир.

Гап шундаки, У сизни кўпайиш томонга етаклаб боради.


1 Сиз бунда қандай иштирок этишингиз мумкинлиги ҳақида кўпроқ билиш учун MessengerX.com саҳифасига кириңг.

Сиз: «Охирги учта бобда бўлишган гувоҳликдан менинг қалбим ёнаяпти. Лекин мен ёш она, талаба, профессионал спортчи, ишчиман. Мен Шоҳликни қандай кўпайтиришим мумкин?»

Биз бу ҳақида кейинги бобдан бошлаб гаплашамиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Биз кутадиган Худонинг таъминоти ёки аралашуви кўпинча стратегик ғоя сифатида келади. Сиз ўз вазиятингиз Худодан бўлган илҳомли ғоялар орқали ўзгаришини, қандай тарзда кўргансиз?
2. Донолик олиш – бу сиз қилишингиз мумкин бўлган энг муҳим иш ҳисобланади. Ҳаётингизнинг қайси соҳаларида донолик керак? Сиз Худонинг донолигини олиш учун Унинг олдига қандай келишингиз керак?
3. Стратегик ғоя – бу бизни навбатдаги самарадорлик даражаси учун очиб берадиган ва бизга кўпайиш учун куч берадиган Худонинг инъомидир. Сиз стратегик ғояни олишингиз билан сиздан қандай қадамлар талаб қилинади?



*Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил
инъомларга эгамиз. Шунинг учун кимда
пайғамбарчилик бўлса – имоннинг миқдориغا
яраша пайғамбарчилик қилсин; хизмат инъоми
бўлса, хизматда бўлсин; агар ўқитувчилик
инъоми бўлса, таълим беришда бўлсин; ким
насиҳатчи бўлса, насиҳат қилишда бўлсин;
тарқатувчи бўлса, соддалиқда тарқатсин; бошлиқ
бўлса, ғайрат билан бошчилик қилсин; шафқат
кўрсатувчи бўлса, хурсандчилик билан шафқат
кўрсатсин.*

– Римликлар 12:6-8

САРМОЯ

Хаворий Павлус Худо Ўз хизматкорларининг ҳар бирига берган турли инъомларни санаб чиқмоқда. Мен бу рўйхат шу билан тугашига ишонмайман, бироқ у илоҳий қобилиятларнинг кенг кўламини ўз ичига олади. Сиз менинг фикримга қўшилмаслигингиз мумкин, бироқ буни тушунтириб беришимга ижозат беринг.

Мен бу рўйхатда куйлаш, судда ҳимоя қилиш, жарроҳлик йўли билан ўсимталарни олиб ташлаш, илҳом бағишловчи расмлар чизиш, мусиқа асбобларини чалиш ва ҳар куни биз учратадиган Худо берган кўплаб бошқа қобилиятларни кўрмаяпман. Мана шунинг учун мен бу рўйхатнинг давоми йўқлигига ишонмайман. Сиз ҳали ҳам менинг фикримга қўшилмаётган бўлсангизда, мен сизнинг фикрингизни ҳурмат қиламан. Мазкур мавзу бу китобнинг муҳим томони эмаслиги сабабли кенг муҳокамани талаб қилмайди.

Павлуснинг сўзларини эслаганда, янги таржимада харизма сўзи «маълум бир нарсаларни самарали қилиш» қобилияти сифатида таърифланиши менга ёқади. Мазкур таъриф, шубҳасиз, бу китобнинг асосий мақсадига ишора қилади. Илгариги учта боб пайғамбарлик ва ўқитувчилик инъомлари ҳақида эди. Келинг, эътиборимизни бошқа бир инъомга – эҳсон беришга қаратайлик.

ШОҲЛИККА САРМОЯ

Менинг Майк исмли дўстим бор. У 11 ёшида Исо Масихга ишонган, бироқ у Шоҳликнинг қурилишида самарасиз бўлган. Унинг бундан норозилиги ошиб борган ва охири 35 ёшида у абадийлик учун ҳеч нима қилмаганидан чарчаган. Кўпинча шундай хулосага келган одамлар ўз ҳаётида билимсиз, доноликсиз ва имонсиз равишда, ниманидир дарҳол ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Майк эса донолик билан йўл тутган. Унинг ёндашуви бошқача бўлган. У абадийликка таъсир қилиш учун «идишни тўлдириш» орқали биринчи қадамни ташлашга қарор қилган. Шунинг учун у олти ой давомида Инжилдан икки мингта оят ёдлаган!

Тез орада олти ойлик даврдан сўнг у Аризона штатидаги Финиксда етакчилар учун битта анжуманда қатнашишга қарор қилган. У шу қадар камбағал бўлганки, меҳмонхонадан жой олиш учун имконияти бўлмаган ва у ўн битта талаба билан уч хонали квартирада қолишга мажбур бўлган.

Анжуман пайтида махсус қурбонликни йиғиш ҳақида эълон қилинган. Анжуманнинг етакчиси иштирокчиларни нима қурбонлик қилиш ҳақида ибодат қилишларига руҳлантирган. Майк Худонинг: «Мен сенинг 200 доллар қурбонлик қилишингни истайман» деганини эшитган.

Майк эътироз билдирган: «Худованд, бу менинг бор пулим-ку».

Худо мулойим қилиб жавоб берган: «Мен сенинг кўп беришингни сўрамаяпман».

Майк итоат қилиб, ўзидаги бор пулини қурбонлик қилган. Шундан сўнг Худо Майкка ўша йилнинг охирига қадар ҳар ойда ушрдан зиёдроқ қурбонлик қилишини буюрган.

Тез орада Худо унга стратегик ғоялар беришни бошлаган ва унинг янги иши барқарор ўсишни бошлаган. Навбатдаги йилда Майк Шоҳликни қуриш учун ўзининг ушридан ташқари яна 400 доллар қурбонлик қилиши кераклигини тушунган.

Бир йилдан сўнг бу пул унинг ушридан ташқари 1.000 долларни

ташқил қилган. Яна бир йилдан сўнг бу қурбонлик миқдори ушрдан ташқари 4.000 долларгача, навбатдаги йил 10.000 долларгача кўтарилган.

Бу пайтга келиб, Майк Худодан Шоҳлик учун ўн миллион доллар қурбонлик қилиш имконияти ҳақида сўраган. Бу илтимос жуда катта, қарийб ақл бовар қилмайдигандек туюлган. Шундай бўлсада, у ўз имони ва илтимосида қатъий турган. У ўз қалбида эшитгани уни хижолатда қолдирди. «Ўғлим, нима учун сен Менинг имкониятларимни чеклаб қўймоқдасан?» Шундай қилиб, Майк ўз чекловларини бир четга сурди ва яна кўпроқ ишонди. Шундан сўнг тез орада унинг беғараз ёрдам бериши яна ошди ва навбатдаги йил у ушрдан ташқари 17.000 долларни қурбонлик қилди. Бу маблағ ҳар ойда 25.000 долларгача, сўнг 40.000 долларгача, ундан сўнг эса 50.000 гача ошди. Шундай пайт келдики, Майк Шоҳликнинг қурилиши учун ўз ушридан ташқари бир ойда 100.000 доллар бера бошлади. Охирги марта мен у билан гаплашганимда, у аллақачон ўзининг ушридан ташқари бир ойда 150.000 доллар қурбонлик қилаётган эди!

Майк жуда фаровон ҳаёт кечираяпти, бироқ у ўзининг фаровон ҳаёти учун даромадидан тахминан 10-15 фоизини сарф қилади. Ҳа, сиз тўғри ўқидингиз. У ўзининг ҳар йилги даромадидан тахминан 85-90 фоизини қурбонлик қилади. У ўзининг муваффақиятини Муқаддас Китобни ўрганиши, ибодатда Худонинг овозига қулоқ солиши ва етукроқ масиҳийларнинг шогирди бўлиши билан боғлайди.

Кўпайиш ҳақида гапирар экансиз, сиз «эҳсон бериш» сўзини эътиборсиз қолдиришингиз мумкин эмас, чунки кўпинча бу кўпайишнинг асосий таркиби ҳисобланади. Кўплаб самимий имонлилар молиявий қурбонликка қуйидаги тарзда қарайдилар: «Мен бошқалар учун нима беришга тайёрман?» Бу олижаноб ва тақводор қараш ҳисобланади, бироқ агар бу қурбонликка нисбатан ягона қараш бўлса, у ҳолда у бутун ҳисобланмайди. Буни тушунтиришимга ижозат беринг.

Биринчидан, бу тўғри: Худо қалбимизга одамларни севиш

ҳиссини солган ва шунинг учун ичимизда беғараз бериш ва хизмат қилиш истаги бор. Бу ҳар бир кишининг эҳсон беришида энг катта истак бўлиши керак. Бироқ доно эҳсон берувчи қурбонликка нафақат севги тўхфаси ёки хизмат сифатида, балки сармоя сифатида ҳам қарайди. Биз ниманидир сармоя қилганимизда, биз заҳирани кўпайтириш учун уни истеъмол қилишдан воз кечамиз. Айниқса, пул маблағларига келганда, бу кўпайтириш мақсадида, сармоя киритиш учун харажатлардан сақланиб туришни англатади.

Бир неча йил олдин биз Лиза билан иккита ер майдонини топдик. Биз бу ерларнинг баҳоси паст нарҳда эканини ва вақти келиб, уларнинг нархи ошишини тушундик. Бизда иккита ер майдонини ҳам олиш учун етарли маблағимиз бор эди ва биз бу маблағни кўпайтириш учун ўзимизнинг шахсий истеъмолимиз учун ишлатмасликка қарор қилдик. Ҳаммаси биз тасаввур қилганимиздан ҳам яхшироқ бўлди ва бизнинг сармоямиз икки йил ичида икки баробар ошди. Натижада, бизнинг нақд пулимиз икки баробарга ортди ва биз энди яна каттароқ нарсага сармоя киритишимиз мумкин эди.

Исо бизнинг Шоҳликка сармоя қилсак, «манашу ҳаётда анча ортиғини» олишимизни айтган (Луқо 18:29-30). У: «кейинги ҳаётда» эмас, «манашу ҳаётда» деган. Лиза ва мен хурсанд бўлдик, чунки бизнинг ер майдонларига тиккан сармоямиз икки баробар ошди, бироқ Исо умуман бошқа даража ҳақида гапирмоқда. Икки баробар ва бир неча бор кўпайиш ўртасида улкан фарқ бор. Бир неча бор кўпаядиган сармоянинг кучи қандай? Биз бу ҳақида Майкнинг гувоҳлиги намунаси орқали тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Ҳаворий Павлус бизнинг беғараз ёрдамимизни уруғ экишга қиёслайди. Ташқи шароитларга боғлиқ ҳолда, битта буғдой дони овқатга ишлатилмасдан ерга экилганда, ўртача юзта буғдой дони бериши мумкин экан. Бу кўп каррали натижадир. Мана шунинг учун ёзилган: «Баъзи одам сахийлик билан экади ва унга яна бойлик қўшилади, бошқаси эса керагидан ортиқ тежайди, бироқ қашшоқлашади» (Ҳикматлар 11:24). Агар имонлиларга кўпайтириш ва кўпайиш ҳақида ўйлаш керак бўлмаганда, Сулаймон, Исо ва Павлус

эҳсон бериш ҳақидаги бу ҳақиқатларни таъкидламаган бўлар эдилар.

Кўпчилик Майкнинг ўз даромадидан 10-15 фоизига яшашини, севги орқали келадиган қурбонлик сифатида қабул қилиши мумкин. Бироқ Майк кенгроқ фикрга эга. У Муқаддас Китобдаги 2.000 та оятни ёдлаб, ўзини Худонинг Каломи билан тўлдириши сабабли Худонинг донолигига эга бўлди. У қурбонликка нафақат севги ифодаси, балки сармоя сифатида ҳам қаради.

У бунга биз Лиза билан ўша иккита ер майдонига қараганимиздек қаради. Унинг ёндашуви муваффақиятли ресторанга эга оилага ўхшайди. Ўзининг бутун даромадини истеъмол қилиш ўрнига, бу оила даромаднинг катта фоизини кўпроқ бинолар олиш, кўпроқ ходимлар ёллаш, кўпроқ маҳсулот ва ўзларининг ишлари ривожланиши учун барча зарур нарсаларни харид қилишга ажратади. Агар ҳамма ишлар тўғри бажарилса, келажакда уларнинг бешта ресторани бўлади. Бу эса уларнинг даромади беш баробар ошганини англатади. Натижада, улар илгаригидан кўра анча кўпроқ одамларга ёрдам кўрсатишлари мумкин бўлади.

Агар Майк ўзининг қурбонликларини сармоя деб ҳисобламаганда, у эҳсон беришнинг чуқур маъносини тушуниб етмаган бўларди. Талантлар ҳақидаги масал айнан шунга ўргатади. Исонинг шу сўзларига қаранг: «Беш талант олган қул бориб, уларни ишга солди ва яна беш талант орттирди» (Матто 25:16). Бу ерда «ишга солди» сўзи хизматкорнинг ўзига берилган талантни қандай кўпайтирганини кўрсатмоқда.

КЎПАЙТИРИШ ҲАҚИДА ЯНА БИР МАСАЛ

Келинг, Исо кўпайтиришни таърифлаш учун ишлатган яна бир масални ўқийлик.

«Улар ҳали бунинг тинглаётганларида, Исо бир масални қўшимча қилиб айтиб берди, чунки улар Исонинг Йерусалимга яқинлашиб қолгани сабабли Худонинг Шоҳлиги дарҳол намоеън бўлиши керак, деб ўйлашар эди» (Луқо 19:11).

Менга бу масалнинг кириш қисми ёқади. Одамлар Исонинг Шоҳликни ўрнатишини ва уларни Рим ҳукмронлиги зулмидан озод қилишини кутганлар. У одамларга аслида нима содир бўлиши кераклигини кўрсатиб уларнинг фикрини тўғирлаган. У кетганидан сўнг, Унинг Шоҳлигини биз қуришимизни истаган. Лекин қандай қилиб? Сармоя қилиш орқали. Масалга қулоқ солинг:

«Бир зоти баланд одам ўзига салтанат олиш учун узоқ мамлакатга жўнаб кетаётган экан. У ўзининг ўнта қулини чақирди ва уларга ўн мина пул бериб: “Мен қайтиб келгунимча, пулни ишга солинглар”, деди» (Луқо 19:12-13).

Матто Хушхабари ҳикоясидаги каби Исо бизга ҳам сармоя ҳақида топшириқ бермоқда. Биз ўзимизга ишониб топширилган вазифага ялқовлик қилмасдан, балки тиришқоқлик ва ақл билан ишлашимиз керак.

Бу иккита масал бир хилдек кўринсада, улар ҳар хилдир. Келинг, уларнинг фарқини кўриб чиқайлик. Биринчидан, Матто учта хизматкор ҳақида, Луқо эса ўнта хизматкор ҳақида гапирган. Иккинчидан, Маттонинг масалида ҳар бир хизматкор ҳар хил миқдорда улуш олди, Луқонинг мисолида эса ҳамма тенг миқдорда улуш – мина кумуш олди. Учунчидан, Маттонинг ҳикоясида хизматкорлар битта мина эмас, балки битта минадан 75 баробар кўп бўлган бир халта кумуш олдилар. Бу иккита масални таққослаганда, Маттода тенг берилмаган инъомлар ҳақида гапирилганига, Луқонинг масалида эса ҳар бир имонли тенг тарзда оладиган имон, Худонинг севгиси, Худонинг Каломи, аҳд асосидаги бизнинг баракаларимиз ва ҳақозолар ҳақида ёзилганига ишончим комил. Бироқ, асосий қоидалар бир хил. Ҳикояни ўрганишда давом этамиз:

«Шундан сўнг у салтанатни олиб, ўз ватанига қайтиб келганида, берган пулидан ким қанча даромад қилганини билиш учун, ўша қулларини ёнига чақиришни буюрди. Биринчиси келиб: Хўжайин, сизнинг минангиз ўн мина даромад келтирди, деди. Хўжайин унга: Маъқул, сен яхши

қул экансан. Кичик ишда содиқ бўлганинг учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўлгин, деди» (Луқо 19:15-17).

Бир нечта фикрларни таъкидлаш муҳим. Биринчидан, бу хизматкор ўзига берилган улушни сармоя қилган. Иккинчидан, у тиришқоқлик ва ақл билан ишлаган, натижада, ўн баробар кўпайишни олган. Ақл билан ишлаш Худонинг донолигига эргашишни англатади, бу эса дўстим Майкка ўхшаб Худонинг овозини эшитганимизда имконли бўлади. Учинчидан, *кўпайиш* яна тўғридан–тўғри содиқлик билан боғлиқ. Бу ерда ҳеч қандай ишлар ёки яхши хислатлар тилга олинмаган, чунки Худо учун содиқ бўлиш кўпайтиришни англатади. Ва охиргиси, хизматкорнинг олган абадий мукофоти унинг қилган кўпайтириши билан тенгдир – биринчи хизматкор бошқариш учун ўнта шаҳарни олади.

Энди кейинги хизматкор ҳақида ўқиб кўрайлик:

«Иккинчиси келиб: Хўжайин, сизнинг минангиз беш мина даромад келтирди, деди. У эса унга деди: Сен ҳам бешта шаҳар устидан бўлгин» (Луқо 19:18-19).

Бу хизматкор ўнтага эмас, балки бештага кўпайтирган. Унинг олган абадий мукофоти – бешта шаҳар унинг қўшган ҳиссасини акс эттирган. Нима учун у биринчи хизматкор каби ўн баробар кўпайтирмади? У Худонинг донолигига етарли даражада эътибор бермаган бўлиши мумкинми? Балки у имкониятларни қўлдан чиқаргандир? Ёки у бизнинг биринчи бобимиздаги Стен каби режалаштириб охирги йилларда тўхтагандир? У нафақага чиққач, ҳеч нима қилмаслигим керак деб ўйлаган бўлса-чи?

Бир неча йил олдин мен бир етакчиликка аталган анжуманда кўпайтириш ҳақида ваъз қилаётган эдим. Калифорниядаги тижорат кўчмас мулкнинг энг муваффақиятли қурувчиларидан бири, Шоҳлик учун аллақачон миллион долларларни қурбонлик қилган бир киши ваъздан сўнг олдимга келди. У ваъздаги фикрлардан ҳайратда қолган ва очиқлик олган эди. У шундай деди:

- Жон, мен муваффақиятим сабабли аллақачон тўхташни ўйлаётган эдим. Бу фикрга келиш жуда осон, бироқ ҳозир унинг хато эканини кўраяпман. Мен олдинга ҳаракат қиламан ва Худо менга берган улушни кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратаман ва тиришқоқлик қиламан.

Унинг самимий иқрор бўлиши унинг ҳаётини ўзгартириши мумкин ва у энди беш баробардан ўн баробар кўпайтиришга ўтади.

Учинчи хизматкор-чи?

«Учинчиси ҳам келиб: Хўжайин, мана сизнинг минангиз. Мен уни рўмолчага ўраб туғиб асрадим. Чунки мен сиздан кўрқдим, зеро сиз қаттиққўл одамсиз. Сиз қўймаганингизни оласиз, экмаганингизни ўрасиз, деди. Хўжайин эса унга деди: Эй, ёвуз қул, мен сени ўз оғзинг билан ҳукм қиламан! Менинг қаттиққўллимни ҳамда қўймасдан олишимни, экмасдан ўришимни билар эдинг. Нега сен пулимни айлантеришга бермадинг? Шунда мен келиб, уни фойдаси билан қайтариб олар эдим» (Луқо 19:20-23).

Маттонинг ҳикоясида бўлгани каби бу хизматкор иккита катта камчиликка эга бўлган. Биринчиси, унинг кўрқиши, иккинчиси, унинг ўз хўжайини характерини билмаслигидир. Бу ҳикоя Худога тегишли бўлган нарсани асраш содиқлик эмас, балки диёнатсизлик эканини яна бир марта кўрсатади. Хўжайин бу хизматкорга жаҳл билан гапирганини пайқадингизми? Хўжайин хизматкорнинг ялқов муносабати сабабли жаҳл қилган ва у буни очиқ кўрсатади! Агар ўйлаб кўрилса, бу кишини жуда ҳушёр торттиради.

Ҳикоянинг давоми бизнинг Матто масалида олган хулосаларимизни тасдиқлайди, холос.

«Кейин хўжайин ёнида турганларга: Ундан бир минани олиб, ўн минаси борга беринглар, деди. Унга эса: Хўжайин унинг ўн минаси бор-ку! – деб айтдилар. Сизларга айтаманки, кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, ундан ҳатто бори ҳам тортиб олинади» (Луқо 19:24-26).

Бу бир пайтнинг ўзида ҳам ажойиб ва ҳам қўрқинчли ҳақиқатдир. Агар биз Майк каби йўл тутмасак, агар биз Худонинг Каломи ва У билан муносабатда кўп вақт ўтказмасак, биз ғайриихтиёрий равишда Худонинг характериға ўзимиз яшаётган муҳит фильтри орқали қарай бошлаймиз. Бу жамият, Голливуд, ижтимоий ва янгилик тармоқлари фильтри, қаттиққўл ота фильтри, дин, бизға ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин бўлган ҳар қандай кечинма ёки ижтимоий фикрлаш бўлиши мумкин. Бироқ биз Худони ва Унинг Каломини яқинроқ билганимизда, бу ёлғон фильтрларни таниб олишимиз мумкин.

БИЗ ЭҲСОН БЕРИШ УЧУН ДАЪВАТ ҚИЛИНГАНМИЗ

Майкнинг эҳсон бериш инъоми бор. У беғараз ёрдам бериш ишида муваффақиятга эришмоқда. Бироқ бизнинг ҳар биримиз эҳсон берувчи бўлишимиз керак.

Буни яхши тушуниш учун эҳсон беришни, Исонинг бутун дунё бўйлаб юриб, Хушxabарни тарқатиш топшириғи билан солиштирайлик (Марк 16:15-16). Бу топшириқ ҳар бир имонлига берилган эди. Бизнинг ҳаммамиз элчи бўлишимиз ва адашганларға Хушxabарни етказишимиз керак. Биз бу топшириқни Павлуснинг сўзларида ҳам кўраимиз: «Хушxabар воизининг ишини бажаргин» (2-Тимўтий 4:5). Бу оят ҳамма имонлиларға тегишлидир.

Бироқ алоҳида хушxabарчи хизмати ва инъоми бор. Павлус ёзади: «У баъзиларнихушxabарчилар қилиб тайинлади» (Эфесликлар 4:11). Ҳамма эмас, баъзилар бу хизмат учун даъват қилинган. Бу инъом билан қалбларни йиғишда муваффақиятга эришиш мумкин. Ҳаворийлар китобида ҳамма имонлилар эмас, балки Филип хушxabарчи деб аталган (Ҳаворийлар 21:8-оятға қаранг). Билли Грэм, Ти Эл Осборн ва Рейнхард Боннке истеъдодли хушxabарчилар бўлганлар. Уларнинг ҳар бири ўз жамоаси ёрдамида, ўн миллионлаб қалбларни забт этган. Улар Худодан олган инъомларини худди Майк ва мен айтиб ўтган бошқалар каби кўпайтирганлар. Бу китоб Худо томонидан бизға берилган инъомларни қандай кўпайтириш ҳақида гапиреди. Бироқ

молиявий беғараз ёрдам бериш – кўпайтиришнинг жуда муҳим томони эканлиги сабабли мен шу бобнинг охирига қадар бизнинг ҳар биримиз даъват қилинган нарсага – молиявий эҳсон бериш соҳасида кўпайтиришга эътибор қаратишни истайман.

Мен қирқ йиллик хизматим ичида молиявий эҳсон бериш бўйича иккита бир-бирига зид бўлган вазиятларнинг гувоҳи бўлганман. Ушбу зиддиятлар жамоатда кўпчиликка ўз таъсирини ўтказган ва мен бу вазият ўзгаришига самимий умид қиламан. Биринчидан, фақат олиш учун берадиган одамлар бор. Улар ўзларининг худбин истакларига кўра кўпроқ олишни истайдилар. Агар биз холис бўлсак ва нарсаларни ўз номи билан атасак, у ҳолда бу ниятни битта битта сўз – очкўзлик билан таърифлаш мумкин.

Афсуски, бу нотўғри фикрлаш бошқа зид ҳолатнинг пайдо бўлишига ёрдам берган. Асосан бу Майқдан фарқли равишда, Худо Каломининг тўлиқ ниятини ўрганмайдиган одамларга тегишлидир. Улар одамларнинг имонини молиявий ҳайр-эҳсон устига қурадиган ҳар қандай таълимотдан нафратланадилар. Бу муносабат ҳатто бир-бирига зид бўлган ҳолатга – қурбонлик билан боғлиқ барча нарсадан воз кечишга олиб келиши мумкин. Аслини олганда, бу ғоянинг тарафдорлари ҳам ўзларининг самарадорлигини ҳам, уларини тинглаётган кишиларнинг самарадорлигини чеклаб қўядилар. Натижада, Хушхабарнинг умумий иши чекланиб қолади.

Биз Лиза билан Исони қабул қилганимиздан сўнг ҳайр-эҳсон ҳақида кўп таълим берадиган бир жамоатнинг аъзосига айландик. Бу 1980-йиллар содир бўлган эди ва ўша пайтда кўпчилик муҳим топшириқдан кўра кўпроқ ўзлари ҳақида ўйлардилар. Жамоатимизнинг таълимоти умуман олганда тўғри бўлсада, феъл-атвордаги камчилиги туфайли, кўп одамлар нотўғри мақсад билан қурбонлик қилардилар, чунки улар катта уйлар, ҳамма ҳавас қиладиган машиналар, қимматбаҳо таътиллarga эга бўлишни ва бошқа худбин истакларни амалга оширишни истардилар. Улар ҳам имонсизлар эргашган нарсага эргашардилар ва фақатгина фарқ шунда эдики, энди бу инжил ифодасига бурканган эди. Лиза ва мен энг бошиданоқ бунда нимадир нотўғри эканини билардик, бироқ

айнан нима эканини аниқ ифодалаб бера олмасдик. Тўғриси айтганда, биз Лиза билан ўша муҳитда ўтказган вақтимиздан сўнг, беғараз ёрдам ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун покланиш ва етукликнинг маълум бир давридан ўтишимиз зарур бўлди. Ўша жамоатнинг етакчиси охирида васвасага берилди ва ҳамма нарсани йўқотди. Буни кўриб, бизда зид ҳолатга берилиш васвасаси бўлди, бироқ биз ўз тажрибамиздан кўра Худонинг Каломи афзаллигига ишонишга содиқ эдик.

Бизнинг жамоат ўзимизнинг хизматимизни қилишга рухсат бергандан сўнг икки йил ўтгач, менда кўзларимни очган ғайритабиий кечинма бўлди. Мен йиғилишда эдим ва воизлик қилиш учун тайёрланаётгандим. Шу пайт Муқаддас Рух мендан: «Ўғлим, диний рух нима эканини билансанми?», деб сўради.

Мен воизликлардан ўқиган, ўрганган ва эшитган эдим ва ҳатто, диний фикрлаш ҳақида ёзгандим, бироқ У мендан сўраганда, мен ниманидир тушунмаётганимни англадим. Мен жавоб бердим: «Афтидан, мен билмайман. Акс ҳолда Сен мендан бу ҳақида сўрамаган бўлардинг. Бу нима?»

Муқаддас Рух жавоб берди: «Диний рух – бу Менинг Каломимдан фойдаланадиган инсоннинг фикрлашидир. Бундай одам Менинг топшириқларимни бажармайди ва Менинг қалбимнинг истаклари унинг учун биринчи даражали ҳисобланмайди. У Менинг Каломимдан ўз мақсади учун фойдаланади».

Бу сўзлар мен яшаган ўша заҳарловчи муҳитдан сўнг қалбимда зарур бўлган ўзгаришларни содир қилган омилга айланди. Муқаддас Рухнинг бу мурожаати бизнинг беғараз ёрдам беришимиз ва ҳатто унинг ҳосилини олишимиз, бироқ буни нотўғри ният билан қилишимиз мумкинлигини кўрсатди. Ҳатто агар бизнинг нијатимиз нотўғри бўлса ҳам, Худонинг қонунлари ҳосил келтиради.

Ҳаворий Павлус эҳсон беришни таърифлаш учун деҳқончиликни мисол келтиргани каби мен ҳам шу соҳа орқали мисол келтиришимга ижозат беринг. Деҳқон уруғни фақат бир мақсад билан – ўзига бутун ҳосилни қолдириш учун экиши мумкин. У ишлатмайдиган барча ғалла ва мулки учун омбор қуради ва ўз жонига дейди: «Эй, жоним,

сенда анча йилларга етадиган кўп мол-мулк бор. Энди роҳатлангин, еб-ичгин, хурсандчилик қилгин» (Луқо 12:19).

Худо бундай одамга жавоб берди: «Ақлсиз!» (20-оят). Кўриб турганимиздек, экиш ва ҳосил олиш қоидалари бу деҳқонга, Исонинг сўзларига кўра у очкўз бўлсада, таъсир қилди.

Бошқа бир деҳқон эса ёрдам беришни ва одамларни тўйғизишни исташи мумкин. У биринчиси каби кўп ҳосил олади, лекин у бошқача йўл тутди. У ўз жонига: «Ажойиб! Менда нафақат ейишга етадиган озиқ-овқат бор, балки ўз жамоамнинг кучли бўлиши ва равнақ топиши учун ҳам ёрдам беришим мумкин! Мен саҳийлик қилишим мумкин!» - дейди.

Экиш ва ҳосил олиш қонуни иккиси учун ҳам бир хил таъсир қилади. Агар биринчи деҳқоннинг мақсади сабабли ҳамма экишни ва ҳосил олишни тўхтатиб қўйганларида, кулгили бўлар эди. Бироқ кўпчилик Шоҳлик учун эҳсон бериш соҳасида айнан шундай йўл тутдилар. Келинг, Павлуснинг сўзларини батафсил ўрганайлик. У шундай деб бошлайди:

«Шунинг учун ваъда этган эҳсонингиз мажбурий йиғиш эмас, балки ихтиёрий эҳсон сифатида бўлиши учун мен биродарлардан аввал олдингизга бориб, бунитай ёрласинлар, деб илтимос қилишни лозим кўрдим» (2-Коринфликлар 9:5).

Шубҳасиз, Павлус молиявий эҳсон ёки қурбонлик ҳақида гапираяпти. У Худонинг эҳсон берувчилар учун нима қилишини кўрсатиш учун деҳқончилик қоидасидан фойдаланиб давом этади:

«Шуни айтиб қўяйки, хасислик билан экадиган хасислик билан ўриб олади: саҳийлик билан экандиган эса саҳийлик билан ўриб олади» (2-Коринфликлар 9:6).

Агар бизнинг эҳсон беришда ягона мақсадимиз – бу одамларга ёрдам бериш бўлса, нима учун Павлус бизнинг эҳсон бериш орқали оладиган ҳосил ҳақида гапирмоқда? Наҳотки кўпайтиришга сазовор бўлишдан иборат иккинчи даражали истакка эга бўлиш,

айниқса, агар у бизнинг Шоҳлик учун одамларни ривожлантиришга бўлган дастлабки истагимизни кучайтирса ва оширса, нотўғридир? Павлус Исонинг талантлар ҳақидаги масални гапириб ўргатгани каби Коринф жамоатида янги имонга келганларга ўз самараларини кўпайтиришни ўргатган бўлиши мумкинми? Павлус уларни раҳм-шафқатли бўлишга, бироқ айна пайтда янада кўп барака бўлиш учун сармоя қилишга даъват қилган деб хулоса қилишимиз мумкинми? Павлус айнан шуни истаганига ишончим комил, чунки у қуйидагини гапириб, давом этади:

«Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин, чунки Худо қувониб берувчини севади. Сизлар ҳамиша ҳамма нарсада ҳар қандай қаноатга эга бўлиб, ҳар қандай хайрли ишларга бой бўлишингиз учун Худо сизларни ҳар қандай инояти билан бой қилишга қодирдир» (2-Коринфликлар 9:7-8).

Иккита нарса содир бўлишига эътибор беринг. Шахсий эҳтиёжлар қондирилади, бироқ Павлус хайрли ишларга бош бўлишни алоҳида таъкидлайди. Бизнинг сахий бўлиш қобилиятимиз бизнинг сармоя қилганимиз ёки уруғ экканимиз сабабли кўпаяди. Қуйидаги оятларда бу мақсад яна кўпроқ таъкидланади:

«Уруғ экувчига уруғ, озуқа учун эса нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади ва ҳақлигингизнинг ҳосилларини кўпайтиради, токи сизлар ҳар қандай сахийлик учун ҳамма нарсада бой бўлинглар» (2-Коринфликлар 9:10-11).

Павлус эҳсон қилиш орқали, Худо сизнинг бойлигингизни кўпайтиришини алоҳида таъкидлайди. Бу сизга доим сахий бўлиш имконини беради. Бу ҳақиқат нафақат кимда молиявий эҳсон инъоми бўлганлар учун, балки ҳар бир имонли учун ҳам тегишли. Бу Худо жуда узоқ вақт олдин жорий қилган руҳий қонундир.

Лиза ва мен хизматдаги ўз йўлимизни бошлаганимизда, бизнинг даромадимиз бир йилда 18.000 долларни ташкил

қиларди. Биз харажатларимиз учун ҳисоб-китобларни аранг тўлардик. Мен хизматдаги биринчи Мавлуд байрамимизни эсламан. Биз материаллар сотиб олиш ва қўлда ясалган совғалари бор кичик саватчаларни йиғиш учун озроқ ажратиб қўйилган пулларни ишлатишга мажбур бўлган эдик. Бизнинг бошқа нарсалар учун етарли пулимиз йўқ эди.

Икки йилдан сўнг чўпонимиз алоҳида қурбонлик йиғди. Лиза ва мен бу мақсад учун мўлжалланган ишга ўз ҳиссамизни қўшишни истардик. Худо бизга гапирди: «1.000 доллар беринглар».

Биз икки йил давомида бир илож қилиб дастлабки тўлов учун пул жамғарган эдик. Биз 1.800 доллар тўплаган эдик. Бизнинг таянишимиз мумкин бўлган бошқа бирор нарсамиз – на нафақа режаси, на инвестиция ёки бошқа жамғармамиз бор эди. Агар биз 1.000 долларни берганимизда, бизнинг ҳисобимизда бор-йўғи 800 доллар қолган бўларди. Шу икки йил давомида йиғилган жамғармамиз гўё бу қурбонлик билан кучли камайиб қоладигандек ва бизга уй учун дастлабки тўловга етадиган пулни жамғариш учун бизга йиллар керак бўладигандек туюларди. Бироқ биз бу пулни эҳсон қилдик, чунки одамларни баракалайдиган ишга ўз ҳиссамизни қўшишни истардик. Шу билан бирга биз кўпроқ сахий бўлишни истардик. Биз ўзимизнинг имкониятларимизни оширишнинг ягона воситаси – бу бизда бўлган кам нарсани кўпайтириш эканини Худонинг Каломидан билар эдик.

Йиллар ўтиши билан, бизнинг саватлардан ҳам кўпроқ нарсаларни совға қилишга ва 1.000 доллардан ҳам кўпроқ қурбонлик қилишга имкониятимиз пайдо бўлди. Фақат шу йилнинг ўзида буюк топшириқ учун ўша биринчи катта қурбонликка қараганда 50 баробар кўпроқ қурбонлиқ қила олдик. Биз ҳар қандай йўл билан кўпроқ одамларни баракалашни истаймиз. Худо бизнинг имкониятмизни кўпайтирди ва бизга сахий бўлиш учун куч берди. Муқаддас китобнинг бир таржимаси («Passion») бу ҳақиқатни жуда яхши очиб беради:

«Деҳқонни биз учун нон бўладиган мўл-кўл уруғ билан таъминловчи бу сахий Худо сиз учун кўп сарф қилувчидир. Биринчидан, У ҳар қандай эҳтиёжни ва ҳатто, ундан ортиғини тўлдиради. Сўнг У сизнинг сахийлик ҳосилингиз ўсиши учун уруғни экканингизда уруғни кўпайтиради. Сиз ҳар сафар сахийлик билан бериб, ҳар томонлама бойлик орттирасиз» (2-Коринфликлар 9:10-11).

У сиз учун сарф қилувчи эканига эътибор беринг. У махсус мақсад – бизнинг сахийлигимиз ошиши учун биз Шоҳликка қиладиган сармомиямизни кўпайтиради. Биз кўя ва занг емайдиган ҳамда ўғрилар қазиб олмайдиган ва ўғирламайдиган осмондаги ҳисобимизни тўлдирамиз ва ундан бу ҳаётда ҳам фойдаланамиз. Ҳа, абадий муқофот мавжуд, лекин бу дунёда ҳам сахий бўлиш учун биз тўлдириб борадиган ҳисобимиз бор. Павлус Филиппи жамоатидаги имонлиларга мактуб ёзганида буни аниқ қилиб кўрсатган:

«Мен [сиздан] ҳадяни изламаяпман, лекин сизларнинг ҳисобингизга [сизнинг ҳисобингизда йиғиладиган баракалар ҳосили] кўпаядиган ҳосилни излаяпман» (Филиппиликлар 4:17).

Баъзи банк, фонд ва инвестиция ҳисоб рақамлари бўлгани каби ҳар бир имонлининг осмондаги ҳисоби бор. Бу ҳисоб ер юзида Шоҳликнинг қурилишида самарадорлигимизни кўпайтириш учун куч беради. Агар ҳамма имонлилар бу руҳий қонунни билганларида, тушунганларида ва ишонганларида, нима содир бўлар эди? Биз бу дунёда Хушхабарни анча тезроқ тарқатган бўлардик! Энди сиз нима учун Шоҳлигимизнинг душмани ҳар қанақасига имонлиларни молиявий уруғлар экишларига тўсқинлик қилиши тушунарли бўлдими?

Биз Лиза икковимиз бир эр-хотин – Фил ва Дан билан яқин дўстмиз. Улар ҳаддан ташқари эҳсон берувчилардир. Улар Шоҳлик учун ўз даромадларининг қарийб 50 фоизини қурбонлик қиладилар. Яқинда улар бир хизмат учун 100.000 доллар қурбонлик қилишди.

Икки кундан сўнг улар яна бошқа бир хизмат учун яна 100.000 доллар эҳсон беришди. Менинг бу ҳақида билишимнинг сабаби, ўша иккинчи хизмат «Мессенжер Интернэшнл» эди.

Фил ўзининг тадбиркорлик ишини бир неча йиллар аввал бошлаган ва бу ўрта даражадаги – ҳали муваффақият қозонмаган иш бўлган. Бироқ 22 йил аввал Фил ва Дан Худого кейинги уч йил давомида бир хизмат учун 250.000 доллар қурбонлик қилишга ваъда берганлар. Бу умуман иложсиздек туюлган, бироқ улар Худонинг аралашувига имкон беришни хоҳлаганлар.

Филнинг корхонаси ривожлана бошлаган, лекин у ўз ишининг қанчалик яхши бораётганини англаб етмаган. Уч ойдан сўнг у ўз ҳисобида қўшимча 250.000 доллар йиғилганини тушунган. Улар Дан билан бирга ваъда қилинган маблағни уч йилга чўзмасдан, дарҳол қурбонлик қилишга қарор қилганлар. У менга деди:

- Жон, ўша пайдан бошлаб, бизнинг ҳаётимизда эҳсон беришнинг ақлга сиғмайдиган даражаси бошланди.

Улар ҳам Майк каби тўхтамасликка қарор қилишган. Улар бир жойда тўхтаб қолиш осон бўлсада, илгарига қараб ҳаракат қилишган ва уларнинг осмондаги ҳисоби уларнинг орзусига ҳам келмаган ҳажмда кўпайган. Бунинг сиз ва мен учун ҳам имкони бор! Павлус бизга алоҳида айтади:

«Бизнинг ичимизда Ўз куч-қудрати билан ҳаракат қилаётган Худо эса биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан кўра ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирдир» (Эфесликлар 3:20).

ОЛҒА СИЛЖИШ

Хизмат йиллари давомидаги харизмамизда ҳам, молиявий эҳсон беришимизда ҳам синалишимизни билиб олдим. Ҳаётингизда бирорта нашриёт сизнинг китобингизга қизиқиш билдирмайдиган пайтлар ҳам бўлиши ва бу кўп йилларга чўзилиши мумкин. Сиз тўхташ ҳақида ўйлашни бошлайсиз, чунки

сиз машаққатли иш қилгансиз, бироқ сизнинг китобингиз ҳеч қачон нашр этилмайдигандек ва сиз бирор нарсани ўзгартиришга қурбингиз етмайдигандек туюлади. Лекин сиз итоаткорлик билан давом этасиз. Ва тўсатдан олға силжиш келади.

Ёки сиз доим қурбонлик қиласиз, лекин тез тайёр бўладиган ҳосилларни кўрмайсиз ва сиз давом эттириш учун жуда кам пўлингиз қолгандек туюлади. Бироқ Худо сиз билан Майк каби гаплашадиган вақт келади ва бу ҳатто, имконсиздек туюлганда ҳам, сиз итоат қиласиз. Сиз олға силжишга эришасиз ва эҳсон беришнинг навбатдаги даражасига кирасиз.

Олға силжиш нима? «Dictionary.com» номли луғат веб-саҳифаси бу сўзни «тўсиқни ёки чекловни бартараф қилиш ёки енгиб ўтишга қаратилган ҳаракат ёки ҳодисадир» дейди. Қуйидагини тасаввур қилинг: тўғон сувни ушлаб турибди. Сув кўтарилишда давом этади, бироқ тўғон ҳали ҳам уни тўхтатиб туради. Қўққисдан тўғонда ёриқлар пайдо бўлади. Қисқа вақт ичида сув тўғонни ёриб ўтади. Тўсиқ олиб ташланади ва у илгари туша олмаган жойга қаршиликсиз оқади. Бу олға силжиш ҳисобланади.

Подшоҳ Довуд дейди: «Сув ёриб ўтганидек, Раббий менинг қўлим билан душманларимни синдирди» (Биринчи йилнома китоби 14:11). Кўтарилаётган сув – бу бизнинг ҳақиқатга доим итоат қилишимиз тимсолидир, тошқиндан сўнг қаршиликсиз оқадиган сув эса – бу унумдорлик ва мўл-кўллик тимсолидир.

Дўстларимиз Фил ва Даннинг воқеасига қайтар эканмиз, Филнинг оиласи биринчи 100.000 долларни қурбонлик қилишганда, уларда энг юқори кўрсаткичли ҳафта бўлганини ва ўша ҳафтанинг ичида улар 100.000 доллардан зиёд пул ишлаб топганларини айтиб берди. Олға силжиш мана шундай кўринишга эга. Уларда бошида бундай бўлмаган. Улар доим қурбонлик қилишган, бироқ бирданга бу қадар кўп ҳосил кўрмаганлар. Лекин кўп йиллик экишдан сўнг улар олға силжишни бошдан кечирган ва уларнинг оладиган ҳосили уларнинг экиши сингари тез-тез бўлади.

Бу пайғамбар Амос сўзларининг амалга ошишидир: «Шундай

пайт келадики, - дейди Раббий, - ҳосилни териб олишдан кўра буғдой ва узумнинг ўсиши тезроқ бўлади» (Амос 9:13). Эскироқ таржимада бу ҳақиқат жуда яхши тарзда очиб берилди:

«Мана шундай кунлар келмоқдаки, дейди Раббий, ер ағдарувчи ҳали ўраётганни, узумни топтаётган эса уруғ экувчини учратади, тоғлар ширин шароб томдирадилар ва барча тепаликлар эрий бошлайдилар» (Амос 9:13).

Ўраётганнинг ҳосили шу қадар кўп бўладики, уруғ экувчи уни иш устида учратади.

Ер ағдарувчи навбатдаги йил учун ишни бошлаган пайтда узумни топтаётганлар ҳали ҳам ўтган мавсумнинг узумини топтаётган бўладилар! Бу уларнинг иши натижасининг ажойиб тимсолидир. Ер ағдарувчи, ўраётганлар ва узумни топтаётганлар умумий мақсади – шаробни тайёрлашдир. Уларнинг ишлари натижаси ҳақида мана нима дейилган: «Шароб доим оқиб туради. У тўхтамайди, бундан буюн ҳосил бермайдиган вақтлар бўлмайди» (муаллифнинг сўзлари).

Айнан шу нарса содир бўлган пайтда бизнинг харизма ва молиявий эҳсон беришимизнинг мавриди келади. Бу Майк ҳамда Фил ва Данлар хизматида ҳам рўй берди. Бизнинг «Мессенжер Интернэшнл» хизматимиз биз кўп йиллар давомида эккан манбалар туфайли ўзгарган ҳаётлар ҳақида кўп сонли гувоҳликлар олади. Узум унинг ҳосилини териб олишдан кўра тезроқ ўсади!

Кўпчилик ўзларининг олға силжишига озгина қолганда таслим бўладилар. Улар қийинчиликлар ва қутилган натижаларнинг йўқлиги сабабли ҳолдан тоядилар. Лиза ва мен осонлик билан соғлом фикрга ва мантиққа мурожаат қилиб, Худо Руҳи овозига эътиборсизлик қилишимиз мумкин эди. Бизга зарур бўлган уйнинг олдиндан тўлови учун камида 5.000 доллар пул керак эди. Шаҳримиздаги кўплаб шинам кўп қаватли уйларда фақат ёши катта одамлар яшардилар ва улар болалар билан яшашга ноқулай эди. Биз шундай дейишимиз мумкин эди: «Аввал уй сотиб оламиз, сўнг эса жамоатнинг келгусидаги лойиҳаларидан

бири учун 1.000 доллар қурбонлик қиламиз». Бироқ у ҳолда биз Шоҳликка сармоя киритиш ва ўз бойлигимизни кўпайтириш имкониятини йўқотган бўлар эдик.


Бу воқеада шуниси ажойибки, олти ойдан сўнг мўъжизавий тарзда бизда шу 5.000 доллар пул пайдо бўлди. Лиза ўз отаси очган бир ҳисобдан пул олди. Биз бу ҳақида билмас эдик. Яна икки киши бизнинг муҳтожлигимиз ҳақида ҳеч нима билмаган ҳолда бизга 2.000 доллар беришди. Биз ўз уйимизга бир йил ўтмасдан кўчиб ўтдик. Бу мўъжиза эди. Бизнинг имонимиз ва сабримиз учун бу вазият «имконсиз» бўлиб туюлган пайтда, Унинг таъминотини олишимиз анча яхшироқ эди. Агар биз Муқаддас Рух эҳсон қилишимизга даъват этган ўша 1.000 долларни ушлаб қолганимизда, бу мўъжиза содир бўларди деб ўйламайман.

Бизнинг мавзумизнинг мазкур босқичида қўйидаги ҳақида огоҳлантириш мақсадга мувофиқ бўлади: Биз ўзимизга ишонган ҳолда ҳаракат қилмаслигимиз керак. Мен нимани назарда тутаяпман? Биз ўзимизнинг Катта Ҳамкоримиз, Муқаддас Рухнинг маслаҳатини излашимиз керак. У бизга дейди: «Мен – сени фойдали нарсаларга ўргатувчи ва сени юришинг керак бўлган йўлдан етакловчи Раббий сенинг Худойингман» (Ишаё 48:17). Таъсирчан виждонга (Муқаддас Рух қалбимизни ёритадиган жойга) эга бўлиш ва У бизга кўрсатаётган нарсага итоат қилиш ўта муҳимдир, чунки айнан У Худо Шоҳлигига киритган сармояларимиздан фойда олишимиз учун бизни етаклайди. Агар У бизнинг қалбларимизга шивирлаб айтмаганда, биз ўша 1.000 долларни бермаган бўлардик.

Баъзи одамлар Унинг маслаҳатига қулоқ солмайдилар. Бошқалар Унинг Маслаҳатини эшита олмайдилар, чунки улар жуда кўп марта «йўқ» деганлар ва уларнинг виждонлари таъсирчан бўлмай қолган. Агар сиз шундай одам бўлсангиз, тавба қилинг ва Унинг овозини менсимамай қўйганингиз учун Ундан кечирим сўранг. Сизнинг таъсирчанлигингиз дарҳол қайтади, чунки У тез кечиради! Лекин шундан сўнг Худонинг ниятларига қулоқ тутинг ва ақлингиз овози сизнинг фикрингизни ўзгартиришига йўл қўйманг.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Худо сизнинг қалбингизга одамларга нисбатан севгини жойлаштирган ва шунинг учун бизнинг ичимизда бериш ва хизмат қилиш истаги бор. Ҳозирги пайтда қандай қилиб сиз бошқаларга бераяпсиз ва хизмат қилаяпсиз? Сиз эҳсон бериш ва хизмат қилишда қандай ижодий қобилиятларга эгасиз?
2. Доно эҳсон берувчи қурбонликка нафақат севги ва хизмат инъоми сифатида, балки сармоя қилиш сифатида ҳам қарайди. Сиз ўзингизнинг эҳсонингиз ва хизматингиздан қандай сармоя фойдасини кутишингиз мумкин? Сиз эҳсон бериш ва хизмат қилишга сармоя қилиш сифатида қарай бошлаганингиздан сўнг қандай қилиб сизнинг уларга бўлган муносабатингиз ўзгарди?
3. Сиз ҳам харизмангиз ва ҳам молиявий эҳсон беришингизда синовдан ўтасиз. Бу синовлар давомида сизга ҳосил кечикаётгандек ва сизнинг меҳнатингиз самарасиздек туюладиган пайтлар бўлади. Сиз таслим бўлиш васвасасини ҳис қилганингизда, сизнинг жавобингиз қандай бўлиши керак? Сиз ўзингизни қандай қилиб руҳлантирасиз?



*«Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп
турли иноятини идора қилувчиси бўлиб,
қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга
хизмат қилинглар».*

– 1-Бутрус 4:10

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

Асосий деб аташ мумкин бўлган бу бобда мен самарали кўпайтиришнинг рағбатлантирувчи омили нима эканлиги ҳақида гапириб бераман. Самарадорлик ҳақида гапирганда мен абадий қоладиган кўпайишни назарда тутаяпман.

Рағбатлантирувчи омил – бу ҳаракат ёки ўзгаришга ундайдиган ёки улар учун қулай шароитлар яратадиган кучдир (менинг таърифим бир нечта луғатлардан олинган). Бизнинг ҳаммамиз инъомлар олганмиз, бироқ уларнинг катта кучи ҳаворий Бутрус айтган хизмат орқали ҳаракатга келтирилади: «Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглар». Хизмат рағбатлантирувчи омилдир, бироқ ҳақиқий хизмат доим севги билан рағбатлантирилади. Ҳаворий Павлус ёзади:

«Отамиз Худо ҳузурида сизларнинг имонингизнинг фаолиятини, севгингизнинг меҳнатини ва Раббимиз Исо Масихга боғланган умидингизнинг сабр-тоқатини тинимсиз эслаб турибмиз» (1-Фессалоникаликлар 1:3).

Ҳақиқий хизмат севги билан ёнаётган қалбдан чиқади. Бу ички мойиллик бўлиб, у азоб-уқубатлар, қийинчиликлар ёки ноқулай шароитлар сабабли ўзгармайди. Баъзан у сўзда, лекин кўпроқ амалда намоён бўлади.

КУРКА ГҶШТИНИ ЭҶСОН ҚИЛАЁТГАН АЁЛ

Биз битта воқеа мисолида хизматни муҳокама қиламиз. Мен сўзлаб бермоқчи бўлган эр-хотин ўзларининг исмларини номаълумлигича қолдиришни сўраган жуда яқин дўстларимиз бўлади. Мен уларнинг истакларини бажариб, ўйлаб топилган исмларни ишлатаяпман.

Райли ва Дейв Қўшма Штатлардаги энг катта шаҳарларнинг бирида, шаҳар четида яшайдилар. Улар қўшни кўп қаватли уйларда яшаганлари сабабли уларнинг учрашиб, кейин турмуш қуриши тақдирларига ёзилган бўлган.

Ўзларининг тўйдан сўнг Райли Мавлуд байрамида озиқ-овқат ва совғалар тарқатадиган кўп жамоатлар, уй-жойсизларга бошпана берувчи муассасалар ва бошқа хайрия ташкилотлари, нима учун Шукроналик куни қарийб ҳеч нима қилмасликлари ҳақида ўйлай бошлабди. У Шукроналик Куни – оилавий байрам бўлгани сабабли муҳим байрам эканига ишонган. Шукроналик куни дастурхон атрофида ўтказилади, бироқ кўп ёлғиз аёлларнинг, меҳнатга лаёқатсиз ва уй-жойсиз одамларнинг байрамона кечки овқат тайёрлаш учун маблағи бўлмади ва байрамни ўтказиш учун бошқаларга қўшила олмайдилар. У ошхоналар зарур бўлган ишни қилаётганлигига, бироқ уларда уйдаги байрам дастурхони оилага бериши мумкин бўлган яқинлик муҳити йўқлигига ишончи комил бўлган.

Райли: «Бизнинг ҳар биримиз маълум бир таъсирга эга бўлишимиз мумкин, бироқ биргаликда биз кўпроқ нарсага қодирмиз», деб айтган. У Худо Каломини ва икки кишининг ҳаракати бир кишининг ҳаракатига қараганда ўн баробар кўпроқ самара беришини билади (Қонунлар 32:30-оятга қаранг). Шу билан бирга у кўп имонлилар бирлашганда натижалар кўпайишидан яхши хабардор эди. Унинг қалбида яна бир ҳақиқат ёнади. Унга кўра ҳақиқий хизматкорлар гуруҳнинг аъзоси бўлишни истайдилар ва амалга оширилган меҳнатни ўзлаштириш ҳақида ўйламайдилар. Райлининг фикри кўпайишнинг бу муҳим

таркибий жиҳатларини ўзида мужассам қилади.

Шукроналик байрамининг биринчи кўни Райли ўзининг оиласи ва дўстларидан курка гўшти сотиб олиш учун пул тўплаган. Унинг фикрлаши кўпайтиришга қаратилган эди ва шунинг учун улар Дейв билан ҳар бир йиғилган доллар устига яна бир доллар қўшишга ваъда берганлар. Ўша йили Райли 11 та курка гўшти харид қилган ва уларни ўз машинасига жойлаштириб, ўз исмини айтмасдан тарқатган. Кейинги йил тарқатилган эҳсоннинг сони 31 тага кўпайган.

Учинчи йил у оиласи ва дўстларига ўз исмини айтмасликни сўраб уларнинг бошқаларга бу ғояни ўртоқлашишлари мумкинлигини айтган. Улар Райли айтгандек қилишган ва хайрли иш тез ривожлана бошлаган. Бешинчи йилга келиб, улар 500 та оилага курка гўшти совға қилишган ва ҳар бир курка гўшти билан бирга яна иккитадан сабзавотли консерва ва масаллиқ бера олишган.

Бу пайтга келиб, у Нажот Қўшини ташкилоти билан аноним хайр-эҳсон тарқатиш ҳақида шартнома тузган. Бу ҳайрия ташкилоти ижтимоий хизматлар билан алоқаларга эга бўлганлиги сабабли у ҳақиқатдан ҳам муҳтож одамларни излаш учун аризалар бериш жараёнини ташкил қила олган. Ёрдам учун танланган одамлар бошқа таъминот манбаига (озиқ-овқат талони, давлат дастурлари ва ҳақозолар) эга бўлмаганлар. Райли ва унинг гуруҳи Нажот Қўшини ҳудудида тарқатиш жойини ташкил қилишган.

Кўпчилик муҳтож одамлар зарур бўлган озиқ-овқатни олиш учун турли йўللاردан фойдаланишган. Улар тарқатиш жойига аравалар ёки саватлар билан келишган, ўз қўшнилари билан машиналарида ёки пиёда етиб келишган. Улар баъзан узоқ жойдан келиб, курка гўшти ва сабзавотларни олиб, машинадан ясалган уйларига, паркка ёки ўзлари яшайдиган бошқа очиқ жойларга қайтиб борганлар. Бир ўйсиз одам ташлаб юборилган фритюрница ва газ баллондан фойдаланиб, ўзи ва бошпанасиз дўстлари учун курка гўшти пиширишни ўрганиб олган экан.

Охирида тарқатиш иши шунчалик кенгайиб кетганки, уларга

янада кўпроқ одамлар билан ишлаш учун янги жой керак бўлган. Қўшни бўлган Ёшлар Масиҳий уюшмасида катта бўш ер майдони бўлган, бироқ бу уюшманинг Нажот Қўшини ташкилоти билан муносабатлари таранг бўлган. Мавжуд муҳтожлик бу иккита ташкилотнинг ўз келишмовчиликларини енгиб ўтишга мажбур қилган. Улар ўзаро ярашиб олганлар ва ўша пайтдан бошлаб улар ўз ҳудудларида Райли лойиҳаси ва бошқа лойиҳалар устида биргаликда ишлаб келмоқдалар.

Ҳар йили Райли ва Дейвнинг мақсади ўтган йилгидан кўра юқорироқ натижага эришиш бўлган. Улар ўз ҳудудларида Шукроналик кунда ҳеч ким кечки овқатсиз қолмайди деб қарор қилганлар. Совға олувчилар сонининг кўпайиб бориши билан, тарқатиш иши янада мураккаб ва чигал бўлиб бораверган. Айниқса, нархларнинг ошиб бориши ва баъзи дўстларнинг уларга ёрдам беришни тўхтатиши ёки жўнаб кетиши лойиҳа ишига таъсир қилган. Шундай бўлсада, бу эр-хотиннинг молиявий аҳволи яхшиланиб, улар тарқатиш ишидаги ривожланишни тўхтатиб қўйишни истамаганлар. Шунинг учун улар ҳар бир йиғилган бир долларга ўзларининг икки долларини қўшишга қарор қилганлар (изоҳ сифатида шуни айтиш керакки, ўша олти йил ичида уларнинг молиявий аҳволи яхшиланганининг ажабланидиган жойи йўқ. Худо уларнинг янада самарадор бўлишлари учун уларнинг эҳсон беришини кўпайтирган).

Райли шундай деб айтади: «Худо қандайдир йўллар билан бизни турли манбалар орқали маблағ билан таъминлаб турарди ва бизнинг умумий даромадимиз доим ўсиб борарди». Энг қизиғи шундаки, бошиданоқ бу эр-хотин давлат дастурларидан ёки шахсий ташкилотлардан бир сўм ҳам олмасликка қарор қилишган экан. Ҳамма маблағлар фақат оилалар, дўстлар ва дўстларнинг дўстларидан йиғилган экан.

Бу лойиҳада эҳсон олувчиларнинг сони тобора ортиб бораверган ва шу билан бирга янги муаммолар пайдо бўла бошлаган. Одамлар шу қадар кўп бўлганки, улар энди ҳамма курка гўшларни бир кун ичида тарқата олмаганлар. Райли ва Дейв тарқатиш учун яна бир

кунни қўшишга мажбур бўлганлар, бироқ бу жиддий тўсиқни: ҳамма курка гўштарини иккинчи кун тарқатиш учун кечаси қаерда сақлаш муаммосини вужудга келтирган. Райли астойдил равишда бу муаммога ечим ахтарган. Ярим кечаси улар ҳамма курка гўштарини сотиб оладиган озиқ-овқат дўконларининг катта тармоғи ўз юк машиналари-совутгичларидан фойдаланишни таклиф қилганлар. Натижада, энди улар пулни сақлашга эмас, балки озиқ-овқат харид қилишга сарфлашлари мумкин эди.

Энгиб ўтиш лозим бўлган бошқа тўсиқлар ва қийинчиликлар жуда кўп эди. Бу эр-хотиннинг имони ва қатъияти жуда мустаҳкамдир. Улар муаммоларга дуч келганларида, доим ибодат қилишган, Худога ёлворганлар, илҳом бағишловчи стратегик ғоялар олганлар ва ўзларига ёрдам бера олган кишилардан иноят топганлар.

Ҳозир уларнинг хизмати 26 ёшда ва мен шу мисраларни ёзаётган йилда улар 10.500 та оилани овқатлантирдилар (агар ҳар бир оилада тўрт киши бўлса, у ҳолда бу жами 42.000 кишини ташкил қилади). Улар ўзларининг ҳудудидаги ҳамма муҳтожларни ва қўшни иккита ҳудудда кўплаб муҳтожларни овқатлантирадилар (биз Қўшма Штатлардаги энг катта шаҳарлардан бири ҳақида гапирётганимизни эсланг). Бунинг учун улар бешта юк машинасини (15 метрлик тиркамага эга юк машинасини) курка гўшти билан ва учта юк машинасини сабзавот ва масаллиқ билан тўлдирадилар. Бу ишга 200 дан ортиқ кўнгиллилар жалб қилинган. Уларнинг кўпчилиги бир неча кун давомида дам олмасдан ишлайдилар. Уларнинг кўпчилиги Райлининг хизматида бошиданоқ иштирок этиб келганлар. Шуниси қизиқки, бу кўнгиллилардан кўпчилиги курка гўштини эҳсон қилаётган аёл кимлигини ҳали ҳам билмайдилар!

Кўпайтириш туфайли ўзгарган ҳаётлар ҳақидаги мўъжизалар, воқеалар ва гувоҳликларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Кўпчилик Исони қабул қилганлар, шу билан бирга Райлининг эри Дейв ва кўп одамлар имонга қайтиб келишган. Оилалар ярашганлар ва кўпчилик одамлар – давлат

ходимлари, озиқ-овқат дўконлари ишчилари, Нажот Қўшини ва Ёшлар Масихий уюшмаси ходимлари, кўнгиллилар ва маълум даражада бутун шаҳар руҳий илҳом олганлар.

Бир нечта қисқа воқеаларни гапириб беришимга ижозат беринг. Райлининг дўстларидан бири маҳаллий байкерлар клубида ғазначи бўлиб ишлайди. Ҳар йили у клуб аъзоларидан курка гўшти совға қиладиган аёл учун пул йиғишни сўрайди. Улар ким кўп қурбонлик қилиш бўйича мусобақа қиладилар. Ўтган йили Райли Шукрона кунидан сўнг байкерлар клуби келгуси Шукроналик куни учун ўзларининг қурбонлигини 3.000 долларга кўпайтиришлари ҳақида хабар олди.

Навбатдаги эҳсон тарқатишдан сўнг Райли гуруҳи қолган маблағларни бир маҳаллий жамоатга ҳадя қилишга қарор қилибди. Бу қурбонлик ўша жамоатнинг Райли лойиҳасидан фойдаланишига туртки бўлибди ва улар Шукроналик кунидан ва йилнинг қолган пайтларида ҳам камбағалларга ёрдам бериш дастурини бошлашларига илҳом бағишлабди.

Бошқа штатларга ўтказилган Нажот Қўшини гуруҳи аъзолари ҳам Райли лойиҳасига ўхшаш дастурларни бошлаганлар. Райлининг ҳудудига кўчирилган бошқа аъзолар эса унинг хизмати ҳақида билишга шошилганлар, чунки улар Нажот Қўшинининг бошқа хизматчиларидан Райли воқеаси ҳақида илгари эшитган экан.

Райли чўпон эмас ва бирорта жамоатда ишламайди. У тадбиркор аёл ҳам эмас ва катта уюшмага раҳбарлик қилмайди. У шунчаки турмуш ўртоқ, она ва жамоатнинг содиқ аъзоси бўлган масихийдир. У ўзининг кўпайтириш ишидан мамнун бўлаётган қудратли Худога хизмат қиладиганига кучли ишонади. Мен учун бу эр-хотиннинг дўсти бўлиш шарафдир.

АБАДИЙ КўПАЙТИРИШНИНГ УЛКАН НАМУНАСИ

Севги билан рағбатлантирилган хизмат кўпайтириш учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Худонинг Каломидан кўпайтириш ҳақида ажойиб ҳикояларни эсланг. Албатта, Инжилдаги кўпайтиришнинг энг ёрқин мисоли Исодир. У шундай дейди:

«Сизларнинг орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга хизматкор бўлсин. Сизларнинг орангизда ким биринчи бўлишни истаса, ҳаммага қул бўлсин. Чунки Инсон Ўғли ҳам Унга хизмат қилишлари учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш учун ва кўпларни қайта сотиб олиб, Ўзининг жонини бериш учун келган» (Марк 10:43-45).

Исо ҳақиқий улўғлик учун йўлни – Унга хизмат қилишларини эмас, балки У бошқаларга хизмат қилиш истагини кўрсатди. У Ўзининг буюк хизмат қонунини қўйидаги сўзлар билан таърифлагани ажабланарли эмас: «Ростини сизларга айтаман, агар буғдой уруғи ерга тушиб ўлмаса, у ўзи қолади. Агарда ўлса, кўп ҳосил келтиради» (Юҳанно 12:24). Яна биз экиш (ёки сармоя қилиш) ва ўриш ҳақида эшитамиз. Буғдой донини сармоя қилган киши кўп дон олгани каби Исонинг хизматдаги итоати Худога имон келтирган кўп ўғил ва қизларни берган. Бу ажойиб намунадир! У бизга қай тарзда самарали кўпайтиришни кўрсатиб, биз учун йўл очди ва талаб даражасини белгилаб берди. Исо бизга дейди:

«Сизлар мени “Устоз” ва “Ҳазрат” деб атайсизлар ва тўғри қиласизлар, чунки Мен худди Ўшаман. Демак, мен Устоз ва Ҳазрат бўла туриб, оёқларингизни ювган эканман, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз керак. Чунки Мен сизларга намуна кўрсатдим, токи Мен қилган ишларни сизлар ҳам қилинглар» (Юҳанно 13:13-15).

Мен етакчи ва муаллиф сифатида охириги сўзнинг муҳимлигини биламан. Бу ўқувчингизга, тингловчингизга, талабангизга, гуруҳингиз аъзосига, ишчингизга, фарзандингизга ва бошқа кишиларга қолдирадиган мурожаатингиз ёки хабарингиздир. Бу сизнинг ўқувчиларингиз олишини истаётган асосий фикрдир.

Исонинг ер юзидаги ҳаёти давомида Унинг охириги сўзи нимадан иборат бўлган? Бу Унинг хочга михланишидан аввал Ўз издошларининг оёқларини ювишидан иборат кўргазмали ваъзидир.

Мен сизларга тўғриси айтман. Ёш имонли бўлган пайтимда

кичик гуруҳда кимдир: «келинг, бир-биримизнинг оёғимизни ювайлик», деб таклиф қилса, ёқтирмас эдим. Мен бу маросимдан ўзимни олиб қочиш учун дарҳол бирор баҳона ўйлаб топардим, чунки эркалар оёғимга текканини ёмон кўраман!

Бир неча йиллар ўтгандан сўнг, оёқларни ювиш - бу кўпроқ руҳий маросим экани ва дўстларим бу маросимга риоя қилганини англаб, енгил тортаман. Мисол сифатида Мусонинг байроқ устига илон ясаб қўйганини (Чиқиш 21:8-9-оятларига қаранг) ва унга қараган ҳамма илон чақишидан тирик қолишини келтириш мумкин. Бу ажойиб ва қудратли мўъжиза эди. Бироқ кўп авлодлардан сўнг Исроил ўша мис илонни бутга айлантирган (Иккинчи Шоҳликлар китоби 18:4). Улар бу предмет дастлаб, кўп йиллар илгари Худонинг амрига итоат рамзи бўлганини тушуниш ўрнига, уни эътибор марказига ўрнатишган.

1980-йилларда Инжил ўрганиш бўйича гуруҳларимизда биз худди шундай йўлни танлаган эдик. Биз «оёқни ювиш»ни дастлабки маъносидан ташқари ҳолатда ишлатганмиз. Биз у ифодалаган рамздан кўра кўпроқ ҳаракатга эътибор қаратганмиз. Биринчи асрда асфалт йўллар бўлмаган, оёқда пиёда юриш ва ҳайвонлардан фойдаланиш ҳаракатланишнинг ягона воситаси ҳисобланган. Ўша пайтларда «Адидас», «Найк» каби спорт оёқ кийимлари бўлмаган. Одамлар шиппакларда, кўп ҳолларда эса умуман оёқ кийимсиз юрганлар. Шунинг учун уларнинг оёқлари ҳайвонларнинг нажаси, ахлат ва ҳақозо нарсаларга теккан. Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг ҳозирги ғарбий маданиятимиз билан ўша муҳитда уларнинг оёқлари қанчалик бадбўй ва ифлос бўлганини тасаввур қила олмаймиз.

Хизматкорлар ёки қуллар уйга кираётган ўз хўжайни, унинг оиласи ва меҳмонларнинг оёқларини ювишлари керак бўлган. Олий табақа аъзоларининг одатдаги ўйларида турли хил мажбуриятлар бўлган: отхоналарга қараш, овқат тайёрлаш, хонани тозалаш ва ҳоказолар. Оёқларни ювиш мажбурияти энг қўйи ўринда турган қулга юклатилган бўлган. Баъзи жойларда бундан ҳам ёмонроқ бўлган. Бу камситадиган мажбуриятни энг

қуйи ўринда бўлган чўриларга топширганлар. Чунки фақат улар шундай жирканчли ишга «лойиқ» ҳисобланганлар.

Қутлуғ кечликда шогирдлар анчагина катта бўлган уйда тўпланганлар. Бу ўйнинг алоҳида хонасида Исонинг ҳамма шогирдлари сиғиши мумкин бўлган. Бу шаҳардаги энг ҳашаматли уй бўлган бўлиши мумкин. Бир неча соат аввал бу ўйнинг хизматкори ҳар бир эркакнинг оёғини ювиб чиққан. Лекин улар учун қутилмаганда ўша кечаси Исо нафақат сув солинган қумғон ва сочиқни қўлига олади, балки Ўзининг Устоз сифатидаги рамзи бўлган ўстки кийимини ечади ва уларнинг оёқларини юва бошлайди. Улар нима содир бўлаётганини ва бу нима англиштини яхши тушунганлар. Мен шогирдлардан фарқли равишда, ўзим ўқиган университетда оёқларни ювиш маросими мени хижолатга соларди, чунки менинг оёқларим доим тоза бўларди. Мен Инжил дарсларига боришдан аввал ювиниб олардим. Мен: «Нима учун мен аранг танийдиган йигит менинг оёқларимни ювишга ҳаракат қилаяпти?», деб ўйлардим.

Агар сиз Исонинг сўзларини яна ўқиб кўрсангиз, улар сиз учун кўпроқ маънога эга бўлади. У шогирдларига ўчмас таассурот қолдирган бўлиб, бу таассурот улар ҳаётининг охиригача сақланиб қолиши керак эди. Бу Унинг охириги сўзи эди.

Қисқа қилиб айтганда, буюк бўлиш учун биз энг қуйидаги хизматкорнинг ўрнини ихтиёрий равишда эгаллашимиз керак. Айнан шунинг учун Исо: «Мен камтарин ҳамда бўйсунувчи юракка эгаман», деб айтган бўлиши мумкин (Матто 11:29).

Буни тушуниб етишим учун менга бир қанча вақт зарур бўлди. Мен имонга келганимнинг дастлабки йилларида бизнинг кўпчилигимиз одамларга хизматни аксинча тушунгандек туюлади. Бизнинг изҳор қилмаган ишончимиз қуйидагидан иборат эди: «Токи сен ваъз ва бошқаларга раҳбарлик қилмас экансан, сен муҳим ўринга эга эмассан». Одамларга хизмат - бу жамоатимизда қуйи мавқега эга имонлиларнинг қисмати дир ва агар биз етарли даражада тиришқоқлик билан ишласак, нуфузли одамларга айланишимиз мумкин, деб ҳисоблардик. Бизнинг

фикрлашимиз қанчалик нотўғри бўлган!

Мен имонда вояга етишим жараёнида Муқаддас Рухнинг сабри учун миннатдорман! У менинг фикрлашимни ўзгартирди, бироқ бунинг учун вақт зарур бўлди.

Мен илгари гапириб берганимдек, хизматимнинг дастлабки тўрт йили асосан чўпонимнинг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш билан банд бўлди. Бир куни мен навбатдаги топшириқни бажараётганимда, Худонинг Рухи менга шивирлади: «Ўғлим, агар Мен сенинг мартабангни оширсам, сен одамларга яна ҳам кўпроқ хизмат қилишинг керак бўлади. Агар сен ҳозир хато қилсанг, атиги тозалаш учун берилган кўйлакни бузиб қўясан. Жамоат хизматидаги хато эса алмаштириш мумкин бўлган кўйлак баҳосига эмас, балки Мен яхши кўрадиган одамларнинг ҳаёти баҳосига тушади». Унинг сўзлари менга жиддий таъсир қилди. У менга Худо Шоҳлигидаги юқори лавозимлар одамларга хизмат қилишда катта масъулиятни англантишини айтишдан ташқари, икир-чикирларда доим содиқ бўлиш кераклигини ҳам кўрсатди. Менга ҳақиқий бойлик – одамлар ишониб топширилган пайтда ҳам мен хизматкор бўлишда давом этишим керак эди.

РИВҚО

Фидокорона хизмат натижасидаги кўпайтиришга доир Эски Аҳднинг ёрқин мисолларидан бири Ривқодир. Келинг, унинг воқеасини қисқача кўриб чиқайлик.

Иброҳим ўзининг энг содиқ қулини ўз юртига, меросхўр ўғли Исоҳқ учун келин топишга юборди. Қул узоқ йўл учун ўнта туяни олиб, йўлга тушади.

Иброҳимнинг қули манзилга етиб келган пайтда қизлар сув олиш учун шаҳардан чиқиб қудуқ олдига келаётган эдилар. Иброҳимнинг қули: «Истагим шуки, мен: «Кўзангни тушир, мен сув ичай», деганимда, «Ичинг, мен туяларингизни ҳам суғораман», деб жавоб берадиган қиз қулинг Исоҳққа тайинланган келин бўлсин», деб дуо қилди (Ибтидо 24:14).

Қиз ўнта туянинг ҳаммасини суғориб бўлгунга қадар қул жим

туриб кузатди. Бу бир нечта оятларда Ривқо хизматининг кўп ажойиб хислатларини аниқлаймиз. Мен уларнинг ҳар бирини санаб ўтаман.

- Интилиш. Ривқо оёғини зўрға судраб босган эмас. У ҳаммасини тез бажарган ва ҳатто, қудуққа чошиб бориб келган. Секин ва қулай хизмат ҳақиқий ҳисобланмайди. Сиз хизмат қилаётган, бироқ «Мен бу ишларнинг ҳаммасидан чарчадим», деб ўйлаб, интилишсиз иш қилаётган одамларни бирор марта кўргансизми? Бу гап Ривқога ва ҳар қандай ҳақиқий хизматкорга тегишли эмас. Ҳақиқий хизматкорлар тайёргарликка ва кучга тўладирлар ва бу уларнинг ҳатти-ҳаракатидан кўриниб туради.
- Ортиғи билан қилинган иш. Хизматкорлар ортиғи билан ишлайдилар. Ривқо ўзидан сўрашганидан ташқари анча кўп ишни бажарди. Бизнинг кўпчилигимизда туя йўқлиги ва биз Яқин Шарқда яшамаганлигимиз сабабли Ривқонинг хизматини ғоят кучайтирган бу омилни ҳисобга олмаймиз. Узоқ йўлдан сўнг оддий туя 120 литрдан 150 литргача сув ичиши мумкин. Иброҳимнинг қулида ўнта туя бўлган! Келинг, ҳисоблаб кўрайлик: агар ҳар бир туя 120 литр сув ичса, у ҳолда Ривқо қудуқдан 1200 литр сув олиб келиши керак бўлган! Агар оддий кўзага 20 литр сув сиғса, у қудуққа 60 марта бориб келишига тўғри келган экан!

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўша пайтларда икки хилдаги қудуқлар бўлган. Улардан бири арқонни кўзага боғлашга ва уни юқоридан чуқурга туширишга имкон берган. Бошқа турдаги қудуқларда сувни олиш учун 20-30 қадам пастга тушишган. Ривқо қайси қудуқдан сув олганини биламизми? Албатта, у иккинчисидан олган, чунки кейинчалик қул Ривқонинг оиласига қиз нима қилганини айтиб бераётганда, у шундай дейди: «У қудуққа тушиб, сув тортди» (45-оят). У нафақат сувга тушган ва 60 марта 20 литр сув билан орқага қайтган, балки шу билан бирга ўртадаги масофани босиб ўтиш учун кўп қадам ташлашига тўғри келган. Ундан бу ишни қилишни сўрамасалар

ҳам, у буни ихтиёрий равишда бажарганини ёдингизда тутинг! Бизнинг кейинги бандимиз айнан шу хислат ҳақидадир.

- Кўнголчанлик. Муҳтожлик очиқ-ойдин кўриниб турганда, ҳақиқий хизматкор илтимосларни кутмайди. У дарҳол ишга киришади. Бутун хизматим давомида, одамлар ўзларига нима қилишни буюришларини доим кутсалар, улар ҳеч нима кўпайтирмасликлари менга аён бўлди. Доим биринчи бўлиб ҳаракат қиладиган одамлар кўпайтирадилар.
- Бағишланиш. Ривқонинг вазифаси қийин бўлсада, у тиришқоқлик билан хизмат қилган. Йиллар давомида мен битта қонуниятни пайқадим: вазифа қанчалик қийин бўлса, тайёргарлик шунчалик тез йўқолади. Инсоннинг табиати шунақа. Бироқ бизда Исо Масихнинг табиати бор. У ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган қаршилик ва қийинчиликлардан ўтаётганда ҳам ҳеч қачон таслим бўлмади. Исонинг табиати билан яшанг ва Ривқонинг мисолидан руҳланинг!
- Тугалланганлик. Ривқо иш битмагунга қадар тўхтамади. У таслим бўладиганлар хилидан бўлмаган. Агар сиз вазифангизнинг 99 фоизини бажарган бўлсангиз, бу уни тугатганингизни англамайди. Подшоҳ Шоул амалеқ ҳалқи билан шундай йўл тутди. У ўн минглаб одамларни қириб ташлаб, биттасини жонини сақлаб қолганда, Худо унинг уринишларини мукофотламади (Шомуилнинг биринчи китоби 15-бобга қаранг). Ривқо ўз меҳнати учун мукофот олишини билмай туриб, ҳамма ишни бажарди. Бу хизматкорнинг ҳақиқий белгисидир. Хизматкорлар мукофот учун меҳнат қилмайдилар, бироқ хизматнинг ўзига мукофот сифатида қарайдилар. Улар хизматдан оладиган хурсандчилик ва қаноатланиш ҳиссини яхши кўрадилар. Агар хизматнинг мукофоти бўлса, у ҳолда бу фақат қўшимча баракадир, лекин бу уларнинг мақсади эмас. Ривқонинг мукофоти жуда катта бўлган. У ўнта туяда ўзи учун ортилган қимматбаҳо нарсалар ва совғалар борлиги ва художўй одамга эрга тегиши ҳақида

билмаган. Бироқ буларнинг бирортаси ҳам муҳим мукофот эмас. Энг муҳими, у Худо Иброҳимга берган ваъданинг баракасига қўшилиб, абадий мукофотга сазовор бўлди. У кўп халқларнинг онасига айланди ва ҳамма халқлар у орқали марҳамат олди. Ривқо ҳаддан ташқари катта кўпайтиришга муваффақ бўлган.

БОШҚА МИСОЛЛАР

Муқаддас Китобда хизмат қилиш учун қалбдаги истакдан келиб чиқадиган абадий кўпайтиришга доир кўплаб мисоллар мавжуд. Мана булар сиз Муқаддас Китобни шахсий ўрганишингиз давомида ўқишингиз мумкин бўлган бир нечта ҳикоялардир.

Рут

Моаблик Рут Ривқога ўхшаб кетади. Унинг қайнанаси Наоми уч марта унга ўз юртига қайтиб кетишини буюрган, бироқ Рут рози бўлмасдан дейди:

«Сизни ташлаб кетишга ва сиздан қайтиб кетишга мени мажбур қилманг, лекин сиз қаерга борсангиз, мен ҳам ўша ерга бораман ва сиз қаерда яшасангиз, мен ҳам ўша ерда яшайман. Сизнинг халқингиз менинг халқим ва сизнинг Худойингиз менинг Худойим бўлади» (Рут 1:16).

Рут ва Ривқо керагидан ортиғи билан ишлашга, тиришқоқлик қилишга ва ҳатто, қийин бўлган пайтда ҳам содиқ қолишга тайёр бўлган. Эҳтимол, Рутнинг йўли Ривқоникига қараганда қийинроқ бўлгандир. Чунки у моаблик бўлгани сабабли бу шаҳар аҳолисининг ирқчилик ва миллатчилик муносабати натижасида қувғин қилинган. Бироқ у ўз қайнанасига астойдил хизмат қилиш учун ҳамма қийинчиликларга сабр-тоқат қилган.

Бунинг натижаси қандай бўлди? У кўплаб машҳур одамлар, шу жумладан, подшоҳ Довуд, подшоҳ Сулаймон ва Яҳудонинг ҳамма шоҳлари учун она томондан асосчига айланди. Энг муҳими, унинг

исми Исо шажарасига кирди. У ҳам Иброҳимга ваъда қилинган абадий кўпайиш аҳдига қўшилди.

Элиша

Элиша Элияҳ билан қолишга ва ҳатто, Элияҳ унинг кетишини уч марта айтган бўлса ҳам, у Элияҳга хизмат қилишга қатъий қарор қилди. Ҳатто бошқа пайғамбарлар унинг Элияҳга вақт сарфлаётгани сабабли унинг устидан бир неча марта кулган бўлсалар ҳам, Элиша хизматида қолди. Бу одамларнинг фикрлари мантиқан тўғридек кўринади. Улар тўлақонли пайғамбарларга айланган, мавқега эришган ва хизматда тажриба тўплаган. Элияҳнинг осмонга кўтарилишидан сўнг Элишанинг аҳволи нима кечди? У Элишага хизмат қилиб ва ўз хизматини қуриш имконидан айрилиб, ўз йилларини бекорга йўқотмадимми? Бошқа пайғамбарларнинг мантиқий фикри шундай эди, бироқ Элиша уларга қулоқ солмади. Бунинг ўрнига у ҳар сафар уларга қатъий қилиб: «Жим бўлинглар!» деди (Иккинчи шоҳликлар китоби 2). У уларнинг ўз хизматини тўхтатишига рухсат бермади ва ўз вазифасини бажарди.

Элишанинг муносабати Ривқо ва Рутнинг муносабатига ўхшайди. Бунинг натижаси қандай бўлди? У Элияҳга қараганда икки баробар кўпроқ мўъжиза яратди ва Элияҳ қила олмаган ишни – Йезебелнинг сулоласига барҳам берди. У кўпайтиришга муваффақ бўлди!

Геҳази

Геҳазида Элишанинг меҳнатини кўпайтириш имкони бор эди, бироқ у хизматкор қалбига эга эмасди. У тамагир ва очкўз одам эди ва шунинг учун самарали кўпайиштиришга муваффақ бўлмади (Иккинчи шоҳликлар китоби 5).

Х

Янги аҳдда бева аёлларнинг дастурхонига хизмат қилган одамларни кўрамиз. Улар бу мажбуриятга жиддий қараганлар. Улар ўз вазифасини муваффақиятли бажараётганига ишонч ҳосил

қилиш учун уларнинг бошига қўл қўйиб ибодат қилдилар. Бунинг натижаси таъсирли бўлди. Ҳаворийлар китобида шу ҳайратланарли сўзларни ўқиймиз:

«Шу орада, Худонинг Сўзи ўсиб борар ва шогирдларнинг сони Йерусалимда жуда кўпайиб борар эди. Рухонийлардан ҳам жуда кўпчилиги имонга бўйсундилар» (Ҳаворийлар 6:7).

Бунинг нимаси ҳайратланарли? Бу сўзларни овоз чиқариб айтинг: «жуда кўпайиб борар эди». Бу ҳақида ўйлаб кўринг! Бу сўзлар Бутруснинг Ҳосил байрами куни айтган ваъзи натижасида уч минг киши имонга келган пайтдан сўнг ишлатилмаган. У ерда «қўшилдилар» сўзи ишлатилган (Ҳаворийлар 2:41-оятга қаранг). Ҳар куни нажот топганларни таърифлаганда, биз «қўшар эди» сўзини учратамиз (Ҳаворийлар 2:47-оятга қаранг). Бироз вақтдан сўнг беш минг киши Исога имон келтирган пайтда бу сўзларни учратмаймиз (Ҳаворийлар 4:4-оятга қаранг).

«Кўпайтириш» сўзи Ҳаворийлар китобининг олтинчи бобигача, бутун жамоат Шоҳлик қурилиши учун ҳаракат қилган пайтга қадар ишлатилмаган.

Бугунги кунда Стен, Майк, Фил, Райли ва Дейв каби одамлар ўз хизматини топганида ва ўз инъомларини ишлатганида кўпайтириш содир бўлаяпти. Мана шу пайтда биз «буюк кўпайтириш» ҳақида эшитамиз.

ЭНГ МУҲИМ ҚИСМ

Сиз самарали кўпайтиришнинг энг муҳим қисми нима эканини энди тушунаяпсизми? Биз Худо Каломиди кўрганларимиздан келиб чиқиб, дўстларимиз Райли ва Дейв ҳақида яна бир марта ўйлаб кўринг. Бу эр-хотин илҳом бағишланган стратегияларни қўллаб ва самарали хизмат қилиб, аллақачон ўн минглаб одамларга таъсир кўрсатди. Улар Исонинг сўзларига кўра буюк бўлдилар. Бу ҳақиқат Стен, Майк, Фил ва Данларга ҳам

тегишлидир. Уларнинг ҳаммаси ҳақиқий хизматкорларнинг хислатларига эгадирлар.

Бироқ илтимос, шу муҳим сўзларга эътибор беринг: сиз худбин тарзда кўпайтиришингиз мумкин, бироқ сизнинг таъсиригиз абадий бўлмайди. Кўпайтираётган одамлар бор, бироқ шундай кун келадики, уларнинг ҳамма уринишлари куйиб кул бўлади, чунки уларнинг мақсади шахсий манфаатдан иборат. Бу Исонинг ўзига каттароқ оғибор қурган инсон ҳақидаги масалига ўхшайди. У мағрурлик билан ўзини табриклаб, дейди: «Эй, жоним, сенда анча йилларга етадиган кўп мол-мулк бор. Энди роҳатлангин, еб-ичгин, хурсандчилик қилгин». Бироқ бу ҳикоя яхшилик билан тугамайди ва унинг ҳамма ютуқлари бир зумда йўқолади.

Бу ваъзнинг мақсади сиз кўпайтириш учун имонга эга бўлишингиз ва ўзингиз учун бойлик тўплашингиз эмас. Унинг мақсади – бошқалар учун хизматга ўз ҳаётигизни бағишлашга даъват қилишдир. Исо биз шундай қилганимизда, имонлилар интиладиган ҳамма нарса қўшиб берилишини айтади (Матто 6:33). Мен буни ўзим бошдан кечирганим тўғриси биламан.

Биринчи жамотда бўлиб ўтган Лиза икковимизнинг ҳикоямизга қайтайлик. Биз ўша заҳарловчи муҳитда олти йил давомида бўлганимиз сабабли менда кўпайтириш ҳақида нотўғри тасаввурлар қолган. У ердан кетганимдан сўнг бир кун эрталаб ўз машинамда кетаётганимда, Муқаддас Рух билан ўзгартирувчи ва озод қилувчи учрашувни бошдан кечирдим. У: «Ўғлим, Мени баракалар олиш учун қидирма. Мен уларни ўзим сенга беришимга имкон бер», деди.

Мен дарҳол Матто 6:33 оят ҳақида эсладим: «Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади». Рухнинг сўзлари менга қаршимдаги нарсаларга тўғри қарашни ўргатди ва менда ҳали қолиб кетган худбин хислатларни йўқотишга ёрдам берди.

Мен Ундан жуда миннатдорман! Мен худбин ва очкўз бўлиш нима эканини биламан. Мен яна бахтсизлик, рўҳий зарба, Худонинг ҳузуридан узоқлашиш нима эканини ҳам биламан. Мен


Унинг йўлларида юришни ва Унинг қалбида биринчи навбатда Шоҳлик қуришга интилиш ётганини ўрганганимда, мен жуда катта хурсандчиликка, тинчликка ва ҳар кунлик ҳаётимда Унинг ҳузурига муяссар бўлдим!

Х

Энди биз қуйидагиларни сўрашимиз мумкин: агар биз ўз ишимиз ёки хизматимизнинг раҳбарлари бўлмасак, бироқ бирор кишининг гуруҳида хизмат қилаётган бўлсак, қандай қилиб қўпайтиришимиз мумкин? Келинг, бу саволга навбатдаги бобда жавоб берамиз ва хизматнинг улуғ афзалликларини кўрамиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Исо хизмат – бу ҳақиқий буюклик учун йўл эканини кўрсатди. Исо қандай қилиб хизмат намунасини кўрсатди? Унинг хизматининг натижалари қандай бўлган? Худонинг буюклик йўли бу дунёнинг йўлидан қандай фарқ қилади?
2. Ривқо воқеасини эсланг. Унинг хизмати қандай ажойиб хислатларга эга эди?
3. Сиз худбин йўл билан кўпайтиришингиз мумкин, бироқ сизнинг таъсирингиз абадий бўлмайди. Ютуққа эришиш учун хизмат қилиш билан эҳсон бериш учун хизмат қилишнинг бир-биридан фарқи нимада? Нима учун фидокорлик билан хизмат қилиш муҳим?



*«Шунинг учун сизлардан ўтиниб
сўрайман, менга тақлид қилинглр...
Ана шу мақсадда...».*

– 1-Коринфликлар 4:16-17

МЕНГА ТАҚЛИД ҚИЛИНГЛАР

Кўпайтиришга нима ҳалақит беришини ва ёрдам беришини муҳокама қилишга ўтишдан аввал биз ўйлаб кўришимиз лозим бўлган яна бир муҳим соҳа бор. Биз бошқа кишининг қўлида ишлаганимизда ва хизмат қилганимизда, қай тарзда кўпайтирамиз? Бу савол кўпчилик ўқувчиларга тегишлидир.

Буни муҳокама қилар эканмиз, мен хизматдаги мисоллардан фойдаланаман, бироқ бу қоидалар ҳозирги дунёнинг ҳар қандай соҳасидаги ҳар қандай вазифаларга қўлланилиши мумкин. Масалан, булар корпоратив, ишбилармонлик, савдо-сотиқ, таълим, тиббиёт, давлат, медиа, спорт, санъат ва ҳоказо соҳалари бўлиши мумкин.

Павлус шундай дейди: «Иш бошқарувчидан эса содиқ бўлиш талаб қилинади» (1-Коринфликлар 4:2). Биз Худо Каломиди кўрганимиздек, содиқликнинг асосий хусусиятларидан бири – бу кўпайтиришдир. Шу бобдаги бир нечта оятлардан сўнг Павлус оммавий кўпайтиришнинг муҳим таркибидан бирини кўрсатади. У шундай деб ёзади:

«Чунки сизларнинг Масихда минглаб устозларингиз бўлса ҳам, оталарингиз кўп эмас. Мен эса сизларни Хушхабар орқали Исо Масихда туғдим» (1-Коринфликлар 4:15).

Павлус Коринф жамоатининг отаси эди. Шу оятга кўра, бирортани имонга келтирган киши ота ҳисобланади. Бироқ ота ҳақидаги таъриф бир нечта бўлиши мумкин. Худонинг Каломида имонга келтириш ишига қўшилмаган киши кўпинча ота ҳисобланади.

Ўша ҳаворий Павлус галатия жамоатига мурожаат қилиб дейди: «Ўз наслимдаги тенгдошларимга қараганда, мен яҳудийликда муваффақият қозониб, оталаримнинг урф-одатларига ҳаддан зиёд рашкчи эдим» (Галатияликлар 1:14). Павлус бу оятда «оталар» сўзини ишлатгани учун бир кишини назарда тутмайди. Бу фикр илгариги оятда мустаҳкамланади: «Чунки сизларнинг ... оталарингиз кўп эмас». «Кўп» сўзи юнон тилида «кўп сонли» маъносини англатади ва бу бизнинг ҳаётда биттадан ортиқ «ота»га эга бўлишимиз мумкинлигини кўрсатади.

Павлус кўпинча Тимотийни ўз «ўғли» деб атайтиди. Бироқ у Тимотийни нажотга олиб келгани йўқ. Павлус «Дербе ва Листрага етиб борди. У ерда Тимотий исмли бир шогирд бор эди. Унинг онаси имон келтирган яҳудий, отаси эса юнон эди. Листра ва Икониумдаги биродарлар у ҳақида яхши гувоҳлик берган эдилар» (Ҳаворийлар 16:1-2). Бу оятларда Павлус Тимотийни учратганда, Тимотий аллақачон имонли киши бўлганлиги маълум бўлмоқда.

Агар биз Эски Аҳдга қарасак, Довуд ўзининг қаттиққўл ва шафқатсиз етакчисини «Отам» деб атайтиди (1-Шоҳлар 24:11), ва Элиша ўз етакчисини «Отам менинг» деб айтади (4-Шоҳлар 2:12). Элияҳ ўзини оталаридан яхшироқ эмаслигини айтади (3-Шоҳлар 19:4) ва ҳакозо.

Бу китобда мен оталик тушунчасини чуқур ўрганиш ниятим йўқ, лекин ким ота ролида бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқчиман. Ота – бу бошқарувчилик ва ғамхўрлик қиладиган ва шахснинг ёки ташкилотнинг ҳаётига маълум бир маданиятни киритадиган кишидир. Муҳокама мақсадида ота кўп ролларни – сиз ишлайдиган корхона бошлиғи, сизнинг бўлимингиз директори, чўпонингиз, кичик гурӯҳингизнинг етакчиси, сизнинг ҳаракатингизнинг раҳбари, ўқитувчингиз, мурабийингиз ёки сиз итоат қиладиган шифокорингиз ва ҳакозо вазифаларни бажариши

мумкинлигини таъкидлаш зарурдир. Албатта, аёл киши ҳам осонлик билан «ота» бўлиши мумкинлигини аллақачон тушунган бўлсангиз керак. Шунинг учун оталар ҳақида гапирганда, бу ролда аёлларни ҳам назарда тутаман.

ФАОЛИЯТНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИ

Павлус Коринф жамоати отаси сифатида уларга қуйидаги оятда насиҳат беради: «Шунинг учун сизлардан ўтиниб сўрайман, менга тақлид қилинглр» (1-Коринфликлар 4:16).

Кўп таржималарда бу оятнинг: «худди мен Масихга тақлид қилганим каби» деб айтилган давоми йўқ (у кейинроқ, 11-бобда у ҳақиқатдан ҳам шундай дейди). Бу оятда эса у уларга насиҳат берган: “Менга тақлид қилинглр”. Бунинг учун сабаб бор ва ҳозир биз буни кўриб чиқамиз:

«Ана шу мақсадда, мен Раббийга содиқ бўлган севимли ўғлим Тимотийни сизларнинг олдингизга юбордим, У эса ҳар ерда ва ҳар бир жамоатда таълим берганимдай, Масихдаги йўлларимни сизга эслатади» (1-Коринфликлар 4:17).

Унинг «Ана шу мақсадда» деб айтган биринчи сўзлари жуда муҳим. Павлус ўз ўқувчиларига ўзига тақлид қилиш вазифасини берди. У ваҳийда, усулларда, маданиятда ва ишончларда ҳеч қандай тушунмовчилик йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ўзининг содиқ ўғлини юборди. Содиқ ўғилнинг кўрсаткичи нима ҳисобланади? Содиқ ўғил ёки содиқ қиз ўз отаси йўлларини кўпайтиради! Тез орада мен буни батафсил тушунтираман, бироқ дастлаб қуйидаги ҳақида ўйлаб кўринг: Павлус Коринфдаги жамоатга Тимотий «сизларга Масихдаги ҳаворий Бутруснинг йўлларини эслатади», деб ёзмаган. Бутрус жамоатдаги ҳақиқий етакчи ҳисобланадими? Шубҳасиз, ҳа. У тақводор ва мойланган эдими? Ҳа, албатта. Унинг ёзилган иккита китоби Инжилдан ўрин олган! Бутрус Павлусга қараганда кўпроқ вақт давомида ҳаворий бўлганми? Яна тасдиқ жавобини берамиз.

Павлус Тимотийни «сизларга Масихдаги ҳаворий Ёқубнинг йўлларини эслатади», деб ёзмаган. Бутрус каби Ёқуб ҳам жамоатнинг ҳақиқий отаси бўлган, Павлусга қараганда кўпроқ вақт давомида ҳаворийлик қилган ва ишончли етакчи ҳисобланган. Унинг битта китоби Инжилга киритилган ва у Қуддусдаги жамоатнинг бош оқсоқоли бўлиб хизмат қилган.

Бутрус ёки Ёқубнинг фаолиятининг кўриниши Павлуснинг фаолиятининг кўринишидан фарқ қилганми? Ҳа. Бу Павлуснинг ёзганлари ва йўллари Бутрус ва Ёқубнинг ёзганлари ва йўлларини рад қилганини англатадими? Албатта, йўқ! Бироқ уларнинг йўллари руҳий отаси Павлус бўлган Коринф жамоати учун мувофиқ келмаган.

Павлус Коринф жамоатида ўз маданиятини ўрнатиш жараёнида бўлган. Унинг усуллари бошқа «оталар»нинг усулларидан фарқ қилган, бироқ уларнинг ҳаммаси Масихнинг асосий қоидалари ва таълимотларига содиқ бўлган. Уларнинг ҳар бири ҳамма халқларни ўргатиш учун ўз вазифаларини бажариш мақсадида риоя қилган ўз усуллари, йўллари ва ишончларига эга бўлганлар.

Биз кўпчилик имонлиларга маълум бўлмаган ҳақиқатни кўрамиз ва у ҳақида билимга эга бўлмаслик, кўпинча Масих танасидаги вайрон қилувчи бўлинишлар манбасига айланади. Бу ҳақиқат шундан иборатки, жамоатда фаолиятнинг турли кўринишлари мавжуд. Бошқа сўзлар билан айтганда, битта мақсад ҳисобланган, Шоҳликни кенгайтиришга эришишнинг турли йўллари бор.

Павлус Коринф жамоатида насихат қилади:

«Фаолиятлар ҳам ҳар хил, лекин ҳаммада ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган Худо ўша-ўшадир»
(1-Коринфликлар 12:6).

30 йил давомида сафардаги ваъзхонлик хизматида эканман, мен дунё миқёсидаги маданиятлар, усуллар ва ишончларнинг фарқини ўз кўзим билан кўрдим. Бироқ шунга қарамасдан, мен

ҳар бир жамоат муҳитида Исонинг ҳузурини ҳис қилдим.

Павлус жамоатларга насиҳат берар экан, кўпинча ҳарбий атамалардан фойдаланади. Булар шунчаки рамзлар эмас. Биз ҳақиқатдан ҳам бу ер юзида Худо қўшини аскарлари ҳисобланамиз. Мен жамоатлар ва хизматлар фаолиятининг турли кўринишларини кўрсатиш учун Павлуснинг мисолига эргашаман. АҚШ армияси турли қўшинлар кўринишидан ташкил топган. Бизнинг қуруқликдаги қўшинлар, денгиз флоти, авиация, денгиз пиёда аскарлари корпуси, соҳилларни қўриқлаш ва космик кучларимиз бор. Бу қўшинлар ўз мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун ҳаракатларнинг турли тартиби ва турли усулларига эга. Лекин уларнинг мақсади битта – мамлакатимизни ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдир.

Авиация билим юрти ўқувчиси (кадети) АҚШ авиациясининг амалдаги аъзоси сифатида махсус ўқитилади. Таълим пайтида ҳаво тактик операцияларига урғу берилади, чунки бу қўшинлар асосан ҳавода ҳаракат қилади. Агар тўсатдан бу ўқувчини (кадетни) флотга юборишса, у янги тайёргарликдан ўтиши керак бўлади. Албатта, иккала қўшинда ҳам бир-бирига мос келадиган кўплаб асосий усуллар мавжуд. Бироқ флотнинг ҳаракати денгизда амалга оширилгани учун, бу собиқ авиация аъзоси кўплаб турли янги жанг ҳаракатларига ва стратегияларига ўрганиши керак бўлади.

Худонинг Шоҳлиги худди шу тарзда ҳаракат қилади. Келинг, ўзимиз ўйлаб топган мисолларни келтирайлик. Сизнинг жамоатингизнинг катта чўпонларининг исми Жо ва Терри Андерсон деб тасаввур қилайлик. Улар ўзларининг етакчилари гуруҳи билан, Худонинг июнати ёрдамида 1.800 та жамоат аъзоларига эга жамоатни барпо этдилар. Бу жараёнда улар ўзларининг бошқаруви учун ноёб бўлган ўз йўлларини, яъни ўз усулларини ва маданиятини ўрнатганлар. Сизнинг жамоатингизнинг самараси кучли тарзда шаҳарингизга таъсир қилган. У маҳаллий ҳудудда ҳурматга сазовор бўлди, лекин шу билан унинг таъсири шу ерда тугади.

Энди бошқа шаҳарда жуда ҳам машҳур жамоат бор деб тасаввур қилайлик. У бутун дунёда машҳур ва жамоатга келадиганларнинг сони ўн мингдан ортиқдир. Бу жамоатдаги катта чўпонларнинг исмлари Кевин ва Марисса Смитлардир. Улар хизматда янги усуллардан фойдаланиб, йўналишларни аниқлаб оладилар ва бошқарадилар. Уларнинг иши сизнинг жамоатингизнинг ишига қараганда кўп сонли одамларга таъсир қилади. Сиз кимнинг йўлига эргашасиз? Смитлар йўлигами ёки чўпонларингиз, Андерсонлар йўлигами?

Сизда бу бутун дунёга машҳур етакчиларнинг йўлига эргашиш ва уларнинг усулларини қабул қилиш учун ўз етакчиларингизни ўз томонингизга оғдириш васвасаси бўлиши мумкин. Агар сиз бу васвасага берилсангиз, сиз Исо Масихнинг содиқ хизматкори эмассиз деб айтишим мумкин. Бунинг ўрнига сиз одамларни тарқоқлик, келишмовчилик ва ҳатто, бўлинишга бошлайсиз. Коринфликларга ўхшаб, сиз ўз етакчиларингизнинг усуллари ва маданиятини билишга ва бирлик учун уларга эргашишга интилишингиз керак. Ҳақиқат шундаки, сизнинг етакчиларингиз Смитлар эмас, балки Андерсонлардир.

Менинг дунё бўйлаб сафар қилган йилларим ичида Масихнинг танасига кўпроқ умумий нуқтаи назар билан қарар эканман, бу энг муҳим ҳақиқатни билмаслик сабабли содир бўлган фожиаларнинг гувоҳи бўлганман. Мен ўзлари вояга етган жамоатнинг маданиятидан фарқ қиладиган маданиятга эга етакчилар мактаблари ёки инжил мактабларига борадиган имонлиларни кўрганман. Кўпинча бу мактаблар ўз ҳудудида умумий масиҳий маданиятини ўрнатадиган катта жамоатлар билан боғлиқдир. Бу талабалар ҳам мактабда ва ҳам ҳафта охиридаги хизматда бу жамоатнинг фаолияти тарзини кўрадилар.

Улар ўқишни тамомлаб, кучли орзу билан уйларига қайтадилар ва ўз жамоатларининг маданиятини ва усулларини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Улар кўпроқ янги йўллар ўринли ва самарали деб ҳисоблаб, ҳақ бўлишлари мумкин. Агар улар буни ҳаддан ташқари қатъий талаб қилсалар, улар ўз

жамоатларининг умумий бутунлигига ва унинг бош вазифаси йўлида енгил тўсиққа айланишлари мумкин.

Агар талабаларнинг таклиф қилган усуллари жамоат томонидан қабул қилинмаса, улар учун қуйидаги чора энг яхши ечим ҳисобланади: Бу талабалар Худодан ибодатда, бошқа жамоатга бориши ёки ўз жамоатида қолиши ва ўз етакчисининг маданияти ва услубига чин қалбдан бўйсунушдан, қай бирини танлашини сўрашлари лозим.

Агар улар ўз жамоатидан кетсалар, бу жамоатга зиён етказмасдан буни амалга оширишлари керак. Одатда энг яхши ечим – бу улар ўз ҳудудидан узоққа жўнаб кетишларидир. Худо етакчи ўз танишларини илгариги жамоатидан олиб кетишни четлаб ўтиб, ҳаммасини қайтадан бошлай олишига имкон берадиган янги жойга олиб келиши мумкин.

СОДИҚ ЎҒИЛ

Энди ҳаворий Павлус Тимотийни «содиқ ўғил» деб атаган гапни муҳокама қилайлик. Илгари айтиб ўтилганидек, содиқ ўғил ўз отасининг йўлларини кўпайтиришга интилади. Эҳтимол, сизнинг етакчингизда бўлмаган инъомлар сизда бўлиши мумкин ва масала қуйидагидан иборат: сиз ўз инъомларингизни сизнинг етакчингизнинг қалбида бор бўлган ваҳий билан мувофиқликда кўпайтираяпсизми? Сизнинг кўпайтиришингизнинг асосий мақсадлари унинг ишончи ва маданияти билан мувофиқ келадими ёки унумсиз ва унинг ваҳийига зид бўлган фаолият кўринишини ўрнатиш учун сиз кураш олиб бораяпсизми? Сиз буни қандай амалга оширишингиз мумкин? Иккита усул билан. Биринчи усул – сизнинг етакчингизнинг натижаларини ошириш учун ўз инъомларингизни ишлатишга ҳаракат қилиш ва буни агар етакчингиз сизнинг ўрнингизга сиздаги ноёб инъомларга эга бўлганда, у қилиши мумкин бўлгандек бажариш. Бу сизнинг ўз инъомингизни бир четга суриб қўйиб, ўзингизни етакчингизнинг нусхасига айлантиришни аңлатмайди. Мен қуйидагини назарда тутаяпман.

Ўзингизни ёш чўпон сифатида тасаввур қилинг. Сиз агар

чўпонингизнинг якшанба кундаги хизматига тақлид қилсангиз, маҳаллий ёшларнинг эътиборини қозонмайсиз. Лекин агар сиз хизматингизни ёшлар эътиборини тортадиган тарзда мослаштирсангиз ва айна пайтда уни сизнинг отангизнинг қалбидаги ваҳий билан бирлаштирсангиз, доно йўл тутган бўласиз. Бундай натижага фақат чўпон билан мулоқот орқали эришилиши мумкин. Сизнинг стратегиялар ва усулларингизнинг очиқ муҳокамаси керак бўлади. Унинг жавобларига қулоқ солиб, унинг ваҳийи қанчалик сизнинг фаолиятингиз кўринишига мувофиқ келишини тушунишингиз керак.

Буни самарали қилиш учун, сизда очиқ ва самимий сўхбатлар бўлиши керак. Агар сиз «унинг сезмаслиги ва билмаслиги умиди билан» нимадир қилаётган вазиятга тушиб қолсангиз, у ҳолда билинги, сиз барбод қилувчи йўлда турибсиз. Агар сизнинг шубҳаларингиз бўлса, улар ҳақида чўпонга гапириб беринг. Сизни нима хавотирга солаётгани ҳақида аниқ гапиринг. Эҳтимол, ундан сизнинг хизматингизда иштирок этишини сўраб, доно йўл тутган бўласиз. Агар у сизнинг усулларингизни қабул қилмаса, сиз нима учун шундай йўл тутаётганингни унга тушунтиринг. Агар у барибир рози бўлмаса, унга маъқул бўлган режани дарҳол тузинг.

Бу қонидани қўллашнинг иккинчи йўли ўзини қайтадан тиклаш ҳисобланади. Сизнинг шаҳарда энг катта ёшлар хизмати борлигини тасаввур қилинг. Бу ажойиб: Худо сизнинг усулларингизни баракалайди ва сизнинг ҳаётингиздаги Унинг инъоми одамларни жалб қилади. Лекин сиз ўзингиз ўрганган донолик ва йўллارни бериш учун шундай инъомга эга одамларни топасизми? Сиз бир нечта потенциал ёш чўпонларни тайёрлаясизми? Агар бу саволларга тасдиқ жавоби берсангиз, у ҳолда сизнинг «отангиз» шаҳарнинг бошқа қисмида жамоатнинг янги хизматни бошлашини эълон қилганида, сизнинг аллақачон ҳаракат қилиш истагидаги ўқитилган одамларингиз бўлади. Кўп жамоатларни шаҳарнинг бошқа қисмида янги хизматларни ёки бошқа ҳудудда янги жамоатларни бошлай олмаслигининг сабабларидан бири катта чўпонга бўйсунувчилар ўзини қайтадан тикламайдилар.

Сиз яхши овоз оператори, видеомухаррири, болалар хизмати чўпони, сажда хизмати етакчиси, гитарист, ваъзхон, тартиб сақлаш хизматкори ёки жамоатда ҳар қандай штатлар лавозимида энг яхши хизматкор бўлишингиз мумкин. Лекин битта бунинг ўзи Шохликдаги ҳақиқий муваффақиятни таъминламайди. Ҳақиқий муҳимлик ўзини қайтадан тиклашда намоён бўлади. Ўзингиздан сўраб кўринг: «Ўзимникига ўхшаш инъомга эга одамларни топиш ҳақида ибодат қиляяпманми ёки уларни изляяпманми?» Бундай одамларни топиб, уларнинг инъомларини ривожлантиришга ва айна пайтда отангизнинг қалбида бўлган ваҳийни бериб, уларни ўз инъомларини ривожлантиришга ўргатаяпсизми?

Биз бошқа кишининг ваҳийига хизмат қилганимизда, содиқ бўлишинг иккита йўли шу ҳисобланади. Биз Исонинг қатъий: «Агар бировнинг нарсаида содиқ бўлмасангиз, ким сизларга ўз нарсаларингизни берар экан?» деб айтганини эслашимиз керак (Луқо 16:12).

Келинг, Исонинг содиқлик учун берган таърифидан фойдаланиб, Унинг сўзларини такрорлайлик: «Агар сиз бировнинг нарсасини кўпайтирмаган бўлсангиз, ким сизга ўз нарсаларингизни беради?» ёки «Агар сиз етакчингизнинг йўллари, маданияти, кучи ва бойликларини ҳамда энг муҳими, унинг қалбидаги ваҳийини кўпайтирмаган бўлсангиз, ким сизга сизникини беради?» Яна битта таърифни таклиф қилиш мумкин: «Агар сиз ўз масъулиятингизнинг соҳасини кенгайтириш учун бор кучингиз, ақлингиз, ғайратингиз ва қалбингизни бермаган бўлсангиз, ким сизга ўз хизматингизни беради?» Бу ҳақиқатнинг бундай таърифлари кишини сергак қилади.

Кўп сафарларим давомида мен учратган ҳамма муваффақиятли одамлар бошқа одамларга тегишли бўлган нарсада дастлаб содиқ эдилар. Мен уларнинг нимадан бошлаганликларини тез-тез сўраб турардим. Мен илгари отасига ёки оталарга тегишли бўлган нарсада содиқ бўлмаган, бироқ кейин ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли бўлган бирорта инсонни ҳеч қачон учратмадим.

МЕНИНГ БУЮК КУРАШИМ

Мен ёш хизматкор бўлган пайтимда, мен доим ўзимдаги ҳимоясизлик ҳисси билан курашардим, шу ҳис тўғайли мен машҳур ва муҳим киши бўлишга интилардим. Мен одамларга ва кўпроқ ўз-ўзимга, мен ўзига хос ғояларга эга етакчи эканимни исботлаш учун барча имкониятни ишга солардим. Ўша пайтдан бошлаб мен ҳимоясизликнинг шундай ҳисси билан курашаётган кўп етакчилар билан гаплашдим. Агар улар ўзларининг қалби даражасида бу ҳисни енгмасалар, кейинчалик бу уларнинг йиқилишига олиб келиши мумкин.

Мен катта шаҳарда, мамлакатимиздаги энг тез ўсаётган жамоатларнинг бирида ёш чўпон эдим ва бизнинг ёшлар гуруҳимиз шаҳаримиздаги юқори синф ўқувчиларининг ҳаммасини эътиборига эришиш мақсадида режа тўзди. Бу ўзига хос ва жуда яхши дастур эди. Бизнинг ёшлар хизматимизнинг келажаги бу бошланишнинг атрофида айланарди ва мен ёрдамчиларим билан бу дастур стратегиясини ривожлантириш учун саккиз ой сарфладим. Мен бизнинг ваҳийимиз ҳақида барча ёшлар хизмати билан ўртоқлашдим ва улар уни қабул қилдилар. Бироқ биз бу дастурни ишга туширишга яқин келганимизда, мен бу дастур чўпонимиз қалбидаги ваҳийга мувофиқ келмаслигини билдим. У менда бу дастурни ишга туширмасликни сўради. Мен у билан 20 дақиқа баҳслашдим, бироқ у ўз қарорида қатъий турди. Мен бошқа ҳеч нима ўйлаб топа олмадим ва ниҳоят ўз оғзимни ёпдим, лекин жуда қаттиқ жаҳлим чиққан эди. Саккиз ой давомидаги иш беҳудага айланганди, ажойиб дастурдан воз кечилди, лекин энг ёмони, бизнинг барча ваҳийимиз унинг атрофида қурилгани бўлди. Энди биз ҳаммасини бошидан бошлашимиз лозим эди. Мен қандай қилиб бу ҳақида бизнинг 24 та етакчига ва бутун ёшлар хизматига айтишим мумкин эди? Улар бу учун жуда кучли ҳаракат қилишган эди!

Мен руҳий тушкунликка тушиб, Лизанинг олдида юпанч олиш учун кетдим. У менинг режаларимнинг барбод бўлганини эшитиб, мулоимлик билан эътироз билдирди: «Жон, Худо сенга

қандайдир сабоқ бермоқчи, шекилли». Энди мен ўзимнинг чўпонимдан ва хотинимдан жаҳлим чиқа бошлади!

Мен Лизага бошқа гапирмадим, чунки менинг фикримга кўра у мени қўллаб-қувватламаган эди. Мен ўз режамни юқори синфдаги кўплаб адашган ўқувчиларнинг эътиборига эришиш учун ўйлаб топилган энг яхши режа деб ҳисоблардим. Менинг чўпоним ва менинг хотиним умуман кўр эдилар. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлардим! Мен ўзимни ёлғиз, хафа ва тасалли топмаган кишидек ҳис қилардим. Ҳатто бир дақиқага бу ёмон туш, мен тез орада уйғонаман ва яна ҳаммаси яхши бўлади деб ҳам ўйладим. Наҳотки бу ҳақиқатдан ҳам содир бўлиши мумкин эди?

Шу пайтда Худо менинг қалбимга жуда аниқ гапирди. У деди: «Ўғлим, биринчи навбатда мен сенинг ёшлар чўпони бўлиш пайтингни ҳукм қилганимда, сен Менга қанча одам олиб келганинг учун эмас, балки мен Сенинг устингдан қўйган кишига қанчалик содиқ бўлганинг учун ҳукм қиламан».

Бу сўзлар менинг ақлимни киритди, лекин Унинг кейинги сўзлари бундан ҳам кучли таъсирга эга эди. У менинг қалбимда қатъий деди: «Сен шаҳарингдаги ҳамма юқори синф ўқувчиларини Менинг олдимга олиб келишинг мумкин ва биргина ўз чўпонингга садоқатсизлигинг учун меҳнатингнинг ҳамма мақтовларини ва ҳамма мукофотларини йўқотишинг мумкин».

Тўсатдан мен муқаддас қўрқув қуршовида қалтирай бошладим. Мен дарҳол тавба қилдим ва кечирим сўрадим, сўнг ўз чўпонимга қўнғироқ қилдим ва ундан ҳам кечирим сўрадим. Мен телефонни қўйиб, ҳозир содир бўлган воқеалар ҳақида ўйлаётганимда, тўсатдан Худо менга ваҳий берди. Мен 24 та етакчи билан бирга оёғимни базўр босиб учрашувга келганимни кўрдим. Мен ғамгин ва хафа эдим ва мен овозимдаги нафрат билан эълон қилдим: «Йигитлар, биз бу дастур устида саккиз ой ишлаганимизни биласиз. Бу бизнинг ёшлар хизматининг ваҳийи эди. Бироқ бизнинг катта чўпон ҳозиргина бу дастурни бекор қилди. Биз қилган ҳамма иш барбод бўлди».

Мен уларнинг қандай нафрат билан бошларини туширганини,

баъзиларининг кўзлари ва оғизлари ишонмаганликдан катта очилганини кўрдим. Ҳамма ҳайрон бўлган ва жаҳли чиққан эди. Мен бу ваҳийда уларнинг ҳаммаси бизнинг катта чўпондан жаҳли чиққанини ва чўпоннинг ижодий фикрлашидаги камчилик сабабли, биз қурбон бўлдик деб ўйлаганини билдим.

Мен бир неча кундан сўнг ўз етакчиларим билан учрашувга келганимни эслайман. Муқаддас Рух менинг қалбимда ёнганидан сўнг менинг кўзларим чақнарди ва мендан хурсандчилик тараларди. Мен ҳаммага катта ғайрат билан эълон қилдим.

- Дўстлар, менда ажойиб янгилик бор! Бизнинг катта чўпонимиз Исмоилнинг туғилишига йўл қўймасдан, бизни қутқарди. У биз ишлаган дастур унинг жамоатни бошқариш йўналишига мос келмаслигини айтди, шунинг учун бу дастурни ёпамиз!

Ҳамма бирдан хурсанд бўлиб жавоб қайтардилар. Баъзилар жилмайдилар, баъзилар бир-бирининг қўлларига «чапак» солдилар, бошқалар эса овоз чиқариш билан маъқулладилар. Уларнинг ҳар бири менинг қалбимда нима борлигини тушунди, чунки ниҳоят мен чўпонимнинг қалбида нима борлигини тушунган эдим.

Бир йилдан сўнг мен яна бир катта дастур орқали синалдим. Бу дастур устида бир неча ой давомида ишлаган эдик. Бу сафар менинг чўпоним бу ҳақида билар эди ва у бизнинг йўналишга розилик билдирди. Бироқ биз аллақачон бу дастурни уч ой давомида бажараётган пайтимизда у ўз фикрини ўзгартирди. Яна бу бизнинг йўналишимизни кескин ўзгартирди ва у мендан кечирим сўради. Мен ўтган сафарга қараганда бунга бошқача муносабат билан жавоб бердим. Мен бу дастурни бекор қилдим. Мен чўпон билан баҳслашмадим ва унга ўз норозилигимни билдирмадим. Мен бу сафар у билан келиша олганимдан қаноатланиш ҳис этдим. Мен чўпоннинг эътирозига қарамасдан, бу дастурни давом эттириш ваколатига эга эдим.

Мен ўз етакчиларимга бу дастурни ўз ташаббусим билан бекор қилганимни айтдим. Худо бизнинг ёшлар хизматимизни кучли баракалади. У икки йил ичида уч баробарга ошди. Бу вақт давомида мен ёшлар чўпони эдим.

Мен бу синовлардан ўтмаганимда, мен ҳозирги жойда бўлмаслигимга ишончим комил. Муқаддас Руҳ менга ваҳий орқали кўрсатиб берганлиги учун бунинг ҳаммаси қандай тугадини айта олишим мумкин. Агар мен чўпонга итоат қилмаган тақдирда ҳам, пировардида ўша биринчи дастурни бекор қилган бўлардим. Мен буни шундай муносабат билан қилган бўлардимки, у тарқалиб, етакчиларимни заҳарлаган бўларди. Шундан сўнг мен жамоатни тарк этардим ва ҳаётимдаги инъомларим билан камгина одамларга таъсир қилган бўлардим. Бироқ биз ҳозир бошқараётган хизматни ҳеч қачон олмаган бўлардим. Биз бутун дунё бўйлаб миллионлаб килишларга ваъз қилмаган ва китоблар ёзмаган бўлардик. Нима учун? Бошқа кишининг нарсасига содиқлик қилмасдан, мен Худо берган топшириқни олмаган бўлардим.

Мен учун буни ўрганиш осон эмас эди. Ўз фикрини ҳимоя қилувчи етакчи сифатида мен ўзим яхши деб ҳисоблаган нарса учун курашишга тайёр эдим. Бироқ мен Худони натижалар эмас, кўпроқ менинг характерим ташвишлантиришини билиб олдим. У Лиза икковимизга бизнинг хизматимизни ишониб топширишдан аввал мустаҳкам пойдевор қўйишни истарди.

Азиз дўстим, сиз ҳам етакчисиз. Агар биз Унинг йўлидан борсак, Худо Ўзининг ҳамма фарзандларига етакчи бўлишига ваъда берган. Биз «дум эмас, бошмиз» ва «баландда бўламиз, пастда бўлмаймиз» (Қонуннинг такрорланиши 28:13). Илтимос, нишга қарши юрманг. Сиз ҳам Шоҳликнинг ишида олға силжишингиз учун мендан ўрганинг.

БИРЛИКНИНГ МУҲИМЛИГИ

Кўпайтириш учун бирлик зарур. Бу мавзуда Муқаддас Китобнинг энг ёритувчи оятларидан бири Ибтидо китобида берилган. Худосиз бир гуруҳ одамлар ўша давр одамлари учун қарийб имконсиз бўлган ишга – осмонгача кўтарилган бинони қуришга киришадилар. Лекин қудратли Худо нима деганини эшитинг.

«Шунда Раббий деди: Мана, ҳаммаси битта халқ, ҳаммаларининг тили ҳам бир. Улар буни қилишни бошладилар, ният қилган ишларини тамомлашдан уларни ҳеч нарса тўхтата олмайди» (Ибтидо 11:6).

Буни ким айтганини ёдингизда тутинг: Худонинг Ўзи! Унинг сўзларини эшитинг: «ният қилган ишларини тамомлашдан уларни ҳеч нарса тўхтата олмайди». Нима учун Худо шундай деди? Чунки улар «битта халқ» эди ва уларнинг «ягона тили» бор эди. Улар бир эдилар. Улар ҳамкорликда ҳаракат қилардилар.

Агар Худо бу гуноҳкор одамлар ҳақида шундай деган бўлса, У аҳдга қўшилган одамлар ҳақида нима дейди? Бу ҳақида кўпроқ гапирилади, чунки Унинг халқи бирлашган жойда «Эгамиз Ўз баракасини... беради» (Санолар 132:3). «Беради» сўзи «буюрди, йўналтирди, тайинлади» маъноларини ҳам англатади. Ҳаммаси тўлиқ тушунарли: бирлик баракани ҳамда кўпайтиришни жалб қилади.

Бу Янги Аҳддаги Худонинг фарзандларига бевосита тегишлидир. Биз қайта ва қайта бундай гапларга дуч келишимиз ажабланарли эмас:

«Унда менинг қувончимни мукамал қилинглар: бир хил фикрга ва худди ўша севгига эга бўлинглар, яқдил ҳамда ҳамфикр бўлинглар» (Филиппиликлар 2:2).

«Ниҳоят, биродарларим, қувонинглар, камолотга интилинглар, бир-бирингизни юпатинглар, ўзаро ҳамфикр, ва тинч-тотув бўлинглар, шунда севги ва тинчлик Худоси сизлар билан бирга бўлади» (2-Коринфликлар 13:11).

«Фақат Масихнинг Хушхабарига муносиб равишда ҳаёт кечиринглар. Токи Мен келиб сизларни кўрсам ҳам, ёки келмасам ҳам, сизларнинг бир руҳда турганингизни ва яқдиллик билан Хушхабарнинг имони учун курашаётганингизни эшитайин» (Филиппиликлар (1:27).

Биз бу жамоат оталарининг илтижосини эшитаяпмиз. Павлус «ҳамфикр бўлинглар», «ўзаро ҳамфикр» ва «бир руҳда» ибораларини ишлатади. У жамоатларнинг Худо ваъда қилган баракасини олиш имконига эга бўлишини истаган. У фақат шу вазиятдагина улар ҳамма соҳаларда ҳақиқий кўпайишни бошдан кечиришини билган.

Бирликда бўлганлар учун сақланаётган баракалар ҳақидаги ажойиб мисолларни ўқийлик. Исонинг содиқ издошлари Унинг болохонада қолиш ҳақидаги топшириғига қулоқ солдилар (Ҳаворийлар 1:4). Исо тирилганидан сўнг 40 кун давомида У камида 500 та эркаклар ва аёлларга кўринди (1-Коринфликлар 15:6), бироқ Унинг осмонга кўтарилганидан сўнг 10 кун ўтгач, Қуддусда атиги 120 та шогирд қолди. Қолганлар қаерда эдилар? Менинг фикримча, уларнинг 75 фоизи Исонинг сўзларига қулоқ солмаганлар. Уларнинг қаерда бўлганини биз билмасакда, Унинг истаги улар учун биринчи даражали бўлмаганини аниқ биламиз.

Болохонадаги эркаклар ва аёллар Худо Каломи ҳокимияти остида яқдил эдилар. Масала қуйидагидан иборат эди: Улар Исо қўйган ва ваколатни топширган жамоат отаси Бутрусга қандай муносабатда бўлдилар?

Хушхабарларда Бутрус таъсирчан бўлган ва Худонинг иродасидан четга чиққан. У Исонинг Масих, тирик Худонинг Ўғли эканини дадиллик билан айтганида, Исо уни бахтиёр деб атади. Бироқ бир оз вақтдан сўнг Исо «ўгирилиб, Бутрусга: Йўқол Менинг олдимдан, шайтон! Сен Мен учун васвасасан, чунки сен Худонинг нарсалари ҳақида эмас, балки инсоннинг нарсалари ҳақида ўйлаяпсан, деди» (Матто 16:23).

Яна бир вазиятда бошқа шогирдлар қараб турган пайтда Бутрус сув устида юрди. У яна етакчилик қилди. Бироқ кўп сониялар ўтмасдан у чўка бошлайди. Исо афсусланиб деди: «Эй, имони кам, нима учун шубҳаландинг?» (Матто 14:31).

Бошқа воқеада Бутрус Юҳанно ва Ёқуб билан бирга Исога тоғда ҳамроҳ бўлди. У ерда улар Исонинг юзи қўёшдек порлаганини ва ҳатто, Унинг либоси ўзгарганини гувоҳи

бўладилар. Мусо ва Элияҳ пайдо бўлдилар ва Исо билан гаплаша бошладилар. Қандай шараф! Бироқ Исо ва Унинг учта шоғирдлари тоғдан тушишларидан аввал Бутрус учта чайла қуриш кераклигини ва иккитасини Элияҳ ва Мусога аташни айтди. (Матто 17). У яна Худонинг режалари ва мақсадларини тушунмади.

Энди бунинг ҳаммасини инобатга олиб, Бутруснинг янги асос солинган жамоатнинг етакчиси сифатидаги қарорларидан бирини кўриб чиқайлик. Лекин аввал биз яна бир муҳим далил ҳақида эслашимиз керак: Бу пайтга келиб, Бутрус Масихни танимаслигини айтиб тонганига атиги бир неча кун ўтган эди. Бу далил, кўп имонлилар Бутруснинг етакчилигига эргашмаслик учун, айниқса, улар унинг йўналиши ва қарорлари билан рози бўлмаганларида яхши баҳона бўлиши мумкин эди.

Шундай қилиб, бу воқеани ўрганиб чиқишни бошлаймиз. Исонинг осмонга кўтарилганига атиги бир неча кун ўтган ва Бутрус Санолар китобида башоратли сўз топган. Бу башорат Яҳудонинг Исога хиёнат қилишига бевосита алоқадор эди. Бутрус уни болохонадаги кичик жамоага ўқиб берди: «Унинг мансабини бошқаси олсин» (Ҳаворийлар 1:20-21). Бутрус яна бошқалар кўра олмаган нарсани кўрди, лекин у бунга тўғри қўллаётганими?

Сиз ўқийдиган оятга жумбоқ сифатида қараш мумкин, бироқ ўзининг нуқтаи назарини асослаш учун Худо Каломидан етарли далил келтираман деб умид қиламан. Мен Бутрус навбатдаги қарорни қабул қилишда Худо иродасини яна қўлдан чиқарганига ишончим комил, чунки у «қуръа ташлаш» ва улардан қайси бирини Худо Яҳудо ўрнига танлашини кўриш учун ўзи билан бошида бирга бўлганларни тўплашни таклиф қилди.

Янги Аҳднинг бирор жойида Худо ҳаворийни лотереяга ўхшаш усул билан танлаганини кўрмайсиз! Исо Ўз мисоли билан уларга Худонинг йўлини кўрсатди: У тўни билан ибодат қилди ва 12 та ҳаворийни танлаб олишдан аввал Худодан эшитди (Луқо 6:12-13). Агар Бутрус Исонинг усули бўйича навбатдаги ҳаворийни танлашга ҳаракат қилганида эди, яхшироқ бўларди.

Атиги бир неча йил ўтгандан сўнг, Антиохия жамоати пайғамбарлари ва ўқитувчилари Исонинг мисолига эргашганини эсланг. Улар Барнабо ва Шоулни ҳаворийлик хизматига қўйиш учун рўза тутдилар ва ибодат қилдилар (Ҳаворийлар 13:1-4). Бу Бутруснинг шошилинич қарори хато бўлганини яна бир марта тасдиқлайди.

Болохонадаги 120 та одам орасидан иккита номзод топилди: Юсуф ва Маттиас. Маттиас бу лотерея танловида ютиб чиқди ва ҳаворийлар қаторига қўшилди (Ҳаворийлар 1:23-26), бироқ биз Маттиаснинг исмини янги Аҳдда бошқа учратмаймиз. Нима учун? Чунки кейинчалик Худо Каломи Яҳудонинг ўрнига Маттиас эмас, балки Павлус бўлганини кўрсатади. Шунинг учун Павлус ёзади:

«Кейин эса Масих Ёқубга ҳамда ҳамма ҳаворийларга зоҳир бўлди. Ҳаммадан кейин эса чала туғилганга ўхшаган менга зоҳир бўлди. Мен ҳаворийлардан энг кичиги бўлиб, ҳаворий деб аталишга ҳам лойиқ эмасман, чунки мен Худонинг жамоатини қувғин қилганман» (1-Коринфликлар 15:7-9).

Павлус ўзини чала туғилган деб атайди. Бошқа сўзлар билан айтганда у аниқроғи ўн иккитадан бири бўлиш учун жуда ёш бўлган. Мен бу масалани ўрганар эканман, Павлуснинг туғилган санаси ҳақида турли фикрларни топдим. Ҳар хил манбаларнинг ҳисоб-китоби 14 йил атрофида ўзгариб туради. Битта нарсага ишонч ҳосил қилиш мумкин: унинг туғилган йилини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун унинг ёши ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун Янги Аҳднинг вақт ўлчовидан фойдаланайлик.

Кўплаб тарихий манбаларга кўра Исонинг тирилишидан сўнг тўрт йил ўтгач Стефаннинг тошбўрон қилиниши содир бўлди. Демак, Исо Ўзининг биринчи шогирдларини бундан етти йил аввал танлаб олган. Стефанни тошбўрон қилишганда, Инжил Шуолни (Павлус) ёш йигит деб атайди (Ҳаворийлар 7:58). «Юнонча-инглизча луғат» «ёш йигит» сўзига «эндигина жинсий балоғатга етган киши» деган таъриф берилган. Шунинг учун агар юқоридаги етти йилни айириб олсак, Павлус биринчи шогирдлар

орасида энг ёши ҳисобланади.

Мен Худонинг танлагани Павлус бўлганига тўлиқ ишонаман. У Маттиасга қараганда ҳаворийликнинг ҳосили ва ҳокимиятига кўпроқ эга бўлган. Шундай экан, Бутрус етакчи сифатида Худонинг режасига мувофиқ келмайдиган кутилмаган қарор қабул қилган. Агар у ҳозирги жамоатда шундай йўл тутганда эди, жамоат учта гуруҳга бўлиниб кетарди: ҳаворийларнинг лотерея (қуръа ташлаш) тизими орқали сайлашга қарши бўлганлар; ҳаворийларга бошқа муҳтож бўлмаганлар ва ҳаворийларни лотерея тизими орқали сайлаш тарафдорлари. Бироқ бу воқеадан сўнг Инжилда ёзилган бу сўзларни эшитинг:

«Элликлик куни келганида, уларнинг ҳаммалари яқдиллик билан бирга эдилар» (Ҳаворийлар 2:1).

«Яқдиллик билан бирга» сўзи юнонча «һомотумадон» сўзидан олинган бўлиб, у «фикран яқдил, ҳамжиҳатлик билан, ҳамма биргаликда» маъноларини англатади. Бу таъриф фикрда ҳам, ишларда ҳам бўлинишга жой қолдирмайди. Улар мақсадда, фикрда, қалбда ва руҳда бир бўлганлар. Натижа қандай бўлган?

Худонинг Каломи ўша куни Худога уч минг киши қўшилди, деб айтади. Агар буни 120 га бўлсак, 25 рақами чиқади. Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Жамоат атиги битта хизмат ичида 25 баробар ўсди. Худо уларнинг бирлиги учун шундай барака берди! Бу руҳий қонундир.

Мен болохонада Бутрус каби йўл тутмайдиган имонлилар ҳам бўлганига ишонаман. Шубҳасиз, Исонинг мисолига эргашиш ва бундай қарор қабул қилишдан аввал маълум бир пайт давомида дастлаб Худони излаш яхшироқ бўлар эди.

Бунинг амалга оширишнинг яхши усули бор бўлсада, болохонадаги одамлар муҳим устунликни - ўз етакчиларининг стратегиясини қабул қилиб, бирликда қолишга қарор қилдилар. Ҳамма гўёки бу ўзининг ғоясидек ҳаракат қилди. Усуллардаги маъносиз ва арзимас келишмовчиликлар туфайли бизда кўпинча

бўлинишлар содир бўлади! (Яна бир муҳим ҳақиқатни қўшишга ижозат беринг: агар сизнинг етакчингиз Худонинг Каломига мувофиқ бўлган қарорни қабул қилганда, биз итоат этмасак, бу гуноҳ ҳисобланади. Бироқ кўп бўлинишлар гуноҳ сабабли эмас, балки усуллар сабабли юзага келади).

СУВ ОСТИ ОҚИМЛАРИ

Биз бўлинишлар сўзлар ва ҳаракатлар билан чекланмаслигини ёдимизда тутишимиз керак. Улар анча чуқурроқда – фикрларда, қалбда ва руҳда бўлади. Яна бир марта эсга олиш мақсадида, бирлик ҳақида ёзилган юқоридаги оятларни ўқиб чиқинг. Биз яқдил бўлиб кўринишимиз мумкин, бироқ ўз мақсадларимиз ва фикрларимизда бўлинган бўлишимиз мумкин.

Менинг онам Флорида штатидаги Веро Бичда яшайди. Бу шаҳарнинг шимолида, тахминан йигирма километр узоқликда Себастьян кўрфази номли жой бор. У ўзининг кучли сувости оқимлари билан машҳур. Сув ости оқими – оддий кўз учун кўринмас бўлган ҳодисадир. Океан юзасига қараганда сув пляж томонга уйғунлик билан бир йўналишда оқаётгандек кўринади. Бироқ сувнинг остида сув тезлик билан тескари томонга ҳаракатланади. Бу тескари оқим ўзининг қурбонларини ушлаб олиб, баъзан уларни нобуд қилиб, очиқ денгиз томонга тартади.

Жамоатларимизда, корхоналаримизда, мактабларимизда, ҳукуматимизда, спорт гуруҳларида ва клубларида кўпайтиришга вайрон қилувчи тарзда халақит берадиган «сувости оқимлари» мавжудми? Албатта, ҳа. Нима учун бундай содир бўлади? Балки бунинг сабаби биз Худо Шоҳлигини Шоҳлик фикрлаши билан эмас, демократик фикрлаш билан қуришга интилишимиздадир? Биз ҳақиқий Шоҳликнинг фуқароларимиз ва бизнинг Шоҳимиз етакчиларимизга берган ҳокимиятни инкор қила олмаймиз. Биз уларга чин қалбдан итоат қилганимизда Унинг баракаси намоён бўлади.

Биз ўзимиздан сўрашимиз керак: «Биз учун нима муҳим, ҳақ бўлиши ёки яқдил бўлиши?» Сиз 100 фоиз ҳақ бўлишингиз


мумкин, лекин айни пайтда 100 фоиз ноҳақ ҳам бўлишингиз мумкин. Агар Бутрус томонидан таклиф қилинган танлашнинг лотерея тизимини бекор қилишни ва уни рўза ва ибодат билан алмаштиришни (биз Инжилда кўрган намунага кўра) талаб қиладиган гуруҳ пайдо бўлганида эди, бу гуруҳ 100 фоиз ҳақ бўларди. Бироқ уларнинг бўлиниши сабабли Худонинг баракаси тўхтаб қоларди.

Агар ёдингизда бўлса, Ҳаворийлар китобидаги биринчи ғайритабиий кўпайиш оталар амалий топшириқлар бергандан сўнг содир бўлди. Бу топшириқ берилганда, биз шундай оятни ўқиймиз: «Бу гап тўпланганларнинг ҳаммасига маъқул бўлди» (Ҳаворийлар 6:5). Натижада нима содир бўлди? «Шогирдларнинг сони жуда кўпайиб борар эди» (Ҳаворийлар 6:7). Ҳамма жамоатлар бу стратегияни ўзиники каби қабул қилдилар. Одамлар эътироз билдиришлари мумкинлигига ишончим комил, бироқ улар бир ҳақиқатни аниқладилар: «Ҳақ бўлгандан кўра баракаланган бўлиш яхшироқдир». Шундай қилиб, улар бу усулни ўзларининг ғоялари каби қабул қилдилар.

Энди биз энг қийин саволни беришимиз керак: бизнинг орамиздан қанча одамлар, ҳукм тахтидаги Исо бизга маълум қиладиган далилларни эшитиб ҳайрон бўлади ва мияси гангиб қолади? У Ўз кўз ёшлари билан бизнинг бўлинишимиз Унинг баракасига қандай халақит берганини кўрсатадими? Шу сабабли абадийликнинг таъсирини қабул қилмаган одамларни кўраимизми ва кўпайтириш учун бой берилган имкониятларни англаб, У билан бирга йиғлаймизми? Бу ҳукм пайтида бизнинг орамиздан кўпчилик ҳақ бўлиш учун эмас, балки бирликка интилиш учун орқага қайтишни истаган бўлар эдими? Бироқ бу пайтда жуда кеч бўлади.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Ота – бу бошқарувчилик ва ғамхўрлик қиладиган ҳамда шахснинг ёки ташкилотнинг ҳаётига маълум бир маданиятни киритадиган кишидир. У кўп ролларни – сиз ишлайдиган корхона бошлиғи, сизнинг бўлимингиз директори, чўпонингиз, кичик гурўҳингизнинг етакчиси, сизнинг ҳаракатингизнинг раҳбари, ўқитувчингиз, мураббийингиз ёки сиз итоат қилаётган шифокорингиз ва ҳоказо вазифаларни эгаллаши мумкин. Сизнинг ҳаётингизда қандай «оталар» бор? Улар қандай тарзда сизнинг «оталарингиз» ҳисобланади?
2. Содиқ ўғил ёки қиз ўз отасининг йўлларини кўпайтиради. Нима учун ўз етакчиларингиз йўлларига тақлид қилишингиз керак? Қандай тарзда бу ваҳийларда, усулларда ва маданиятда ўзаро тафовутни четлаб ўтишга ёрдам беради?
3. Бошқага тегишли нарсани кўпайтириш ўзингизни қайта тиклашни талаб қилади. Сиз ўзингиз ўрганган донолик ва йўлларни етказиш учун ўзингизникига ўхшаш инъомларга эга одамларни топаяпсизми? Сиз бугун ўзингиз қилаётган нарсани қилиш учун бошқаларга ёрдам бераяпсизми? Агар ёрдам бермаётган бўлсангиз, у ҳолда сиз буни қандай бошлашингиз мумкин?



«Хўжайин, мен сени билар эдим. Сен экмаган жойдан ўриб, сочмаган жойдан йиғадиган қаттиққўл одамсан. Шунинг учун мен қўрқиб, сенинг талантингни ерга яшириб қўйдим».

— Матто 25:24-25

КЎПАЙИШ УЧУН ТЎСИҚЛАР I

Энди биз Исонинг ҳикматидаги дангаса идора қилувчининг мақсадлари ва фикрлари ҳақида гаплашамиз. Нима учун бошқа иккита идора қилувчилар кўпайтирди, у эса бор-йўғи сақлаб қолди. Нима учун биринчи ва иккинчи идора қилувчи «яҳши ва содиқ» деб номландилар, у эса «ёвуз ва дангаса» деб номланди?

Бошладан аввал, келинг, навбатдаги ҳақиқатни муҳокама қилайлик: инсон Исонинг ҳузурида турганида, ёлғон гапира олмайди. Буни оддий мисол ёрдамида изоҳлашимга ижозат беринг. Сиз бирор марта сирли фактларни фош этиш учун жосусни сўроқ қилиш жараёнида «ҳақиқат зардоби» билан укол қиладиган жосуслар ҳақидаги фильмни кўрганмисиз? Ушбу жосус ёки икки каррали айғоқчи сир тутишга қасам ичган нарсаларни фош қилади ва ҳақиқат маълум бўлади.

Мен ўз ҳаётимдан яна бир мисол келтираман. Никоҳимизнинг илк йилларида мен етук масиҳий эмас эдим ва ўзимни ҳимоя қилиш ҳисси билан курашардим. Лиза менинг хулқ-атворим нотўғрилигига то ишора қилмагунича, уларни тўғри деб ўйлаган пайтларим бўлган. Сўхбатлашаётганимизда, мен ўзимнинг ҳаракатларим ва мақсадларимни қатъийлик билан ҳимоя қилардим. Кўпинча мен айтган ҳар бир сўзимни мардларча

химоя қилардим! Кейинроқ, мен ибодатда ва Худонинг ҳузурида бўлганимда, рафиқам ҳақ эканини тушунардим. Мен Лизанинг олдига қайтиб келиб, ўз айбимни тан олардим.

Мен ёлғон, ноинсофлик, айёрлик ва иккиюзламачилик Худонинг шоҳона ҳузурида мавжуд бўла олмаслигини кўрсатиш учун бу ҳақиқат ҳақида эслатиб ўтдим. Исо:

«Очилмай қоладиган ҳеч бир яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч бир сирли нарса йўқ. Шунинг учун сизлар қоронғилиқда айтган ҳамма нарса ёруғликда эшитилади, берк уй ичида қулоққа шивирлаган нарса эса томлар узра эълон қилинади!», деган (Луқо 12:2-3, NLT).

Исо бу ерда суд ҳақида гапиряпти, судда ёлғон ҳақида ўйлаш ёки гапиришнинг имкони бўлмайди, чунки муҳит ҳақиқат билан тўйинган бўлади ва ҳеч ким ёлғон ёки чалғитадиган сўзни айта олмайди. Бизнинг идора қилувчилар ҳақидаги ҳикматимиз суднинг рамзи бўлганининг ўзи, қуйидагилар ҳақида айтади: дангаса идора қилувчининг жавоби тўғри бўлганига амин бўлишимиз мумкин. У ўзини фош қилди ва унинг сўзлари уни айблади.

У нима сабабдан абадийлик учун кўпайтирмаганининг иккита асосий сабаби мавжуд:

- У ўз хўжайинининг феъл-атворини билмаган.
- У қўрққан.

Ушбу сабаблар тўғри тартибда тақдим этилган. Иккинчиси кўпинча биринчисидан келиб чиқади, лекин ҳар доим ҳам эмас, чунки Худонинг феъл-атворини билмаслик осонликча қўрқувни юзага келтиради. Биз иккала янглиш фикр ҳақида гапиришни давом эттирганимизда, бу яққол кўринади.

«МЕН НИМАГА ИШОНАМАН»

Келинг, биринчи янглиш фикрни муҳокама қилайлик. Бир воқеадан бошлаймиз. Мен анжуманда иштирок этиш учун

эндигина Гаваяга учиб келган эдим. Меҳмонхонадаги хонамни тайёрлашларини кутиб, мен ҳали ҳануз йўл кийимида, бассейн бўйидаги соябон остида дам олишга қарор қилдим. У ерга бошқа анжуманга келган бир ишбилармон аёл ҳам кутиб турган эди. Биз суҳбатлашишни бошладик ва у менинг масиҳий муаллиф ва хизматкор эканимни билганидан сўнг, ўзининг Худо билан муносабатлари.

Худони билмаслигини тушуниш учун бир-икки дақиқа кифоя эди. У нимага ишонишини аминлик билан тасдиқлар, лекин бу Худонинг Сўзи билан деярли мос келмас эди. У ўз фикрларини изоҳлар экан, мен Муқаддас Рухдан донолик сўрадим ва У менга нима дейишим кераклигини кўрсатди.

У ўз фикрини тугатганидан кейин мен шундай дедим:

- Сиз бассейннинг нариги томонида ўтирган ана у кишини кўряпсизми?

- Ҳа, - деб жавоб берди у.

- У ҳақида сизга гапириб беришимга ижозат беринг, - дедим мен. – У қатъиян гўшт истеъмол қилмайдиган одам; у ҳайвондан пиширилган ҳеч қандай овқат, ҳатто асал емайди. У АҚШ сузувчиларининг Олимпияда гуруҳи таркибида бўлишни истайди. У ҳар куни уч соат машқ қилади. Унинг севимли машғулоти – бадминтон, теннис, парашют билан сакраш ва рассомчиликдир.

У жакузини ёнида турган аёлга уйланган ва рафиқаси ундан ўн ёш кичик.

Бу аёл қизиқиб қолди, лекин шу билан бирга мен мавзунини шунчалик кескин равишда ўзгартирганим учун ҳижолатда эди. У эндигина ўзининг Худо ҳақидаги чуқур фикрлари билан бўлишган ва бунга жавобан мен бассейннинг нариги томонида ўтирган киши ҳақида гапириб бераётган эдим. У қизиқиб сўради:

- У сиз борадиган анжуманга қатнайдими?

- Йўқ.

- Унда сиз уни қаердан танийсиз?

- Мен у билан таниш эмасман.

У ҳижолатда ва ташвишланган ҳолда, мен у ҳақида қаердан шунчалик кўп нарсани билишимни сўради. Бу шундайми йўқми билмайман, лекин унинг нигоҳига қараганда, у мени марказий қидирув бошқармасининг ёки тергов қилиш федерал бюросининг жосуси, махфий агенти ёки хотинбоз деб ўйлаган бўлса керак. Унинг қизиқиши ҳаддан ортиқ эди.

Мен танаффус қилиб, кейин унга шундай дедим:

- Мен унинг шунақа эканига ишонаман.

У ҳайратдан донг қотиб қолди.

- Сиз ҳозиргина шунчалик аминлик билан Худо ҳақида нимага ишонишингиз тўғрисида гапирдингиз, - давом эттирдим мен. – Лекин сиз У ҳақида айтганларингизни деярли ҳаммаси, нотўғри. Мен бу ҳақида биламан, чунки мен Уни биламан.

Мен бурилиб, тўғри унинг кўзларига қарадим ва шундай дедим:

- Мен таниш бўлмаган бу одам ҳақида гапирганларим, сиз Худо ҳақида гапириб берганларингиздан ҳеч ҳам фарқ қилмайди. Мен бассейннинг нариги томонида ўтирган бу эркак ҳақида нимага ишонсам шуни гапириб бердим ва бу жуда ишонарли янгради. Лекин, ҳойнаҳой, айтганларимнинг аксарияти нотўғри ва сабаби шундаки, мен уни билиб олиш учун ҳеч қачон вақт ажратмаганман.

У мени тингларди, лекин биров ҳайратда қолгандек туюларди.

- Худо Муқаддас Китобнинг саҳифаларида Уни намоён қиладиган Ўз Сўзини берди, - дедим мен сокин овоз билан. – Шунингдек, У бизга Исони намоён қилиш учун Ўз Рўҳини ҳам юборди, У ўз навбатида бизга Қудратли Худони очади, чунки У – танада келган Худодир.

Мен яна танаффус қилдим ва мулойимлик билан сўрадим:

- Сиз ўз онгингизда аслида мавжуд бўлмаган, ўйлаб топилган Худони яратган бўлишингиз мумкин, деб ўйлайсизми?

Афсуски, у ё Худони билмаслигини тан олишга тайёр эмас эди, ёки Худо билан ҳақиқий учрашувдан қўрқарди. Биз яна бир неча

дақиқа суҳбатлашдик ва тез орада хайрлашдик.

Эҳтимол, сиз бу воқеани ўқиб, жилмаяётгандирсиз, чунки: «Мен Худони биламан. Мен жамоатга бораман ва Муқаддас Китобни ўқийман», деб ўйлайсиз. Лекин, бизлардан бирор киши бу фикрдан ҳаддан зиёд енгил тортишдан аввал, биз фарзийларнинг аҳволи ҳақида эслашимиз лозим. Улар бирорта ҳам хизматни ўтказиб юбормаган, доим ибодат қилган ва рўза тутган, шунингдек, Муқаддас Китобнинг биринчи бешта китобини ёддан билган (мен аниқ бундай муваффақиятларга эришганим йўқ!). Бироқ, танада келган Худони – уларнинг рўпарасида турган Исони таний олмадилар.

ХУДОНИ ТАНИБ БИЛИШ

Ким Худони таниб билиш имтиёзини қўлга киритади? Ҳар бир киши бу нарсага таклиф қилинган, лекин бунинг учун аниқ мезонлар мавжуд. Агар биз қалбимизнинг тубидан Унга ўз ҳаётимизни бутунлай беришга қарор қилсак, ҳақиқий мулоқот учун эшик очиқ бўлади. Бу қарор сохта эмас, балки шунга мос ҳаракатлар билан ҳамроҳ бўлиши керак. Исо шундай дейди: «Агар сен Мен учун ўз жонингни берсанг, уни сақлаб қоласан» (Матто 16:25, NLT). У «жонингни сақлаб қоласан», деганида нимани назарда тутяпти? Ҳаммаси оддий: ҳақиқий ҳаётни, фақатгина Худони таниб-билишда топиш мумин.

Биз жамоатга қатнаб, атрофимизни масиҳий дўстлар билан ўраб олиб, китобларни ўқиб, сажда мусиқаларини тинглаб, «тавба ибодатини» қайтариб ва ҳатто, қандайдир бошқа ишларни қилиб, Худони таниб билолмаймиз. Муқаддас Китобда Исо кўпинча Кув, биз эса – Унинг келини деб аталганмиз. Келин ва кув бирлашганларида, икки киши битта танага айланади. Павлус бу ҳақиқат: «Масиҳ ва жамоат битта эканининг намунасидир», деб ёзган (Эфесликларга 5:32). Уни билиш нимани англатишини кўрсатиш учун, Худо бизга инсоният орасида энг кўп учрайдиган ҳодиса кўринишидаги намунали мисоллар билан яққол кўрсатилган воизликни берди. Биз ҳар кунни никоҳнинг муқаддас бирлашувида У

билан муносабатларнинг яққол намунасини кўришимиз мумкин.

Аёл киши тўйи кўни жамоатдаги йўлакда оқ кўйлакда юраётган пайтда, жуда аҳамиятли ҳақиқатни эълон қилади. У бу дунёдаги тахминан 3.930.000.000 та эркалар билан хайрлашади! Уни минбар олдида кутаётган эркакка ўзининг юрагини, жонини, танасини ва ҳаётини тўлиқлигича топширади. Қизиги шундаки, унинг қарори ҳақиқий «тавбанинг» рамзи ҳисобланади. У бу ер юзидаги бошқа ҳар қандай эркакка турмушга чиқиш имкониятидан воз кечади. Куёв ва унинг танлангани аҳдга киришадилар: эркак тўлиқлигича аёлга, аёл эса эркакка тегишли бўлади. Бу икковлон бир-бирлари билан янада яқинроқ муносабатлар қуриш ва бошқа ҳар қандай кишидан кўра, бир-бирини янада яхшироқ билиш имконини яратадиган йўлга тушадилар.

Ҳозир эса қарама-қарши бўлиб туюладиган бир нарсани айтмоқчиман, лекин мени тингланг! Шахсан мен, Худони таниб-билиш учун ўзимиз яратган энг катта тўсиқлардан бири – бу «тавба ибодати» эканига ишонаман. Одатда биз қўйидагича иш тутамиз: истеъмолчига бирор-хил молни қандай реклама қилсак, Худо билан муносабатларни деярли худди шундай тарзда сотамиз. Воизлик ёки суҳбатдан кейин, биз: «Сиз Худони билишни истайсизми? Сиз ўз Яратувчингиз билан мулоқот қилишни хоҳлайсизми? Унда сиз шунчаки: «Исо, менинг ҳаётимга кел. Мен ўз гуноҳларим учун тавба қиламан. Мен Сени Нажоткорим сифатида қабул қиламан. Мени кечираётганинг ва Худонинг фарзандига айлантираётганинг учун раҳмат», деб ибодат қилишингиз керак», деймиз.

Биз шу заҳоти ўша ерда бўлганларнинг ҳаммасига тавба ҳақидаги қувончли хабарни эълон қиламиз, энди тавба қилганлар Худо билан умрбод хавфсизликда бўлишлари учун қувонамиз ва уларни йиғинларимизга келишга таклиф қиламиз. Бироқ биз уларга тавба ҳақида, бир умрга худбинона ҳаётдан воз кечиш ва Унга ўз ҳаётимизни бағишлаш ҳақида ҳеч нарсани айтмадик. Шунга қарамай, Исо айтган тўлиқ баёнотни тингланг:

«Агар ким Менинг ортимдан юришни истаса, ўзидан воз кечсин ва ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин. Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, уни топади» (Матто 16:24-25).

Исо бу оятларда назарда тутиб айтганидек, биз У билан фақат ҳақиқий муносабатларга киришиб, Худони ҳақиқатан ҳам таниб билишимиз мумкин. Худони таниб-билиш бир марталик ҳодиса эмас; бу ўзингиз учун яхши деб ўйлаган нарсага эмас, балки Унинг йўлларига бўйсунуш учун қатъий қарор қилишдир. Бу биз ҳар куни ва ҳар дақиқада қабул қиладиган қарордир. Агар Унинг Сўзи қандайдир муаммони яққол кўрсатаётган бўлса, биз баҳслашмаймиз ва бўйсунушдан бош тортишга уринмаймиз. Исонинг ортидан юриш, сиз юрагингизнинг тубида Уни ҳақоратлайдиган ҳамма нарсадан воз кечиш ва ҳар доим Унга хизмат қилишга қарор қилганингизни англади.

Хаворий Ёқуб: «Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар», деб ёзган (Ёқуб 1:22). Худонинг Сўзини тинглайдиган, лекин фикрида, сўзларида ва ҳаракатларида бунга нисбатан жавоб қайтармайдиган одам, аллақачон ўз-ўзини алдаган ҳисобланади. «Passion» таржимаси бунга «ўз-ўзини алдаш» деб атаган, менинг фикримча, бу Исонинг ҳикматидаги учинчи идора қилувчини, фарзийларни, Гаваядаги бассейн бўйидаги ўша аёл ва мен учратган бошқа кўпчиликни яққол тасвирлаган, улар жамоатга қатнаётгани ва Муқаддас Ёзувни изоҳлаётгани учун Худо билан муносабатлари бор, деб бутунлай ишонадилар, лекин улар ҳар доим Унинг Сўзига зид равишда гапирадилар ва яшайдилар. Афсуски, улар адашганлар. Бу ўз-ўзини алдашдир.

Битта муҳим фикрни айтишимга ижозат беринг. Лиза бизнинг турмушимизда кўп хато қилганини айтади (мен анча кўпроқ хато қилганман, аммо мен ҳозир келин ҳақида гапиряпман!), лекин у ҳеч қачон никоҳдаги аҳдимиз ҳисобига ўз истакларини амалга оширишга интилмаган. Унинг ҳатти-ҳаракатлари мукамал

эмас эди, лекин унинг юраги ҳеч қачон қатъий содиқликдан узоқлашмаган.

Шунга ўхшаб, Худо билан муносабатларимизда, биз баъзан итоатсизликка йўл қўйсақ, У кечиради. Буни эр ва хотиндан, қайсидир хато қилганида, ўз аҳдини бузмаганига қиёслаш мумкин. Яратувчимиз билан муносабатлар – бу мос келмайдиган ишларсиз қуруқ сўзлар эмас, балки юракдан чиқадиган ҳақиқий содиқликдир.

Исо ҳайратда қолдирадиган гапни айтган: «Ким Унинг иродасини бажаришни истаса, у ... билиб олади» (Юҳанно 7:17). Ҳамма нарса шунчаки тинглаш эмас, балки юрагимизнинг тубидан Сўз бўйича иш тутишни истаганимизда, борлигимизнинг ичида бошланади. Биз У айтаётганларнинг ҳаммасини бажарамиз ва ўшанда биз билиб оламиз. Биз Худони ва Унинг Сўзини билиб оламиз ва тушунамиз. «Passion» таржимаси Юҳанно 7-боб 17-оятни ажойиб тарзда очиб беради: «Биринчидан, Худонинг иродасини бажаришга интилинг ва шунда Менинг таълимотим Худонинг юрагидан чиқаяптими, йўқми, ажарата оласиз».

Талантлар ҳақидаги масалда идора қилувчиларнинг учови ҳам хўжайини жўнаб кетишидан аввал бир хил топшириқни эшитди. Иккитаси унинг топшириғини бажарди, биттаси эса ҳеч нарса қилмади. Айнан учинчи идора қилувчи ўз хўжайинини билмагани, тасодиф эмас. Айнан у унинг топшириғини муҳим эмас деб ҳисоблади. У ўз-ўзини алдади.

МУҚАДДАС ҚўРҚУВ

Шу пайтгача юритган муҳокамамизни Муқаддас Ёзувдаги битта иборага боғлаш мумкин: «Раббийнинг қўрқуви». Бу дунёдаги, айниқса ҳозирги вақтдаги қўрқувларнинг кўплиги сабабли, биз бу иборадан фойдаланишни истамаймиз. Бироқ, икки хил қўрқув мавжуд ва улар бутунлай бир-бирига зид. Биринчиси – бу «қўрқув руҳи» ва иккинчиси – «Раббийнинг қўрқуви». Худонинг Сўзи уларнинг ўртасидаги фарқни кўрсатади. Мусо Худонинг халқига, улар Худонинг ҳузуридан воз кечганларидан сўнг шу заҳоти шундай

деди:

”Қўрқманглар; Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун Ундан қўрқиш сизларнинг юзингиз қаршисида бўлиши учун келди”. Шундай қилиб, халқ узоқ масофада тураверди. Мусо эса Худо турган қуюқ зулматга кирди» (Чиқиш 20:20-21).

Бир қарашдан Мусо ўз сўзига қарши чиққандек туюлади. Ойдинлаштириш учун унинг сўзларини бошқача ифодалашимга ижозат беринг: «Қўрқманглар, чунки Худо сизнинг ҳаётингизда Унинг қўрқуви бор ёки йўқлигини кўриш учун келди». Унинг сўзларида қарама-қаршиликлар йўқ. У «Худодан қўрқиш» тушунчасини «Раббийнинг қўрқуви» тушунчасидан ажратаяпти, чунки бу ҳар хил нарсалардир. Худодан қўрқадиган одамнинг яширадиган нарсаси бўлади. Одам Ато Худога қарши гуноҳ қилганидан кейин Унинг ҳузуридан яширинганини эсланг. (Ибтидо 3-боб 8-оятга қаранг). Лекин юрагида Худонинг қўрқуви бўлган одам ҳеч нарсани яширмайди. Аслида, у Ундан узоқда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан қўрқади.

Бошиданоқ қуйидагиларни айтишимга ижозат беринг: Раббийнинг қўрқуви Худодан қўрқишни англатмайди. Биз қўрқадиган шахс билан қандай қилиб яқин мулоқотга эга бўлишимиз мумкин? Биз аввал айтганимиздек, ҳақиқий муқаддас қўрқув – бу Худодан узоқда бўлишдан қўрқишдир. Сиз Унинг ҳузури, ғамхўрлиги ва севгисидан бошқа яна бирор жойда бўлишни истамайсиз. Қандай вазиятлар бўлмасин ва ҳаммаси қанчалик зулмат бўлиб туюлмасин, сиз барқарор бўласиз. Сиз Унинг ёнида бўлишдан кўра, афзалроқ жой йўқлигини биласиз. Ва сизнинг муносабатингиз Унга итоатли эканингиздан кўриниб туради.

Худонинг қўрқувига эга бўлиш Уни бирор киши ёки бирор нарсадан кўра кўпроқ эъозлаш, ҳурмат-иззат ва эҳтиром кўрсатишни англатади. Бу Уни жуда қадрлаш ва Унинг юрагидаги истакларни ўзимизникидан кўра анча азизроқ ва қадрлироқ деб ҳисоблашни англатади. Биз У нимани севса, шунини севаимиз ва У

нимадан нафратланса, шундан нафратланамиз. У учун муҳим бўлган нарса, биз учун муҳим бўлади; У учун унчалик муҳим бўлмаган нарса, биз учун ҳам унчалик муҳим бўлмайди.

Бундай муносабат бизни У билан яқин бўлишга таклиф қилинганлар орасига қўяди. Биз исроилликларнинг Худого бўлган севгиси шартли бўлганини кўрамиз. Вазиятлар қулай бўлган пайтда, улар Худого сажда қилар, итоат этар ва севар эдилар. Вазиятлар ноқулай бўлганида, улар нолирдилар. Улар Худого сўзсиз таянмадилар; бунинг ўрнига улар ўз-ўзини ҳимоя қилишга интилдилар. Ўз ҳаётини сақлаб қолишни истаб, улар Исонинг Хушxabардаги сўзларига зид равишда иш тутдилар: улар У билан ҳақиқий муносабатларнинг шарафли имтиёзини қолдирдилар. Мусо Худодан қўрққан, улар эса - йўқ.

Уларнинг мақсади шунга яраша намоён бўлди: халқ узоқда турарди, Мусо эса Худонинг ҳузурига яқинлашарди. Улар ўзлари учун энг яхши бўлган нарсани кўрмай яшадилар. Улардан фарқли улароқ, Мусо бунга яққол кўрарди. Мусо Худони – Унинг Сўзини, йўлларини ва донолигини биларди. Исроилликлар эса фақатгина Худо уларнинг ибодатларига жавоб бергани бўйича, Уни биларди.

Агар биз маъносиз туюлса ҳам, ҳатто бизда кўринарли фойда бўлмаса ва бу бизнинг фаровонлигимизга зарар келтирадигандек туюлса ҳам, шу заҳоти Унга итоат этсак, Худонинг қўрқувида яшаётган бўламиз. Биз Унинг феъл-атворини биламиз ва шунинг учун ҳам биз аминмиз. Ҳатто, агар нимадир ҳалокатлидек туюлса ҳам, Худого итоат қилиб, биз ҳеч қачон мағлуб бўлмаймиз.

Ва охириги, Худонинг қўрқувида юриш, биз Унга охиригача итоатли бўлганимизда намоён бўлади. Иброҳим Худо унга у учун энг муҳим бўлганини – у 25 йил кутган ўғлини бағишлаш топшириғини берганида, айнан шундай иш тутди. У ҳаммадан ҳам кўпроқ севган кишисини ва унда бор бўлган ҳар нарсадан устун бўлган – ўз ўғли Исҳоқни бериши керак эди. У эрта тонгда турди ва Худонинг илтимосини бажариш учун уч кунлик йўлни босиб ўтди. Худо Ўз топшириғини умуман изоҳламади. Бу қурбонлик Иброҳим нима учун яшаган бўлса, буларнинг ҳаммасини барбод

қиладигандек туюларди. Бу қурбонлик унга зарар етказадигандек туюларди. Лекин у Худонинг феъл-атворига сўзсиз таянарди (бу дангаса идора қилувчи иш тутганининг бутунлай тескариси).

Иброҳим Исҳоқни ўлдириш учун пичоқни кўтариши билан, Раббийнинг фаириштаси тантанали равишда: «Болага қўл теккизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки Мен энди сенинг Худодан қўрқингани билдим ва сен ўзининг ягона ўғлингни Мендан аямадинг», деб уни тўхтатди (Ибтидо 22:12). Бундай севги, таянч ва имон Худодан ҳақиқатан ҳам қўрқадиганларнинг юрагида яшайди.

«Раббидан қўрқиб – билимнинг бошидир», деб ёзилган (Ҳикматлар 1:7). Бу оятда қандай билим ҳақида гап кетяпти? Биз бир нечта оятлардан кейин бунга жавоб топамиз, лекин келинг, бу жавобга етаклайдиган оятларни ҳам кўриб чиқамиз. Биз Унинг Сўзини ҳамма нарсадан устун қўйганимизда, умуман олганда, Иброҳимдек йўл тутиб, шундай билимга эга бўламиз.

«Ўғлим, агар Менинг сўзларимни қабул қилсанг ва амрларимни ўзингда сақласанг, агар доноликка қулоқ тутсанг ва юрагингни мулоҳаза қилишга йўналтирсанг, агар билимни чорласанг ва ақлни чақирсанг, агар уни қумушдек изласанг ва хазинадек қидирсанг, шунда Раббидан қўрқингани англайсан ва Худо ҳақида билим топасан» (Ҳикматлар 2:1-5).

Жавоб етарли даражада аниқ; Раббидан қўрқиб Худони билишнинг бошланиши ҳисобланади. Бугун биз буни бошқача тарзда изоҳлаган бўлар эдик. Биз: «Сен Раббидан қўрқиб нима эканини тушунасан ва Худони яқиндан биласан», деган бўлар эдик. Энди биз дангаса идора қилувчининг асосий хатосини тушунишимиз мумкин. Унда муқаддас қўрқув бўлмаган, бу унинг ҳаракатсизлиги ва охириги жавобидан кўриниб турибди. Исроил халқи Худога золимга қарагандек қараган ва бу идора қилувчи ҳам ўзининг хўжайини ҳақида худди шундай ўйлаган. У ўз хўжайинининг феъл-атворига нисбатан кўр бўлган.

Муқаддас қўрқув – Худони билишнинг бошланғич нуқтасидир. Сано кўйлаган шахс буни тасдиқлаб, шундай деган: «Раббий –

Ундан қўрқадиганларнинг дўстидир» (Забур 24:14).

Бизлардан кўпчилигимиз, кино юлдузларига, спортсменларга ёки жамоат арбобларига бўлган севгимиз ҳақида гапиргандек, Исони «севамиз» деймиз. 2020-йилнинг бошида, таниқли баскетболчи Коби Брайант ва унинг қизи Жианна вертолёт фожиали тарзда қулашидан ҳалок бўлганларида, бутун мамлакат қайғурган ва кўплар йиғлаган эди. Одамлар Лос-Анжелесдаги «Стейплз Марказига», у баскетбол ўйнаган жойга жуда кўп ҳаво шарлари, варақалар ва гулларни олиб келган эдилар. Мен ҳам бу фожа ҳақида қайғурган ва бу ҳақида кўп ўйлаган эдим.

Лекин биз, қайғурганлардан кўпчилигимиз Кобини, унинг рафиқаси, оиласи ва яқин дўстлари билгани каби билмас эдик. Агар у бизни кўчада кўрганида, у бизнинг кимлигимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмас эди. Мен ҳеч қачон у билан вақт ўтказмаганман, лекин унинг ўлими мени, худди мен уни танигандек ғамга ботирди. Агар Коби тирик бўлганида бизни танимагани каби, кўплаб эркак ва аёллар жамоатга қатнаши, У ҳақида ижтимоий тармоқларда гапиргани, У ҳақидаги мусиқани тинглагани, Унинг номи учун маълум бир ишларни бажаргани ва ҳатто, Уни ўзларининг Раббийси деб эътироф этгани учун, Исони таниймиз деб айтадилар. Лекин Исонинг жавоби: «Мен сизларни ҳеч қачон танимаганман», бўлади. Ва мана нима учун:

«Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди, аммо Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради. Ўша кунда кўпчилик Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий, биз Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан мўъжизалар яратмадикми?” – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар» (Матто 7:21-23).

Биз ҳеч ҳам Раббидан бунақасини эшитишни истамаган бўлар эдик. Агар сиз бу парчани Худонинг Сўзидан диққатлироқ

Ўргансангиз, унда, бу одамлар ўзларининг Исо билан муносабатига амин эканини ва ҳатто, бундан илҳомланганини кўрасиз. Коби менга: «Кимсиз? Қаердансиз? Исмингиз нима?», деган бўлар эди. Худди шундай, Исо Уни биламан дейдиган кўп одамларга: «Сизлар ким ва қаердан эканингизни билмайман», дейди (Луқо 13:25).

У БИЛАН ВАҚТ ЎТКАЗИНГ

Раббийдан қўрқиш – бу Худони яқиндан билишнинг бошланғич нуқтасидир, лекин йўлнинг бошида тўхташнинг нима кераги бор? Муносабатларингизда чуқурроқ шўнғинг, чунки У сизни Унга яқинлашишга даъват қилмоқда. Ёзилганки: «Худого яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади» (Ёқуб 4:8). Ҳайратланарлиси шундаки, айнан биз У билан муносабатларимизнинг даражасини белгилаймиз.

Ўзларини масиҳий деб атайдиган кўп одамлар, мен Гаваяда бассейн бўйида учратган ўша аёлдан унчалик ҳам фарқ қилмаслиги, мени ҳайратга солади. Улар ўзларининг «Худо ҳақидаги билимларини» ижтимоий тармоқлардан, сажда кўшиқларидан, блоглардан, дўстлари билан суҳбатлашишдан ва У ҳақида бир ҳафтада бир марта чўпонларнинг воизлигидан олганлар. Лекин уларнинг ўзлари У билан вақт ўтказмайдилар.

Охирги статистика шуни кўрсатаптики, 15 ёшдан то 25 ёшгача бўлган одамлар экранлар – смартфонлар, планшетлар, компьютерлар ва ойнаижаҳон қаршисида бир ҳафтада 53.7 соат вақтини ўтказадилар. Қизиқ, улар Худонинг Сўзи устида қанча вақт ўтказадилар? Бу савол фиқатгина ёшлар учун долзарб эмас!

Мен Муқаддас Китобимни мана қирқ йилдан ортиқ вақт ўтибдики, ўқийман ва бу ҳали ҳануз менинг севимли машғулотларимдан бири. Ўқишдан аввал мен ҳар доим Муқаддас Рухдан Исони янгидан намоён қилишини сўрайман. Кўп йиллар мобайнида мен эрта ўйғонар ва уйимнинг ертўласида ёки меҳмонхонанинг хонасида, ё бўлмаса, уйдан ташқаридаги олис жойда сайр қилиб, шунчаки ўқиб, ибодат қилиб ва тинглаб

вақт ўтказаман. Мен Хушxabарни бутун дунё бўйлаб фақатгина ўз инъомига асосланиб воизлик қилган, аммо Берувчини таниб-билмаган одамлардан бири бўлишни хоҳламайман.


Худо биз билан яқин муносабатда бўлишни хоҳлайди. Унинг мукамал севгиси қўрқувни қувади. Кўпинча биз ўзимизни ўз хўжайинининг эзгулигини кўра олмаган идора қилувчидек иш тутаетганимизни пайқаймиз. Мана нима учун мен Худо сизни Ўзининг муқаддас қўрқуви билан тўлдириши учун ибоат қилишга илҳомлантиряпман. У билан сифатли вақт ўтказинг ва ўзингиз учун Унинг ҳақиқий табиатини – Севгисини очинг.

Худо бизни топди, севди ва Уни таниб-билишимиздан анча илгари биз учун ўлди. У ушбу ажойиб мулоқотни бошлаб берди. У сиз томонда. У сизни яқиндан билишни истайди. Бироқ, Унинг бизга бўлган севгиси шунчалик теранки, бизни Ўзи билан муносабат қуриш учун мажбурлашга рози эмас.

Шундай қилиб, ҳозир танланг! Ҳаётни танланг! Уни яқиндан таниб-билишга қарор қилинг.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Худонинг феъл-атворини билмаслик ҳар доим қўрқувни юзага келтиради. Худонинг табиати ҳақидаги нотўғри тасаввур қандай қилиб инъомларингизни идора қилишга ҳамда даъватингизга таъсир ўтказди?
2. Сиз ўзингизни бутунлай Унга топширганингизда ва Унинг Сўзига итоат қилиб яшаганингизда, Худо билан ҳақиқий муносабат қуриш мумкин бўлади. Сизнинг ҳаётингизда Худо билан муносабатларингизга ҳалал берадиган бирор-хил фикрингиз ёки ҳатти-ҳаракатларингиз борми?
3. Худодан қўрқиш ва Раббийнинг қўрқувига эга бўлишнинг ўртасида катта фарқ бор. Бу фарқ нимадан иборат? Нима сабабдан Худони яқиндан таниб-билиш учун Раббийнинг қўрқувига эга бўлиш ўта муҳим?



«Хўжайин мен сени билар эдим. Сен экмаган жойдан ўриб, сочмаган жойдан йиғадиган қаттиққўл одамсан. Шунинг учун, мен қўрқиб, сенинг талантингни ерга яшириб қўйдим».

– Матто 25:24-25

КЎПАЙИШ УЧУН ТЎСИҚЛАР II

Энди биз ялқов иш бошқарувчининг: «мен қўрқдим», деб айтган иккинчи даъвосини ўрганишга тайёرمىз. Қўрқув уни фалаж қилиб қўйди. Менга Муқаддас Китобдаги оятнинг «*The message*» таржимасидаги учинчи хизматкорнинг сўзлари ёқади: «Сенинг меъёринг юқори эканини биламан... Сен энг яхшисини талаб қиласан ва хатолар учун сийлаб ўтирмайсан».

Бу менга бир воқеани эслатади. Мен иккита мураббийнинг бошқаруви остида баскетбол бўйича мусобақаларда қатнашар эдим. Иккала гуруҳда ҳам мен ҳужумдаги ҳимоячи эдим, чунки бу спортда уч очколар ҳисоби оладиган жойдан туриб, саватга коптокни ташлашни мен яхши ўддалардим.

Менинг биринчи мураббийим бизнинг бор кучимизни ишга солишимизни истарди ва бунинг учун у руҳлантириш ва тузилишдаги тўғирлашни ишлатарди. У менга қарши эмас, балки мен томонда эканини билардим. Мен баскетбол майдонининг барча жойларидан ишонч билан коптокни ташлай олардим. Унинг менга бўлган ишончи менга дадиллик бағишларди.

Менинг иккинчи мураббийим бошқача эди. Унинг сўзларига кўра, у «юқори меъёрларга эга ва хатолар учун сийлаб ўтирмасди». Мен копток ташлаб, нишонга ура олмаганимда, у кейинги танаффус пайтида менга қаттиқ танбеҳ берарди ва

одатда заҳирадаги ўйинчилар жойига қўйилардим. Мен унинг бошқаруви остида коптокларни яхши ташлай олмасдим. Мен бир ўзим машқ қилганимда ва у ёнимда бўлмаган пайтда, мен коптокни саватга майдоннинг ҳамма жойидан туриб, тушира олардим. Бундай вазиятда мен ўз ўйинимни ва истеъдодимни кўрсата олардим, лекин у майдонда бўлган пайтда ўз истеъдодимни қўллай олмасдим.

Агар сиз Инжил оятида хизматкорнинг жавобини ўқиганингизда, у худди менинг танқид қилувчи мураббий ҳақида ўйлаганимдек ўйлаганини кўрасиз. Бироқ бу солиштириш ўртасида катта фарқ бор: аслини олганда, бу хизматкорнинг хўжайини менинг иккинчи мураббийимга умуман ўхшамайди.

Биз охириги бобда айнан шунинг учун Худони билишга вақт ажратишимиз муҳимлигини айтган эдик. У бу ялқов хизматкорнинг тасаввуридаги хўжайинга умуман ўхшамайди. Худо биз томонда. У бизга ишонади ва Унинг бизга ишончи комилдир. Агар биз Унга шу тарзда қарамасак, биз осонлик билан қўрқувга берилишимиз мумкин ва бизнинг инъомларимиз ерга кўмилади.

Энди биз унумсизликнинг умуман бошқа бир асосий сабабига ўтамиз. Олдинги бобда Худони биладиган одамлар борлигини, бироқ улар ҳали ҳам қўрқув билан курашаётганини ва ҳатто, қўрқув таъсирига тушганини эслатиб ўтдик. Худонинг Каломи бу ҳодисаларнинг сабаби ҳақида гапиради ва биз шу бобнинг охирига қадар уларни батафсил муҳокама қиламиз. Бироқ аввал қўрқув ҳақидаги бир нечта ўткир фикрларни ўқиб чиқамиз:

«Инсон ўлимдан эмас, балки ҳали ҳам яшашни бошламаганидан қўрқиши керак».

– Марк Аврелий

«Ҳеч қачон бирорта янги нарсани қилиб кўришдан қўрқманг. Нуҳ кемасини ҳаваскорлар, Титаникни эса профессионаллар қурганини унутманг».

– Номаълум муаллиф

«Биз қиладиган энг катта хато – бу доим хато қилишдан қўрқиб яшашдир».

– Жон К. Максвелл

«Инсон қиладиган энг буюк кашфиётлардан бири, энг катта кутилмаган янгиликлардан бири – бу ўзи учун илгари имконсиз деб ўйлаган нарсани қила олишини аниқлашидир».

– Генри Форд

Мухокамамизни рад қилиб бўлмайдиган навбатдаги ҳақиқатдан бошлаймиз: носоғлом қўрқувнинг акси Худонинг севгиси ҳисобланади. Биз Худони ва одамларни шартсиз севги билан севганимизда, қўрқув йўқолади. Ҳаворий Юҳанно: «Мукамал севги қўрқувни қувиб чиқаради» дейди (1-Юҳанно 4:18).

Бу ҳақиқат ҳақида гапирганда, мен Сан Диего шаҳрида содир бўлган ва кўп нарса учун кўзларимни очган Муқаддас Рух билан учрашувимни ҳеч қачон унутмайман. Мен эндигина хизматимни тугатиб, меҳмонхонадаги ўз хонамда ўтирган эдим. Мен ўғилларимиз учун ташвишдан иборат қўрқув билан курашар эдим. Мен фожиали ўлим топган хизматкорларнинг фарзандлари ҳақида эшитардим. Хизматкорларнинг фарзандларидан кимдир электр тоқдан, кўплари автотранспорт ҳалокатидан, баъзилари наркотик моддаларини кўп истеъмол қилишдан ёки сувга чўкишдан, қолганлари турли сабаблар билан ҳаётдан кўз юмганлар. Мен эндигина яна бир фожа ҳақида хабар олгандим ва мени таъқиб қилаётган нотинчликни ҳайдашга ҳаракат қилардим. Тўсатдан мен қалбимда шундай гапни эшитдим: «Ўғлим, қўрқув – кўрсаткич воситадир. У фақат сенинг Менга ҳаётингда бўйсундирмаган соҳани кўрсатади. Бу соҳа ҳали ҳам ўзинга тегишлидир».

Унинг сўзлари мени ҳайрон қолдирди. Мен ўзим уддалай олмайдиган ишга бел боғлаганимни англадим. Бу ногаҳон келган фикрдан сўнг бир неча сония ўтгач мен хонамда бақириб дедим:

- Ота, бу ўғиллар меники эмас. Мен шунчаки Сенинг фарзандларингнинг бошқарувчисиман. Шунинг учун улар

қандай бўлишларига қарамасдан, Сенинг истакларинг уларнинг ҳаётида амалга ошишини истайман. Сен уларни дунёнинг бошқа бурчагига юборишинг ёки уларни қабул қилиш учун тайёр бўлганингда осмонга олишинг мумкин, бироқ мен уларни нима мақсадда яратган бўлсанг, улар бу дунёда ҳаммасини бажаришларини дадиллик билан сўрайман.

Шундан сўнг мен янада баланд бақирдим:

- Иблис, Исонинг номи билан уларга яқинлашининг таъқиқлайман! Улар Худонинг фарзандлари эканини эълон қиламан ва Худога тегишлиларни ўлдириш, ўғирлаш ва йўқотишининг таъқиқлайман!

Менинг қалбим тинчликка тўлди ва шундан сўнг, мен ҳеч қачон тўртта ўғлимиз ҳақида хавотир олмайдиган бўлдим. Хавотир суқилиб киришга ҳаракат қилганда, мен қатъий дердим: «Мен Сан Диегода ўғилларим ҳақидаги ғамхўрликни Худога топширганман ва ўз қароримни ўзгартирмайман». Ҳар сафар қўрқув дарҳол босилиб, тинчлик қайтиб келарди.

Қўрқув – бу жуда даҳшатли назоратчидир. У разил ва сизни назорат қилишга ҳаракат қилади. Сиз унинг измига тушинингиз билан унинг таъсири остида қоласиз. Агар сиз қўрқувга нотўғри муносабатда бўлсангиз, у сизнинг даъватингизга аралашади. Лекин яхши хабар шундан иборатки, қўрқувни енгиш мумкин, лекин у билан қандай курашишни билиш керак.

ЎЗ ИНЪОМИНГИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Павлус Тимўтийга, ўзининг «руҳий ўғлига» иккита мактуб ёзган. Иккала мактубда у Тимўтийнинг инъоми (харизмаси) эътиборсиз қолгани ва ҳаракатсиз эканилиги ҳақида гапирган. Келинг, энг бошиданоқ қуйидаги фикрни айтайлик: Тимўтий тақводор инсон бўлган. Павлус ўз мактубларида унинг синалган характери ва ҳақиқий инъоми ҳақида мақтанган. Тимўтий Худо табиатини билмаганлиги учун қўрқув билан фалаж бўлган одамлар қаторига аниқ кирмайди. Павлуснинг биринчи мактубида ёзилган: «Сенга... берилган инъомга бепарво бўлмагин» (1-Тимўтий 4:14).

Юнонча «амлёо» сўздан олиб таржима қилинган «бепарво бўлиш» сўзи «аҳамият бермаслик ёки енгилтаклик билан муносабатда бўлиш» маъносини англатади. Бошқа манба бу сўзга кўйидаги таърифни беради: «бирор нима ҳақида ўйламаслик ва натижада, тегишли тарзда ёндошмаслик».

Нима сабабли Тимўтий ёки хар биримиз Худодан бизга берилган инъомимизга аҳамият қаратмаслигимиз, эътибор бермаслигимиз ёки ҳатто, у ҳақида ўйламаслигимиз мумкин? Мана бу битта сабаблардан бири:

У биз кутгандек ҳаракат қилмайди ёки натижалар бермайди.

Кишида шундай фикр пайдо бўлади: «Мен ҳаракат қилиб кўрдим, лекин бу иш бермади». Мен 20 ёшдан ошганимда ва 30 ёшларимга қадар, шундай тарзда ўйлашга кўп марта васваса бўлардим. Мен илгари ёзганимдек, бир кўни Лиза ва унинг дугонаси менинг воизлигим давомида ўхлаб қолишди. Мен: «Агар ҳатто менга яқин кишилар ҳам мен ваъз қилган пайтимда ўхлаб қолса, ким мени эшитишни истайди?» деб ўйладим.

Тахминан ўша пайтда яна бир вазият менинг мағлубият ҳақидаги фикрга келишимга сабаб бўлган эди. Менинг дўстим ва мен якшанба кўнги мактабда дарслар ўтардик. Стуллар қўйилмаган залда дўстимнинг дарсларига 200 тадан ортиқ одам келарди. Айни пайтда менинг синфимда тахминан 20 та одам қатнашарди. Бир марта дарсимга атиги битта киши келган эди!

Мисол келтириш мумкин бўлган яна жуда кўп бошқа вазиятлар ҳам бўлган. Бу пайтларда мен ўз инъомимни шубҳа остига олиш васвасасига дучор бўлганман. Агар мен беҳуда умидлар ва аниқ муваффақиятсизликлар ҳақидаги фикрга берилганимда, мен хизматни қолдирган ва бошқа йўлни танлаган бўлардим. Пировардида, ҳаётимдаги даъватимни қолдирганим учун бахтсиз кишига айланган бўлардим.

Биз яна бир сабабга кўра Худо берган ўз инъомимизга аҳамият қаратмаслигимиз ва бепарво бўлишимиз мумкин:

Бизга қаратилган танқид.

Шубҳасиз, менинг биринчи қўлёзмам қайтарилганда, танқид остига олинганда, кейинчалик биринчи муҳаррир томонидан, сўнг нашриётчилар томонидан рад қилинганда, бошқа китоб ёзмалик ҳақидаги кучли васвасани бошдан кечирган эдим. Мен китобни ўзим нашр қилдирганимда, дўстларимдан бири менинг муаллифлик услубим ҳақида менсимасдан фикр билдирди. Кечқурун шу гапларни эшитганимдан сўнг меҳмонхонамизнинг полида 20 ёки 30 дақиқалар қимирламасдан ётдим. Менинг нигоҳим шифтда бўлиб, кучли умидсизликка тушгандим. Мен китоб учун бир йил умримни ва кўп пулларни беҳуда сарфлаганим ҳақида ўйлардим. Мен шундай деб ўйладим: «Биринчи муҳаррир, нашриётчилар, энди ҳатто, менинг дўстларим – уларнинг ҳаммаси китобни танқид қилдилар. Жон, уйғон! Нима учун сен бу ҳеч нарсага арзимайдиган китоб эканини ва бу муваффақиятсизлик эканини тан олмайсан?»

Агар мен бу фикрларга ва бошқа танбеҳларга берилганимда, яна муваффақиятсиз туюлган иккинчи китобимни ҳам ёзмаган бўлардим. Мен уни Инжил мактабининг собиқ ўқитувчисига юборганимни эсламан. У китобимни кучли танқид қилди ва менинг руҳим янада тушиб кетди! Бу пайтга келиб, икки ярим йил ўтганди ва иккала китоб ҳам муваффақиятга эга бўлмаганди.

Агар қайсидир бир лаҳзада ўз шаънимга қаратилган танқидга ва ўзимнинг умидсизлигимга қулоқ солганимда, мен осонлик билан таслим бўлишим мумкин эди. Натижада мен «Шайтоннинг хўраги» номли учинчи китобимни ёзмаган бўлардим.

Биз яна бир сабабга кўра Худо берган ўз инъомимизга аҳамият қаратмаслигимиз ва бепарво бўлишимиз мумкин:

Муваффақиятсизликдан қўрқиш.

Бу қўрқувнинг истехзоси қуйидагидир: биз бирор нарса бошлашдан аввал муваффақиятсизликни кутамиз ва шунинг учун ҳатто бирор нарса қилишга ҳам уринмасдан ўзимизни ҳимоя қиламиз! Биз шундай деб ўйлаймиз: «Агар ҳеч қандай натижа

бўлмаса, уринишнинг нима зарурати бор?» Кўплаб орзулар ва ваҳийлар муваффақиятсизликдан қўрқиш сабабли барбод бўлган. Худди ялқов иш бошқарувчининг талантига ўхшаб, Худо томонидан берилган инъомларнинг ишлатилмаслиги қандай ачинарлидир.

Менинг дўстим Майлс Монро ўзининг «Ўз имкониятини энг юқори даражада ошириш» номли китобида муваффақиятсизликдан қўрқиш натижалари ҳақида ёзган:

«Қабристон – бу ер юзидаги энг бой жойдир, чунки унда амалга ошмаган умидлар ва орзулар, ёзилмаган китоблар, куйланмаган қўшиқлар дунё юзини кўрмаган кашфиётлар, яратилмаган дорилар кўмилгандир, чунки кимдир биринчи қадамни ташлашга жуда қўрққан».

Майлснинг фикрига қўшилиб, сизга қатъий насиҳат бераман: сизнинг Худо томонидан берилган инъомларингиз бу ҳаётда намоён бўлмасдан қолишига имкон берманг.

Мен ҳозир айтадиган фикр сизни ҳайрон қолдириши мумкин, чунки бизнинг ҳаммамиз Тимўтийни жуда қадрлаймиз. Бироқ Павлуснинг мактубидан Тимўтий ҳам ялқов иш бошқарувчи борган йўлдан юрганлигини билиб оламиз! Унинг Худо томонидан берилган инъоми мудраб қолган ҳолда бўлган ва у бунга эътибор бермаган. Хайрият, унинг бу аҳволда қолишига рухсат бермоқчи бўлмаган имондаги ғамхўр отаси бўлган.

Павлус ўз «ўғлига» ёзган иккинчи мактубида, вақтни бошқа йўқотмасдан, дарҳол бу муаммога ўтади: «Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатайман» (2-Тимўтий 1:6). «Алангалатиб туриш» сўзи юнонча «*аназопурéo*» сўзидан олинган бўлиб, «яна олов ёқиш» маъносини англатади. Бироқ «Юнон-инглиз тили туғати» бу сўзнинг тўлиқ маъносини етказди: «бирор нарса учун янги бошланиш бермоқ, қайта тиклаш». Тимўтийдаги Худонинг инъоми Тимўтийда ҳаракатсиз қолган ва у буни яна ҳаракатга келтириши зарур бўлган. Лекин бундай мудроқ босишга нима сабаб бўлган? Павлус буни қуйидаги оятда тушунтиради:

«Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берди» (2-Тимўтий 1:7).

«Қўрқув» деб таржима қилинган юнонча сўз бу «*деилиа*»дир, бироқ бу сўзнинг энг аниқ таржимаси бу «журъатсизлик» сўзидир. Павлус: «Тимўтий, қўрқув руҳи сабабли Худо сенга берган инъом мудроқ босган ҳолда ётибди» ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, «Тимўтий, журъатсизлик руҳи сабабли Худо сенга берган инъом мудроқ босган ҳолда ётибди».

Биз бу сўзни осон тушунишимиз мумкин. Журъатсизлик «қўрқув сабабли ҳаракат қилишдан ўзини тўхтатиб туриш» маъносини англатади. Лекин энг муҳими – бу журъатсизлик асосида руҳ туради. Бу руҳий кучдир ва агар биз руҳий даражада қўрқувга қарши турмасак, биз ундан тўлиқ халос бўла олмаимиз.

МЕНИНГ ЖУРЪАТСИЗЛИК БИЛАН КУРАШИМ

Мен бу руҳ билан кўп йиллар курашганим учун у ҳақида ҳамма нарса биламан. Мен ўз журъатсизлигим сабаби ўзимнинг шахсий заифлигим деб тахмин қилардим. Бироқ бир кун 1990-йилларнинг бошидаги кўп кунлик йиғилишлар давомида мен бу фикримда адашганимни билдим. Мен кичик шаҳарчада жойлашган бир жамоатда бор йўғи тўрт кун йиғилиш ўтказишим керак эди. Бироқ бу йиғилиш уч ҳафтага чўзилган Худонинг ҳаракатига айланиб кетди. Ҳар кечқурун жамоат биносида бўш жой йўқ эди. Кўпчилик нажотга келарди, шифо топарди ва озод бўлардилар. Менга Худодан берилган инъом – ваъз қилиш инъоми кучли тарзда ҳаракат қиларди. Бу ажойиб вақт эди. Одамлар бу кечки хизматларда қатнашиш учун 150 километрдан ортиқ йўл босиб келардилар. Мен кундузги соатларда жамоатнинг бўш залига кирганимда гўёки Худонинг ҳузурни келиб ўрнашгандек туюлганини аниқ эслайман.

Бироқ охириги ҳафтанинг бир кечки пайтида ҳаммаси ўзгарди. Бундан олдинги кун улўғлаш гуруҳининг бир нечта етакчилари мени танқид қилишди. Бу жамоат етакчиларидан бири хизмат

бошланишидан аввал бу ҳақида менга гапириб берди. Уларнинг сўзлари ўзига ишонган, лекин ранжитмайдиган сўзлар эди. Бироқ мен бу сўзларни хаёлимдан ҳайдай олмасдим. Менинг эътиборим бошланадиган хизматдан кўтарилиб, ўтган кечаси қилган ваъзимнинг танқидига қаратиларди. Бу жамоатнинг чўпони уларнинг бу фикрларини қабул қилмади. Биз аллақачон ҳар кечқурунгидек, ибодат қилдик ва залга кирдик.

Ўша кечқурун ҳаммаси қуруқ бўлгандек туюлди. Мен аввалги икки ҳафта давомида хизмат қилганимдек хизмат қилишга ҳаракат қилдим, бироқ фикрларимни жамлай олмадим ва минбарни тезроқ тарк этишни истадим. Мен орқа эшикдан қочиб кетишни хоҳладим! Мен ўзимни ўсмирлик йилларимда, юқори синфда ўқиган пайтимда ўзимни худди шундай кучсиз ҳис қилган эдим. Мен синфдошларим олдида доскага чиққанимда муваффақиятсизликка учрардим. Менда мойланиш ва Худонинг ҳузури йўқ эди. Бу даҳшатли эди. Мен хизматни эрта тугатдим ва ўзим турган хонага қайтдим.

Менинг Худодан жаҳлим чиққан эди. Нима учун У менга ёрдам бермади? Нима учун бу хизмат бошқача бўлди? Нима учун мен ўзимни тарк этилгандек ҳис қилдим? Мен: «Бу ваъз ва бу хизмат ночор бўлди. Эртага кечқурун ҳеч ким қайтиб келмайди. Мен ҳам у ерга эртага қайтиб боришни истамайман».

Мен эртаси куни ҳамма нарса ўзгаришига умид қилиб, ухлашга ётдим.

Эрталаб мен нохуш ҳиссиёт билан, руҳан тушган ва руҳан сиқилган ҳолатда ўйғондим. Мен ибодат қилишга беҳуда уринардим. Бўладиган хизмат ҳақидаги хавотирланиш кучайиб борарди. Кун давомида мен уч соат ибодат қилиш билан вақт ўтказдим ва бу пайтда мен муваффақиятсизлик ҳақидаги фикрлар билан курашардим. Мен бу нохуш кайфиятдан қутулмагунимга қадар ибодат қилдим ва ўзимни фикран бошланадиган хизматга тайёрладим.

Ўша куни кечқурун жамоат залидаги топиниш ўтган кечқурундагидек қуруқ туюлди ва мен ўзимни одамларга ҳеч нима бера олмайдигандек ҳис қилардим. Яна мен орқа эшикдан

қочиб кетишни истардим. Менинг минбарга чиқишимни сўрашлари билан мен чалкаш-чулкаш қилиб, бир неча дақиқалар давомида гапирдим. Мен фикрларимни жамлай олмасдим. Тўсатдан онгимда шундай овозни эшитдим: «Ҳозир нима дединг? Умуман сен нима ҳақида гапиряпсан? Сен кулгилсан!»

Мен бошқа бунга сабр қила олмасдим. Тўсатдан 600 киши олдида турар эканман, менинг оғзимдан қуйидаги сўзлар отилиб чиқди:

- Мен нима бўлганини билмайман, бироқ охирги икки кун давомида қандайдир ғалати нарса содир бўлаяпти? Ўрнингиздан туриб, мен билан бирга ибодат қила оласизми?

Биз ибодат қилганимизда, Худо менга гапирди – мен Унинг овозини бир кундан буён энди эшитишим эди. У менга Павлуснинг 2-Тимўтий 1:7-оятда айтган сўзларини эслатди ва деди: «Ўғлим, сен саҳнада, ортингда турган олқишлаш гуруҳидан қўрқувга тушгансан, журъатсизлик руҳини қулат ва Мен сенга берадиган ваъзимни етказ».

Мен У айтгандек қилдим ва Худо Каломидан дарҳол жасоратли ваъз олдим. Бу 21 кун давомидаги энг кучли хизмат бўлди. Келганларнинг етмиш беш фоизи олдинга чиқди ва ўзларининг журъатсизликлари билан курашганларини эътироф қилдилар. Ўтиш йўлаклари озодлик ибодатини олишни истовчилар билан тўлиб тошган эди.

Бу жамоатнинг чўпони бир неча ҳафтадан сўнг бу хизмат қанчалик муваффақиятли бўлганини айтиб бериш учун мен билан боғланди. Мени танқид қилган улуғлаш етакчилари жуда ёмон гуноҳлар остида – бевафолик, зино ва ичкиликбозлик билан яшаган эканлар. Ҳамма нарса кейинги икки ҳафтада маълум бўлибди. Уларнинг биттасидан бошқа, қолган ҳаммаси жамоатни тарк этибди. Чўпон шу воқеадан сўнг улуғлаш гуруҳи ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ бирлашган ва самарали бўлганини айтди. Бу кечинма одамларнинг ҳаётини ва бу жамоат хизматини ўзгартирди.

Менинг ҳаётимда бу кечинма йиллар давом этган руҳий сиқилиш ва Худо берган инъомдан фойдаланмасдан баъзан ўз

кучим билан хизматларни ўтказиш билан курашишга барҳам берди. Мен учун энг муҳим очиқлик – бу Исонинг саҳрода Худонинг Каломи билан иблисга бевосита қарши тургани каби журъатсизлик руҳига бевосита қарши туриш кераклигини тушуниш эди. Исо Худодан бу ҳужумларни бекор қилишни сўрамаган. У Ўзи иблисга кетишни қатъий ва тўппа-тўғри буюрган.

ЭЛИЯХНИНГ ЎРНИГА БОШҚА ХИЗМАТКОР ҚЎЙИЛИШИ

Сизга 3-Шоҳлар китоби 17-19-бобларни ўқишни маслаҳат бераман. Бу бобларда сиз журъатсизлик ҳақидаги ҳикояни топасиз. Бу ҳикоядаги воқеа менинг воқеамга ўхшаб кетади. Ҳикояда Элияҳ пайғамбарнинг Исроил қироличаси билан тўқнашуви ёзилган.

Бу буюк пайғамбар Кармил тоғида бутун Исроилга жасорат билан қарши турди. У 850 та сохта пайғамбарга, подшоҳ Ахабга ва унинг хизматкорларига қарши чиқди. Худо бутун халқ олдида олов тушириб, қудратли тарзда Элияҳнинг ибодатига жавоб берди. Элияҳ ҳатто ҳамма сохта пайғамбарларни қатл қилишни буюрди. Элияҳнинг инъоми қудратли тарзда ҳаракат қилди! Шундан сўнг у ибодат қилди ва уч ярим йил давом этган қурғоқчилик тўхтади. Охирида у тез югуриб подшоҳнинг аравасини қувиб ўтиб кетди! Бунинг ҳаммаси бир кунда содир бўлди. Бу ана шундай хизмат кўни эди!

Бироқ қуёш ботгунга қадар Йезебел барча бўлган воқеаларни эшитди ва ҳақиқий жанг бошланди:

«Шунда Йезебел Элияҳнинг олдига хабарчини юбориб: Агар мен эртага, мана шу вақтгача, сенинг жонингни уларнинг ҳар бирининг жони нима қилинган бўлса шундай қилмасам, унда менинг худоларим менга шундай қилсин ва ҳатто оғирроғини қилсин, - деди» (3-Шоҳлар 19:2).

Йезебелнинг таҳдид қилишга ўтиши ҳақида гапиришдан аввал

руҳлар серфингистларга ўхшаши ҳақида айтишни истайман. Серфингистларга тойиш учун тўлқинлар керак бўлганидек, руҳларга ҳаракат қилиш учун сўзлар керак. Шундай деб ёзилган: «Сенга қарши ясалган бирорта қурол муваффақиятли бўлмайди. Сен билан судда тортишадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан (йўққа чиқарасан, жим қиласан). Бу Раббийнинг қулларининг меросидир. Уларнинг оқланиши Мендандир, дейди Раббий» (Ишаё 54:17). Эътибор беринг, биз ўзимизга қарши чиққан ҳар бир тилни жим қилишимиз керак. Бу Худонинг иши эмас, балки бизнинг ишимиздир. Исо саҳрода бўлганида, У Худодан иблисни жим қилишни Худодан сўрамаган. Биз ҳам ҳужумларга дучор бўлганимизда шундай қилишимиз керак.

Йезебелнинг сўзларида кучли журъатсизлик руҳи бўлган. Элияҳ қўйидаги сўзларни эшитиб нима қилганига эътибор беринг: «Буни кўриб, у ўрндан турди ва ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун кетиб, Яҳудияга тегишли Беершебага келди» (3-Шоҳлар 19:3).

Бутун Исроил халқига, сохта пайғамбарларга ва подшоҳга қарши турган бу инсон қочиб кетди. У бутун мамлакатни юриб ўтиб саҳро бўйлаб бир кунлик сафарга жўнади ва дарахт тагида ўтириб ўз ўлими ҳақида ибодат қилди.

Наҳотки, бу ўша одам бўлса? Нима содир бўлди? У ўзини йўқотиб қўйган, тушкунликка тушган ва умидсиз аҳволда қолган ва ўзининг ваҳийсини йўқотган эди. Бу журъатсизлик руҳи белгиларидир. Афсуски, кўплаб одамлар журъатсизлик белгилари ортида турган руҳга қарши туриш ўрнига улар билан курашадилар.

Мен билмаганим учун кўп йиллар давомида бу белгилар билан курашдим. Лекин ўша кўни кечқурун Худо ёмон руҳнинг йўлларини фош қилди. Бунгача мен ўз инъомимни ишлата олмасдим ва бунинг сабабини тушунмасдим.

Элияҳ таслим бўлди ва шунинг учун Худо умидсизликка тушган пайғамбарни сафарга юборди. Унга фаришта кўринди ва Синай тоғига олиб борадиган қирқ кунлик сафар учун озуқа берди. У ўша ерга етиб келиши билан, Худо дастлаб сўраган нарса шу

бўлган: «Элияҳ, бу ерда сен нима қилаяпсан?» (3-Шоҳлар 19:9)

Нима? Тўхтанг-чи! Худо Элияҳ йўлни босиб ўта олиши учун фариштага сафар учун озуқа беришни айтди. Бироқ у ўша ерга етиб бориши биланоқ, Худо ундан нима учун бу ерга келганини сўради. Наҳотки Худонинг хотираси панд берган бўлса?

Албатта, йўқ! Биз қуйидагини тушунишимиз керак. Биз журъатсизлик билан курашганимизда, кўпинча Худо бизни яхши кўргани сабабли бизга хизмат қилиш учун бизни бетараф ҳудудга юборади. Мен ўша хизматлар давомида нима содир бўлганини билмас эдим, бироқ Элияҳ ҳеч нимани билмаганига ишонмайман. У ёмонликка қандай қарши туришни билган, бироқ у бу қироличадан қўрққан.

Биз Худо нимани назарда тутганини сўрашимиз керак. Худо Элияҳ нима учун бу қироличага қарши турмаганини сўради, чунки айнан Йезебел ҳамма ёмонликнинг сабабчиси эди. Уни тўхтатиш керак эди, бироқ Элияҳ қочиб кетди.

Худонинг саволига жавоб бериш ўрнига Элияҳ мавзуни ўзгартирди ва ўзини яқка қолган ҳақиқий хизмактор эканини айтиб, шикоят қила бошлайди. У мунгли бир воқеани айтиб берди:

«Мен қўшинлар Худоси Раббий ҳақида рашк қилдим, зеро Исроил ўғиллари Сенинг амрингни тарк этдилар, Сенинг қурбонгоҳларингни барбод қилдилар ва Сенинг пайғамбарларингни қилич билан ўлдирдилар. Битта мен қолдим ва улар менинг жонимни олиш учун мени изламоқдалар, деди» (3-Шоҳлар 19:10).

Худо бу жавобга умуман эътибор бермади ва яна ўша саволини берди: «Элияҳ, сен бу ерда нима қилаяпсан?» (3-Шоҳлар 19:13). Ва яна Элияҳ ўша мунгли воқеасини айтиб берди (14-оятга қаранг). У таслим бўлди ва кўриниб турган ёмонлик ортидаги ҳақиқий ёмонлик билан курашишни истамади.

Худо яна унинг мунгли жавобини эътиборсиз қолдириб, уни ҳайрон қолдирадиган топшириқ берди:

«Ўз йўлинг билан Дамашқ саҳроси орқали ортингга қайтгин ва келганинда, Сурия устидан Ҳазаэлни подшоликка мойлагин. Нимшининг ўғли Йеҳуни Исроил устидан подшоҳликка мойлагин. Абел-Меҳолаҳдан бўлган Шафатнинг ўғли Элишани эса ўзининг ўрнинга пайғамбарликка мойлагин» (3-Шоҳлар 19:15-16).

Сиз охиридаги «ўзининг ўрнинга» сўзларига эътибор бердингизми? Худо Элияҳ журъатсизликка берилгани ва енгилгани учун Элияҳни ўрнига бошқа пайғамбарни қўйди. Агар сиз ўқишда давом этсангиз, 4-Шоҳлар китобида Элияҳ ўзини ўрнига келиши керак бўлган кишини ўқитишга кейинги тўрт йилнинг кўп қисмини сарфлайди. Яна кўпроқ ҳайрон қолдирадиган далил бор: у Ҳазаэлни ҳам ва Йеҳуни ҳам мойламади. Уларни ўз ўрнига келган Элиша қилди.

Элиша бирор марта ўзини қўрқитишларига йўл қўймади. У жасоратли бўлди ва бирорта ёмонлик олдида чекинмади. Худо у ҳақида шундай дейди: «...Кимки Йеҳунинг қиличидан қутилса, уни Элиша ўлдиради» (3-Шоҳлар 19:17). Йеҳу ва Элиша Аҳаб ва Йезебелнинг ёвуз сулоласига барҳам берди. Бу дастлаб Элияҳнинг вазифаси бўлганига, бироқ унинг журъатсизлиги сабабли унинг даъвати ўзгарганига ишонаман.


Биз Элияҳ ялқов хизматкордан фарқли равишда Худо табиатини билганини тушунамиз. Аммо унинг кураши қўрқув ва журъатсизлик, қандай қилиб бизнинг инъомга ва даъватга таъсир қилиши мумкинлигини аниқ кўрсатади.

Энг муҳими – қўрқув ва журъатсизлик олдида қатъий туриб чекинмаслик керак. Биз бу куч билан тўқнаш келганимизда, Худо бизни қўллайдди. Уни енгил мумкин, бироқ биз Худонинг Каломи ва Унинг ваъдаси ёрдамида рўпарадан туриб ҳужумга ўтишимиз керак.

Мен такрорлайман, Худо сиз томонда. У сизга ишонади. У сизга берган инъомлар билан муваффақиятга эришингизни истайди. Орқага чекинманг. Ҳеч кимга ва ҳеч нарсага сизнинг буюк топширигингиздан ва даъватингиздан тўхтатишига имкон берманг.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Қўрқув кўпчиликнинг орзусидан жудо қилган. У разилдир, у сизни назорат қилишга ҳаракат қилади ва агар сиз қўрқувга нотўғри жавоб берсангиз, у сизнинг даъватингизга аралашади. Қандай қилиб қўрқув сизнинг даъватингизга аралашади?
2. Тимўтий ўз инъомига бепарво бўлмаслик ҳақида огоҳлантириш олган. Нима учун инъомига бепарво бўлиш хавфлидир? Бу бобда келтирилган мисолларга кўра бепарволикнинг қандай сабаби сизга энг кўп таъсир қилди? Нима учун?
3. Журъатсизлик – бу руҳдир. Қандай тарзда сиз бу руҳ билан тўқнаш келгансиз? Бу руҳни қандай қилиб енгиш керак?



*«Ҳар ким ўз ишини текширсин, шунда
бошқанинг иши учун эмас,
ўз иши учун мақтовга эга бўлади.
Чунки ҳар ким ўз юкини кўтариб юради».*

– Галатияликлар 6:4-5

ЎЗ ИНЪОМЛАРИНГИЗНИ ОЧИНГ ВА РИВОЖЛАНТИРИНГ

Энди биз Худо томонидан берилган инъомларни очиш ва ривожлантириш ҳақида гаплашамиз. Мен аллақачон табиий истеъдодлар ва қобилиятларнинг ривожланишини муҳокама қилмоқчи эмаслигимни айтиб ўтган эдим. Агар киши етарли даражада шуғулланса, қарийб ҳар бир киши ҳар қандай ишда моҳир бўлиши мумкин.

Куйлаш ҳақида гап кетганда, менинг оилам бу фикр бўйича гаров боғлаши ва улар ҳақ бўлиб чиқиши мумкин. Мен бир амалий мисол келтирай. Агар мен бирор мусиқа асбоби билан 10.000 соат шуғулланганимда, мен ёмон мусиқачидан ўрта даражадаги мусиқачига айланган бўлардим. Сарфланган вақт ва уринишлар сабабли менинг чаладиган куйим ёқимли мусиқага айланиши мумкин. Бироқ ҳатто бу ғайрат билан қилинган машғулотлардан сўнг ҳам, бу менинг Худо Шоҳлигини қуриш учун даъватимга ёрдам берадиган харизмага айланмаган бўлар эди.

ХУДОНИНГ ИШТИРОКИ

Мазкур бобнинг биринчи қисмида биз Павлуснинг қуйидаги сўзлари ҳақида гаплашамиз: «Ҳар ким ўз ишини текширсин». Сиз ўз даъватингизни ва унга ҳамроҳ бўлган инъомларни аниқлаб топишингиз учун бирор формула мавжуд эмас. Албатта, сиз

нимани яхши қила олишингизни аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган кўп материаллар бор. Бироқ абадий таъсир ҳақида гап кетганда, сизнинг даъватингиз ва харизмангизни очиш учун бизнинг Яратувчимизнинг кўмаги зарурдир.

Баъзан инъомларни аниқлашда Худонинг бевосита иштирокини тушуниш осон. У менга ёзиш ҳақида топшириқни берганини бунга мисол қилиш мумкин. Агар мен 1991-йилнинг ўша ёзидаги ибодатимда сўз эшитмаганимда, ҳеч қачон ёзишга ҳаракат қилмаган бўлардим. Бирорта ҳам китоб ва бирорта ҳам ўқув маркази мени ёзишга ишонтира олмаган бўларди ва ўзим ҳам бунга тасодифан келмаган бўлардим. Яна бир мисол, подшоҳ Довуд ўз қўйларини айиқ ва шердан ҳимоя қилмаганида, ўзининг жангчи эканини ҳеч қачон билмаган бўларди. Бу воқеалардан сўнг кимдир Исроилни филистинлардан озод қилиши керак эди. Ҳамма исроилликлар қўрқиб турган пайтда, Довуд учун хавfli йиртқичлар Гулиёт билан жанг қилиш учун босқич бўлиб хизмат қилган. Худо Довуднинг ёнидаги муҳтожликлар орқали унга ўз инъомларини очишига имкон берди.

Агар Геденга қарасак, у кўпроқ менга ўхшаб кетади. Худо унинг жангчи сифатида даъват қилинганига ишонтириш учун уни жун орқали бир неча марта ишонтириши керак бўлган.

Келинг, бошидан бошлайлик. Сизнинг харизмангизни очишда Худонинг иштироки ҳақида имон билан сўраш жуда муҳим. Худонинг Каломи Уни астойдил ва имон билан излаётганларни мукофотлашини айтади. Худони бепарво равишда, савол ва шубҳаларга тўла ҳолда излаётганларни У мукофотлаши ёзилмаган (Ибронийлар 11:6-ояти муаллиф сўзлари билан айтилган). Исо яна шундай дейди:

«Сўранглар ва сизларга берилади, изланглар ва топасизлар, тақиллатинглар ва сизларга очилади. Чунки ҳар бир сўрайдиган олади, излайдиган топади ва тақиллатганга очилади» (Матто 7:7-8).

Биз ўз харизмамаизни билишга бўлган кучли истакка эга бўлишимиз керак. Бу китоб ўз инъомларингизни очишга ва ишлатишга бўлган оташин истакни қўзғатаётганига умид қиламан. Бу интилиш сизнинг лоқайдлик билан сўрашингизга, излашингизга ва тақиллатишингизга йўл қўймайди. Исо Инжил оятида бизга насиҳат қилганидек, сиз саботли бўласиз. Худо сиздан ниманидир яшираётгани йўқ. У сиз сўраётган нарса ҳақида сизда кучли истак пайдо бўлишини хоҳлайди.

Юқори синфларда мен телескопим бўлишини кучли истардим, чунки мен астрономияни яхши кўрардим ва тунги осмонни ўрганишни хоҳлардим. Мен яхши телескоп олишга кўрбим етмасди, лекин мен астрономия бўйича китоблар ва журналлар ўқишда давом этардим. Мен ҳар сафар кутубхонадан тўртта-бешта китоб ёки журналлар олардим, бўш пайтларимда уларни қизиқиш билан ўқирдим. Баъзан уларни бир неча марта такроран ўқирдим, сўнг уларни кутубхонага қайтарардим ва яна китоб олардим. Китоб ўқиш менинг телескоп олишга бўлган хоҳишимни янада кучайтирди.

Охирида менинг интилишим телескоп учун қандай йўл билан пул тўплаш фикрини ўйлаб топишимга сабаб бўлди. Мен теннис бўйича инструктор бўлиб ишлардим ва фақат ёзги таътил пайтида дарслар берардим. Мен клубда илгари қилмаган ишни қилдим. Клубнинг рухсати билан мен мактабдан сўнг кузги мавсумда хусусий дарслар таклиф қилишга қарор қилдим. Агар бу ишнинг ўлдасидан чиқсам, телескоп сотиб олиш учун етарли даражада маблағ тўплашим мумкин эди. Менинг орзуим амалга ошди! Мен ҳеч қачон бу телескопга қандайдир ўз-ўзидан маълум нарса сифатида муносабатда бўлмаганман. Агар кимдир бу телескопни орзуим шундай кучли бўлишдан аввал совға қилганида, менинг дастлабки кўтаринки руҳим пасайгандан сўнг у дарҳол жонимга теккан бўларди.

Гап Худо сизни қийинчилик билан эшитишида эмас. У сиздан ҳеч нимани қизғанмайди. У Ўз халқини яратиш учун сизга берадиган инъомларга қандайдир ўз-ўзидан маълум нарса сифатида муносабатда бўлмаслигингизни истайди. Сизнинг интилишингиз, сиз ўз орзуларингиз йўлида тўқнаш келадиган қаршиликларга

қараганда кучлироқ бўлиши керак. Шунинг учун сизнинг орзуингиз ўсишига имкон беринг ва унинг кучи эвазига сиз ўз харизмангиз ва инъомларингиз ҳақида билишга доим ҳаракат қиласиз.

Яна Худо қолипга солинган усуллар билан жавоб бермаслигини ҳам тушунишимиз керак. У Ўз фарзандларининг ҳар бирига ўзига хос тарзда жавоб беради. Баъзан Исо билан «шахсий муносабатлар» ҳақида доим гапиришимиз, бироқ харизмамиз ёки инъомларимиз ҳақида билиш учун маълум бир вазиятда Худога қулоқ солишимиз зарур бўлганда, биз формулага риоя қилишни исташимиз мени ташвишга солади. Худо бунини шахсий даражада қолдиришни истайди. У бу фақат сиз ва Унинг Ўзи ўртасида амалга ошишини хоҳлайди. У Ўзининг ҳар бир азиз фарзандининг ибодатига бир хил тарзда жавоб бермайди. Мана шунинг учун Исо бизга сўрашда, излашда ва тақиллатишда давом этишни буюради. Унинг иродасини «қидириш» имконли ва у биз учун жуда фойдалидир.

Бизнинг интилишимизда биз ўзимизга ва бошқаларга саволлар беришимиз мумкин. Бу ҳам қидириш жараёнининг бир қисмидир. Биз одамларнинг донолигини изламаймиз, бироқ биз гаплашадиган одамлар орқали Худонинг овозини эшитишга ҳаракат қиламиз.

Гаплашаётган одамингизнинг кимлиги муҳим. Биз ўзимизни рағбатлантирадиган одамларни топишимиз, бироқ самимий бўлишдан қўрқмаслигимиз керак. Бундай одамлар кўп дегим келади, бироқ аслида улар камчиликни ташкил қилади. Мен гаплашим мумкин бўлган одамларни топа оламан ва улар доим мен эшитишни истаган нарсаларни менга айтадилар. Лекин шундай одамлар ҳам борки, улар қарийб ҳамма нарсага умидсиз, танқидий ва салбий муносабатга эгадек туюладилар. Бундай одамлар келажакни ҳис эта олмайдилар. Бу икки турдаги одамлардан ўзингизни олиб қочинг. Имондаги ота ёки онани ёки сизга қараганда имон йўлини кўп юриб ўтган, хатоларга йўл қўйган ва улар орқали сабоқ олган доно кишини топинг.

Сиз ишонадиган одамлар ҳаётга бефарқ ёки сурбетлик билан қарамасликлари керак. Чунки хафачилиги бор одамларда бепарволик ва шубҳаланиш хислатларини учратиш мумкин.

Кечиришга чаққон бўлган, бир хил диний ҳаёт тарзида қотиб қолмаган, аксинча, Худо Руҳининг янги ҳаракатларига эргашадиган инсонни қидиринг. Энг муҳими, бу инсон ҳаётга абадийлик умиди билан қараши керак. Сиз шундай инсонни топганингизда, у билан муносабатларингизни қадрланг ва бу муносабатни сақлаб қолиш учун барча имкониятни ишга солинг.

Кўп одамлар бу дунёнинг ўлчовларига кўра донодирлар, бироқ улар ҳаётга абадийлик умиди билан қарамайдилар. Сиз бу одамларнинг маслаҳатига маълум бир меъёрда ишонишингиз мумкин. Уларни тинглаётганингизда эҳтиёт бўлинг ва Худонинг Каломи ва ибодат орқали уларнинг маслаҳатларини ғалвирдан ўтказинг.

Сизнинг ота-онангиз, турмуш ўртоғингиз ва чўпонларингиз сиз учун яхши тилак билдирадилар ва одатда доно маслаҳатлар берадилар, лекин истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Мен йигитлик пайтимда отамга, хизмат қилишни исташимни айтдим. Унинг давридаги одамлар «барқарор ҳаёт»нинг ашаддий тарафдорлари эдилар (бу жиҳат имон билан ҳаёт кечириш ҳақида гап кетганда заифлик ҳисобланади). Отам шундай деди: «Ўғлим бу йўлда барқарорлик йўқ». У менга муҳандис бўлишни таклиф қилди, чунки мен математика ва аниқ фанларни яхши ўзлаштираётган эдим ва у ҳам 40 йилдан буён муҳандис бўлиб ишлаётганди. Ўша пайтда мен университетда ўзимни машаққатли олти йилга дучор қилаётганимни тушунмаган эдим! Мен бу фанлар бўйича қобилиятим бўлсада, ўзимни бахтсиз ҳис қилардим, чунки бу ҳаётимдаги Худонинг даъвати эмас эди.

Менинг биринчи ишим Ай-Би-Эм корхонасидаги муҳандислик эди. Бир куни менинг раҳбарим мени ўз хонасига чақириб, шундай деди:

- Бивер, сен муҳандисликда нима қилаяпсан? Сен киришимли инсонсан, сен одамлар ўзаро кўп алоқа қиладиган соҳада ишлашинг керак.

Машҳур бўлган хизматкорлар ҳам кўплаб хизматлар давомида мени четга олиб дердилар:

- Ўғлим, Худо сени Хушхабарни ваъз қилиш учун даъват қилган.

Менинг шахсий ибодатларим вақтида, мен хизмат қилиш билан шуғулланишни истамаган бўлсам ҳам, Худо қалбимни доим хизматга йўналтирарди. Мен учратган ҳамма хизматкорлар менга ғалати кўринардилар. Лекин шунга қарамасдан, менинг қалбим Яратувчига таъсирчан эди. Мен нажот топишимдан аввал бир ҳафталик католик семинарига бордим ва мен хизмат қилиш учун даъват қилинганим ҳақидаги ҳиссиётга эга эдим. Лекин мени католик руҳонийси бўлгандан сўнг, ҳеч қачон уйланмаслик фикри кўрқитарди.

Лекин мен қайта ва қайта тасдиқ олишда давом этардим ва улар охирида, отам берган маслаҳатдан воз кечишимга ёрдам берди. Мен отамни жуда кучли ҳурмат қилардим ва бу Худога маъқул эди. Бироқ мен муҳандисликка ўқиганимда ва кейинчалик мутахассислигим бўйича ишлаганимда, мен нимадир жуда нотўғри эканини билардим. Мен Худонинг бошқарувини доим сўраганим ва излаганим учун У менинг нотўғри йўлдан боришимга йўл қўймади (ҳатто мен учун фақат яхши бўлишини истайдиган отам маслаҳати бўйича боришимга йўл қўймади) ва Ўзининг иродасини аниқ кўрсатди.

Мен ўзимнинг даъватимга ишонч ҳосил қилганимда, бир ярим йил давом этган қидиришимнинг натижаси сифатида, менда алангали интилиш пайдо бўлди. Бу пайтга келиб мен учун муҳандислик дипломини олишимга бир ярим семестр вақт қолган эди. Мен ўқишимни тугатишга ва шундан сўнг дарҳол хизмат қилиш йўлига киришга қарор қилдим. Бу қарор тўғри эди, чунки мени инжил мактаби ўргата олмайдиган стратегияларга ўргандим. Худо бизга таълим бериш учун ҳаётимиздаги ҳамма нарсадан фойдаланади!

Сизнинг инъомингизни очишдаги яна бир муҳим омил – бу соғлом жамоатда ўтқазилган бўлишдир. Худонинг Каломида ёзилган: «Улар Эгамизнинг уйига ўтқазилган, Худойимизнинг ҳовлисида улар яшнайдилар» (Забур 91:14). Агар сиз пахта уруғини эксангиз, ердан қовоқ ўсиб чиқмайди. Ер – бу соғлом маҳаллий жамоатдир ва сиз бағишланган бўлсангиз, сизнинг Худо берган инъомларингиз намоён бўлади. Сиз тадбиркорлик дунёсида,

таълим соҳасида, бошқарувда, спортда ва яна бошқа бирор жойларда даъват қилинган бўлсангиз ҳам ривожланиб борасиз. Худонинг режаси шундай.

ЎЗИНГИЗГА ВА ДОНО ДЎСТЛАРИНГИЗГА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН БЎЛГАН САВОЛЛАР

Келинг, ўзимизга ва доно дўстларимизга саволлар беришга ўтайлик. Тўғри одамларга берилган тўғри саволлар сизнинг нимага даъват қилинганингизни тушунишга ёрдам бериши мумкин. Мана бир нечта мисоллар.

Сиз қандай ишни қийналмасдан қила оласиз?

Бу бошлаш учун яхши нуқта ҳисобланади. Эҳтимол, сизнинг инъомингиз – бу сонлар дунёси, гапларни чиройли тузиш, бинолар қуриш, видео тарихларни яратиш, кийимлар андазасини тайёрлаш ёки тадбирларни ташкил қилишдир. Сизда табиий спорт қобилиятлари, нозик ҳид билиш ва кўриш, тафсилотларга эътиборли бўлиш қобилиятлари бўлиши мумкин. Бу нима бўлишидан қатъий назар ўзингизнинг кучли томонларингизни аниқланг.

Агар сизда мусиқа товушларини фарқлаш қобилияти бўлса ва сиз одамларни Худо ҳузурига бошлашни истасангиз, бу сизнинг ҳамду-санода хизмат қилишга ёки бошқа бирор мусиқа хизматида иштирок этишга даъват қилинганингизнинг яхши ишораси бўлиши мумкин. Агар сиз инсон танаси тузилишига ва тиббиётга қизиқсангиз, сиз Худодан соғлиқни сақлаш соҳасига даъват қилинганингиз ҳақида сўрашингиз керак. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин.

Бироқ бу тахминлар ҳал қилувчи фикр бўлмаслиги керак. Мен жуда яхши теннисчи эдим. Мен теннисни талабалар спортининг биринчи Миллий уюшма дивизияси таркибидаги гуруҳда теннис ўйнай бошладим. Шу билан бирга мен Қўшма Штатлар теннис Иттифоқи ва Дэвис Ёшлар Кубоги мусобақаларида қатнашардим. Мен аввал ёзганимдек, мен уч йил давомида теннис бўйича профессионал ўқитувчи эдим. Бундан ташқари мен катта синф ўқувчилари орасидаги Ғарбий Виржиния штатининг теннис

мусобақасида ғолиб бўлган эдим. Бироқ мен ибодат қилганимда, профессионал теннис менинг даъватим эмаслигини билдим.

Бироқ менинг Арон Бэддели исмли дўстим бор. У гольфнинг буюк ўйинчиси ва «PGA мусобақалари» иштирокчисидир. Бироқ 2004-йилда, у «PGA мусобақалари»да иккинчи йил иштирок этаётган пайтда, унда қийинчиликлар пайдо бўлди (у 2005-йилда қийинчилик билан ўз ўрнига қайтди, чунки ўйинчилар орасида 124-ўринга тушиб қолган эди). Бу қийин йилнинг охирига яқин у бизникида қолиб, бир мусобақада ўйнади. Афсуски у бу мусобақада ҳам ютқазди. Биз у билан бирга Лас Вегасга учиб кетдик. У ерда мен бир анжуманда хизмат қилишим керак эди. Бу хизмат давомида Худо унинг қалбига тўрт марта гапирган: «Мен сени хизматга даъват қилганим йўқ. Мен сени гольф ўйнашга даъват қилганман».

Арон ҳамма кучини гольфга бағишламоқчи эмас эди, чунки у мен шуғулланаётган иш билан шуғулланишни истарди. У ўз вақтининг ярмини анжуманлар ва жамоатларда юриб ваъз қилишга ва қолган ярмини гольф ўйнашга сарфлмоқчи эди. Ўша кечаси у ўзини ўз даъватига ва инъомига тўлиқ бағишлашга қарор қилди. У икки йил ичида гольф бўйича жаҳон рейтингда 16-ўринга чиқди, кейинчалик у «PGA мусобақаси»нинг тўртта ўйинида ва Австралиянинг «PGA мусобақаси»нинг тўртта ўйинларида ғолибликни қўлга киритди. У 15 йилдан ортиқ вақт давомида кўплаб мусобақаларда қатнашди ва у ҳали ҳам ўйнашда давом этмоқда. Унинг таъсири ошди ва у ҳеч қачон жамоатга бормаган кўплаб одамларга хизмат қилиш ва ваъз айтиш учун сон-саноқсиз имконга эга бўлди.

Менинг Ал исмли бошқа чўпон дўстим бор. Кўп йил аввал унинг жамоатида Худо Каломини ўргатишни ёқтирадиган ва у буни яхши қила оладиган бир киши бўлган экан. У жамоатда ўқитувчи чўпон бўлиб ишлашни истаган. Шу билан бирга унинг автомобилларни таъмирлаш бўйича ноёб инъоми бўлган. Унга шаҳарнинг бошқа қисмида жойлашган катта жамоатда ўқитувчи чўпон вазифасини ваъда қилишган. У чўпон Ални тушликка чақириб бу ҳақида маълум қилган. Доно хизматкор бўлган Ал унга шундай дебди:

- Мен сен учун ибодат қилдим ва сен тўлиқ вақтга Худо Каломи ўқитувчиси бўлиб хизмат қилишга даъват қилингансан деб ўйламайман. Сенинг автомобиллар билан ишлаш учун ноёб инъоминг бор.

Бу киши ўз чўпонининг маслаҳатига қулоқ солмаган ва шаҳарнинг бошқа қисмидаги жамоатга хизматга ўтган.

Бир йилдан сўнг унинг аҳволи аянчли бўлган. У ҳали ҳам ўша жамоатда ўқитувчилик вазифасини расмий равишда олмаган, унинг турмуши бузилиш арафасига келган ва унда молиявий муаммолар пайдо бўлган. Якшанба кунги йиғилишлардан бирида Худо унга шундай деган: «Мен сени чўпон бўлишга ҳеч қачон даъват этмаганман. Мен сени ўз маҳаллий жамоатингда Худо Каломини ўргатадиган механик бўлишга чақирганман».

Бу киши чўпон Ал билан учрашган ва унинг маслаҳатига қулоқ солмаганини айтиб тавба қилган ва маҳаллий жамоатга қайтиб келган. У яна ўз иши – автомобилларни таъмирлаш билан шуғуллана бошлаган.

Бир куни у двигател муаммосини аниқлаш учун автомобилни компьютерга улаш мумкинлиги ҳақида туш кўрган. Унинг компьютерларни яхши тушунадиган дўсти бўлган ва улар биргаликда компьютерлаштирилган аниқловчи ускуна ясаганлар. Бу усқунанинг автомобил муаммоларини текширишнинг оддий усулларига қараганда тўрт баробар тезроқ аниқлаши мумкинлиги маълум бўлган. Вақт ўтиши билан бу киши бутун Шимолий Каролина штати бўйлаб автотаъмирлаш устахоналарини очган. Бу устахоналар унинг ноёб кашфиёти билан жиҳозланган. Кейинчалик у чўпон Ал олдига келиб, жилмайиб деган:

- Мен автомобилларни таъмирлашга даъват қилинганман!

Сизни нима руҳлантиради?

Бир куни менинг ёрдамчим ходимларимнинг ҳафта давомидаги «илҳомланиш даражалари»ни ёзиб олишимни сўради. У қуйидаги баҳолаш кўрсаткичини ўрнатди: менинг кўп кучимни оладиган

вазифалар учун -2 баҳо; менинг у қадар кўп кучимни олмайдиган вазифалар учун -1 баҳо; менга озроқ куч берадиган вазифалар учун + 1; ниҳоят, менга куч бағишлайдиган вазифаларга +2 баҳоси белгиланди.

Менда бир нечта вазифалар бор эди: бўлим етакчилари билан учрашув, сафар бўйича парвозлар, ҳужжатлар билан ишлаш, сафар учун чамадонни тайёрлаш ва ҳоказолар. Уларга -1 ва -2 баҳолари қўйилди. Бир нечта вазифалар +1 баҳосини олди, лекин бор йўғи иккита вазифани: ваъз қилишни ва китоблар ёзишни мен самимий равишда +2 баҳоси билан баҳоладим.

Мен бу очиқлик ҳақида ўйлар эканман, кўпинча ёзаётган пайтда вақтни ҳис қилишни тўлиқ унутишимни тушуниб етдим. Баъзан мен тонг саҳарда ёзишни бошлайман ва қандай қилиб вақт ўтганини билмай қоламан. Одатда мен шунча кўп вақт ёзганимдан ақлан толиқаман, лекин айна пайтда мен ўзимнинг руҳланганимни ҳис қиламан.

Мен воизлик қилганимда ҳам худди шундай бўлади. Бизнинг вақт бўйича чекловларимиз ҳали бўлмаган пайтда, мен кўпинча икки соатдан зиёд ваъз қилар эдим. Бу мен учун бор йўғи ўттиз дақиқа ўтиб кетгандек туюларди, лекин бу пайтда тингловчиларимиз нима ҳақида ўйлаганларини билмайман!

Мен бизнинг ижод қилишда истедодли бўлган ўғлимиз Алек, қандай қилиб вақтни ҳис қилишни тўлиқ унутиб, новаторлик лойиҳалари устида соатлаб ишлашини кузатаман. У бизнинг ижодий бўлимимизда ажойиб натижаларга эришди. Мен Лизанинг вақт ҳақида тўлиқ унутиб, хизматдан сўнг аёллар билан соатлаб гаплашишини кузатаман. У уларни мулоқот орқали ривожлантириб, руҳланади.

Альберт Эйнштейн ўз иши устида кўп соатлар ўтказган. У жуда чарчаганда, қўлига темир патнис олган ва стулга ўтирган, сўнг қўлларини тиззасига қўйиб, патнисни ушлаб турган. У уйқуга кетиши билан патнис унинг қўлидан сирғалиб полга тушган. Кучли тарақ-туруқ уни йўғотиб юборган ва у яна ўз ишига қайтган.

Бу сизнинг даъватингизни аниқлашнинг анча осон усулидир.

Сизнинг ҳақиқий инъомингиз ҳатто сиз узоқ вақт давом этган иш туфайли ақлан ёки жисмонан чарчаган бўлсангиз ҳам сизни руҳлантиради. Ўзининг ҳақиқий инъомини аниқлаган кишилар учун машқ қилиш, мусобақалар ёки ишлар дақиқалардек туюлиши мумкин. Шунинг учун ўзингиздан сўранг: «Мени нима руҳлантиради ва вақтни ҳис қилишни унутишга мажбур қилади?»

Сизнинг жавобингиз – бу сизнинг инъомингиз ҳақидаги яхши ўлчагичдир.

Сизни нима жалб қилади?

Сизни нима қизиқтиради? Сизни нима тетиклашишга мажбур қилади? Сиз куйлаганингизда қалбингиз қувончга тўладими? Бошқа ҳеч ким куйламаганда, сиз куйлайсизми? Мен куйлаганимда, мен учун бу тез чарчатадиган оғир меҳнатга ўхшайди. Бу менинг инъомим эмас. Мен бир хонада бир нечта одам билан ўтириб, мусиқа ва қўшиқлар ярата олмас эдим. Бу менга қизиқ эмас, лекин буни яхши кўрадиган одамлар борлигини биламан.

Сизни қандай журналлар қизиқтиради? Сизни YouTubeда қандай видеолар руҳлантиради? Сиз Pinterestнинг расмларини варақлаганингизда, эътиборингизни нима жалб қилади? Мактабда қандай фанларни кўпроқ яхши кўрардингиз? Китоб шахобчасига кирганингизда сизни қандай китоблар ўзига жалб қилади?

Яна бир муҳим савол: агар ҳатто, сизга тўламасалар ҳам, сиз нимани розилик билан қилган бўлардингиз? Кўплаб профессионал спортчиларга тўлашни тўхтатганларида ҳам, улар ўйнашда давом этган бўлардилар. Менинг отам ҳар шанба куни эрталаб стулга ўтқазиб, буғли двигателлар ёки бошқа машиналар қандай ишлашини гапириб берарди. Бир шанба куни эрталабки пайтни яхши эслайман. Ўша куни отам менга буғли қозонни чизиб, унинг қандай ишлашини бир соатдан кўп тушунтирди. Мен учун бу ниҳоятда зерикарли эди ва ўша пайтдаёқ муҳандисликка даъват қилинмаганимни тушунишим керак эди! Мен отамни яхши кўрардим, шунинг учун бу дарслар менга ёқмаслигини айтишга бирор марта журъат қила олмаганман. Мен молиявий

барқарорлик учун муҳандис бўлишга қарор қилиб катта хатога йўл қўйдим. Сиз ҳам шундай хатога йўл қўйманг.

Қанча кўп одамлар ўз ишида ўзларини ёмон ҳис қиладилар, чунки улар бу ишни фақат бир сабаб – маош учун қиладилар!

Мен аллақачон гапириб берганимдек, бир неча йиллар аввал чўпонимнинг хотини сени маблағ танқислиги учун хизматга ололмаслигини айтганда, мен: «Албатта оласиз!», деган эдим. Мен кам маош учун ишлашга тайёр эдим, чунки мени бу хизматдаги вазифа ўзига жалб қиларди. Мени бу вазифага олишганда, чўпонимга ва унинг меҳмонларига ҳафтасига 70 соат хизмат қилиш, мен учун сезилмаган ҳолда бир зумда ўтиб кетарди. Мен кўпинча чўпонлар менга маош беришлари ўрнига, хизмат қилишимга рухсат берганлари учун, мен уларга маош тўлашим кераклигини Лизага айтар эдим.

Мен бу мисраларни иккиланиб ёзаяпман, чунки сиз мени мақтанаяпти деб ўйлашингиз мумкин. Умид қиламанки, менинг мақсадим – бу ўз мисолим билан сизга ёрдам бериш эканига ишонасиз. Биз Лиза билан ўз хизматимизни энди бошлаганимизда, биз олган китоблар учун олган тўловни «Мессенжер Интернэшнл» ҳисоб рақамига ўтказишга қарор қилдик. Мен аллақачон 20 тадан ортиқ китоблар ёзганман ва уларнинг ҳар бирини ёзиш ва таҳрир қилишга тахминан 400-450 соат вақт сарф бўлган. Бу китоб ёзишга қарийб 9.000 соат сарф қилганимни англатади. Бу шанба ва якшанба кунлари билан бирга ҳар кун қилинган уч йиллик ёзувчилик фаолиятидир. Тўғриси айтганда, мен шу уч йиллик ишим учун маош олганим йўқ. Бу менинг даъватимни кенгайтирадиган инъом бўлгани учун бу ишни қилганман.

Мен ростини айтаман, агар менга ҳозирги фаолиятим билан йилига 200.000 доллар маоши бор муҳандислик ўртасида танлаш имкони беришганда, мен бир лаҳза ҳам ўйламасдан ҳозирги фаолиятимни танлагани бўлардим. Мана шунинг учун Павлус ёзади:

«Чунки агар мен буни ихтиёрий равишда қилсам, шунда мукофотга эга бўламан. Лекин буни ўз иродама қарши

қилаётган бўлсам, унда менга топширилганини бажараётган бўламан, холос. Бу ҳолда, менга қандай мукофот бўлади? Мукофотим эса шундай: Хушxabарни воизлик қилаётганимда, маошсиз Масиҳнинг Хушxabарини тарқатиб, Хушxabарда эга бўлган ҳуқуқларимдан фойдаланмаяпман» (1-Коринфликлар 9:17-18).

Қандай одамлар сизнинг эътиборингизни ўзига тортади?

Қандай одамлар сизнинг эътиборингизни ўзига тортишини тушуниш ҳам сизнинг даъватингиз ва сизнинг инъомларингиз ҳақида кўп маълумот бериши мумкин. Маълум бир одамлар сизнинг ичингиздаги инъомларни уйғотиши ва очиб бериши мумкин. Сизни кига ўхшаш инъоми ва даъвати бор ҳамфикр кишиларни топинг. Улар сизнинг кимлигингиз ва Худо сизга қандай инъомлар берганини тушунишингизда ҳал қилувчи рол ўйнайдилар. Сизнинг ҳамфикрларингиз – бу сизни тушунадиган ва сизни қабул қиладиган одамлардир.

Менга хизматкорлар билан мулоқот қилиш ва улар билан хизматдаги воқеалар ва қийинчиликларни ва албатта, Худонинг Каломини муҳокама қилиш ёқади. Менга тадбиркорлар ва ишбилармон одамлар билан алоқа қилиш ҳам ёқади. Бу соҳалар – менинг кучли томонларимдир.

Хизматга раҳбарлик қилишнинг шахсий ишни бошқариш билан умумий жиҳатлари кўп. Биз Лиза билан тадбиркорга айланишга мажбур бўлган эдик. Биз ёш бўлганимизда, биз истагандек ҳаракат қиладиган машҳур хизматлар йўқ эди. Биз намунасига қараб эргашишимиз мумкин бўлган бирорта ҳам хизмат йўқ эди. Бизнинг ўзимиз йўл очишимиз керак эди. Шу сабабли ишбилармонлик дунёсидаги тадбиркорлар биз даъват қилинган нарсани анча яхшироқ бажаришимга ёрдам берадиган нарсаларни менда уйғотарди.

Агар сиз дизайнни яхши кўрсангиз, сиз ўзингизни бошқа дизайнчилар орасида қулай ҳис қиласиз. Агар сиз шифокор бўлсангиз, бошқа шифокорлар билан мулоқот сизни руҳлантиради.

Агар сиз мусиқачи бўлсангиз, бошқа мусиқачилар сизнинг инъомингизни ривожлантиришга ёрдам берадилар. Мен яна давом эттиришим мумкин эди. Сиз ҳамфикрлар орасига тушиб қолсангиз, бу сизнинг инъомларингизни очишга ва ҳатто, қўллашни ўрганишга ёрдам беради.

Агар сиз Худони излашга ва У сизни нимага даъват қилганини билишга вақт ажратмасангиз, бу саволларга жавобларнинг бирортаси ҳам муҳим эмаслигини яна бир марта эслаш муҳимдир. Агар менинг шаклланишим йилларида кўп хизматкорларнинг менга нима деганига қулоқ солганимда, мен бирорта шаҳарни танлаб ва чўпон бўлиб, жамоат хизматини бошлар эдим. Фақат камчилик одам мен ва Лиза икковимиздаги ўзига хос даъват ва инъомларни кўра олдилар. Бошқа томондан, биз қалбимизда ҳис қилган йўналиш бўйича бизга боришга ёрдам берган бир нечта доно хизматкорлар бор эди.

Ўз инъомингизни ривожлантиринг

Энди бу бобни бошлаб берувчи оятнинг иккинчи қисмига ўтайлик: «Чунки ҳар ким ўз юкини кўтариб юради» (Галатияликлар 6:5). Худо ҳар биримизга ўз ҳаётимизни ва Унинг Шоҳлигини қуриш учун куч берган. Бироқ қайсидир пайтда шунчаки имкониятга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслигини ҳаммамиз эътироф қилишимиз керак. У рўёбга чиқарилиши лозим.

Биз ҳаётимиз поёнига келиб қолганда, ҳали кўп нарса қилишимиз мумкинлигини билишимиз қанчалик қайғули бўлар эди. Қанча кўп нарсалар содир бўлмаганини ёки энг ёмони, Худо бизга ишониб топширган инъомларни ривожлантирмаганимиз учун қанча одамлар Шоҳлик таъсирини бошдан кечирмаганини билиш натижасида, Ҳукм тахти олдида пушаймонликнинг оғриғи жуда кучли бўлар эди.

Ҳеч нимани ўзингизда ушлаб қолмаган ҳолда кўз юмиш ҳақидаги қарорни ҳозирнинг ўзидаёқ қабул қилинг. Ўзингиздаги бор нарсани бўшатиб, ҳаммасини беришга қарор қилинг. Бу дунё сиздаги бор нарсага – Худо томонидан сизга берилган

инъомларга муҳтождир.

Сулаймон ҳикматлари китобининг 18:16-оятда Худодан берилган инъомларимиз ҳақида қизиқ фикр бор:

«Совға унинг эгасига кенглик бағишлайди ва уни буюк одамлар олдига олиб боради».

Сизнинг инъомингиз «сизга кенглик бағишлайди» ва сизни «буюк одамлар» олдига олиб боради. «Кенглик» бу ерда икки хил маънога эга. Биринчиси, сизнинг инъомингиз ўз имкониятингизни амалга оширишга ва сиз турган жой билан кейин қаерда бўлишингиз мумкинлиги ўртасидаги кўприкни вужудга келтиради. Иккинчиси, сизнинг инъомингиз сизга ўз даъватингизнинг янги даражаларига кўтарилиш учун силжишга кенглик беради. Ёдингизда тутинг, ҳар бир силжишдан сўнг маҳоратнинг юқорироқ даражаси талаб қилинади. Сулаймон яна шундай ёзади:

«Ўз ишида моҳир одамни кўрганмисан? У подшоҳларнинг қаршисида туради, у оддий одамларнинг қаршисида турмайди» (Сулаймон ҳикматлари китоби 22:29).

Довуд ҳақида ўйланг. Биринчи Шоҳлар китобининг 16-оятда биз Худонинг Рухи подшоҳ Шоулдан узоқлашгани учун у ёвуз рўҳдан азоб чеккани ҳақидаги воқеани ўқиймиз. У енгил тортишни истаб, ўз хизматкорларига яхши мусиқачини топишни ва унинг олдига олиб келишни буюради.

Ёш хизматкорлардан бири жавоб беради: «Мана, мен бетлеҳемлик Йешайнинг киннорни яхши чала оладиган ўғлини кўрган эдим» (Шомуилнинг биринчи китоби 16:18). Довуд фақат истеъдодли эмас, балки моҳир мусиқачи ҳам бўлган. Уни нима моҳир қилган? У ўзининг инъомини ривожлантирган ва шунинг учун у ўз даъватида олға силжиш учун кенгликка эга бўлган.

Инъомлар яхши ривожланмагани учун кўпчилик ўз даъватида муваффақиятга эришмаслиги мумкинми? Бизнинг инъомларимиз

ривожланишининг даражаси биз олишимиз мумкин бўлган олға силжишнинг даражасини таъминлайдими?

Келинг, Павлус Тимўтийга насиҳат қилган илгариги бобнинг сўзларига қайтамиз. Бироқ бу сафар у ўз руҳий ўғлига таклиф қилган ечим ҳақида билиш учун ўқишда давом этамиз:

«Сенга пайғамбарчилик воситаси билан жамоабошилар кенгашининг бошинга қўл қўйиши билан берилган инъомга [бу алоҳида ички инъомга] бепарво бўлмагин. Буларни онгингда фараз қилиб, ўзингни буларга [ўзингнинг хизматинг каби] бутунлай бағишлагин, токи сенинг муваффақиятинг ҳаммага ошкор бўлсин» (1-Тимўтий 4:14-15).

Биз бу доно сўзлардан кўп нарса ўрганишимиз мумкин. Баъзан ўз соҳаларида муваффақиятга эришган эркак ва аёлларни кўриб ва «улар алоҳида инъом билан туғилганлар» деб, уларнинг муваффақиятига паст баҳо бериш осон. Улар сиз каби алоҳида инъом билан туғилган ва улар ўз инъомини ривожлантиришга қарор қилган. Бошқа сўзлар билан айтганда, улар ўз инъомларини қандай ривожлантирганларини кўрмаганимиз, уларнинг ўз инъомлари устида тиришқоқлик билан ишламаганлигини англамайди.

Илгариги бобда кўрсатиб ўтилганидек, Павлус Тимўтийни Худо берган инъомга эътиборсиз бўлмаслик ҳақида огоҳлантириш билан бошлайди. Агар биз инъомга кам аҳамият қаратсак, ўз инъомимизга бепарво бўламиз. У Тимўтийга ўз инъомини ривожлантиришга ўзини тўлиқ бағишлаганда, унинг муваффақияти ошкор бўлишини айтади. Павлуснинг сўзларига кўра бунга машқ қилиш, ривожлантириш ва фараз қилиш билан эришиш мумкин. Келинг, бу ҳаракатларнинг ҳар бири ҳақида қисқача гапириб ўтамиз.

Машқ қилиш

Машқ қилиш «Мерриам-Вебстер» луғатига кўра «бирорта ҳаракатни ёки бирорта ишни кўп марта бажариш»ни англатади. Биз қай даражада машқ қилишимиз даражаси бизнинг очик ижро этишимизни таъминлайди, чунки бизнинг ижромиз доим

биз машқ қилган даражада бўлади. Самарали ошкора ижрога маҳлиё бўлиш осон, лекин шундай изчил амалиёт даражасига олиб келган ҳафталар, ойлар ва йиллар давомидаги машқларни сезмаслик мумкин.

Мутахассисларнинг инсон ҳатти-ҳаракати ва фаолияти бўйича кузатишларига кўра профессионалга айланиш ёки маълум бир маҳоратга эга бўлиш учун 10.000 соат машқ қилиш зарур экан. Бироқ Флорида штати университети профессори К. Андерс Эрикссон «амалиёт мукамалликни беради» деган анъанавий фикрга қарши чиқади. Профессор шунчаки маълум бир ҳатти-ҳаракатларни бажариш ўрнига маҳоратни оширишга қаратилган аниқ бир мақсадли соатлар ўтказилмаса, 10.000 соат машқ қилишнинг ўзи етарли бўлмаслигини тушунтириб, бу фикрни янада ривожлантиради. У бу амалиёт турини «аниқ бир мақсадга қаратилган амалиёт» деб атайди.

«Аниқ бир мақсадга қаратилган амалиёт ўзида қуйидагини ифодалайди: ўзингизнинг қулайлик муҳитингиздан ташқарига чиқинг, лекин бунини диққат билан, аниқ бир мақсадлар билан, бу мақсадларга эришиш режаси ҳамда ўз ривожланишингизни кузатиш усули ёрдамида қилинг».

Агар биз ўзимизни қулай муҳитимиз ва моҳирлигимиз даражасидан четга чиқишга мажбур қилмасак, биз ўсмай тураверамиз. Агар биз «бир мақсадга қаратилган» бўлмасак, «етарли» деб ҳисоблаган даражага етганимизда, биз осонгина мамнунлик ҳиссига берилишимиз мумкин. Шундан сўнг вақт ўтиши билан биз ўз ишимизни бепарволик билан бажаришни бошлаганимизда, бу муносабатимиз бизнинг ижро этишимизга салбий таъсир қилади ва келажақда кўпайтиришга тўсқинлик қилади.

Сиз ўзингизнинг кучли томонларингизни ривожлантираётганингизда чекловлар эмас, кўпроқ озодликка эга бўласиз. Бу сизнинг кўпайтириш учун кучингизни оширади. Бу ўз заиф томонларимиз устида ишламаслигимизни ёки янги кўникмаларга эга бўлмаётганимизни англатмайди. Бу энг катта фойда олиш мумкин бўлган соҳаларга диққат билан куч

сарфлашни англатади.

Мен янги малакаларга эга бўлишни тавсия қиламан, лекин бунини асло ўзингиз даъват қилинган соҳаларга эътиборсизлик эвазига қилмаслик керак.

Масаланинг моҳияти қуйидагидан иборат: ўсиш беихтиёр жараён эмас, у аниқ бир мақсадга қаратилганликни талаб қилади. Агар биз ўз инъомларимизда «моҳир» бўлиш учун доим машқ қилмасак, биз ҳеч қачон ўз кучимизни тўлиқ юзага чиқара олмаймиз. Мана шунинг учун ўзимизнинг шахсий ўсишимиз учун содиқликни сақлашимиз керак. Кўпчилик одамлар ҳаётда буюк ишлар қилишни истайдилар, лекин ҳамма ҳам буюкликка эришиш учун зарур бўлган ишни қилишга тайёр бўлмайди. Ўз малакаларимизда машқ қилиш ва амалда синаб кўриш орқали, буюк мукофот келтирадиган нархни тўлаймиз.

Ривожланиш

Машқ амалий соҳага, ривожланиш эса кўпроқ илм олиш соҳасига тегишлидир. «Ривожланиш» «илм олиш ёки машқлар ёрдамида такомиллашиш, ўсишга ва такомиллашишга ёрдам бериш»ни англатади.

Ривожланиш тўғридан-тўғри мураббийлик билан боғлиқдир. Мураббийлик шахсий ўсиш ва ўз-ўзини камолотга етказиш учун жуда муҳим, чунки у сизга мустақил равишда олиш мумкин бўлмаган конструктив танқид ёки йўл-йўриқни беради. Ўз инъомида муваффақиятга эришган ҳар қандай инсон, ўз йўлида мураббийлик ва йўл-йўриқни олган инсон ҳисобланади. Мураббийларнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар сизнинг имкониятингизни кўра оладилар ва чин қалбдан бунини амалга оширишни истайдилар. Улар ҳатто бу мақсадда сизга нисбатан қаттиққўллик ҳам қиладилар.

Сиз мураббийликни маслаҳатчи ва васийликдаги киши, ота ва фарзанд, она ва бола, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари орқали ҳамда йўл-йўриқ, амалиёт ва бирор касбга ўқиш ёки кўп учратиш мумкин бўлган бавосита китоблар ва материаллар орқали олишингиз мумкин.

Сизнинг инъомингиз соҳасида илм олишнинг яна бир усули – бу ўхшаш бўлган инъомга эга одамлар билан йиғилишдир. Илгари айтиб ўтилганидек, буни кўпинча «ҳамфикрларни топиш» деб аталади. Сизникига ўхшаш истеъдодларга ва интилишларга эга одамлар билан бирга бўлганингизда, сиз улар билан ҳамкорлик қилиш ва биргаликда бирор янги нарса яратиш имкониятига эга бўласиз.

1930 ва 1940-йилларда «Инклинги» сифатида машҳур бўлган ижодкор ёзувчиларнинг гуруҳи Оксфорд университети ҳудуди ёнида жойлашган қаҳвахонанинг алоҳида хонасида йиғилганлар. Бу адабий ташаббускорлар орасида К. С. Льюис ва Ж. Р. Р. Толкин каби кишилар ҳам бўлган. Бу йиғилишларнинг мақсади гуруҳ аъзоларининг тугалланмаган асарларини ўқиш ва танқид қилишдан иборат бўлган. Бу учрашувлар Толкиннинг «Узуклар ҳукмдори» ва Льюиснинг «Нарния йилномаси» асарларининг яратилишини руҳлантирган. Бу ҳамфикрларнинг ажойиб гуруҳидир!

Мулоҳаза қилиш

«Мулоҳаза қилиш» «ўйланмоқ, ўйлаб чиқмоқ» маъноларини англатади. Биз тўхтаганимизда ва ўзимиз ўзлаштирган дарслар ҳақида мулоҳаза қилиш учун вақт ажратганимиздагина ўсиш содир бўлиши мумкин. Биз объектив тарзда ўсишимизни кузатсак ва ривожланишимизни ва ижромизни баҳолаш учун вақт ажратсак, биз эътиборга ва яхшиланишга муҳтож бўлган соҳаларни кўра оламиз. Менинг дўстим Жон Максвелл кўпинча ўз тингловчилари ва ўқувчиларига тажриба эмас, балки баҳоланган тажриба энг яхши ўқитувчи эканини эслатади. Ўзингизнинг ютуқларингиз ҳақида мулоҳаза қилиб, мураббийлар ва ёнингиздаги одамларнинг мулоҳазаларини олинг ҳамда инъомларни яхшилаш ва қўллаш усуллари ҳақида ҳам ўйланг. Ўзингизга ва Худога тўғри саволлар беринг: «Мен нимани ўзгартиришим керак?», «Қайси соҳаларда менда кўпроқ ўсиш бор?», «Қайси соҳаларга кўпроқ эътибор беришим керак?» ва «Янги даражага кўтарилиш учун нима қилишим керак?».

Ўйлашга сарф қилинган вақт – бу беҳуда сарф қилинган вақт эмас.

ЎЗИНГИЗДА САҚЛАБ ТУРМАНГ

Ва ниҳоят, келинг, Павлуснинг Тимўтийга ёзган сўзларини яна бир марта ўқийлик:

«Буларни онгингда фараз қилиб, ўзингни буларга бутунлай бағишлагин, токи сенинг муваффақиятинг ҳаммага ошкор бўлсин» (1-Тимўтий 4:15).


Биз муҳокама қилган нарсаларнинг битта шарти бор: Худо бизни даъват қилган нарсага ва инъомга ўзимизни тўлиқ бағишлашимиз керак. Сизнинг даъватингиз тўлиқ бағишланувни талаб қилади. Худо бизга ишониб топширган нарсага ўзимизни бутун қалбимиз билан бағишласак, бизнинг муваффақиятимиз ҳамма учун ошкор бўлади ва биз ўз кучимизни кўпайтирамиз.

Ҳар биримиз ўз инъомларимизни бошқаришга ва ўз ҳаётимиз устида энг юқори даражада ижодий ишни бажаришга масъулдирмиз. Бизнинг инъомларимизнинг ривожланиши даражаси ўзимиз даъват қилинган соҳада қанчалик даражада олға силжишимиз мумкинлигини таъминлашини ва самарадорлигимизни оширишини билиб олдик.

Биз фақат бир марта ҳаётга келамиз ва бу ҳаётимизда биз ўзимизни тўлиқ бағишлашимиз керак. Ўзимиз билан ҳеч нимани сақлаб турмайлик ва ўзимизни Худога тўлиқ бағишлаб, бор нарсамизни берайлик. Мана шу ҳаётдир. Шундагина биз ҳақиқатдан ҳам жонланамиз ва ҳаётни бутунлигича англаб етамиз.

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Инъомингизни аниқлаш учун ҳеч қандай формула йўқ. Сиз яхши қила оладиган ишни аниқлашга ёрдам берадиган кўп материаллар бўлсада, сизнинг даъватингизни очиш учун Худонинг иштироки керак. Ўз даъватингиз ва ўз инъомларингиз ҳақида донолик олиш учун Худони излаганмисиз? У сизга нима деди?
2. Ўз даъватимизни билишга бўлган интилишимизда биз ўзимизга ва бошқаларга саволлар беришимиз керак. Бу ҳам изланиш жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Сиз ишонадиган одамларни топинг ва улар сизнинг ҳаётингиз ва фикрлашингиз ҳақида нима деб ўйлашларини сўранг.
3. Биргина имкониятга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, уни амалга ошириш керак. Нима учун инъомларни ривожлантириш зарур? Сиз аниқ бир мақсад билан ўз инъомларингизни ривожлантирсангиз, нима содир бўлади?



*«Исо Масиҳда сизлар билан бизни
мустаҳкамлаган ва мойлаган
Худонинг Ўзидир».*

– 2-Коринфликлар 1:21

МОЙЛАНГАН

Шукроналик байрамнинг охириги кунларидан бирида бизнинг оиламиз меҳмонхонада ёзилган дастурхон атрофида ўтирарди. Лиза ҳақиқий зиёфат уюштирди. Кечки овқатдан сўнг ажойиб муҳит шуъласида исиниб, ўзаро муносабатдан роҳатланардик. Мен ота сифатида оиламга ва бизга қўшилган гуруҳимизнинг бир нечта аъзоларига бирор нарса дейишим кераклигини сездим.

Мен ичимда ибодат қилдим ва қалбимга шундай сўз келди:

- Мен аллақачон 60 ёшга кирдим ва кўп жиҳатдан сиз билан донолик билан бўлишишга ўзимни масъул ҳис қилаяпман. Агар сиз мендан охириги 40 йил ичида Худо билан юришимизда Лиза икковимиз қилган ишлар орасида энг муҳими нима эди деб сўрасангиз, мен қуйидагича жавоб бераман: «Изчил бўлингизлар» (Мантиқий, кетма-кетлик бўлсин).

Шу йиллар ичида биз таслим бўлишимиз учун кўп имкониятлар бор эди. Бундан ташқари, шахсий манфаатни кўзлаш, ўз мартабамизни ошириш ёки биз дуч келган қийин шароитларни юмшатиш мақсадида ҳақиқатга виждонсизлик қилиш учун кўп имкониятларимиз бор эди. Бироқ биз ҳақиқатни ўзимизнинг лангарга айлантиришга ва шароитлар қанчалик оғриқли бўлишига қарамасдан уни тутиб туришга қарор қилдик.

Аюб ўз бошига тушган мусибатида айтган энг доно фикрлардан бири шу эди: «Бу мен учун юпанч бўлар эди ва мен оғир

хасталигимдан қувватланар эдим, зеро Муқаддаснинг сўзларини рад этмадим» (Аюбнинг китоби 6:10). Мен хато қилганимда (мен кўп хато қилганман), мен тез тавба қилардим ва Худодан ҳам, одамлардан ҳам кечирим сўрардим. Ҳозир ҳақиқатга изчил итоат қилиш туфайли бой баракаларни кўраяпман ва улар ақл бовар қилмас даражада. Худо ана шундай яхшидир!

Мойланиш

Ҳақиқатга изчил итоат қилиш натижасида келган буюк баракалардан бири «мойланиш» деб аталади. Мойланиш нима эканлигини тушуниш учун буюк тож кийдириш маросими - Худо Исони осмон ва ер Шоҳи вазифасига тантанали ўрнатган кун ҳақида ўқийлик:

«Сен ҳақликни севиб, қонунбузарликдан нафратландинг. Шунинг учун Худо, Сенинг Худойинг Сени шерикларингдан кўра кўпроқ қувонч мойи билан мойлади» (Ибронийларга 1:9).

«Шунинг учун» сўзига эътибор беринг, чунки у бир муҳим ҳақиқатни тушуниш учун жуда аҳамиятлидир. Исонинг иккита нарсада қатъиятли экани буюк фойдага олиб келди ва Унинг мисоли биз учун мисол бўлиши керак. Исо ҳақликни севган. Юнон тилида бу сўз «дикаиосуне» бўлиб, у «олий ҳокимиятнинг талабига мувофиқ» маъносини англатади. Шу билан бирга у қонунбузарликдан нафратланган. Қонунбузарликни ёмон кўрадиган масиҳийлар кўп, бироқ Исонинг қалби бундай эмас: У қонунбузарликдан нафратланади. Юнон тилида бу сўз «аномиа» бўлиб, «Худонинг ҳокимиятига итоатсизлик» маъносини англатади. У Худонинг ҳокимиятидан узоқлаштирувчи барча нарсадан нафратланган, вассалом. Қийинчиликларга қарамасдан Исонинг итоати қатъий бўлгани сабабли Ундаги мойланиш Ўз дўстлариникига қараганда кучлироқ бўлган.

Нима учун мен, кўпайтириш ҳақидаги китобни мойланиш мавзуси билан якунлаяпман? Жавоб оддий, бироқ бу муҳим.

Мойланиш – абадий кўпайтириш учун Худо томонидан берилган қобилиятларни кучайтирувчи омил ҳисобланади. Мойланишни сизнинг инъомларингизни кучайтирувчи деб ҳисобланг. Иккита мисол келтиришга ижозат беринг.

Мен юқори баҳоланишга лойиқ бўлган овози ғоят зўр одамлар ҳақида эшитганман, лекин ўзгаришлар олиб келган, қалбимга чуқур таъсир қилган оддийроқ овоз соҳиблари ҳақида ҳам эшитганман. Уларнинг бир-биридан фарқи мойланишдадир. Мен чуқур мазмунли воизлик қилган одамларни эшитганман, лекин менинг ҳатти-ҳаракатларимда ўзгаришлар содир этиб, қалбимда чуқур таъсир қолдирган оддийроқ воизликлар ҳам бўлган. Уларнинг бир-биридан фарқи мойланишдир.

Бу қайси соҳада даъватга чақирилганига қарамасдан (ҳукумат, ишбилармонлик дунёси, санъат, таълим соҳаси ва ҳоказо), Худога хизмат қилаётган ҳамма кишиларга тегишлидир. Подшоҳ Довуд шундай деган:

«Мени ёввойи буқадай кучли қилдинг, қудратинг билан менга қайтадан куч ато этдинг» (Бу оятнинг бошқа тиллардаги таржимада «менга янги зайтун мойи суртилган» деб ёзилган (Санолар 91:11)).

Унинг сўзлари кўп маънони англатади. Бу оятга доир муҳим шарҳларни ўрганиб, ёввойи буқа тимсоли Худодан ғоят катта кучни олишни англатишини аниқладим. Мойланиш хурсандчилик олиб келади. Худо буни бахтиёрлик ёки хурсандчилик мойи деб атайди, хурсандчилик эса, Худонинг Каломига кўра бизнинг кучимиз ҳисобланади (пайғамбар Наҳумнинг китоби 8:10). Аслини олганда, Саноларни ёзувчи, мойланиш бизга куч ато этишини эълон қилади. У бизнинг абадий ҳосил келтира олишимиз учун ҳаётимиздаги инъомларни кенгайтиради ва кучайтиради.

Мен бу талентлар ва миналар ҳақидаги масалларда гапириладиган муваффақиятнинг яширин омилларидан бири эканига ишонаман. Иккита кўпайтирувчи хизматкорларнинг

меҳнати мойланиш билан кучайтирилган. Мен бу ҳақиқатни «яширин» деб атайман, чунки менинг ўзим унга юқорида кўрсатилган оятлар орқали келдим. Кўпайтириш учун улар итоаткорликда изчил бўлишлари ва ўз хўжайинлари кўрсатмаларига бўйсунмасликдан нафратланишлари муҳим бўлган, шу орқали уларнинг инъомларини кучайтирадиган мойланишни жалб қилганлар.

Довуд янги ёғ ҳақида гапиради. Мойланиш бир марталик ҳодиса ҳисобланмайди. Бу Худога изчил итоаткорликда юрадиганларда бошланадиган ва давом этадиган баракадир. Бу қандайдир бир лаҳзада олинадиган ва «менда аллақачон бу бор» деб ўйлаб, табиийдек қабул қилинадиган нарса эмас. Самсонда мойланиш бўлган, бироқ у уни янги ҳолда сақламаган. У мурасага борган ва итоатсизлик қилган. У қонунбузарликдан нафратланмаган. Бир неча марта бу унга қўл келган, бироқ охирида гуноҳ уни қувиб етган. Худонинг Каломи шундай дейди:

«.....Шунда у кучсизлана бошлади ва уни куч тарк этди. У: “Самсон! Филистинликлар сенинг олдинга келаяптилар”, деди. У уйқусидан уйғонди ва деди: “Олдингидек кетаман ва қутилиб қоламан”. Лекин Раббий уни тарк этганини билмас эди» (Судьяларнинг китоби 16:19-20).

Самсон мойланиш ўзини тарк этганини билмас эди. Мана шунинг учун Довуд ўзининг Ботшева билан итоатсизлик қилганида қаттиқ ибодат қилди: «Ё, Худо, менда тоза юрак яратгин ва менинг ичимда тўғри руҳни янгилагин. Мени юзинг олдидан рад қилма ва Мендан Ўз Муқаддас Руҳингни тортиб олмагин. Менга нажотингнинг қувончини қайтаргин ва ҳукмрон Руҳинг билан мени мустаҳкамлагин» (Санолар 50:12-14).

Довуд қалбининг ноласи, унинг кучли ёлвориши - бу ўз ҳаётидан мойланиш олиб қўйилмаслигини сўрашга қаратилган эди ва у бу Худога итоаткорликда содиқ ва изчил ҳаёт кечиришга боғлиқ эканини билган.

Келинг, мойланиш ва у кимга берилиши ҳақида гаплашишни

давом эттирамиз. Бу бобни бошлаб берувчи оятдаги Павлуснинг сўзларини яна ўқиймиз:

«Исо Масихда сизлар билан бизни мустаҳкамлаган ва мойлаган Худонинг Ўзидир» (2-Коринфликлар 1:21).

Бу оятдаги «мойланиш» сўзи юнонча «*χρίο*» сўздан таржима қилинган бўлиб, у «файритабий тасдиқлаш, баракалаш ва инъомларни таъминлаш шарти билан инсон олдига вазифа қўймоқ ҳамда мойламоқ, ўрнатмоқ, тайинламоқ» деган маънони англатади.

Бу таърифда биз эътибор беришимиз керак бўлган муҳим сўзлар бор. «Тасдиқлаш» сўзи «рухсат бериш ёки бирор ҳаракат учун ҳукумат томонида маъқуллаш» маъносини англатади. Бир сўз билан айтганда, мойланиш – ҳаракат учун илоҳий маъқуллаш деганидир. Исо дейди: «Раббийнинг Рухи Менинг устимда, ...У Мени мойлаб юборди» (Луқо 4:18). Ўқишда давом этар эканмиз, биз мойланиш – нимадир қилиш учун Худо Исони маъқуллашини тушунамиз. Ҳаворий Павлус ҳам шундай дейди: «Яъни Худо Назарет шаҳридан бўлган Исони Муқаддас Рух ва қудрат билан мойлади ҳамда У эзгулик қилиб ва иблиснинг зулми остида бўлганларнинг ҳаммасини шифолаб юрди, чунки Худо У билан бирга эди» (Ҳаворийлар 10:38). Яна гап ҳаракат ҳақида боради.

«*Χρίο*» сўзининг бошқа муҳим таърифи – бу «қўймоқ» ва «тайинламоқдир». Худога хизмат қилишда доим синов даври бўлади. Биз тайинланиш ва мойланишдан аввал, итоаткорликда синаб кўриламиз.

Тўққизинчи бобдаги Майкнинг воқеасида у учун энг катта синов Худо унинг охириги 200 долларини қурбонлик қилишини сўрагани бўлган. Биз Лиза икковимиз билан бўлган воқеада синов қўйидагидан иборат бўлган: бизнинг дастлабки иккита китобимизга бирорта ҳам нашриёт қизиқиш билдирмаган пайтда, биз Худонинг ёзиш ҳақидаги кўрсатмасига содиқ қоламизми? Бу китоблар жамоатчилик томонидан ҳеч қандай эътиборга олинмаган эди.

Исо бир неча марта такрорлайди: «Чақирилганлар кўп, аммо танланганлар оздир» (Матто 20:16, 22:14). Мен «кўп» деган сўз - бу Унга тегишли бўлганларнинг ҳаммаси эканига ишонаман. Ҳар биримизнинг илоҳий даъватимиз бор. Бироқ «танланганлар» - бу тайинланганлардир ва Исонинг сўзларига кўра, афсуски, бундайлар камчиликни ташкил қилади. Нима учун? Чунки маъқул бўлиш жараёнидан ўтиш лозим. Бу сўзларни диққат билан ўқинг: «Масихда синалган Апеллесга салом айтинглар» (Римликлар 16:10).

Апеллес ўз даъватига эришишни истайдиган ҳаммамиз каби синалган. У ўз синовидан ўтган ва шунинг учун танланган ва маъқулланган. Худо Каломи қоидаларига кўра бу ерда бу ҳақида ёзилмаган бўлсада, Апеллес мойланганини ва унинг инъоми Худонинг кучайтирувчи таъсирини олганини биламиз.

Кўп одамлар вақтидан илгари ўзлари даъват қилинган соҳага ўзини-ўзи тайинлайдилар, бироқ улар ўзларининг маъқуллашига эмас, балки Худонинг маъқуллашига интилишлари керак.

«Ўзини-ўзи мақтайдиган эмас, балки Раббий мақтайдиган киши мақтовга лойиқдир» (2-Коринфликлар 10:18).

Келинг, Шукроналик кундаги кечки овқатга қайтайлик. Мен оиламиз ва гуруҳимиз аъзоларига дедим: изчил итоаткорлик – ҳақликни севиш ва қонунбузарликдан нафратланиш, сизнинг даъватингизни амалга ошириш учун жуда муҳимлигини билишингизни истардим, чунки бундай изчиллик биз Унинг мойлашини олишимизга имкон беради.

Ҳаётимизга ўгирилиб қарар эканмиз, биз Лиза билан энг қийин пайтларда ҳам Худога итоат қилганмиз. Кўпинча итоаткорлик унумсиздек ва ҳатто, бизнинг ўсишимиз, фаровонлигимиз, машҳурлигимиз ва бошқа шахсий имтиёзларимиз учун ҳалокатли таъсир қилаётгандек кўринарди. Бизга бу шахсий имтиёзларимиз тобора узоқлашиб бораётгандек туюларди. Лекин қисқа муддатли келажакда биз учун фойдасиз кўринган нарса бизнинг даъватимизга олиб борувчи эшикни очадиган калит бўлиб чиқди.

СИЗНИНГ ЗИММАНГИЗДАГИ ТОПШИРИҚ

Сиз бошқа кишилар қатори даъват қилингансиз. Ҳатто имон қаҳрамонлари деб аталадиган кишилар ҳам даъват қилинганлар. Аниқроғи, сизнинг даъватингиз фақат жамоат муҳитида эмас, чунки фақат баъзи кишилар – кам сонли одамлар бу соҳага даъват қилинганлар. Сиз ўзингиз юборилган соҳада муваффақиятли бўлиш ва ажралиб туриш имтиёзини олгансиз.

- Дониэл Бобилдаги давлат вазибаларида ажралиб турган (Пайғамбар Дониэл китоби 6:3-оятига қаранг).
- Юсуф қудратли Мисрда ажралиб турган (Ибтидо 41:39-оятига қаранг).
- Фива Кенхреяда Хушхабар хизматкори сифатида ажралиб турган (Римликлар 16:1-оятига қаранг).
- Сиз ҳам шундай даъват қилингансиз.

Сизнинг ноёб инъомларингиз бор. Худо сизга сизнинг вазифангизни бажариш учун зарур бўлган қобилиятларни берган.

Худо Базалил ва унинг ишчилар гуруҳи ҳақида мана шундай дейди: «Шундай қилиб, маъбад учун керакли бўлган ҳамма ишни Раббий амр этганидай қилишлари учун Раббий донолик ва фаросат берган Базалил, Охолиёв ва бошқа ҳамма маҳоратли усталар ишлай бошладилар» (Чиқиш 36:1). Бу усталарнинг фаросати бўлмагани каби Мусо, Ҳорун ва унинг ўғилларининг Худо Каломини ваъз қилиш ва одамларга хизмат қилиш учун қобилияти бўлмаган. Бироқ улар маъбадни қуришда ўз қўллари билан ишлаш учун инъом олганлар.

Худо сизга берган маҳоратлар ёрдамида Унинг маъбадини қуриш учун сизга инъом берилган. Бироқ бу маъбад олтин, кумуш, бронза, қимматбаҳо тошлар, эчки териси ва эски аҳддаги маъбад ёки Қуддус маъбадини қуриш учун ишлатиладиган бошқа материаллардан ташкил топган. Бугун Худонинг маъбади тирик тошлардан – одамлардан қурилаяпти ва бу тирик тошлар Худо учун уй сифатида терилмоқда (1-Петъор 2:5 ва Эфесликлар

2:20-22-оятларига қаранг). Сиз Худонинг шарафи йўлида одамларни ривожлантириш учун инъом олгансиз.

Сиз кўпайтириш учун куч олгансиз. Биз – Худо бизга берган инъомларнинг бошқарувчиларимиз ва У бу инъомларимиздан олинган кўп баробар ҳосилни қайтариб беришимизни истайди. Кўпайтириш учун биз осмон стратегиясини излашимиз керак. Етакчилар бизни қоидаларга ўргатиши мумкин, бироқ бу осмон стратегиялари ҳар бир инсонга алоҳида берилади. Уларни китоблардан ёки дарслардан ўрганиш мумкин эмас.

Биз, етакчилар, сиз Уни излашингиз ва Уни эшитишингиз учун фақат далда беришимиз мумкин. Бу аҳамиятсиз туюлган пайтда ҳам Унга қулоқ солинг. Кўпайтиришга олиб келадиган нарса одатда арзимасдек кўринади. Ҳамма уруғлардан майда бўлган хантал уруғи ўсиб, энг катта дарахтлардан бири бўлишини унутманг.

Сиз сармоя қилиб сарфлаш орқали кўпайтирасиз. Бу кўпайтириш кўп шаклларга эга, бироқ биз берганимизда, барака ҳосилини оламиз. Агар уруғ экилмаса (сармоя қилиб сарфланмаса), у бир ўзи қолади, лекин у сармоя қилиб сарфланганда, кўпайтирилган ҳосил келтиради. Сиз исталган пайтда ўз ҳосилингни сақлашингиз ёки уни яна сармоя қилиб сарфлашингиз мумкин. Сармоя қилиб сарфлашдан тўхтаман. Бу сизнинг навбатдаги самарадорлик даражасига ўтишингиз учун калитдир.

Сизнинг рағбатлантирувчи омилинигиз хизмат ҳисобланади. Агар сизнинг мақсадингиз – хизматдан ташқари нарсалар бўлса, сиз ўзингиз истамаган жойга келиб қоласиз. Сиз бошқа одамларнинг кўзи олдида яхши кўринишингиз мумкин, бироқ ўзингизнинг интилишингизни йўқотасиз. Сизнинг чироғингиз ўчиб қолишда давом этади ва ҳатто тўлиқ ўчиб қолади. Бироқ сизнинг юпанчингиз Ундадир, чунки «У синиқ қамишни синдирмайди ва тутаётган зиғир пиликни ўчирмайди. У ҳақиқат бўйича ҳукм қилади» (Ишаё 42:3). Сиз нимаики қилманг, хизмат қилишга интилинг, иккиюзламачиликсиз севинг ва тўқнаш келадиган ҳар қандай қийинчиликларга сабот билан бардош беринг.

Сиз мойланиш олиш истагида бўлинг. Мойланиш – бу сизга куч берувчи омилдир. У сизнинг меҳнатингизга абадий қадр беради. У сизнинг кучингизни кўпайтиради ва ўз соҳангизга ажралиб чиқишингизга имкон беради. У сизни бу дунёнинг одамларидан ва ҳатто, ўзларига Худодан берилган инъомларни хубдин ва дунёвий мақсадларда ишлатадиган жамоатдаги одамлардан ажратиб олади.

Сиз имонга эга бўлишингиз керак. Сизга Худодан берилган кучни кўпайтириш учун бу ягона усулдир. Имонсиз «Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ» (Ибронийларга 11:6). Имонингизни ошириш учун сиз Унинг Каломини эшитишингиз керак. «Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир» деб ёзилган (Римликлар 10:17). Эшитиш, эшитиш ва яна бир марта эшитиш – бу Худо Каломининг қалбингизда мустаҳкам ўрнашишида ёрдам беради. Шунинг учун агар бу китобни қайта ва қайта ўқисангиз, сиз доно йўл тутган бўласиз. Лекин уни шунчаки ўқиманг! Ўқиш давомида уни бир четга қўйинг ва бу ҳақиқатларни ўзингизга қандай қўллаш ҳақида ўйланг, сўнг улар асосида ҳаракат қилинг. Бу китобда тизимли тарзда баён қилинган Худо Каломини ўқиш, фикр юритиш ва ибодат қилиш орқали руҳингизга қабул қилинг. Сиз атрофингизда нима кўраётган бўлишингизга қарамасдан, кўпайтиришга даъват қилингангизга ишонмагунингизга қадар, шундай ўқишда давом этинг. Сизнинг кўпайтириш ҳақидаги ички ишончингиз сизга ташқи шароитлар буюраётганидан кучлироқ бўлиши керак.

Ниҳоят, Худо сиз томонда эканини ёдингизда тутинг! У дейди:

«Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан,
- дейди Раббий, - булар сизларга келажак ва умид бериш
учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир»
(Йермияҳ 29:11).

Худо Каломи яна қатъий айтади:

«Хўш, биз бунга нима деймиз? Агар Худо биз томонда бўлса, ким бизга қарши? Худо Ўз Ўғлини аямай, лекин ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, У билан бирга ҳамма нарсани ҳам бизга ато қилмайдими?» (Римликлар 8:31-32).

Бу дунё худосининг - асосий айбловчи ва шубҳалар экувчининг, хафа қилувчи сўзларини эмас, балки бу сўзларни эшитинг. Сизнинг Яратувчингиз сизнинг Отангиз ҳисобланади ва У сизни даъват қилган ишда муваффақиятга эришишингизни истайди.

Аллақачон 60 ёшга кирган имондаги ота сифатида мен ҳам сиз томондаман! Мен ўзимнинг тенгқурларим ва мендан кўра, сиз янада илгари боришингиз учун сизга илҳом бағишлайман. Биз битта Подшоҳга хизмат қиламиз, битта Шоҳликнинг фуқароларимиз ва битта оиланинг аъзоларимиз. Бизнинг битта имонимиз ва битта топишириғимиз – яъни Худо абадий яшайдиган Унинг уйини қуриш вазифамиз бор.


Келинг, биргаликда меҳнат қилайлик. Келинг, бирлашайлик ва бирликни сақлайлик. Унинг шўхрати Унинг маконини қайта ва қайта тўлдирсин. Бу шу дунё муаммосини ечиш учун ягона йўлдир.

Мен сизни севаман, лекин энг муҳими Ота Худо, Исо Масиҳ ва Муқаддас Руҳ сизни кучли севади. Уларнинг сизга бўлган севгиси абадийдир.

«Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шўхратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган, яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шўхрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин» (Яҳудо 1:24-25).

МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ

1. Мойланиш – бу кўпайтириш учун Худодан берилган қобилиятларимизни кучайтирувчи омилдир. Қандай қилиб мойланишни олиш мумкин? Мойланиш сизнинг инъомларингиз ҳаракатига қандай таъсир қилади?
2. Қандай қилиб мойланиш сизнинг ҳаётингизда янгилашиб туриши мумкин? Агар мойланишга ўз-ўзидан маълум нарса сифатида қаралса, нима содир бўлади?
3. Сиз ҳаётнинг қайси соҳасига ўзгаришлар олиб келиш учун даъват қилингансиз? Мойланиш қандай қилиб бу таъсир доирасида ажралиб туришингизга ёрдам бериши мумкин?



*«Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб,
ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни
ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан
ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка
эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот
топиш учун оғзи билан эътироф этади».*

– Римликларга 10:9-10

Илова

ҲАММА ОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН НАЖОТ

Худо сизнинг тўлиқ ҳаётга эга бўлишингизни иштайди. У сизни бутун қалби билан севади ва Унда сизнинг ҳаётингиз учун режаси бор. Лекин ўз тақдирингизга олиб борадиган йўлни танлашнинг фақат битта усули бор – Исо Масих, яъни Худонинг Ўғли орқали нажотни қабул қилишдир.

Исонинг ўлими ва қайта тирилиши орқали Худо сиз учун, Ўзининг севимли ўғли ва қизи учун Ўз Шоҳлигига йўл очди. Масихнинг хочдаги ўлими тўғайли сиз абадий фаровон ҳаётга эга бўлишингиз мумкин. Нажот – бу сиз учун Худонинг тўхфасидир, уни ишлаб топиш ёки сазовор бўлиш мумкин эмас.

Бу қимматбаҳо тўхфани олиш учун ўз гуноҳингизни ва Яратувчингиздан мустақил яшаганингизни эътироф қилишингиз керак (чунки бу қилинган ҳамма гуноҳларнинг илдизидир). Тавба – нажотни қабул қилишдаги энг муҳим қисмдир. Бутрус бу ҳақида ҳаворийлар китобида тасвирланган, беш минг киши нажот топган кунда аниқ қилиб айтган: «Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглр ва Худого ўгирилинглр» (Ҳаворийлар 3:19). Муқаддас Китоб ҳар биримиз гуноҳга қул бўлиб туғилганимизни айтади. Бу қуллик ўз илдизи билан ўзбошимчалик ва итоатсизликни бошлаб берган Одам Атога бориб тақалади. Тавба – бу ўзингизга ва ёлғоннинг отаси бўлмиш,

шайтонга итоат қилишни тўхтатишни ва бундан буён ўзингининг янги Хўжайинингизга, Исо Масихга – яъни Ўз ҳаётини сиз учун қурбон қилган Зотга қулоқ солишни билдиради.

Сиз ўзингини Масихга бўйсундиришингиз, Уни ўз Хўжайинингизга айлантиришингиз, ўз ҳаётингиз устидан Унга ҳокимиятни беришингиз (Унга ўз руҳингиз, қалбингиз ва танангизни бўйсундиришингиз), ўзингини бутунлай Унга топширишингиз керак. Сиз шундай қилсангиз, Худо сизни зулматдан озод қилади ва Ўз Шоҳлигининг нури ва шўхратига олиб келади. Сиз ўлимдан ҳаётга ўтасиз ва Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо орқали нажот олишни истасангиз, бу сўзлар билан ибодат қилинг:

«Осмондаги Худо, мен ўзимнинг гуноҳкорлигимни ва Сенинг солиҳлигинг ўлчовлари асосида яшай олмаслигимни эътироф қиламан. Ўз гуноҳларим учун мен абадий жазога лойиқман. Сен мени шу аҳволда ташлаб қўймаганинг учун раҳмат, чунки мен Сен Исо Масихни, яъни бокира Марямдан туғилган Ўзингинг ягона Ўғлингни мен учун ўлиши ва хочда менинг жазомни олиши учун юборганинга ишонаман. У учинчи кун тирилганига ва ҳозир Сенинг ўнг томонингда ўтирганига ишонаман. У Менинг Худоим ва Нажоткоримдир. Бугун мен Сендан алоҳида бўлганим учун пушаймонман ва ўз ҳаётимни тўлиқ Раббимиз Исога топшираман.

Исо, мен Сени Ўз Раббим ва Нажоткорим деб тан оламан. Менинг ҳаётимга Ўз Руҳинг билан кир ва мени Худонинг фарзанди қилиб, ўзгартир. Мен шу пайтгача бўлган зулматдан юз ўгираман ва шу кундан бошлаб мен ўзим учун эмас, балки Сен учун Сенинг иноятинг билан яшамайман, чунки мен абадий яшашим учун Сен Ўзингни мен учун қурбонлик қилгансан.

Раҳмат Сенга Худованд. Энди менинг ҳаётим Сенинг қўлингда ва Сенинг Каломингда айтилганидек, мен уятга қолмайман. Исо Масих номи билан омин».

Оилага хуш келибсиз! Сиз билан ҳозиргина нима содир бўлгани ҳақида бошқа имонлиларга гапириб беришингизга даъват қиламан. Инжилга ишонадиган бирорта маҳаллий жамоатга боришни ва сизга имонда далда берадиган имонлилар билан суҳбатда бўлишни бошлаш муҳимдир. Сиз бизнинг хизматимиз билан боғланишингиз мумкин (**MessengerInternational.org**) ва биз сиз яшайдиган жойда жамоат топиб беришга ёрдам берамиз.

Сиз энг ажойиб сафарни бошладингиз. Сиз очиқликда, иноятда ва У билан дўстликда ҳар куни ўсишингиз учун Худо сизни баракаласин!

МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ

Брюс Нигрен: Сенинг таҳрир қилишдаги тажрибанг учун раҳмат. Сен яна менинг қўлёзмамни олдинг ва менинг фикримни йўқотмасдан унга анча яхши ишлов бердинг. Сенинг қийин саволларинг учун ҳам раҳмат, улар бу китобни анча тушунарли ва самарали қилди.

Кори Эмберсон, Лора Уилбур ва Лоран Жонсон: Грамматик, тиниш белгилари қўйиш ва бу ваъзнинг услубининг аниқлиги ва изчиллиги устидаги ишингиз учун раҳмат. Мен сизнинг инъомингизга қойил қоламан.

Крик Пейс: Бу қўлёзманинг бобларини бирин-кетин ўқиш давомида сенинг чексиз илҳом олганинг учун раҳмат. Шу билан бирга 14-бобни тузишдаги ёрдамнинг учун раҳмат. Сенинг қўшган ҳиссанг бебаҳодир.

Эдисон Бивер: Сенинг таҳрир қилиш маҳоратинг ва бу китобни анча яхши ва тушунарли қилган мураккаб саволларинг учун раҳмат. Ҳаммасидан кўра кўпроқ сен содиқ ва руҳлантирувчи ўғил бўлганинг учун миннатдорман.

Алан Нигрен: Бу китобнинг ажойиб дизайни ва муқоваси учун раҳмат. Мен сенинг инъомингдан завқланаман!

«Мессенжер Интернэшнл» гуруҳи: Худо Шоҳлигини қуриш учун сизларнинг ҳар бирингиз саҳна ортида катта иш қиляяпсиз. Исо қандай қилиб сизнинг фидокорлик билан қилган хизматингиз учун буюк мукофот берганини ўз кўзимиз билан кўрганимизда, сиз билан бирга шодликка тўламан.

Худонинг Муқаддас Руҳи: Менинг улкан миннатдорчилигим Сенга қаратилгандир! Бу ваъз Сенинг бошқарувингиз ва Сенинг

донолигингсиз ёзилмаган бўлар эди. Менинг Худовандим ва менинг кучли севгим ҳисобланган – Исо Масих ҳақида давом этувчи очиқлигинг учун жуда ҳам Сендан миннатдорман. Мен Сени бутун қалбим билан севаман ва мен учун Сенга хизмат қилиш ва Сен билан ҳамкорликда бўлиш шарафдир.

МУҚАДДАС РУҲ: КИРИШ

Сиз У ҳақида биласиз – бироқ Уни биласизми?



Биринчи шогирдлар Исо билан уч йил бирга бўлдилар. Улар Унинг ҳамма айтган гапларини тинглаб У билан бирга юрар эдилар. Аммо хочдан олдин Исо энг яқин дўстларига, У Муқаддас Руҳ келиши учун кетиши кераклигини – ва бу уларга яхши бўлиши учун кераклигини айтди (Юҳанно 16:7, 13-14). Агар ҳар кун Исо билан бирга бўлган шот гирдларга Муқаддас Руҳ керак бўлган бўлса, У бугунги кунда, айниқса, бизларга керак. Бизнинг ҳаётимизда Унинг фаол қатнашуви лозим.

Афсуски, кўпинча Муқаддас Руҳни нотўғри тушунишади, натижада, кўпларни Унинг кимлиги ва У бизга Ўзини қай тарзда намоён қилишини билишдан маҳрум қилишади. Муқаддас Руҳ аксарият ҳолларда қандайдир «ғалати» шахсга ўхшаб таърифланади. Бироқ Муқаддас Китоб бизга – Муқаддас Руҳ нарса эмаслигини яққол тарзда айтмоқда. Жон Бивернинг ушбу интерактив китоби сизни, Жамоатдаги энг менсилмаган ва тушунилмаган Шахсни – Муқаддас Руҳни таниб-билишга таклиф қилади.

ЯХШИЛИК ЁКИ ХУДО?

Нима учун Худосиз яхшилик етарли эмас



Агар бу яхши бўлса, демак Худодан, шундайми?

Ҳозирги кунларда «яхши» ва «Худо» сўзи қарийб синоним бўлиб қолди. Бизлар агар жамият бирор нарсани яхши деб ҳисобласа, демак, албатта бу Худога маъқул бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Сахийлик, бўйсунувчанлик ва адолат – бу яхши. Худбинлик, манманлик, шафқатсизлик – бу ёмон. Уларни фарқлаш осондек туюлади.

Лекин ҳаммаси шуми? Агар яхшилик шу қадар аниқ бўлса, нима учун Муқаддас Ёзувда бизлар яхшилик ва ёмонликни фарқлашни ўрганишимиз лозимлигини ёзилган?

“Яхшилик ёки Худо?” – бу янги, ёрдамчи китоб эмас. Бу китоб сиздан феъл-атворингизни ўзгартиришни сўрашдан кўра кўпроқ иш қилади. У сизнинг ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини ўзгартирадиган даражада Худо билан бирлашишга сизга куч беради.

АБАДИЯТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАЁТГАНЛАР

Бугун ва абадиятда аҳамиятга эга бўлган ҳаёт



Бир кунни Худонинг қаршисида туриб, бутун ҳаётингиз учун ҳисобат берасиз. Ҳозир ўзингизга берадиган энг муҳим савол шундаки, - сиз бунга тайёرمىсиз?

Аксарият масиҳийлар, уларнинг хочга ишониши, абадийликда қаерда бўлишни белгилашни биладилар. Бироқ абадийликни қандай ўтказишингизни эса, бу ҳаётда нималар қилганингиз аниқлашни биласизми?

Худо сиз ўз даъватингизни билишингизни истайди, У сиздан ниманидир яширишга уринмайди. Боз устида, У сиз ерда нега яшаётганингизни англаган ҳолда, мазмун ва мақсадга эга бўлишингизга чанқоқ.

Охирги нафаснинг ортида шунчаки охирги манзил эмас, балки абадий ҳаёт кутмоқда. Жуда кеч бўлишни кутманг. Худо томонидан сизга белгиланганларини билиб олинг, токи ердаги ҳамда абадийликдаги ҳаётингиз улкан аҳамиятга эга бўлсин.

КРИПТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

Сизнинг кучингизни ўғирлайдиган нарсани, қандай қилиб зарарлантириш мумкин



Ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга ва ҳар бир душманни яқсон қилишга қодир Супермен каби, Масихнинг издошлари ҳам ўз йўлларидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтиш чун ғайритабиий қобилиятларга эгадирлар. Аммо Суперменда бўлгани каби бизларда ҳам битта муаммо бор – бу бизнинг кучимизни ўғирлайдиган криптонитдир. Сўзсиз, Супермен ва криптонит – тасаввурнинг маҳсулидир. Аммо руҳий криптонит ҳақиқатан мавжуд.

Бу китобда сиз, шубҳасиз, биринчи аср масиҳийлари эга бўлмаган илоҳий кучдан бизнинг кўпчилигимиз нима учун маҳруммиз, деган саволга жавоб топасиз.

“Криптонитни йўқ қилиш” китобида, Жон Бивер руҳий криптонит нима экани, у бизнинг жамиятимизга қандай таҳдид солиши ва унга асирликдан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида сўзлайди.

“Криптонитни йўқ қилиш” кўнгли бўш кишилар учун эмас, нима десангиз денг-у, лекин ширинликни яхши кўрадиганлар учун роҳатижон ҳам эмас. Бу қийинчиликларга рози бўладиган ҳар бир Масихнинг издоши учун жиддий ҳақиқат ва мукофотни ваъда қиладиган ўзгаришлар йўли ҳисобланади.

MessengerX.com



да топиш мумкин

ХУДО ҚАЕРДАСАН

Ўз чўлингизда куч ва мақсадни қўлга киритинг




Эҳтимол, сиз шу пайтгача Худонинг овозини эшитгандирсиз, бироқ ҳозир У сукут сақлаётгандек бўлиб кўриняпти. Эҳтимол, сиз шу пайтгача имонда ҳаракатланиб келгансиз, аммо ҳозир Унинг ҳузурини топа олмаяпсиз. Худодан ваъдани олиш ва уни амалга ошиши ўртасидаги жой бўлмиш – чўлга марҳабо.

Яхши хабар шундаки, чўл – бу мақсадсиз ва қуруқ ер эмас. Худо сизни даъватингизга тайёрлаш ва анжомлаш учун чўлдан фойдаланади. Аксарият кишилар нима деб ўйлашидан қатъий назар, биз Худони шунчаки кутиб ўтираверсак, бу даврдан ўта олмаймиз. Чўлдан ўтиш учун сизнинг иштирокингиз ҳам керак ва сизнинг иштирокингизнинг аҳамияти катта. Агар сиз вақтни беҳудага сарфлашни ва бир жойда айланиб юришни истамасангиз, чўл нималигини билиб олишингиз жоиз.

Ушбу ваҳийларга бой китобда, оммабоп китоблар муаллифи Жон Бивер, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган барча нарсани қўлга киритишда ва ҳаётингизнинг қийин ва қуруқ мавсумидан ўтишда ёрдам берадиган Муқаддас Китобдаги муҳим билимлар ва сермазмун воқеалар билан отлантиради.

X MessengerX

Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл




- 110 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарсликлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар.

Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

MessengerX.com



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

«КЕЛИНГ, ЎЗИМИЗДА ҲЕЧ НИМА ҚОЛМАСИН, ЎЗИМИЗНИ ХУДОГА ТЎЛИҚ БАҒИШЛАБ, ВАФОТ ҚИЛГАНДА БУ ДУНЁДАН ҚУРУҚ КЕТАЙЛИК... АНА ШУНДАГИНА БИЗ ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ЖОНЛАНАМИЗ ВА ҲАЁТНИ ТЎЛА-ТЎКИС АНГЛАБ ЕТАМИЗ».


- ЖОН БИВЕР

Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни кузатувчи сифатида ҳис қилгансизми? Эҳтимол, нимадир қилишингиз лозимлигини биласиз, бироқ айнан нима қилиш кераклигини батамом билмайсиз. Бизнинг орамызда кўпчилик ўз ҳаёти орқали катта таъсир кўрсатишни истайди, бироқ сизда жавоб олмаган саволлар қолган бўлиши мумкин.

- Ўз ҳаётимда Худонинг иродасини назардан қочирмаётганимни қандай билиш мумкин?
- Менинг ноёб инъомларим Худо Шоҳлигини қуришда қандай аҳамиятга эга?
- Худо томонидан менга берилган имкониятни ишлатаётганимга қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?
- Агар мен «хизматда» бўлмасам, менинг бурчим камроқ аҳамиятга эга ҳисобланадими?
- Худо инояти остида бўлиш ва Унинг Шоҳлиги учун ҳаракат қилишда қандай мувозанат сақлаш мумкин?
- Ҳатто ишончсизлик ва хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам қандай қилиб қўрқувни енгиш ва олға юриш мумкин?

Бу таъсирли китобда муаллиф Жон Бивер Муқаддас Китобнинг батафсил тадқиқотиغا асосланади ва сизнинг ўз бурчингиз ҳақида бошқача ўйлашингизга ва унинг Худого нима учун муҳимлигини тушунишингизга ёрдам бериш мақсадида ишончли ҳикояларни ишлатади. Бу китобнинг саҳифаларида сизга Худодан берилган инъомларни кўпайтиришни ва ўз имкониятингизни ишлатишни ўрганасиз!

Агар сиз ўзингиздаги ҳаракатсизликни буюк мақсад билан алмашишга тайёр бўлсангиз, у ҳолда бу сизнинг йўлингизнинг бошланишидир.



ЖОН БИВЕР – халқаро ваъзхон ва машҳур китоблар муаллифидир. У Муқаддас Китобга ўзининг мустаҳкам муносабати билан машҳурдир. Жон ва унинг рафиқаси Лиза «Мессенжер Интернэшнл» – хизмати асосчилари ҳисобланади. Бу хизматнинг мақсади дунёмызни ўзгартирадиган Масихнинг матонатли издошларини етиштиришдан иборатдир. Жон ўз уйида, Колорадода бўлган пайтда тўртта ўғли билан ақлни чарқлайдиган қизиқарли карта ўйини ўйнайди, Лизани эса гольф ўйнашга кўндиришга ҳаракат қилади.



Бепул юклаш ва видео томоша қилиш учун
MessengerX.com саҳифасига ташриф буюринг.

MessengerX



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org

Бу китоб – муаллифдан тўхфа.
Сотиш ман этилади.

Кўпроқ ўстайсизми?
Сканер қилинг!

